

**ОЙША ТҮРАЕВА**

**ОИЛА – МУҚАДДАС  
ҚҰРҒОН**

(Оила педагогикаси)

*Тұлдирілған иккінчи нашри*

**ТОШКЕНТ  
«CHASHMA PRINT»  
2009**

Тақризи  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўтқир Ҳошимов

Масъул мұхаррір  
Педагогика фанлари доктори, профессор **Сафо Очил**

Ушбу қўлланма муаллифнинг оила педагогикаси соҳасидаги кўп йиллик иш тажрибаси, кузатиш ва ижтимоий тадқиқотларининг натижалари асосида юзага келди. Муаллиф уни мазкур курс маърузачиси сифатида, ёшлар билан ўтказган тематик кечалари, ота-оналар, ёш келин-куёвлар билан олиб борган сұхbatлари, ёзишмалари ҳамда болалар тарбиясига бағишилган анжуманларда қылган маъруза матнларига таянган ҳолда тартибга солган.

Китобда ўз аксини топган фикр ва мулоҳазаларнинг баъзилари вакъти матбуот саҳифаларида эълон қилинган ва педагогик жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлган. Қўлланма педагогика университетларининг юқори курс талабалари, ўрта мактаб ўқитувчи ва тарбиячилари, синф раҳбарлари ҳамда ота-оналар ва тарбияшунослик билан қизикувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-350-28-1

© О.Тўраева, 2009

© «Chashma Print» МЧЖ, 2009

## **Ойша Тўраеванинг «Оила – муқаддас қўрғон» китоби ҳақида**

Оилани муқаддас санамаган одам учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Зеро, ҳар бир оила бир Ватандир. Ватан эса Она каби эзгу тушунча...

Республикамиз педагогикасига салмоқли улуш қўшган таникли олима Ойша Тўраеванинг оила педагогикасига, шарқона тарбияга оид тадқиқотлари анча йиллардан бери олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда, оддий оиласарда ҳам мутолаа қилинади ва ёш авлод тарбиясига амалий ҳисса қўшиб келади.

«Оила – муқаддас қўрғон» китоби аввал ҳам нашр этилган ва қизиқиб мутолаа қилинган эди. Китобнинг янги нашри талай фикр ва қузатишлар билан бойитилган.

Бир қараашда оила ва фарзанд тарбияси аичайин оддий ва тушунарли кўринса-да, аслида бу ўта мураккаб ва қўпқиррали соҳа. Мазкур китобда қаламга олинган қирққа яқин тушунчанинг ҳар бири алоҳида мавзу бўлиб, ҳаммаси ягона мақсад – оила педагогикаси ва комил инсон тарбиясига бориб тақалади. «Оилавий удумлар», «Ота-она обрўси – тарбия асоси», «Оилада эркак қадри», «Аёл баҳти, оила саодати ҳақида», «Қарс икки қўлдан», «Ўғил бола тарбияси», «Қайнота-қайнона ҳам ота-она», «Куда-андалар муносабати» каби бобларнинг сарлавҳасиданоқ кўп нарсани англаш мумкин. Муҳими шундаки, китоб шунчаки «насиҳатгўйлик», қуруқ ва зерикарли «дидактика» эмас. Муаллиф қайси мавзуга мурожаат қилмасин, аниқравшан, ибратли воқеалар мисолида ўз мулоҳазаларини исботлашга ҳаракат қиласди. Бу эса тўпламнинг ўқишли ва ишончли бўлишини таъминлайди.

Ўйлайманки, «Оила – муқаддас қўрғон» китоби ўқувчилар томонидан қизиқиши билан кутиб олининади ва у фақат ёшлар эмас, катталар маънавиятини юксалтириш учун ҳам хизмат қиласди.

**Ўтқир ҲОШИМОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
07.07.2009**

## СҮЗ БОШИ

Ҳар бир инсон ҳәётида, у қайси жинсга мансублигидан қатый нazar, оила қуиши масалаларини ҳал қилиши лозим бүлган вақт келади.

Оила жамият ҳәётида муҳим ўрин тутади. У инсон авлодини давом эттиришдек буюк ва улуғвор вазифани бажаради. Оила одамнинг шакллантирувчи, меҳнат қобилиятини тиклашга хизмат қилувчи ва энг муҳими маънавий тарбияловчи муҳитдир. Болаликнинг дастлабки йилларида инсон шахси феъл-атворининг асоси вужудга келади, инсонийлик фазилатлари ва ахлоқи таркиб топа бошлайди.

Агар оиласа иқлим мўтадил бўлса, униб-ўсаётган ўғил-қизлар, албатта, ҳәётда ўз ўринларини топишади. Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган оилавий қадриятлар эъзозланидими, демак, оила аъзолари турли иллат ва ёмонликлардан йироқ юришади. Шунинг учун ҳам инсоннинг келажаги кўпроқ оиласа ва оилавий муносабатларга боғлиқ бўлиб, қайси мамлакатда бўлмасин, жамият инсониятнинг табиий эҳтиёжи бўлган оила қуиши ва болалар тарбияси каби масалаларга бефарқ қарай олмайди.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Ёшлиримизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳәёт агадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўргони бўлмиш оиласи мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг бурчимиизга айланишини истардим», деб таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бу ёруғ дунёда ҳәёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ёшлиримизга оила қуиши нақадар муҳим ва масъулиятли эканини англатиш, соғлом оиласи шакллантириш ва оиласа юксак маънавий муҳитни қарор топтириш учун зарур шартшароит яратиш, ёшлирни оила қуишига тайёрлаш, оиласар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиган.

Оила қуришда туғилиш, болалар тарбияси, уларни ижтимоий-фойдали мәхнатта тайёрлаш каби мақсадлар күзланады. Оиланың бундай ижтимоий вазифаси жамият учун ҳам, әр-хөтін учун ҳам жуда мұхимдір. Шунга күра ота-она ва болалар, оила ва никоҳ мұносабатларини мұвофиқлаштириш учун давлат миқёсідаги тадбирлар ҳамда ёрдам зарурати вужудға келади.

Хеч шубҳа йүқкі, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган мұқаддас интилишідір.. Агар ота-боболаримизнің турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб ва етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини күрамиз.

«Соғлом авлод» давлат дастури ва унинг устувор олти йұналишида балоғат ёшига еттан ўғил-қызларимизни мактабдаёқ оиласың ҳаётта руҳан, жисмонан ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш, ёшлар ўртасида соғлом оила түшунчасини тарғиб этиш, улар саломатлигини, тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш ҳамда бу соҳада маҳсус қўлланмалар яратиш қераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Оила муаммолари орасида ота-оналарнинг ўзаро мұносабати ва ёш авлодни мустақил ҳаётта тайёрлаш, тұғрироғи, бўлажак оила бошқарувчиси сифатида тарбиялаш долзарб масала ҳисобланади. Шу маънода ота-оналар, маҳалла, мактаб, ўқув юртлари, кенг жамоатчилик зиммасига ёшларни оиласың ҳаётни ўташдек масъулиятли вазифани ба жарышга, уй туғиши, рўзгор, оила хўжалигини тежаб-тергаб бошқаришга тайёрлаш, уларда «эркак», «аёл» фазилатларини тарбиялаш, ўзаро муомала-мұносабат одобини таркиб топтириш, уларга она мәхри, ота ғамхўрлиги, фарзанд миннатдорлиги нималигини ва ҳаётда уларга амал қилиш зарурлигини уқтириш юқлатилған. Оила баҳти, фарзандлар истиқболи учун ўғил-қызларимизни оиласың ҳаётнинг ҳамма муаммоларига масъулият билан ёндашадиган, ўз умр йўлдошини хурмат қиласидиган, унга ҳамиша таянч, содик дўст

бўладиган, шунингдек, келин-куёвлик вазифасини ўрнига қўя оладиган қилиб тарбиялаш зарур.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда аҳил, баҳтли оиласалар билан бир қаторда, турмушдаги, рўзгордаги айрим арзимас машмашалар сабабли ажралишгача борадиган ёш оиласалар ҳам учраб турибди. Олий маълумотини ёки олимлиги ҳақидаги дипломларини рўкач қилиб, қайнона-қайноталарини бехурмат қиласидиган, ўз билими, хусн-жамолига ортиқча баҳо бериб, куёвлик, келинлик масъулиятини унутиб қўяётган ёшлар сони камайтаний йўқ.

Ёшларни оиласавий ҳаётта тайёрлашда уларга оила-турмуш муносабатларининг бутун тизимини, яъни оиласада соғлом мұхит яратиш, бир-бирини тушуниш, майдада-чўйда гапларни четлаб ўтиш, муроса-мадорани билиш, уй тутиш, рўзгор тебратиш, поклик, зеболик, ҳаё-андиша, қайнота-қайнотани сийлаш, қайн-бўйинларни туғишганларидек кўриш, туғилган фарзандларни қобил қилиб тарбиялаш каби гўзал фазилатларни сингдириб, ўргатиб бориш зарур.

Балоғатга етмаган қизларни турмушга бериш, тўй ва бошқа расм-русумларни серчиқим қилиб ўтказиш ҳолларига барҳам берилгани йўқ. Оиласада маънавий-руҳий мұхитни соғломлаштириш, аҳолининг барча қатламларини қонунчилик, соғлом турмуш тарзи қоидалари руҳида тарбиялаш ишини ёшлиқдан изчил олиб бориш, мактабларда, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида ёшларни оқилона турмушга тайёрлашга эътиборни кучайтириш фоят мұхимдир.

Йигитларда аёлларнинг она бўлишдек юксак бурчини қадрлаш, уларга зарур ёрдам ва мадад беришга тайёрлик руҳини тарбиялаш лозим.

## БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ ҮНДАН АЗИЗ

Болажонлик — халқимизга хос азалий мұътабар одат. Үрфодатларимизга күра, оилада фарзанд туғиши ота-оналарға ҳам, қариндош-урұғ ва яқын кишиларға ҳам катта қувонч бахш этади. Янги «мәхмөн» шарафига хұрсандчилик анча кунгача давом этади. Келгән кишилар уй әгаларини янги «мәхмөн» билан қутлаб: «Катта бўлсин», «Бахтини кўринг», «Ақли-хушли бўлсин» деган яхши истаклар билдиришади.

Ота-она фарзандига яхши ният билан исм қўяди, шу кундан унинг келажаги, бахтини ўйлайди. Фарзандни ахлоқ-одобга ўргатиш, ўқитиш, каттароқ бўлганда бирор касб-хунар эгаси бўлишига ғамхўрлик қилиш — ота-онанинг бурчидир.

Болани касб-хунарга ўргатишда қадимдан «ота касб — она расм» нақлига қаттиқ риоя қилинганд. Шунга кўра ўғил бола ёшлик чогиданоқ ота ёнида дастёрликка ўргатилиб, ота хунарини әгаллаган, қиз бола эса она расмини тутган.

Қиз бола катталар билан гаплашганда нафосат билан секин сўзлашта ўргатиларди. Катталарга тик қарашиб — хурматсизлик, беодоблик санаалган. Уйда кексалар йифилган пайтда аёллар ярим овоз билан сўзлашишган ёки имо-ишора билан бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилишган. Кексалар, ўзидан ёши улугларнинг хурматини бажо келтириш уларга кўр-кўрона сажда қилиш эмас, балки отажон-онажонлар турмуш тажрибаларига, билимларига хурмат, яратиб берган шарт-шароитлари учун миннатдорчиллик белгисидир.

## ОИЛАВИЙ УДУМЛАР

Ислом дини таълимотига кўра фарзанд кўрган ота-она зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади: туғилган бола қулоғига аzon айттириш, унга муносиб исм қўйиш, жонлиқ сўйиб, ақиқа қилиш, (ўғил бўлса, қўлини ҳалоллаш,) ахлоқ-одоб, илм-хунарга ўргатиш, бўйга етганда муносибиға уйлаш, узатиш — бошни иккита қилиб қўйиш кабилардир.

Одатта кўра, ота-боболаримиз таваллуд топған боланинг қулоғига, биринчи навбатда, бир мулла чақириб, аzon айттирганлар.

Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино гүдак чилласи тұғрисида минг йил бурун айтиб кеттеган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз ақамиятини йүқтөмеган. Таваллуд топған чақалоқ тұнғич фарзанд бўлса, бозордан бешик сотиб олинган. Одатда, бешикни келиннинг ота-онаси олиб келган. (Иккинчи ёки навбатдаги фарзанд туғилған бўлса, опа-акаларининг бешигига беланади.) Мустаҳкам, қулай, хосиятли битта бешик бир оиласидаги фарзандларнигина эмас, уч-тўрт авлодни тарбиялаб, вояга етказиши мумкин.

Ўзбеклар ва тожикларда бобоси, отаси ётган бешикда парвариш топған болалар бор. Ёш оналар ихлос қўйиб, мана шундай хосиятли, қўхна бешикларда ўз чақалоқларини боқишини афзал кўрадилар.

Ўзбек халқи щунинг учун бешикни муқаддас билиб, уни ҳеч қачон, чақалоғи бўлмаса ҳам, ташлаб юбормайди. Ҳамиша ўзи, оиласи билан бирга олиб юради. Бешик бор жойда бола бўлади. Бола бор жойда алла айтилиши табиий. Оналар қадимда ўз болалари бешиги тепасида кечаси бўлсин, кундузи бўлсин, алла айтниб келишган.

Аллаларда халқ турмушининг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топған. Алла ўз оҳангиги билан болага она нафасини етказиб туради. Гўдакни хотиржам қиласи, элитади, ором олиб ухлашига имкон беради. Аллаларга оналар ўз ҳистийфулари, орзу-армонлари, истак-ниятлари, дард-ҳасратларини ҳам қўшиб айтганлар. Алла тарбиявий, дидақтикашканавий ижод намуналаридан иборат бўлган. Алла тинглаган бола онага меҳрини сут билан ўз шуурига сингдиради. Алла инсон онг қатламларида бир умр мунгли, ҳазин, нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади. Алла эшиитмаган болада бу хусусиятлар бўлмайди. Алла нафақат онанинг болага меҳри, балки боланинг онага меҳр-оқибатининг ҳам манбаидир.

Болага муносиб исм танлаш ва қўйиш ҳам азалий одатdir. Халқ орасида одам боласи ўз хулқ-атвори, феъли ва шу жумладан, исми орқали билинади, деган гап бор. Ота-оналарниг энг муҳим бурчларидан бири ўз фарзандларига муносиб исм топиб қўйишдан иборат. Бу иш ғоятда жиддий, масъулиятли

саналиб, қўйиладиган исм бўлажак фуқаронинг келажа тақдири – ҳаёт йўлига таъсир қиласи, деб тушунилга Шунинг учун ҳам уруғ, касб-кор, сулола мавқеига мос ис қўйиш тақозо қилинган. Аввало, исмлар мавруди билан хува пайғамбарларнинг номлари асосида Расул, Акбар, Наб Мұхаммад деб аталган. Бу билан фарзанд Аллоҳи таолони марҳаматидан дунёга келди, умри узун бўлсин, худо ёрл қасин, деган ният қилинган. Худойберди, Оллоберди, Тан риберди сингари исмлар аксарият пайтларда қизлар ораси туғилган ягона ўғил болага, тилаб олинган фарзандлар қўйилган. Бола туғилган фасли, вақти ва маросим даври қараб: Баҳор, Наврӯз, Тўйчи, Чўли, Байрам сингари номл билан аталган.

Чақалоқнинг оиладаги ўрнига қараб Эргаш, Ўфило Кўчқор каби номлар қўйилган. Танасидаги белгиларига қаро Холдор, Ортиқ, Кудрат, Суннат, Нортожи деб, туғилғ қизларнинг қадами хайрли келсин деган ниятда Мубора Муқаддас, Шарофат, Хайринисо, Умринисо, Робия, оқи ќүшдек бўлсин дея Мунаввар, Шамсиқамар, Ойпари, Ойг деб аталган. Гулу чечаклардек нафис, муаттар ва ёқим бўлсин деб Гулранг, Гулчеҳра, Наргиз сингари исмл қўйилган. Кўпинча боланинг қайси кунда туғилганли ҳисобга олиниб ҳам исм танланган. Бозорвой, Тўйчиво Ҳайитвой, Жумавой, Чоршанба сингари номлар ай шундайлардан ҳисобланади. Исм қўйишда ота-онанинг, ак опаларининг исми ҳам муайян ўрин тутади. Кейинги номл шу исмларга монанд тарзда қўйилади. Масалан, Наим, К рим, Салим, Маҳмуд, Маъсуд, Мақсад сингари.

Ўзбек оилаларида эр-хотинлар бир-бирининг номи айтиб чақиришмаган. Жуда зарурият туғилганда, бир-билиарини катта фарзандларининг номи билан аташган. Бу ҳашарқона нафис муносабатнинг бир белгисидир. Ўзбекчилик тарбия ўғил-қизга ном бериш, исм қўйишдан бошланад Халқимизда «Ота бўлиш осон, оталиқ қилиш қийин» дег нақл бор. Мураккаб ҳаёт йўлида тўғри исм қўйилган ўғи қиз ота-онанинг, авлоднинг муносиб давомчилари бўли

бу йўлда катталарга ёрдам беришлари талаб қилинади. Кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг маслаҳатларини, йўл-йўриқларини олиб иш тутиш, панд-насиҳатларига қулоқ солиш ва унга амал қилиш қадим-қадимдан ўзбекларга хос одат бўлиб келган. Нонни эъзозлаш одати қадим-қадимдан то шу кунгача давом этиб келмоқда. «Нон — иймондек азиз, ҳидида ҳаёт бор», «Нонга ҳурмат, элга ҳурмат», «Нон мўллиги — эл тўқлиги» каби қатор ҳалқ мақолларини нон ҳақида бўлган сұхбатларда ишлатиш ўринлиди. Масалан, меҳмон кутганда дастурхонга биринчи бўлиб нон қўйилиши, икки ёшни унаштириш маросимида патир ушатиш одати, чақалоқни бешикка солганда бошига нон қўйиш, йўлга чиққанда ўзи билан бирга нон олиб кетиш энг яхши одатлардир. Ўтмишда ўз хато-камчилликларини тан олмаганларни муқаддас китоб Куръон билан, сўнгра нон билан қасам ичишга мажбур қилганлар.

Халқимизнинг ажойиб одатларидан яна бири сувни эъзозлашдир. Ота-боболаримиз сувнинг бир томчисини ҳам нобуд қилмасликка интилганлар. Сувга туфлаш, унга мағзава за чиқиндиларни оқизиши, турли ҳас-чўп ва ахлатларни ташлаш гуноҳ ҳисобланган. Сув — ҳаёт демакдир. Сув бор жойда одам яшнайди, ўт-ўлан, экин-тикин, гул ва дараҳтлар гуркираб ўсади. Сувнинг қадрига етмаслик, уни нес-нобуд қилиш, қанчалик оғир оқибатларга, табиатдаги мувозанатнинг бузилишига олиб келишини Орол дengизининг қуриб бораётганида яққол кўришимиз мумкин. Денгиз сувининг тобора камайиши унинг атрофида яшаётган аҳолининг соғлиғига жиддий зарар етказмоқда, атрофдаги экологик вазиятнинг бузилишига олиб келмоқда.

Эндиликда Оролни қутқаришга бутунжаҳон жамоатчилигининг дикқат-эътибори жалб қилинган бир шароитда халқимизнинг сувдан ҳамма жойда тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақидаги азалий удумини ҳамиша ёдда сақлаш, уни фарзандларимиз онгига сингдириш айни муддаодир. Қўни-қўшичилик, меҳмондўстлик, ҳашар каби ажойиб одатларимиз энг мўътабар инсоний хусусиятлар сифатида яшаб келмоқда.

Ўзбек халқ мақолларыда «Ён қүшним – жон қүшним», «Узоқдаги қариндошдан яқындаги қүшни яхши» дейилган йўлса, ҳадисларда қүшничилик түғрисида шундай деб айтилган: «Ёнида қүшниси оч туриб, ўзи тўйган одам мўмин ўмас». Бу чуқур маъноли гапда одамларни инсоф-диёнатга, меҳр-оқибатли бўлишга чорлайдиган ажойиб ўгитлар ўз ғодасини топган.

Меҳмондўстлик – ўзбек халқига хос ажойиб бир удум. Қалқимиз ҳар қандай шароитда ҳам топганини меҳмондан یамайди, унинг дилини хушнуд қилишни истайди. Бу саҳо-затиликнинг, улуғворликнинг белгисидир. Буюк бобока-юнларимиз Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби даҳолар ҳаёти ва фаолиятлари билан ғанишганимизда, А. Қодирийнинг машҳур «Ўттан кунлар» юманидаги Отабек ва Кумушби билар ўсган хонадонлар ёрган тарбия, ўзаро муомала юксак одоб-ахлоқ намунаси ғанига гувоҳ бўламиз. Бу оиласарда ота-оналарнинг фар-иандлар билан, ҳатто устозларнинг шогирдлар билан ўзаро муомалада «сиз»лаб гаплашишлари, оиласади фарзандлар ва ёнгўрлар ҳам ўзаро сўзлашувда «сиз»лаб муомала қилишиари ниҳоятда ибратлидир. Бу файзли урф-одатларимиз сишилардаги меҳр-оқибатни, ўзаро ҳурмат-иззатни, ўртоқлик, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун доно халқимиз «сен» ҳам бир оғиздан икәди, «сиз» ҳам, деб бекорга айтмаган. Бу одатларимизга ғозир ҳам кўпгина оиласарда амал қилинади. Тарбиявий шларни яхши йўлга қўйган, бу удумимизнинг моҳиятини тукур англаб олган ўқитувчиларимиз унга амал қилиш боғасида ўқувчиларда ҳам кўникма ва малака ҳосил бўлишига сўмаклашадилар.

Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оиласавий удумлашимииздан яна бири дастурхон атрофида ўтириш, оиласавий өвқатланишдир. Одат бўйича дастурхон атрофида кексалар тўрда, ундан кейин ота-она, ака, опа, келин, сингил, укалар ўтиради. Энг ёш болалар катталар ёнида ўтиришлари лозим.

Барча оила аъзолари түпланиб, дастурхонга таом тортилғандан сүнг шу ердаги ёши улуттнинг рухсати билан овқатта күл узатиши лозим. Ёши катталарни хурматтаб, улар обрүси ва иззатини ўз ўрнига қўйиш.

Чой атрофидаги суҳбатда чойнак-пиёла, тагликларнинг тозалаб ювиб-артилиши, ҳар бир киши учун алоҳида пиёла тутилиши гигиена талаби бўлса, чойни уч марта пиёлагага қўйиб, чойнакка ағдариш ҳеч қандай ирим-сирим бўлмасдан, балки чой таъмининг бир хиллигини таъминлаш учун қилинади. Чойни ёши катталар қўйиб, ёшларга узатиши эса одобга зид бир ҳолдир. Овқатланиб, чой ичиб бўлгандан сүнг дастурхон атрофидаги кекса кишидан таом ҳақига фотиҳа ўқиши сўралади.

Илгариги пайтларда ҳалқимизнинг энг олижаноб оиласвий анъана наларидан бири — кечалари ота-оналарининг болалари билан танча атрофида ўтириб тарбия, одоб, ахлоқ ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказишлари бўлган. Бунда улар ўзбек ҳалқ эртаклари, достонлари, Куръони Карим ва ҳадислардан одамларни ҳалолликка, покликка, диёнатга ундовчи ривоятларни мисол келтириб, турмушда, ҳаётда учраб турадиган салбий воқса-ҳодисаларга атрофлича баҳо бериш асосида фарзандларини тўғри йўлга бошлаганлар. Ўзбек ҳалқининг турмуш тарзига сингиб кетган яхши ва жобий урф-одатларимизнинг кўпчилиги ҳалқни, жамиятни фақатгина яхшиликка — олижаноб инсон, ахлоқи пок, жисмоний соғлом, эътиқодли шахс бўлиб етишишига хизмат қилиб келди. Ҳалқимизда кўп яхши, ибратомуз урф-одатлар борки, уларни бугунги кунда ҳам кенг қўллаш фойдадан холи эмас. Масалан, қадимда фарзанди вояга етмаган ёки фарзандсиз кишилар хусусан, қариялар бирор-бир юмушлари учун ҳеч қачон мардикор ёлламаганлар. Мабодо ёллагудек бўлсалар, бу ҳол шу маҳаллада истиқомат қилувчи ёш-ялангларнинг иззат-нафсига теккан, ён-атрофида тайёр дастёrlар турганда четдан одам олиб келиб, юмуш буюриш қаттиқ айб санаиган.

Қишида қор курашми, кузда том сувашми, ўтин ёриб сув ташнишми ёки экин-тикин ишларими — ҳамма-ҳаммаси

күни-күшни болалари ёрдами билан бажарилған. Оилада әркаги бўлмаган аёллар эса бозор-үчар ишлари, ўтин ёриш, сув ташиш ташвишларидан бутунлай озод бўлганлар. Бунинг учун бўш чеълакларни кўча дарвозаси олдига чиқариб кўйиш, ўтин ва болтани ташқарига қўйишнинг ўзи кифоя қилган.

Буларга кўзи тушган йўловчилар таниш-нотанишлигидан қатъий назар, чеълакни сувга тўлдириб, ўтинни ёриб кетаверишган.

Мана шундай беминнат ҳожатбарорлар уй соҳибидан ҳеч қачон пул сўрамаганлар, бирор нарса тама ҳам қилмаганлар. Чунки ёшлар бировларнинг ҳожатини чиқармоқ учун ўзларини ҳамиша бурчли деб ҳисоблаганлар. Бу қимматли удумимизни айни вақтда ҳам қайта тикламоқ зарурий вазифалардан биридир. Ёшларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ушбу одатларни тиклашга ҳисса кўшсалар, айни муддао бўлар эди. Бу эса уларнинг келгуси камолотини, ризқу-рўзларининг баракасини ва ҳеч қачон завол қўрмасликларини таъминлаган бўларди. Зотан, доно ҳалқимиз: «Ердан айрилсанг ҳам элдан айрилма», «Эл ишини эр йигит қилур, эр йигит қадрини эл билур», — деб бежиз айтмаган. Ёшларимизнинг ана шу доно гапларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

## ИНСОН ОДОБИ БИЛАН

Одоб инсоннинг ички маънавий эҳтиёжига айланиб қолиши зарур. Одоб қоидалари ҳамма учун ҳётний талабдир.

Ҳар қандай моддий ва маънавий бойлик одамлар томонидан яратилади. Лекин бу борада кишиларнинг дунёқарashi, уларнинг ахлоқи, диди ва фаросати, умуман, маънавий дунёси жуда катта роль ўйнайди.

Халқимизнинг турмуш маданияти тобора юксалиб бориши билан бирга кишиларнинг юксак инсоний фазилатлари ҳам камол топмоқда, ҳамжиҳатлик ва меҳнатсеварлик, софдиллик ва самимият, камтарлик, ширинсуханлик каби хислатлар кишиларнинг доимий одатига айланиб бормоқда.

Шунингдек, уларнинг юриш-туриши, хатти-харакатида ҳам мустақиллик даврининг нафаси тұла намоён бўлмоқда.

Ахлоқ одамларнинг бир-бirlарига, жамиятта, давлатта, ҳалқ мулкига, оиласа, ишлаб чиқариш воситаларига, меҳнат маҳсулотларига муносабатини муайян тартибга соладиган меъёрлар тизимида намоён бўлади.

*Одоб* — одамнинг жамоат, эл-юрг орасида ўзини қай тарзда тутиш, бошқалар билан қай йўсинда муомала қилиш, ўз турмуши, майшати ва бўш вақтини қандай ташкил этиши, ҳуллас, шахснинг кундалик ҳулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-харакати ташки жиҳатдан, яъни шаклан қандай бўлиши лозим ва маъқул эканлиги хусусида баҳс этади. Аникроғи, ахлоқ кишининг ички олами, эътиқоди, фазилатлари сифатида мавжуд бўлса, доб шахснинг қўзга ташланадиган мулозамати, ҳулқ-атвори, муомала муносабати тарзида намоён бўлади.

Ахлоқ кишидан мазкур вазиятда қандай хатти-харакат қилиш кераклигини яхши ўйлаб, шулардан мақсадга энг мувоғифини танлашни талаб этса, доб қоидаларининг доб тусига киришини, яъни одам ҳар қандай вазиятда шу одати (яъни одамийлик) ни намоён қилишини талаб этади. Ҳар бир одам хусусида, одатда, унинг фаолиятига, қандай иш билан машғул эканига, бу фаолияти ва иши ахлоқ меъёрларига, турмуш қоидаларига, жумладан, қонунга мувоғиқ ёки унга хилоф эканлигига асосланиб муайян фикр айтилади.

Маълумки, кундалик ахлоқ меъёрларини мустаҳкамла-масдан, меҳнат интизомига қатъий риоя қилмасдан, кишиларнинг ташкилотчилиги ва масъулиягини юқори поғонага кўтармасдан туриб, ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам, фаровон ижтимоий турмушга ҳам эришиб бўлмайди. Шундай вазиятни вужудга келтириш ахлоқий тарбиянинг вазифасидир.

Одоб-ахлоқ қоидаларини билиш билан уни амалда қўллаш ўртасида ўзаро бирлик бўлиши даркор. Кишиларнинг амалий фаолияти ва ҳулқ-атвори унинг ғоявий ва ахлоқий эътиқодига мувоғиқ келиши лозим. Агар улар ўртасида фарқ мавжуд бўлса, демак, ҳали тарбия жараёни тугалланмаган бўлади.

Болалар ахлоқий тарбия жараёнида, яъни ўқиши, жамоат ишларида тиришқоқ, ўртоқларига софдил муносабатда бўлиш, ўз бурч ва вазифаларига вижданан ёндашиш, ҳалол бажариш кераклигини, баъзи тенгдошларининг айrim салбий қилиқларига бефарқ бўлмасликни тушуниб, англаб борадилар. Шунингдек, улар ўз манфаати учунгина эмас, балки оиласи, синф ва мактаб жамоаси шаънига доғ туширмасликка ўрганадилар.

Шубҳасиз, ахлоқий тарбия соҳасида оила, мактаб ва маҳалла жамоатчилиги асосида олиб борилаётган барча ишларимизни шундай даражага кўтарайларикки, фарзандларимизнинг хулқ-атвори ва барча фаолиятлари турмуш тарзи талабларига тўла жавоб берадиган бўлсин.

Болалар мактабгача тарбия ёшидаёқ одоб ва ахлоқнинг дастлабки кўникмаларини ўзлаштира бошлайдилар. Ўз теварак-атрофидаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларидаги яхши ёки ёмон одатларни аста-секин тушуна бошлайдилар. Уларда дастлабки ахлоқ ва одоб тасаввурлари пайдо бўлади ҳамда энг оддий ахлоқий кўникмалар: катталарга халақит бермаслик, озода бўлиб юриш, илтимос қилиб сўрашни ўрганиш, ростгўйлик, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш, катталарга ҳурматда бўлиш, ўртоқларига ёрдамлашиш ва ҳоказолар вужудга келади. Баъзан оиласида берилган нотўғри тарбиянинг оқибатида болаларда қўполлик, ўзбошимчалик, ёлғончилик, манманлик, кибру ҳаво каби салбий одатлар пайдо бўлади.

Оиласида бериладиган ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади болаларда ижобий сифатларни ҳосил қилиш, уларни яхши хулқ-атворга ўргатиш, ахлоқий хислатини ривоҷлантириш ҳамда уларда ижобий хатти-ҳаракат, кўникма ва одатларни тарбиялашдан иборатdir. Болада меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни интизомли бўлишга ва берилган топшириқни ўз вактида бажаришга, топширилган иш учун масъулиятни сезишга ўргатиш оиласида ахлоқий тарбия беришнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Фарзанд — ота-онанинг қувончи, умр меваси, оила фахри, келажаги, бахти. Ҳа, инсоннинг қандай киши бўлиб

етишиши оила тарбиясига, чунончи, бола тарбияси қўп жиҳатдан ота-онанинг оилада ва ҳаётда ўзини қандай тутиши билан бевосита боғлиқ. Биз, албатта, болаларнинг бугунги кундаги интилишларини биргина оиласвий манфаатлар билан чеклаб қўймаслигимиз керак ва бундай қилолмаймиз ҳам.

Ахлоқий тарбия қўп қиррали, узоқ давом этадиган жараёндир. Болани ўраб олган муҳит: одамлар, нарса ва ҳодисалар унинг онгида хулқ-авторида маълум из қолдиради. Ота-оналик бурчимиз шундан иборатки, биз буни зийраклик билан бошқариб боришимиз лозим. Ота-онанинг меҳри, муруввати, фамхўрлиги болалар учун сув ва ҳаводек зарур. Болалар уйда ҳам, кўча-кўйда, ўқишида ҳам, хуллас, доимо ота-онанинг дикқат-эътиборида бўлиши керак.

Ота-оналар мактаб ва ўқитувчининг обрў-эътиборини ҳар томонлама кўтаришлари, болаларни меҳнатни севиш ва катталарни хурмат қилиш руҳида тарбиялашлари, уларни ижтимоий-фойдали фаолиятга тайёрлашлари, тартибга, интизомга, турмушнинг меъёrlарига риоя этишга ўргатишлари, уларнинг жисмоний камол топиши ва соғлигини мустаҳкамлаш ҳақида фамхўрлик қилишлари лозим. Ўз вақтида умумий ўрта ва ҳунар таълими олиши учун зарур шароитларни яратиб беришлари, ўзларининг меҳнатга ва ижтимоий вазифаларга муносабати билан ҳамма ишда болаларга намуна кўрсатишлари зарур. Болалар эса, ўз навбатида ота-оналари, катта ёшдаги кишилар ҳақида фамхўрлик қилишлари лозим. Уларни эъзозлаш, хурмат қилиш, уларга меҳрибон бўлиш мамлакатимиз ёшларининг асосий бурчидир.

Тарбиянинг самарадорлигини ошириш қўп жиҳатдан оила, мактаб ва маҳалланинг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашларига ва ўқувчиларга нисбатан қўядиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ.

Одатда, боланинг хулқ-авторига қараб ота-онасига баҳо берилади. Тўй-маъракаларда енг шимариб, холис хизмат қилаётган йигит-қизлар кимга ёқмайди дейсиз? Катталарни кўрганда салом бериб ўтиб, одоб сақлаб турган ёшларни

кўрсангиз кўз қувонади. Беихтиёр «баракалла», «отангизга раҳмат», «кам бўлманг», «мартабангиз улуғ бўлсин», дейсиз. «Ҳа, ота-онаси ўзи яхши одамлар, фарзанди ҳам ўзларига тортибди-да» дейсиз. Ҳамманинг фарзанди ҳам шуларга ўхшасин, деб ният қиласиз. Ҳулқ-атвори ёмон, турқи совуқларни кўрганда, ғашимиз келади, кайфиятимиз бузилади. «Тавба, буларнинг ота-онаси бормикан? Шунақа бола ўстирадими?», деб ажабланамиз.

Демак, одамнинг феъл-атвори, юриш-туриши, муомала муносабатига қараб ота-онаси ким, оилада қанақа тарбия кўргани ҳақида ҳукм чиқарилади. Боланинг ёшлигидан одоб қоидаларига одатлантириш, ота-оналар учун ҳам қарз ҳам фарз: саломлашиш, ширинсуханлик, сизлаш, раҳмат айтиш, кечирим сўраш каби маданий ҳулқ-атворли бўлишга даъват этиш ва шу кабилар. Болаларда ахлоқий хис-туйғуларни тарбиялашнинг мазмуни кишиларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, иззат-хурмат билан муомала қилиш, инсон қадр-қимматига этиш, кишилар, жамият олдидаги инсон бурчли эканлигини англаш, одамларга нисбатаң самимий, ҳалол ва ростгўй бўлиш сингари одоб ва ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади.

Юқоридаги каби ахлоқий фазилатларни таркиб топтиримоқ учун, биринчи галда, болаларда ўзига яқин кишилар, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва оиладаги катталарга хурмат ва меҳрибонлик туйғуларини тарбиялашдан бошламоқ керак.

Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, оиланинг яхши йўлга қўйилган ички ҳаёти, ахлоқий тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Одатда табиатан мулойим, хушчақчақ, одамшаванда, меҳнаткаш кишилар аҳил оилада камолга етадилар. Буни ҳар бир ота-она эътиборга олиши, оилада соғлом муносабатларни вужудга келтириш учун ғамхўрлик қилиши лозим.

Бола тарбияланётган оиладаги эр-хотиннинг ўзаро тутув бўлиши, бир-бирига самимий муносабати, вафодорлиги, ишонч ва ҳурмати катта аҳамиятга эга. Уларнинг оғир, вазмин бўлиши, ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан йиши тутиши,

иззат-хурмат йүли билан бир-бирининг қалбига кириб боришга интилиши бола тарбиясига ижобий таъсир этади. Ота-она ўзининг яқын, узоқ кишилариға нисбатан яхши муносабати, меҳр-оқибати билан болаларни ҳам шунга ўргатиб, одатлантириб боради. Масалан, оиласа кимдир меҳмон бўлиб келди, дейлик. Уй бекаси уни самимий ва очик чеҳра билан қарши олади. Меҳмонни дарҳол уйининг тўрига чорлаб, ўтиришга таклиф этади.

Ундан ҳол-аҳвол сўрайди, ўзларини хурмат қилиб келганлигидан жуда хурсандлиги-ю, миннатдорчилигини билдиради. У билан кўнгилли суҳбат қуради. Меҳмон ҳам хурматга хурмат билан жавоб беришга ҳаракат қиласи. Бу ишларда болалар ота-оналарига дастёрчилик қилиб, шу фазилатларни ўрганиб борадилар. Меҳмондорчиликнинг тарбия воситаси сифатидаги дастлабки шарти — меҳмон ва мезбонларнинг юксак инсоний одоб қоидаларига амал қилишидадир.

Болалар ота-оналарининг кўзлари олдида кишиларга кўрсатган бундай ғамхўрликлари ва ҳурматларидан ибрат олиб, уларга ўхшаб иш тувишга одатланиб борадилар.

Ота-она кишиларни, айниқса, катталарни хурматлаш ва сийлаш яхши одат эканлигини ўз намунасида кўрсатиш билан бирга болаларини ҳам шунга ўргатиши зарур.

Қариялар, одатда, оиласининг бош маслаҳатчиси ҳисобланадилар. Кўпгина нарсалар уларнинг раъи билан қилинади. Улар ҳамма ерда ҳурмат қилиниб, уйининг тўрига ўтқазилади, ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилади. Буларнинг ҳаммасини бола қуради. Кези келганда ота-она болаларга катталарни нима сабабдан бунчалик ҳурмат қилиниши сабабини гапириб, тушунтириб берсалар, яна ҳам яхши бўлади.

Оиласидаги эр-хотин ўртасидаги самимий муносабат, ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Буни аниқ тасаввур этиш учун бир мисол келтирайлик: ота ишдан уйга барвақтрок қайтди-ю, аммо ҳали она қайтганича йўқ. Ота болаларни ёнига олди-да, улар билан бир-

галикда овқат тайёрлашға, уйда тартиб ўрнатишига кириши. Ишдан ҳориб келган она саранжом-саришталиктин күриб, юзи беихтиёр жилваланади, гүё бир зумда ҳордиги чиқ-қандек ўзини енгил сезади. Эр билан хотин ўртасидаги бундай ўзаро хурмат ва фамхүрлик болаларни шак-шубҳасиз, онани хурмат қилишга, унга нисбатан меҳрибон бўлишга ўргатади. Натижада, оиласда сансоларликка ҳеч қандай ўрин қолмайди. Энг муҳими, отадаги ёки онадаги яхши хусусиятлар болаларга ҳам ўтади.

*Болаларнинг ахлоқий тарбиясида оиласий хўжалик ишларининг оқилона ташкил этилиши, болаларнинг қўлларидан келадиган ишларга жалб қилиниб туриши катта аҳамиятга эга. Болани муайян меҳнатта ва айни чоғда кундалик юмушларни қилишга нечоғлик барвақт одатлантирган, болада оиласининг фойдали аъзоси бўлиш истагини туғдира олган оила ахлоқ тарбияси вазифаларини ҳам шу қадар муваффақиятли ҳал қилган ҳисобланади! Ўз болаларини ҳатто ўз-ўзларига хизмат қилиш меҳнатидан ҳам озод қилиб қўйган ота-оналар катта хатога йўл қўядилар. Натижада, кейинчалик болани меҳнат қилишга одатлантириш жуда қийин бўлиб қолади. Болага доимий топшириқ бериб қўйиш, шу топшириқнинг бажарилиши ва қилинган ишнинг сифатини текшириб туриш, бажарилган ишга адолат билан баҳо бериб борилиши натижасидагина болалар меҳнат қилишга одатланадиган бўлиб қолади.*

Ота-она меҳнат билан топилган ҳар бир сүмни жой-жойига эҳтиётлаб сарфлаши ва болаларни ҳам бунга ёшлиқдан ўргатиб бориши тарбиянинг муҳим белгиларидан биридир. Оиласда қанча киши ишлаши ва бундан оиласа қанча даромад келишини бола ҳам билиб қўйгани яхши. Тўплангандаромадни оиласий кенгащда нималарга сарфлаш кераклиги келишиб олинса, яна ҳам яхши бўлади. Шундай қилинганда бирор киши ортиқча харажат қилишга ботина олмайди. Болалар ҳам бунга тушуниб, ўринсиз талаблардан ўзларини тийишга ўрганадилар.

Рұзғордаги тежамкорлик, исрофгарчилікка йўл қўймаслик рўзғорга барака киригати ва болага катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Бизнингча, катта ёшдаги болани оила-рўзғор ишларига ўргатиш билан бирга бозор-ўчар қилишда пул билан муомала қилиш сирларини тушунтириб бориш фойдадан холи эмас. Аввал бола бу ишларда катталарга дастёрчилик қилади, шунда кўзи пишиб, ўрганиб боради. Аста-секин боланинг ўзига ҳам пул бериб, кичикроқ харажатлар қилишга буюриш керак. Бунда катталарнинг болага ишонч билан қараши, яхши ташаббусини маъқуллаб қўйиши ўринлидир.

*Болани шунга ўргатиш керакки, у ҳеч қачон қолган пулни чўнтағида олиб қолишини ўйламасин.* Баъзи ота-оналар шу ўринда «ҳотамтойлик» қилиб, қолган қайтимини талаб қилишмайди. Бу билан катта хатога йўл қўйишиди. Ортиқча пулнинг бола чўнтағига тушиши унинг фикр-хаёлини бузади. Аксарият ҳолларда у ноўрин, ёшига мос бўлмаган буюмлар сотиб олишга ҳаракат қилади. Болага пул билан муомала қилишни ўргатаётганда ахлоқий тарбияга зид буюмлар харид қилишга йўл қўймаслик зарур.

Ота-она болани кичиклиқдан нарсаларни қадрлашга, эҳтиёт қилишга ўргатиб, одатлантириб бориши лозим. Катталар болага бирон иш буюрганда ва унинг бажарилиши кўнгилдагидек бўлмаса, камчилигини яхши сўз билан тушунтиргани маъқул. Агар уни силтаб, қўлидан ишни олиб, ўзимиз қилишга тулинсан, бола тарбиясини бузамиз. Яхшиси, хатосини қайта-қайта англатиб, шу ишни тақрор ўзига бажартириш лозим. Ана шундагина бола аста-секин меҳнатга кўнгил қўяди, иродаси ҳам чиникиб боради. Йўл-йўлакай унинг кўнглини кўтариб, тасалли беришни унутмаслик керак. «Яшанг, оппоқ қизим», «баракалла, азамат ўғлим» каби ширин сўзлар боланинг руҳини кўтаради, аксинча, бақириш, жеркиш, шунингдек, дўқ-пўписа билан болани яхшиликка ўргатаман деган ота-она қаттиқ янгишишади. Бу йўл болани ота-онадан бездиради, қайсар, одамови қилиб қўяди.

Боланинг одоби аввало унинг катталарга бўлган муносабатида, тенгкур ўртоқларига қилган муомаласида намоён

бўлади. Саломини қанда қилмай, хизматда бўлишга ошиқсан, оғзидан «Ассалому-алайкүм», «лаббай», «жоним билан», «хўп бўлади» каби сўзларнинг аримаслигига эришиш лозим. Мактабда ўқитувчиларнинг айтганларини диққат билан тинглаб, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш, билмаган нарсаларини одоб билан сўраш, ўқитувчига «Мумкинми?», «Раҳмат» каби сўзлар билан муомала қилишга ўргатиш ҳар бир ота-она, ўқитувчи-тарбиячи ва бошқаларнинг бурчидир.

Ўқитувчининг саволларига жавоб беришда ўқувчига хос одоб саклаш, ўз фикрини тўплаб, саволга аник, тўла жавоб қайтариш, нутқида ортиқча сўзларга ўрин бермасликка ҳаракат қилиш, ўқувчи шаънита ярашмаган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишни барча ўқувчилар учун ахлоқий меъёрга айланишини таъминлашга интилиш лозим.

Бола ўз ўртоқлари билан муносабатда ҳеч қачон қўполлика, дилозорликка йўл қўймасин. Ҳар бир ишда бир-бирларига ёрдамлашиш кераклигини уқтириш, ўзаро гаплашганда «ўртоқжон», «офайни», «дугонажон» каби ширин сўзларни ишлатишга ўргатиш тарбиячининг асосий вазифасидир.

Болаларнинг ўзаро ва катталар билан муомаласи масалаларига баъзи ота-оналар, ўқитувчилар етарли эътибор бермайдилар. Айрим болалар бир-бирларини «ҳой!», «ҳой бола!» деб чақирадилар, бир-бирларига лақаб қўядилар ёки ҳар хил бўлмагур ибораларни ишлатадилар. Бундай болалар бошқа тенгқурларининг тарбиясига ва айни чоғда, уларни ҳам ёмон сўзлар ишлатишгача мажбур қиласидилар. Тарбиячи, жамоатчилик бу нарсани эътибордан чиқармаслиги керак.

Болада яхши хулқ-атворни шакллантириш учун яхши ибрат зарур. Ҳар қандай ота-она, ўқитувчи, тарбиячи ўз тарбиячилик бурчини ўз шахсий ибрати билангина амалга ошира олади. Қуруқ насиҳат болага таъсир қилиши қийин.

Бола тарбиясига у туғилган чоғиданоқ эътибор берган ота-оналар ютади. Шу ўринда улуғ мугафаккир олим Абу Али ибн Синонинг бир ўйтини эслаш жоиз.

Бир киши олимга мурожаат қилиб:

— Устоз, менинг фарзандым олти ойлик бўлди, уни тарбиялашни қачондан бошласам маъқул? — деб сўрабди. Шунда Абу Али ибн Сино:

— Сиз бола тарбиялашга олти ой кеч қолибсиз, — деган экан.

Гап шундаки, ҳатто чақалоқни муайян вақтда тўйдириш, ювинтириш, сайдиринишиш ва ҳоказолар ҳам унда маълум тартибга кўникма ҳосил қиласди. Бу кўникма кейинчалик бола онгига ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш керак экан, деган тушунчага айланади.

Эс-хүшини танидими, болани ўзини-ўзи эплашга ўргатган яхши: юваниш, кийиниш, ечиниш, уст-бошларини тартибли сақлаш, узилган тугмани қадаб олиш, йиртилган кийимни тикиб олиш ва ҳоказо. Бу, албатта, осон иш эмас. Бунга эришиш учун ота-она кунт қилиши, сабр-тоқатли бўлиши, болага у ёки бу ишни тўғри бажариш тартиб-қоидасини кўрсатиб бермоғи лозим. Айрим ота-оналарда ана шу кунт, сабр-тоқатнинг етишмаслигидан ўғил-қизлари ношуд бўлиб қоладилар.

Бола тарбия топаётган оила муҳитининг ўзи озодаликка, саранжом-саришталикка эътибор берса, бунинг тарбиявий қиммати янада ошади. Айрим ота-оналар: «Аввал бола катта бўлсин, эс-хүшини танисин, сўнг ўзи билиб олади, деб ўйлаб шу муҳим масалада хато қиласдилар. Улар бола жисмонан ўса боргани сари унинг барча яхши хислат ва фазилатлари ўсиб ва мустаҳкамланиб борганидек, ёмон хулқатвори ҳам улғайиб боришини англаб етмайдилар. Шунинг учун ота-оналар бола хулқида содир бўлган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш қанчалик осон ва енгил кўчиши баробарида хулқатворига сингиб қолган ёмон одатларни йўқотиш шунчалик қийин ва мушкул бўлишини унутмасликлари шарт.

Ахлоқ, одоб ҳақида гап кетганда орият, шарму ҳаё устида тўхтамай бўлмайди. Ор-номус, ҳаё ҳар бир инсонга хос фазилат. Фарзандни ҳаёли, ориятли қилиб тарбиялаш ота-онанинг вазифаси. Афсуски, ҳали орамизда бетга чопар,

сурбет, беандиша шахслар ҳам учрайди. Бу, албатта, ёмон тарбия оқибатидир.

Шарму ҳаё, орият белгиси ҳар бир юмушда инсоф юзасидан иш тутиш, инсон шаънига ярашгулик феъл-авторда кўринади. Ўз қадр-қимматини билиш бачкана қилиқ ва одатлардан холи бўлиб ўзини сипо тутмоқдир. Ўз номусини пок сақлаш, бу ориятли, ҳаёли кишиларга хос фазилат. Уят, орият ўзининг ёки ўзгаларнинг қилифи, номуносиб хатти-ҳаракати, ноўрин сўзи, кўпол муомаласи туфайли мулзам бўлиш, ич-ичидан зил кетишдир. Бола одатда бу нозик хислатни ўзининг яқин кишиларининг муносабатларидан уқиб олади. Бу ўринда шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, катталар болалар олдида беҳаё сўзларни, бўлар-бўлмас гапларни айтишдан, ножуя, бачкана қиликлар қилишдан ўзларини тийишлиари зарур. Четдан кузататётган болалар улардан ибрат олишларини аслю унугмасликлари лозим.

Оилавий сұхбатларда ҳеч қачон бирорлар тўғрисида фийбатта ўрин бермаслик даркор. Болалар баъзан ёмон таъсирга берилиб, кўчадан ҳар хил гапларни топиб келишади. Отана дарҳол уларнинг фикрини ўзгартиришга, одамлар ҳақида яхши фикрлар туғдиришга ҳаракат қўлмоқлари лозим. Мана бу ота-бала сұхбатига эътибор беринг:

— Қизиқ, бир куни ўғлим ғалати савол бериб қолди, — дейди Фазлиддин ака.

— Рустамнинг дадаси «гердайиб» кетганмиш, ошна-оғайниларини танимай қўйганмиш... Салим дадасидан эшитибди. Ростдан ҳам Рустамнинг дадаси шунақами-а? Салим «ёмон одамнинг» боласи билан ўртоқчиликни йифишириш керак, деди.

Жўравойнинг (Салимнинг дадаси) «гина»си нимадалигини билганимдан гапни шундай бошладим:

— Ўғлим, аввало Рустам билан ўртоқчиликни йифиширимоқчи бўлиб чакки қилибсизлар, негаки, Рустам яхши бола. Отасига келганда ҳам ёмон фикр айтольмайман. У киши институтда дарс беради, олим. Шунга қарамай, катта-кичикка баравар. Жўравой амакинг Рустамнинг дадасидан ноўрин

хафа бўлибди. Қизи ўтган йили институтга кира олмабди. Ким айбдор? Ўзи, албатта. — Мактабда бўш ўқигандан кейин... Мана, сен ҳам ҳадемай тугатасан. Ҳаракатингни бўшаштирмасанг, шу тарзда кетсанг, кўзлаган ниятингта етасан, ўғлим! — деди Фазлиддин ака.

Демак, бола онгида одамлар, тащқи муҳит ҳақида но-объектив хулоса пайдо бўлишига йўл кўймаслик зарур. Ҳар бир ҳодиса, фактта болаларнингadolatli муносабатда бў-лишини шакллантириш ота-онанинг тарбия фаолиятларидағи муҳим белгиларидан биридир. Отa-онасига меҳр-оқибатли, одамларга фамхўр, хушмуомала, ўзида инсоний фазилатларни мужассамлаштирган фарзандни кўрганда унга ҳамма ҳавас қиласи.

Хуллас, ота-она ўғил-қизи тарбияси ҳақида қайгуаркан, уларни хушмуомалаликка, тўғриликка, катталарни ҳурмат қилишга, одил бўлишга, ҳақли суратда ўзини ҳимоя қилишга, одамларга ҳамдард бўлишга, яхшилик қилишга ўргатиши керак. Шубҳасиз, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажаги ҳақида қайгуради, унинг баҳти-икболини ўйлади. Фарзанд келажаги ота-она меҳнати тарбиясининг мевасидир.

### **ФАРЗАНДИМ ҚОБИЛ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...**

Оилада бола тарбияси фоят нозик, мураккаб масала бўлиб, у ота-онадан катта тарбиячилик маҳоратини талаб қиласи. Тарбияда мақсаднинг аниқ бўлиши алоҳида ўрин тутади, тўғрироғи, у тарбия ишларини мақсадга мувофиқ тўғри йўналтириш имконини беради. Тарбиядан кўзда тутилган мақсадга бола тарбиясини тўғри йўлга кўйиш, тарбиянинг хилма-хил усуллари ва воситаларидан унумли фойдаланиш орқали эришилади.

Оилада болага тарбия беришнинг ўзига хос бир қатор муҳим қонун-қоидалари борки, улар тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди. Чунончи, тарбияда ота-она масъулияти, тарбияда бирлик, ота-она обрўси, меҳнатда тарбиялаш, ота-онанинг бола тарбиясини мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳам-

корликда олиб бориши, ота-онанинг ҳамма болаларини тенг күриши, уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиши, тарбияда боланинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиши, бола шахсини ҳурмат қилиши ва унга нисбатан талабчан бўлиши ана шу қоидалар жумласига киради.

Шунингдек, болаларда ижобий хулқ-автор кўникма ва малакаларни тарбиялашнинг ўзига хос кўпгина йўл ва усуллари борки, ҳар бир ота-она уларни билиши ва ҳар қайси сидан ўз ўрнида, меъёрида, мақсадга мувофиқ фойдалана олиши фоят муҳим аҳамиятга эгадир. Булар жумласига ибраг-намуна усули, яхши хулқ-авторга ўргатиш, одатлантириш, ўрни келганда насиҳат қилиш, батъзан қаттиқ танбеҳ бериш, бола билан вақтинча гаплашмаслик, унга нисбатан муносабатни вақтинча ўзгартириш, ишонтириш, жамоатчиликнинг таъсири, рағбатлантириш каби воситалар шундай усувлардан ҳисобланади.

**Тарбияда бирлик.** Оилада ота-она, буважону бувижонлар барча ишда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари керак: болаларга муомала қилишда, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо беришда, болаларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг бошқа воситаларини кўллашда ягона бирлик бўлиши лозим. Кўпинчча боланинг онаси ёки бувиси рухсат берган нарсани отаси тақиқлаб кўяди ёки отаси берган жазони онаси бекор қиласди, боланинг бир қилигини бувиси мақтаса, шу қилифи учун отаси уни койийди ва ҳоказо. Бундай келишмовчилик аввало бола тарбиясини бузади. Болалар талабчан отаси билан кам талабчан онаси ва ҳеч бир талабчан бўлмаган бувиси ўргасида ўзларича йўл топишга тез одатланадилар. Катталарнинг ҳаракатларидағи келишмовчиликни кўриб, муғомбирлик, алдамчилик, хушомад-гўйликка ўрганадилар. Болага нисбатан ўзаро келишилмаган талаблар қўйилганида, у ўзини бутунлай йўқотиб кўяди ва нима қилишини билмай қолади. Шундай қилиб, оила аъзолари ўргасидаги ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлмаган оиласларда фарзандларнинг ахлоқий тарбиясига катта путур етади.

Бир оиласда шундай воқеа рүй беради: бувиси 5 яшар невараси Лоладан овқатдан олдин құлларини ювіб келишини талаб қылади. Орадан анча вақт үтишига қарамай, қызчанинг ҳали ҳам құлларини ювмай юрганини күрган ота ундан жиддий оқанғда сүрайди:

- Құллингни ювдингми?
- Йүк, дада.
- Бувинг сенга нима дедилар?

Шунда Лола индамай, бошини қуи эгади.

— Қани, тезгина бор-да, кулоқсизлик қылганинг учун, аввало, бувингдан узр сўра, сўнгра құлларингни яхшилаб ювіб, менинг олдимга кел.

Отанинг бу сўзлари гарчи оҳисталик билан айтилган бўлса-да, тарбиявий таъсири кучли бўлди.

Буви ҳам ўрни келганда ўғли ва келинининг гапини маъкуллашга тиришади. Ўйин билан чалғиб, отанинг гапини унутган неварасига дакки беради, отаси рухсат қилмаган жойга боргани учун койиди. Бола яхши ишлар қылганида мақтаб қўйиш, ёмон қилиқлари учун уни койиш жуда ўринлидир.

Бир куни Маъсума опа ва Хатира опа ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

Х а т и р а : Билмайман, менинг эрим қанақа ота, болаларга таълим бериш тўғрисида зинҳор ўйламайди. Эрта кетиб, кеч қайтади, уйда нима бўлаётгани билан иши бўлмайди. Ишдан қайтиб бола-чақа билан ёзилиб ўтириш ўрнига нари-бери овқатланади-ю, ошна-офайнилари олдига чопади. Дардимни ичимга ютавериб, ниҳоят, тоқатим тоқ бўлди. Бир куни жаҳлим чиқиб, паққос ёрилдим: «Ахир сизнинг ҳам бола-чақа билан ишингиз бўлса-чи», — дедим. Шунда у киши менга дўқ аралаш: «Нима, мен сенингча болам-чақам демаяпманми? Агар билсанг, эртадан кечгача шуларни деб ишляпман. Мана, кўриб турибсан: рўзгордан камчилигинг йўқ, болаларнинг эгни бут, қорни тўқ. Папка, китоб, дафтар дейсанми, хуллас ҳаммаси бор. Бундан ортиқ яна нима қилишим керак?» — деб жавоб қилди. — Бир

томони түгри, лекин инсон дунёга фақат ейиш-ичиш учунгина келмайды-ку, — дедим, — меҳрга, илиқ сүзга ва эътиборга мұхтож бўлади. Наҳотки эрим буни тушунмаса? Кечак ўғлим Одилнинг хулқи тўғрисида мени мактабга чақиртиришибди, — гапида давом этди Хатира опа, — айтишларича, у дарсларини қолдирармиш, ўқитувчилар билан қўпол муюмалада бўлармиш. Буни эшишиб, жудаям хафа бўлиб қайтдим. Болалар ҳам оталарига ўхшаб бемехр чиқишаётни. Уй ишларига қарашиб, онага раҳм қилиш кераклигини ўйлашибмайди, билишмайди. Лоақал дам олиш кунлари ота бўлиб болаларни ёнларига олиб, иш ўргатай демайдилар.

Болани ёшлигида ишга ўргатмасанг, катта бўлганда меҳнатта бўйин эгиши қийин. Шу тарзда кетаверса, катта бўлганида хор бўлиши турган гап. Меҳнат қилмаган одам на кишининг, на буюмнинг қадрига етади! Мана, сизнинг болаларингиз қандай уддабурон, хушодоб болалар. Сиз уйда бўлмаган вақтда ҳам билиб-билиб иш қилишади. Бир-бирини хафа қилишганини ҳеч кўрмадим. Катталарингиз укаларига сўзларини ўтказишади. Қаранг-а, укалари ҳам уларнинг сўзларидан чиқишибмайди, айтганлари айтган, деганлари деган. Меникилар, бирор юмушга буюрсанг борми, сансоларлик қилишади. Аҳиллик билан иш бажаришибмайди. Койиб, уларга бирор нарса демоқчи бўлсам, дадаси дарров болалар ёнига тушиб: «Ҳа, мунча уришмасанг, ҳали улар ёш бола-ку, катта бўлганида эс-хушларини йиғиб олишар», — дейди. Болаларни шу тариқа талтайтирадилар. Мана оқибати, болалар гапга кулоқ солмайдиган, ўзбошимча бўлиб чиқишиди.

— Ҳали тўғри айтдингиз, — деди Маъсума опа сухбатдошининг гапларини қувватламоқчи бўлиб, — ҳақиқатан ҳам болаларим ақдли, хушли бўлишди. Мени ҳам, бувисини ҳам хурмат қилишади. Жонимнинг малҳами бўлишган. Отаси болалар тарбиясига жуда зийраклар. Болаларни ёшлигидан меҳнатта ўргатдик, чиниқтирдик. Ҳозир, шукур, қўлларидан ҳамма нарса келади».

Ота-онага болани оқилона, талабчанлик билан севиш, унинг қизиқищларига диққат билан эътибор бериш, унинг

турли ёшдаги талаб ва эҳтиёжларини билиш руҳан ва жисмонан бардам инсонни тарбиялаб етиштириш имконини беради. Бунда фарзанд ўз навбатида ота-онасини меҳр билан дилдан севади, улар тўғрисида ғамхўрлик қиласди. Бу ажабланарли ҳол эмас, чунки биз болаларни қай тарзда яхши кўрсак, уларнинг характеристи, шу қаторда ўсиб борувчи шахснинг ички дунёси ҳам шу тарзда таркиб топа боради.

Айрим ота-оналар ҳаддан ташқари болага меҳрибонлик қилиб гиргиттон бўлишади. Унинг ҳамма вазифаларини ўз гардонларига олишади ва барча инжиқлик ва ўжарликларини кўтаришади. Натижада бола ношуд, бемеҳр бўлиб ўсади. Болани кўр-кўрона севиш ва талтайтириш кўпинчча кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Ота-онанинг ҳамма болаларини бир хилда кўриши тарбияда муҳимдир: ака-укаларни аҳил, бир-бирига меҳрибон, оқибатли бўлишга олиб келади, бола олдида ота-онанинг обрўсини, хурматини оширади, ўз тенгқурларига ва бошқа одамларга яхши муносабатда бўлишга, улар тўғрисида ғамхўрлик қилишга ўргатади, ўртоқлари билан чиқишиб, чин дўст бўлиб яшашга, одамлар билан ҳисоблашишга, улар кўнглини ранжитмасликка, оқибатда одамларни қадрлашга ўрганадилар.

Бир ота-онадан туғилиб, бир оиласда катта бўлган болалар, кўпинча, феъл-атвор жиҳатдан бир-бирига ўхшамайди. Бири мўминтой, гапга қулоқ соладиган бўлса, бошқаси шўх, ўжар бўлади. Шунга кўра «бола ўнта бўлса, ўрни бошқа», «қирқта бўлса, қилифи бошқа» дейишади.

Ота-она шўхтойини ҳам, қобилини ҳам бир хилда меҳр билан севади, ҳар бир боласининг хулқ-атворини яхши билади. Каттасини катта ўрнида, кичигини кичик ўрнида билиб, ҳаммасининг ўзига қараб муомала қиласди. Бирини иккинчисидан ортиқ ёки кам кўриш ярамайди. Демак, ота-онанинг ҳамма бо-лаларини бир хилда кўриши уларни бир-бирига меҳрибон, аҳил бўлишларида катта аҳамиятта эгадир.

Бола тарбияси мунтазам шуғулланишни талаб этади. Тарбияда пайсалга солиш, «кейин», «вақтим йўқ», «арзи-

мас», «майда-чуйда» деб қараш бўлмайди. Бу кейинчалик катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Тарбияда ҳамма нарса муҳим, деб қаралиши шарт.

Ота-она болаларга қўйиладиган ахлоқий талабларни аста-секин, изчилик билан мураккаблаштириб борганидагина тарбиявий ишда кугијиган мақсадга эришилади. Тарбиядан мақсад болани жисмонан соғлом ўстириш, ақлий жиҳатдан етук, ахлоқий пок ва гўзал бўлишига эришишдир. Болани яхши одатга, хулқа ўргатиш, турмушга тайёрлаш осон ва бирданига бўладиган иш эмас. Бу ота-онадан қанчадан-қанча машаққатни, сабр-тоқатни, билимдонликни талаб қиласиди.

Тарбия, аввало, оиласда, сўнгра тарбия муассасаларида, кейин мактабда жамоатчилик томонидан мунтазам, мақсадга мувофиқ равищда олиб борилади. Демак, тарбиянинг муҳим хусусиятларидан бири, унинг мунтазам олиб борилиши ҳамда муайян мақсадга қаратилганлигидир. Бола тарбиясида бу қоиднинг бузилиши унинг хулқ-авторига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди: Масалан: бир куни Маъсума опа ўғлининг «Кундалик дафтари»ни кўздан кечирар экан, кейинги ҳафтада баҳоларининг пасайиб кетганини кўриб қолди. Шунда унинг хаёлидан «Нега бундай бўлди?» — деган савол ўтди. Жиддий мулоҳазадан сўнг, бунда кўпроқ ўзини айбдор деб санади. Чунки у кейинги вақтларда иш билан банд бўлиб, ўғлининг ўқиши, юриш-туришларига етарли эътибор беролмади. Бунинг учун ўзини ич-ичидан койиди. Бу воқеа онанинг бола тарбияси билан мунтазам шуғулланиб туриш зарурлигига яна бир бор ишонтирди.

Она қулаг фурсат топиб, ўғлини ёнига ўтқазди ва мулоҳимлик билан шундай насиҳат қиласиди:

— Ўғлим, — деб сўз бошлади она, — сени энди катта бўлиб қолди, ўзини-ўзи эплайди, деб ишониб юргандим. Бундан буён укаларингга ҳам бош бўлиб, менинг ташвишларимни озгина енгиллаштирасан, деган умидда эдим. Сен буни яхши тушунишинг, менинг энг яқин ғамхўрим, ёрдамчим бўлишинг керак. Афсуски, ўйлаганимча бўлиб чиқмади. Жон ўғлим, бундай ўйлаб қарасанг, оиласиздаги

кatta эркагимизсан, мен уй-рұзғор ишларыда энди сенга сүянаман. Ақли-хүшингни йиғ, ўғлим, энди йигит бўлиб қолдинг. Синглинг Мунира, уканг Низомларга бош бўл, намуна бўл. Йигитчасига иш тут энди!

Онанинг ишончга тўла сўзлари Носирга катта куч бағишилади. Гўё у бирданига улғайиб қолтандек бўлди. У ўзига талабчан бўла бошлиди. Тунов куни бувиси ҳам насиҳат қилди: «Араванинг катта фиддираги қаердан юрса, кичиги ҳам шу ердан юради», деган халқ мақолини эслатди. Укалари ҳам у билан анча ҳисоблашадиган бўлиб қолишиди. Бунда бувиси билан онасининг укаларига: аканинг сўзини қайтармай қилиш — одобдан, деб ҳар вақт уқтиришлари муҳим роль ўйнади. Носирнинг ўзи ҳам укаларига меҳрибон бўлиб қолди, ҳар ишда уларга қўмаклашиб туради, ўқиши ҳам яхшиланиб, изга тушиб кетди.

Юқоридаги ҳаётий фактдан қандай педагогик хулосага келиш мумкин? Ота-она болага доимо кўз-кулоқ бўлиб туриши керак, вақтида тийиб, йўл-йўриққа солиши лозим.

Тарбия фоят зийракликни, бола қалбига қандайдир илиқлик билан кириб боришни талаб этади. Бунда ота-онанинг бола табиатини яхши билиши алоҳида аҳамиятга эга. Шундагина болада ўз-ўзини тарбиялаш, яъни ёмон одат, қиликлардан ўзини тийиш, яхши бўлишга интилиш истаги ўйғонади.

Баъзан оналар иккинчи фарзанд кўришгандан сўнг неғадир каттасининг унга ғашлик қилаёттанини айтиб қолишиди. «Укаси билан овора бўлганимни кўради-ю ўзгариб қолади, бўлар-бўлмасга баҳона қилиб харҳаша қиласеради. Қайси куни йиғлаётганда чопиб кирсам ёстиқни оғзига босмоқчи бўлиб турибди. Жуда қўрқиб кеттанимдан бир шапалоқ урганимни билмай қолибман. Бошқа куни эса бешигини ағдариб қочиб қолибди», деган гапларни эшитиб қоламиз.

Хўш, нега болада чақалоққа нисбатан ғашлик туғила бошлиди? Иккинчи фарзанд дунёга келди. Давлатингиз зиёда бўлганидек кувонасиз. Кундалик яхши ташвишларингизга ташвиш қўшилди. Гўдакни ўзига яраша парвариши бор:

кечалари оромингиз бузилади. Таги ҳўл бўлганда янгилайсиз, соғлом ўсишини ўйлаб баданини яйратиб, кунора чўмилтирасиз, ёёлаб яйратасиз. Хуллас, кўп вақтингизни у билан ўтказасиз. Ўзингиз сезмаган ҳолда катта фарзандизга кам эътибор бера бошлайсиз. Илгари ҳамманинг оғуши, эътиборига ўрганган бола ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Чакалоқ туғилдию гўё ҳамманинг меҳри ундан айнигандай, ҳамма уни ёмон кўриб қолгандек туюлади. Шу туфайли у укага ғашлик қила бошлайди. Илгаригидек унга эътибор билан қарашларини, эркалашларини истайди, шуни кўмсаб инжиклик қиласиди. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун ота-она қандай иш тутиши керак?

Аввало, чакалоқ туғилиши биланоқ энди тўнгичнинг aka, опа бўлганини айтиб суйинтиринг. Укасини боқиша у сизга ёрдамлашиши кераклигини, бўлмаса, қийналиб қолишингизни тушунтиринг. Унинг меҳрини уйғотиш мақсадида: «қарагин, уканг худди сенга ўхшайди-я! Сенга тикилиб қарайпти, «акам», «опам» деб танияпти, фақат буни ҳозир у айтольмайди, гапиришни билмайди, кичкина-да, десангиз унга меҳри тушиб, йифласа, юраги ачиб, чониб бориб овутишга уринади, ёнидан кетмай, айланаб, ўргилади.

Яна муҳими унинг ҳали бола эканини унугманг, вақти вақти билан эркалаб, кўнглини топишга ҳаракат қилинг. Катталар олдида уни мақтаб, укасига жуда меҳрибонлигини, сизга дастёр бўлиб қолганини айтиб туриш тарбиявий томондан жуда фойдалидир.

Ота-она шундай йўллар билан болаларини ёшлиқдан бирбирига меҳрибон бўлишга ўргата боради. Натижада бола ўзи катта бўлганидан хурсанд бўлиб, кўлидан келса-келмаса, ҳар ишга уриниб кўради. Сизга ёрдам бермоқчи бўлади. Ака, опа бўлганидан фахрланади. Она юмуш билан банд бўлган пайтларда унга қараб, овутиб ўтиради. Ширин тиллари билан укасига нималарнидир айтиб чулдирайди. Каттароқ бўлганда ўйинчоқлар ясад беради, қизиқ-қизиқ ўйинлар ўйлаб топади. Укалар ҳам ғамхўр опа-акаларини жондан яхши кўрадилар, уларга жуда ўрганиб қоладилар, бирор ерга кетсалар, соғиниб

хархаша қиласылар, уларни күмсайдилар. Опа, ақалар ҳам бирор яхши, тотлироқ нарса бўлса, ўзлари емай, укаларига илинишади.

...Кизча ҳам опа, акасининг меҳрибонлигидан ўзида йўқ хурсанд. Унга эркаланади. Мана, опа ёки акадаги меҳрибонлик, ўз навбатида укада ҳам хотамтойлик, яхши нарсани ҳамма билан баҳам кўришдек яхши одатларнинг тарбия-ланишига таъсир этади.

Келган меҳмонлар беш ёшлик Ўткирга шоколад конфет билан ўйинчоқ самолёт совфа қилишади. Бола севиниб, кўшни хонага, ақалари, меҳмон болалар олдига югарди. Совғаларни кўсатиб: «Буни холам олиб келдилар, — деди лабларини чўччайтириб, — ҳозир ҳаммамиз мсҳмон-меҳмон ўйнаб еймиз, бўлтими?»

Ўйинчоқ самолётини эса кичкина меҳмон Асқарнинг кўлига тутқазиб, уни овутишга шошилди...

Ака-опаларнинг вазифаси укаларига фамхўрлик қилиш, доимо ота-онанинг энг яқин, меҳрибон, ишонган дастёри бўлиши, укалар ҳам уларга меҳрибонлик кўрсатиб, айтган сўзларидан чиқмасликни одобдан деб билишлари керак. Ҳа, яхши нарсани ўргада баҳам кўриш, бир-бирига илиниш яхши одати, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, илиқ муносабатларнинг мустаҳкамланишига олиб келади, сабр-тоқатли бўлишга ўргатади.

Ота-она ҳамма болаларини бир хилда кўриш лозим. Баъзан ака-укалар ўзаро жанжаллашиб қолишганда, кичигини ҳимояга олиб, каттасини ноҳақ ҳақоратламаслиги керак. Кичкинангиз ерга ётиб дод солиб йиглаяпти. Каттангиз бўлса, унинг тепасида ҳансираф икки қўлини куч билан орқасига қайиришга уринади. Кўриб жаҳдингиз чиқади. Гап нимада эканини суриштирмай каттангиз шаънига ёмон гаплар айтиб, ҳақоратладингиз. Воқеани у сизга тушунтиromoқчи бўлди, сиз уни эшитишни ҳам истамадингиз. Уст-устига аччиқ гаплар айтиб таъна қилдингиз. Бу инсофданми?

Воқеа бундай бўлган эди: укасининг гутурт ўйнаётганини кўрган ака уни койиб, бу ишни иккинчи қил-

масликини буюрди. Яна кўрадики, ука қалтис ўйинни тарк этмабди, бундан жаҳли чиққан ака унинг кўлидан гутуртни олмоқчи бўлиб, кўлини қайиради, бола қаршилик кўрсатиб дод солади. Бу ҳолда катта ўғлингиз ҳақ эди. Бебош укани тийиб, кўлидан гутуртни олиб кўймоқчи бўлди. Сиз унинг яхши ниятини ёмонлик, деб тушундингиз. Болалик фурурини менсимай ҳақоратладингиз. Бундай ҳолатда оғирлик қилиш керак. Ака ва укани ўтқазиб, гап нимада эканини секин аниқлаб, сўнгра акаси тўғри иш қилганини айтиш, акс ҳолда, ёнғин чиқиб, баҳтсиз ҳодиса юз бериши мумкинлигини уқтириш лозим эди. Ака бир нарса деганда, уканинг унга қулоқ солиши одобдан эканлигини тушунтириш зарур.

Юқоридаги мисолда эса она ўзининг шошма-шошарлиги билан ака-укани бир-бирига қарши қилиб қўйди. Энди ака қандай қилиб бўлса-да, ундан ўч олишга, унга алам етказишга тиришади.

Яна бир мисол: кичкина Карима дарс тайёрлаб ўтирган опасига шўхлик қилиб, тош отиб унинг бошини фурра қиласди. Оғриқ зарбига чидай олмаган опа ўтирган ерида ҳўнграб йифлай бошлади. Шу вақт ота уйдан чиқади-ю унга ўщқириб кетади: «Ҳа мунча дод-вой солмасанг, кичкина боланинг урганига шунчами? Бўйингни қара, теракдай бўлиб қолибди-ку, ақлдан заррача йўқ». Биринчидан, бўйга етиб қолган бола билан бундай муомала қилиш мутглақо хатодир. Иккинчидан, у бутунлай гуноҳсиз. Болани атайлаб қилган гуноҳ ишини «бола» деб кечиравериш керакми?

Бундай муносабат ака-ука, опа-сингил ўртасида ўзаро адovat, аламзадаликни кучайтиради. Ноҳақ жабрланган бола ўйлайди: «Шу тантик, укамни деб гап эшитдим». Ука унинг кўзига ёмон кўринади. «Дадам ўzlари мени ёмон кўрадилар, уларга эркатойлари бўлса бас. Бошимни фурра қилибди-ку, жим тураверармишман. Қараб турсин, дадам йўғида бир адабини бериб қўяйки, кейин мен билан ўйнашишқанаقا бўлишини билиб қўйсин». Албатта, ота қизига нисбатан адолатсизлик қилди. Опага тегажоғлик қилган сингилнинг айбини кўрсатиб, қаттиқ койиб қўйиш, хатосини кўрсатиш

отадан лозим эди. Шүхлиги орқасида бирөвни безовта қилиб құйғанидан афсусланишга, иккінчи марта бундай ёмон қилиқлардан ўзини тийишга ўргатиши зарур. Каттани ҳам юпатиб қўйишни унутмаслик керак.

Фарзандларнинг ота-она ўгитига сўзсиз итоат қилиши кўп жиҳатдан ота ёки онанинг оиласи обрўсига ҳам боғлиқдир.

## **ОТА-ОНА ОБРЎСИ – ТАРБИЯ АСОСИ**

Баъзи ота-оналар болам менга қулоқ солмаяпти, деб шикоят қилишади. Болаларнинг гапга қулоқ солмаслиги ота-оналарнинг улар олдида ҳурмати йўқлигини кўрсатувчи белгидир. Хўш, ота-оналарнинг обрўси нима ва оиласа улар қандай обрў қозонишлари мумкин?

Чинакам обрўнинг ўзи нима, чинакам обрў нимага боғлиқ? Ота-онанинг бутун ҳаёти, жумладан, ижтимоий бурчга бўлган муносабати, меҳнатсеварлиги, унинг ҳам ўз ота-онаси олдидаги фарзандлик бурчини қай даражада ўтаётгани, оиласи ҳақида қайгуриши, болажонлиги, пок ва виждонли бўлиши, одамларга меҳрибон ва жонкуярлиги кабилар улар қозонадиган обрўнинг асоси ҳисобланади.

Ота-оналар болалар учун энг яқин ва энг азиз кишилардир. Шу боисдан болалар ота ёки онага тақлид қилишга, уларга ўхшашга интиладилар. Ота-оналар ҳамма жиҳатдан болаларга ибрат бўлишлари табиий. Оиласа болалар билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари уларнинг ўзаро ҳурмат қилишлари ва бир-бирларига ишонишларига асосланади. Болалар ўзларининг ҳамма ишларида ота-оналарини маслаҳатчи деб биладилар, ҳар хил қийинчиликларни бартараф қилишда уларни ўзларига ёрдамчи деб ҳисоблайдилар, ота-оналарини ҳақиқий дўст деб билиб, шодликларини ҳам, ташвишларини ҳам улар билан ўртоқлашадилар. Ота-оналар болаларига нисбатан юксак талабчан бўлишлари, айни вақтда уларни қадрлаб ҳурматлашлари лозим. Катталарнинг болаларга нисбатан оқилона талабчанлиги болага таъсир қилмасдан қолиши мумкин эмас, бу болани ахлоқли бўлишга руҳан тайёрлайди.

Бола кичиклигига қўпинча катталарга тақлид қилувчи ва итоаткор бўлади. Катталар нима қилса, шуни қилади, айтгандаридан чиқмайди. Ёши ўсиб борган сари ақли кўп нарсаларга етадиган бўлиб қолади. Энди у баъзи масалаларда катталар билан келиша олмайди, ўз фикрида туриб олади. Катталар буни одобсизлик, ўжарлик, ўзбошимчалик деб тушуниб, уни ноҳақ жазолашга уринадилар. Бундай ҳақсизлик бола қалбини жароҳатлайди ва натижада, ота-она обрўсига путур етади.

Яна бир бор таъкидлаш ўринлики, болани тушунмаслик, унинг ёш ва характер-хусусиятларини эътиборга олмаслик, ота-она ва болалар ўргасидаги меҳр-муҳаббат ва ишончнинг бир оз сўнишига олиб келади. Тарбияда ҳар қандай майда-чўйда ҳам муҳимдир. «Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда ёки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман, деб ўйламанг, — деган эди донолардан бири. — Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир дақиқасида, ҳаттоқи ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай қийин ишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида қандай гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, кулишингиз, газета ўқишингиз — булар ҳаммаси бола учун катта аҳамиятта эга.»

Ота-она болаларнинг биринчи тарбиячисидирлар. Бола хулқининг шаклланиши ва умуман унинг камол топишида уларнинг таъсири фоят катта. Бола ўз ота-онасини ҳаммадан яхши, ҳар қандай ишнииг уддасидан чиқадиган ажойиб кишилар, деб ҳис этади. Бола қанчалик ёш бўлса, шунчалик катталар хулқ-авторига эргашувчан бўлади. Бу боладаги ҳаёт, турмуш тажрибасининг кам бўлганидандир.

Бола, ота-онадан ташқари, оиланинг бошқа аъзолари таъсирида ҳам тарбияланади. Баъзан катталар ўз ташвишлари билан бўлиб, болага қандай ҳаракатлар билан таъсир кўрсатаётганларини сезишмайди. Оилада бола доимо катталарнинг бақириқ-чақириғи, дарғазаб юзини кўрса, у ҳам ёмон феъл-авторли, жаҳлдор бўлиб ўсади. Агар оила аъзолари ўзаро

хушмуомала, бир-бирларига мәхрибон ва аҳил бўлсалар, бола ҳам улардан ибрат олиб хушчақчак, инсонпарвар бўлиб ўсади.

Ота-онанинг ўз болалари олдида ҳеч қандай обрўга эга бўлмаган ҳоллари учраб туради. Булар боланинг ҳар қандай инжиқлигини дарров бажарувчи, ўз талабларининг бажарилишига лоқайд қаровчи, болага бугун бирор нарсани қилишга рухсат бериб, эртасига худди шу нарса учун жазоловчи ота-оналардир.

Ҳақиқий ота-оналик обрўси меъёридан ортиқча қаттиқўллик, боланинг ҳамма нарсани қилишига йўл қўйиш, ҳар қандай шўхлигини кечириш, шунингдек, ўтакеттан дарражадаги марҳаматлилик билан кўлга киритилмайди. Оқилона талабчанлик, боланинг ҳаётига доимо эътибор бериш ва қизиқиш ҳақиқий обрўнинг асосидир.

Обрўга эга бўлган оиласарда болалар ота-оналари топшириқларини сўзсиз бажарадилар, кўрсатмаларига бажону дил бўйсунадилар. Агар болалар ўз ота-оналарини чиндан хурмат қилсалар, доимо уларнинг гапидан чиқмайдиган бўлишади. Истак ва талабларига қулоқ солишади. Ҳар бир нарсада улар билан маслаҳатлашиб иш тувишга ўрганадилар. Бу уларни кўп хатолардан сақлаб қолади.

Оилада ота-она обрўсининг сақланишида сўз билан иш бирлиги муҳимдир. Болаларнинг ўқиши, дам олиш, оилавий юмушларга ёрдамлашиш ва ҳоказоларни муайян тартибга солиб, унга амал қилишини талаб этиш билан бирга, аввало, ота-онанинг ҳам бу кун тартибига итоат этишда намуна кўрсатиши катта аҳамиятга эга.

**Оилада болаларни кун тартибига ўргатиш — тарбиянинг муҳим воситаси.** Кун тартиби — боланинг кундалик ҳаётини маълум тартибга солиб туришдир. Кун тартиби болани тартибинтизомга ўргатади, вақтини тежашга ёрдам беради, топшириқларни ўз вақтида пухта, аниқ бажаришга, жамоат орасида ўзини тувишга ўргатади, одатлантиради. Бола ҳаётининг муайян бир маромда ташкил этилиши, меҳнат билан дам олишнинг тўғри алмашиниб тувишини таъминлайди. Кун

тартиби — боланинг соғлом, тетик ўсишига ҳамда ақлий жиҳатдан тұғри ривожланишига таъсир этади. Күн тартибига асосланған бола ҳар бир ишни вақтида қилишга ўрганади. Вақтида меҳнат қилиб, вақтида дам олади. Севган машгулоти билан шуғулланишига ҳам пайт топади. Уй юмушларида дастёрчиликка одатланади. Бундай бола ҳамиша рұхан тетик, мақсадға интилувчан, серзавқ бўлади. Шунинг учун ҳам ота-она болани ёшликтан вақтдан тұғри фойдаланиш, ҳар бир ишни ўз муддатида бажаришга ўргатиб бориши керак.

Маълумки, ўқув машгулоти бола учун меҳнатнинг энг мураккаб тури бўлиб, ундан фаолликни, дикқат-эътиборни, чидам ва иродани талаб этади. Ўқувчининг муваффақияти, аввало, унинг меҳнатсеварлигига, оиласа ҳар бир юмушни ўз вақтида бажаришга одатланисига боғлиқ.

Мактабга тайёрланаётганида ҳар бир бола яхши ўқигиси, ўзини яхши тутгиси келади ва агар бунга ҳар доим ҳам эришавермаса, у ҳолда айб кўпрақ катталарнинг гарданига тушади. Шунинг учун ота-оналар болаларининг уй вазифаларини қандай бажараётганини мунтазам назорат қилиб туришлари, мактабдаги ўқишилари, юриш-туришларини суриштиришлари, уларнинг муваффақиятини тақдирлашлари, ўз кучларига ишончларини кувватлашлари мухимdir.

Ота-оналарнинг болага, унинг ўқишига доим эътибор беришлари, ўқув ҳамда ахлоқий мажбуриятларини бажариш билан қизиқишилари, мактаб ва ўқитувчининг ўқувчига кўйиладиган талаб ва қоидаларига, маслаҳат ва топшириклирига жиддий муносабатда бўлишлари болани муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялашда мухим аҳамият касб этади.

Айрим ҳолларда бола ўз ихтиёрига ташлаб қўйилғанлиги туфайли дарс тайёрламай, сандироқлаб кунини кеч қиласади. Ота-она ишдан қайтиб кўрадики, бола дарс тайёрламаган. Болани койиб, кеч бўлса ҳам дарс тайёрлашга мажбур қилиши керак. Аммо бола кун бўйи кучини сарфлаб чарчагани туфайли иши унумли бўлмайди. Фақат у ухлашнигина истайди. Шунинг учун болани вақтида дарс тайёрлашини назорат қилиш ҳар бир оила аъзоларининг бурчи ҳисобланади.

Бола овқатта ўтиришдан олдин құлинни ювиши зарурлигини, турғанда эса миннатдорчилік билдириш одобдан эканини түшунсін. Болангиз вазиятта қараб иш тутишни ўргансин, фаҳм-фаросатли бўлсин. Кўрятпики, сиз ҳам хизматга шошаяпсиз. Дарҳол ишингизни енгиллаштиришга тиришсін. Ўзини ўзи эплашга ўргансин.

Болани эрта билан турғанда ўрнини тузатишга ўргатиш лозим. Уни мактабга кечикиб боришига йўл қўймаслик керак. Бола ўқишиш бошланишидан бир-бир ярим соат олдин уйқудан туришга одатланса, шошилмасдан, нонушта қилиб, ўз вақтида мактабга етиб бора олади.

Кундалик тартибга риоя қиласлик болада пала-партислик, интизомсизлик иллатларини урчитади. Бу эса унинг ўқишишга ва тенгқурларига бўлган муносабатига салбий таъсир қиласди.

Болани яхши одат, тартибга ўргатиш катталардан қунт, сабр-чиdamни талаб этади. Болани яхши одатларга ўргата бориши билан бирга уни доимий кузатиш лозим. Яхши одатни тарқ этмаслик одобли боланинг фазилати эканини англатиш керак. Токи яхши одат унга дилхушлик келтиришини ўзи түшунсін, англаб етсін.

Кун тартиби боланинг маълум малака, машгулот билан мунтазам шуғулланиши асосида юзага келади. Машгулот түшунчаси кенг мазмунга эга бўлиб, уй юмушларини бажаришдан тортиб, то бирон касб-ҳунар билан боғлиқ ишларни бажаришгача бўлган вазифаларни ўз ичига олади. Демак, болани қатъий кун тартибига ўргатишда меҳнат тарбияси ҳам асосий омиллардан бири экан.

## **ОИЛАДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ**

Доно халқимиз «Инсоннинг баҳти, кўрки — меҳнатдан» деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, киши ўз баҳтини ҳалол меҳнат туфайли яратади. Ҳа, инсонн улуғлайдиган, элга танитадиган мўъжиза, бу меҳнатдир. Ҳалол меҳнатнинг завқи-шавқи лаззатли бўлади. Меҳнат самарааси киши руҳини кўтаради, қувноқ ва тетик қиласди, уни янада унумлироқ

мехнат қилишга ундаиди, инсон ҳаётига маъно, мазмун киритади.

Мехнат жараёнида кишилар энг яхши инсоний фазилатларни ўзларида мужассамлаштира борадилар: улар хушодоб, фаҳм-фаросатли, кувноқ, тадбиркор, иродали бўлишни ўрганадилар. Албатта, бундай кишилар ўз ўғил-қизларини ҳам келажакда меҳнаткаш қилиб вояга етказади. Демак, эзгу орзуларнинг қанот ёйиши кўп жиҳатдан отаонанинг ўзларига боғлиқдир. Буни эътиборга олган ҳолда ҳар бир ота-она фарзандининг меҳнатда тарбия топишига алоҳида аҳамият бериши керак.

Ёши, кучи ва имкониятларига тўғри келадиган ҳар қандай меҳнат болани чиниқтиради, ақлини ўстиради ҳамда қийинчилликни енга оладиган, кучли, иродали қилади. Шунингдек, ахлоқий фазилатларнинг камол топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, болада мустақилликка интилиш жуда эрта вужудга келади. Ҳар бир ишни «ўзим қиласман» деб уринади. Ота-она болада пайдо бўлган ана шу табиий эҳтиёждан тарбиявий мақсадда фойдаланиши, болани ўзини-ўзи бошқара олишга, оила, рўзгор ишларида кучи етадиган юмушларни қилишга ўргатиши яхши самара беради.

Болага улғайтан сари унга оиланинг teng ҳукуқли аъзоси сифатида маълум меҳнат топшириги бериш зарур. Бу нарса болада топширилган иш учун оила аъзолари олдида масъулият ҳиссини тарбиялайди. Болага бу ишни қандай бажариш кераклигини кўрсатиб бериш лозим, албатта. Лекин боланинг ўзига ҳам мустақиллик берилгани яхши. Болага бажараётган иши билан оиласа ёрдамлашатганини сезсин. Бордию, ўзига топширилган вазифани бажармаса, бундан барча оила аъзолари ранжишини тушуниб етсин.

Болага иш буюрганда меҳнатдан кўзда тутилган мақсадни, уни яхши ва сифатли бажарилиши учун сабр-тоқат зарурлигини тушунтириш керак. Топширилган вазифани бола қандай бажараётганини катталар назорат қилиши, кези кел-

ганды ёрдам бериши, ишнинг натижасига баҳо бериши тарбиявий жиҳатдан муҳимдир.

Болага буюрилған ҳаддан ташқари қийин топшириқлар ишдан безишга, шунингдек, жуда осон топшириқлар уни ялқов бўлишга олиб келади.

Боланинг ёши улгайган сари буюриладиган ишларнинг мазмунини кенгайтириб, мураккаблаштириб бориш лозим. Акс ҳолда, болада фаоллик йўқолади. Мехнат қилишга одатланган бола бошқаларнинг меҳнатини ҳам хурмат қиласди, қадрлайди. Бу нарса тарбияда ғоят муҳим.

Хуллас, болалардаги меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, чақонлик каби фазилатлар оиласдаги тўғри тартиб-интизом отаонанинг ижобий намунасида камол тога боради.

Фарзандимизни мустақилликка, меҳнат қилишга ўргатар эканмиз, баъзан учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишда унга кўмаклашишга шошамиз. Чунки фарзандим – дилбандим, деганидек, биз уларни севамиз.

**Болани севишнинг ҳам меъёри бор.** Боланинг кўнглига қараш, талтайтириш яхшиликка олиб бормайди, у ишёқмас бўлиб ўсади. Бу тоифадаги ота-оналар фахрланиб: «Биз ўз фарзандларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз», дейдилар. Хўш, болани шу билан баҳтли қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Бу билан бола ёки турмуш қийинчиликлари олдида ўзини йўқотиб кўядиган ёки текинхўр, меҳнатсиз роҳатни ўйлайдиган бўлиб ўсиши мумкин.

Ота-оналар ҳар хил бўлади. Эр-хотин ишлашиб яхшигина маош оладиган бир оилани биламиз. Феъли кенг одамлар. Лозим бўлганда ёру дўст, кўни-кўшнилардан ҳеч нарсани аяшмайди. Болаларга келганда пулга қаттиқ туришади, чўнтакларига ортиқча пул солишмайди. Болалар меҳнат қилиб, топилған пулнинг қадрига етишсин деб, шундай қилишади. Улар фарзандларини ёшлиқдан меҳнатда тарбия топишларига алоҳида аҳамият беришади. Кичикларини ўз-ўзини эплашга, қолганларини эса, ёши, кучи, имкониятига қараб жисмоний меҳнатга ўргатиб, қийинчиликларни енга оладиган ирода эгаси қилиб тарбияладилар. Эндиликда уларнинг болалари

құлидан ҳар бир иш келадиган, улдабурон, мәхнатсевар ўғил-қызлар бўлишди.

Мәхнатсевар оиласарда ўсан болалар ёшлигиданоқ рўзғор тувишнинг бутун сирларини ўрганиб борадилар. Чунки ҳалол мәхнат билан топилган пулнинг ҳар бир тийинини ота-оналари тежаб-тергаб сарф қилишганини кўриб, кўзлари пишиб боради. Шунинг учун болалар ҳам пул, ота-она ва мәхнат қадрига етадилар.

Катта маош билан яшайдиган баъзи оиласарда ўсан болалар эса кўпинча, мәхнат ва унинг моддий ўлчов бирлиги — пул қадрини билмайдилар. Улар ота-оналари катта-катта сарф қилганликларини, унча-мунча пулни менсимасликларини кўриб, турмушни осон деб ўйлай бошлайдилар. Бундай ота-оналар болалари чўнтакларига майда харажатлар учун ҳам катта-катта пулларни солиб кўядилар. Бола эса бемеҳнат, беташвиш чўнтакка кирган пулни ҳеч аямай исроф қиласи. У ота-онаси яна пул беришини билади. Шу тахлит бола пулга ўрганади, уни қадр қилмайдиган бўлади. Бу нарса болани мәхнат қилмай ҳам яхши яшаш мумкин, деган хатарли тушунчага олиб келади. Бола уй ишларига ҳам эътибор бермайдиган, тайёрга айёр бўлиб ўсади. Шунинг учун ота-онанинг фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатини унга яратиб берадиган моддий шароити билан ўлчамасдан, балки унинг келажагини ўйлаб берган тўғри тарбиясига қараб белгиламоқ керак. Демак, ота-она болани ёшлиқдан мәхнатда чиниктириб бориши, мәхнат билан топилган ҳар бир нарса ва буюмни экътиётлаш ва қадрига етишга ўргатиши керак.

Ҳар бир ота-она ўғил-қизини ёшлиқдан оилавий ҳаётда чиниктира бориш билан бир қаторда, уни ижтимоий фаолиятта тайёрлаши, яъни унда жамият, одамлар фойдасини кўзлаб мәхнат қилиш иштиёқини тарбиялаши, мактабда яхши ўқиб, мәхнатда ҳам чиниқиб бориши учун ғамхўрлик қилиши жуда муҳимдир.

Ёшларни ҳаётга, касбларни онгли равищда танлаб олишга тайёрлаш мактаб билан бир қаторда оиласининг ҳам муҳим вазифаси. Бола ёшлиқдан ўзи тиришиб мәхнат қилишга

одатлансин, ўзини-ўзи эпласин, ҳар бир ишнинг уддасидан чиқа оладиган укувли бола бўлсин.

Одатда, болалар ёшлиқдан ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади, ниманидир ясашни, бузишни ёқтирадилар. Катталар боладаги ана шу ташаббусни кувватлаб, уни фойдали томонга бурмоқлари керак.

Анвар VI синфда ўқийди. Меҳнат дарсида қоркурак ясашни ўрганиб қайтди. Уйда ўзи уриниб, қоркурак ясашга ҳаракат қилди. Ҳаммаси жойида бўлди-ю, дастасига келганда уддалай олмади. Дастани арралаб, фанерни қандай биррикириш устида ўйлаб турган эди, дадаси эшикдан кириб келди. Ўғлининг ишига разм солган ота мийигида кулиб кўйди:

«Ҳа, уста, ҳорманг, нима ҳаракат?» – деб, боланинг ақли етмай қолган ишни энди ота-бала биргаликда бажаришиди. Ниҳоят, қоркурак ҳам тайёр бўлди. Ёш «уста»нинг юзида севинч, табассум жилваланарди. Ота ўғлининг қилган иши учун мақтаб кўяди. Онанинг хурсандлиги ҳам шундай кўриниб турарди.

Анвар отасига ўхшаб устахонада ишлашни жуда ёқтиради. Тунов куни укасига стулча ясад берганида у қанча суюнганди. Уйга атаб сабзи таҳта, кийим илгич, тузлик, оёқ кийимлар учун махсус токча – этажерка ясад, ойисини хурсанд қилди.

Бу оиласда отанинг ўзи меҳнатсевар, билмаган иши, хунари йўқ. Ота ўғилларини болаликдан ёнига олиб, ҳар хил ишларга ўргатди, чиниктирди. Яхши ишлари учун мақтади, кўллаб-кувватлади. Шу тариқа болада меҳнатта ҳавас, ихлос уйғотиб борди. Айрим ота-оналарга ўхшаб «Сенга ким қўйибди буни, аввал ўқишингни қойил қилгин. Қани, йифиштири, ҳаммаёқни ивиристиб юбординг» ёки «Мунча тақ-тақ қиласан. Ҳа, нима, дурадгор бўлармидинг?» қабилида иш тутмади.

Боланинг ёшлигидан бошлаб қандай ишларга майли ва қобилияти борлигини аниқлаш керак. Болалар ёшлиқдан бошлаб расм солишга, лой ва пластилиндан турли нарсалар ясашга уринадилар. Ўқиш даврида айрим болалар физика,

математика, бошқалари адабиёт, тарих фанларига қизиқадилар. Баъзан буни сезган ота-оналар ўз болаларини жуда қобилиятли деб ўйлаб, буни болаларига ҳам айтадилар. Бу заарали бўлиб, боланинг магрурланишига, кибрланишига олиб келади. Болалардаги ҳавас ҳамиша ҳам истеъодод бўла-вермайди. Боланинг қобилиятини, майлини ва соғлигини хисобга олиш керак.

Ўғил-қизингиз мактабни тугатиб, ҳадемай ҳаёт йўлланмаси — етуклик аттестатини қўлга олади. Лекин қаерда ўқишини давом эттириши ёки қайси соҳада меҳнат фаолиятини бошлаш ҳақида ўйлаб ўйига ета олмайди. Чунки бу давр мактабни тугатаётган ҳар бир йигит-қиз ҳаётида энг масъулиятли, ҳал қилувчи бурилиш давридир. Бу даврда ҳар бир йигит-қиз олдида «Келажакда ким бўлсан экан?» деган савол туғилади.

Маълум касб-хунарга нисбатан ўзида қизиқиш, қобилият, мойиллик борлигини хис эта бошлайди. Ўзига ёққан касб ҳақида атрофлича ўйлайди, ҳаётда янглишмаслик учун қобилияти, имкониятларини синаб кўради, яқинларига маслаҳат солади. Аммо айрим ёшлар касб танлаш масаласига юзаки қарайдилар, бир амаллаб бирор олий ўкув юртига кириб олиш ёки бирор «ёғлироқ» жойдан иш топиш ҳақида бош қотирадилар. Бу билан улар ўзларининг келгуси ҳаёт йўлига нисбатан енгил муносабатда бўлаётганларини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам баъзи ёшлар институт ёки коллежнинг 2, 3-курсига ўтгач, олаётган мутахассислиги ҳақида тушунчага эга бўлгач, бу соҳани ёқтирмай, ўқишини ташлаб кетадилар. Ёхуд дипломни оладилару, ўз касбига меҳр қўймаганликлари туфайли шунчаки бекорчиликдан кўра ишлаб турганликларини айтадилар, ҳаётларидан афсусланадилар ёки бир ишдан иккинчисига кўчиб юрадилар.

Шунинг учун ҳар бир ота-она ўғил-қизини касб-хунар танлашига жиддий эътибор бериши, бу йўлда тасодифларга, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги учун болаларига ўз вақтида тўғри маслаҳат беришлари зарур.

## **БОЛА БОШДАН, НИХОЛ ЕШДАН**

Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг мазмуні болани яхши фазилатларга, масалан, озодаликка, ювеништаранишга, хушмуомалаликка, кишиларга нисбатан ғамхұр бўлишга, меҳнат қилиш, уни севиш ва қадрлашга ўргатиш ҳамда одатлантиришни талаб этади. Болани ёшлигидан бошлаб маълум гигиеник шароитда тарбиялаш уни озодаликка ўргатади. 2—3 ёндаёқ дастлабки хулқ-автор меъёрлари таркиб топа бошлайди. Болалар «мумкин» ва «мумкин эмас», «яхши» ва «ёмон» деган тушунчаларни бир-биридан фарқлай борадилар. Худди мана шу ёшдан бошлабоқ хатти-ҳаракат, маданият одатларини таркиб топтириш, маънавий ҳис-туйғуларни тарбиялаш зарур. Беш ёшгача бўлган болада киши характеристики таркиб топади, кейин қайта тарбиялаш давом этади, деб тўғри айтган эди педагоглардан бири.

Ёш бола ҳамма нарсадан тез таъсирланади, ҳис-туйғуга берилувчан бўлади. Бола қанчалик ёш бўлса, шунчалик беихтиёр ҳаракат қиласи. Улар бирор иш қилганда одатда ақлга таяниб эмас, балки ҳис-туйғуга берилиб ҳаракат қиласидилар. Кўркув, жаҳл, раҳмдиллик каби турли ҳис-туйғулар кўп вақт болани ҳаракатга солувчи куч бўлиб қолади.

Ёш боланинг асаб тизими ҳали яхши шаклланмаган, қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устунлик қиласи, шунинг учун ҳам улар номаъқул ишларни қилиб кўядилар, яъни ўзларини тия билмайдилар. Бу улардаги ирода сифатининг бўшлигидан дарак беради. Масалан, бола узоқ кутишга чидамайди. Қорни очса, сабр қилиб ўтирмайди, бетоқат бўлади. Уйқу босса, уни қочира олмайди, чунки улар ундан сабр-чидам, ирода талаб этади. Сўзсиз, булар бола характеристига таъсир қилмай қолмайди.

Боланинг табиий эҳтиёжига зарурый нарсаларни тақиқлаш керак эмас. Акс ҳолда, унинг меъерида ўсишига зарар етказган бўламиз. Боланинг ўсаётган организми ҳаракат қилиб туришни талаб этади. Агар унинг бу эҳтиёжига қарши турсак, бола ўжарлик билан гапга кулоқ солмайди, йиглайди ва инжиқлиқ қиласи. Кўпинча болани шўхлик қилгани учун

көйіб, ундан жим ўтиришини талаб қиласыз ёки болани узоқ вақт бир турдаги иш билан шуғулланишга мажбур эта-миз. Болада ҳали сабр-тоқат етишмаслиги, бир хилдаги фао-лиятдан у тез толиқиб қолишини түшуниб етмаймиз.

Маълумки, болалар узоқ чопишлари, үйнашлари, ҳамма ишлар билан машғул бўлишлари мумкин, аммо бундан уларда чарчоқ аломатларини сезмаймиз. Бундан «қаттиққўл» ота-оналарнинг тоқатлари тоқ бўлиб, болани жеркиб соли-шади ва «Тинч ўтири!», «Жонимга тегма!», «Овозингни ўчири!», «Шовқин солма!», «Югурма!» каби қўпол сўзлар билан боланинг шаҳдини қайтариб, нотўғри иш қиладилар.

Ёш болаларга характерли бўлган яна бир хусусият — ҳар бир нарсага қизиқиши, уни тезроқ билиб олишга интилишдир. Шунга кўра у дам-бадам «Бу нима учун?», «Нега ундай?», «Бунинг ичида нима бор?» каби саволларни беради. Бу унинг ҳаёт тажрибаси кам бўлганидан, олам сирларини тезроқ билишга ташналигидандир. Боланинг бундай саволларига бефарқ бўлиш ярамайди. Иложи борича унга қисқа ва аниқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилиш керак. Вақт йўқлигини баҳона қилиб, пайсалга солиш ёки жавобсиз қолдириш яра-майди. Боладаги бу хусусият уни атроф-оламни ўрганишга, билишга олиб келади. Ақли кўп нарсаларга етадиган бўлади.

Баъзида бола ёшига тўғри келмайдиган саволларни беради. Яхшиси, унда болани бошқа нарсаларга чалғиттан маъқул, ёки катта бўлганингда ўқиб, билиб оласан дейиш яхши. Зинҳор нотўғри түшнитиришга уринманг.

Маълумки, болаларнинг ҳаммасига бир хилда муно-сабатда бўла олмаймиз, чунки ҳар бир боланинг ўзига хос қилиғи, одати бор. Буни, албатта, ота-она тарбияда ҳисобга олиши керак. Масалан, бир боламизга мулоҳимлик билан айтилган яхши гап, бошқасига эса қаттиқроқ танбех таъсир этади. Яна бирига маъноли қарашиб ёки бош қимирлатиб қўйишнинг ўзи кифоя. Аввало боланинг муайян таъсир этиш чораларига кўнинканлиги бунда муҳим роль ўйнайди. Бироқ табиатан ҳар бир одамда асаб тизими ўзига хос хусусиятларга эга эканини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Бу хусусият-

лар инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва шахснинг ўзига хослигини вужудга келтиради. Кичик ёшдаги болаларда бу фарқлар, айниқса, аниқ намоён бўлади. Агар бола билан бўлған муносабатда шу хусусиятлар ҳисобга олинмаса, нималар рўй бериши мумкин? Вазмин, уятчан болаларга кўпол муносабатда бўлинса, арзимаган хатолари учун койиб уришилаверса, у ҳолда бола зада ва кўрқоқ бўлиб ўсади. Отоналар олдида титраб, чўчиб турадилар, улар бўлмагандга эса ўзларича иш тутадилар.

Болалар ўзларининг тўполончиликлари, ҳаракатчанликлари ва бир жойда ўтира олмасликлари билан ажralиб турадилар. Бундай болалар катталарга кўп ташвиш келтирадилар, чунки улар шўх ва сўзга кирмайдиган бўладилар. Агар бундай болаларга тасодифий хатолари ва ўзларини тута билмасликлари учун ота-она тез-тез жазо берсалар, уларда қаршилик кўрсатиш, ўзини қандай қилиб бўлса-да ҳимоя қилиш, ўжарлик одати пайдо бўлади. Кейинчалик ёмон хулқли, тарбияси «қийин» болаларга айланадилар.

Болаларнинг хатолари кўпинча «мен ҳамма нарсани қила оламан», «мен каттаман» каби истакларини исботламоқчи бўлганидан келиб чиқади. Айрим ота-оналар болаларининг у ёки бу ишни қилишга ундан сабабларни суриштирмайдилар, фақат улар келтирган зарарнигина кўрадилар.

Очигини айтганда, биз болаларимизнинг қилган гуноҳлари сабабларини тўла аниқламасдан туриб, бекорга жазолаймиз. Гоҳ уларни суриштиришга «вақтимиз» бўлмайди, гоҳ ўзимизни тута билмаймиз, гоҳо сабр-чидам етишмайди, ёки боланинг ёш хусусиятлари билан ҳисоблашмай, ундан бажаришга қурби етмайдиган каттароқ нарсани талаб қиласиз, баъзан жаҳл устида, унинг хулқига жиддий баҳо берамиз.

Боланинг фаоллик, ҳар бир нарсани билишни ҳавас қилиш каби хусусиятларини ёддан чиқармаслик керак. Ўйин бола ҳаётида катта ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги даврни «ўйинқароқлик вақти» деб атайдилар. Ўйин жараёнида бола жисмонан ўсади, ақли тўлишади, ўрганади, ўй-фикрлари теранлаша боради, атроф-оламни тушуна бошлайди.

Ижобий ва ижодий мазмунга эга бўлган яхши ўйинлар ахлоқий тарбияда фаол восита бўлиб хизмат қиласи. Болалар ўйинида меҳнат тарбиясининг элементларини кўрамиз. Болалар ўйинининг кўпчилиги кишилар меҳнатига тақлид қилишдан иборатdir. Ўйинда ишлатиладиган материал, ўйинчоқларни ўз вақтида йифиштириб олиб, жой-жойига кўйиш, баъзи бир ўйинчоқларни ювиш, тозалаш, тузатиш, парвариш қилиш кабилар. Демак, улар ўзларига тегишли ишларни ўзлари қилишга ўргана бошлайдилар.

Болалар ўйинларининг тарбиявий аҳамият қасб этиши учун уларга раҳбарлик қилиш керак. Бу ота-оналардан алоҳида вақт талаб қылмайди. Ўз иши билан банд бўлиб турган ота-оналар ҳам болалар ўйинининг мазмуни қандай эканини, энг яхши инсоний фазилатларнинг таркиб топишига, ташаббускорлик, мустақиллик ва жамоавий хусусиятларни ривожлантиришга ёрдам берадими ёки йўқми, билиб олишлари мумкин.

Кўпгина педагоглар ўйинни меҳнатга тайёргарлик деб ҳисоблайдилар. Ўйин боланинг турмушга тайёрланишига восита бўлувчи машқдир. Бола ўйинда ўзини қай тарзда тутса, ўсиб катта бўлганидан кейин, ишда ҳам ўзини у кўп жиҳатдан шундай тарзда тутади. Яхши ўйин ишга ўхшайди. Ҳар бир яхши ўйинда, аввало, қўл ва мия ишлатилади, ўйин болаларга шодлик баҳш этади, яхши иш ҳам одамга ана шундай шодлик келтиради, ишда бўлгани каби ўйинда ҳам катта масъулият бор.

Ўйин боланинг жисмоний ўсишида, ақлий ва ахлоқий камолотида катта роль ўйнайди. Уларнинг хаёlinи ва ижодий қобилиятини бойитади. Эътиборли ота ёки она боланинг нима билан шуғуланиши ва унга қизиқарли ўйинларни топишда қандай ёрдам бериш кераклиги ҳақида ўйлашга, албатта, озгина бўлса ҳам вақт топадилар. Мисол учун кир юваётган она қизига кўғирчоининг кўйлагини ювишни тавсия этади. Қизча шу заҳоти онасининг олдида кир ювишга тутинади. Улар ўртасида суҳбат боради. Қизча ҳам ўзининг онаси сингари қандайдир зарур иш билан шуғуланаётганини ҳис

қилади. Кечкүрун эса акаси ва опаси дарс тайёрлашға ўғирғанда, бола ҳам улар билан бирга ўтириб, гоҳ расм чизади, гоҳ қоғоздан нималарни дір кесади ёки бирор нарса ясади. Хонада сокинлик ҳукм суради. Қызча фойдалы иш билан банд бўлади ва катталарга халал бермайди. Шундай қилиб, ёш бола аста-секин катталарнинг ишини хурмат қилишга одатланиб боради.

Болани мактабга тайёрлаш оиланинг энг муҳим вазифасидир. Оилада болаларни ҳар тарафлама камол топишига оид тарбиявий ишлар ота-оналардан ўз болаларининг ёш хусусиятларини яхши билишлари ва ҳисобга олишларини талаб этади.

**Ота-онанинг «ширин ташвиши».** Бола мактабга қатнай бошлагач, оила тарбияси янги мазмун билан бойитилади. Ота-она мактаб билан ҳамкорликда боланинг яхши ўқиши ва интизомли бўлиши устида ғамхўрлик қилади.

Фарзанд мактабга бориши билан унинг ҳаётида катта ўзгариш рўй беради — асосий вазифаси ўқиш бўлиб қолади. Бола ҳаётига янги ўй, янги вазифа кириб келади. Бу эса ота-онанинг ширин ташвишларига янги ташвиш кўшади.

Ота-она болани ўқитувчи қўлига топшираётib, жуда ҳаяжонланади, унга катта ишонч, умид билан қарайди, берган маслаҳатларини тинглаб, унга амал қилишга уринади. Боланинг мактабга, ўқишга бўлган ҳавасини орттиришга ҳаракат қилади. Ўқитувчига хурмат билан қараб, унинг ҳамма айтганларини ўз вақтида пухта бажариш кераклигини, мактабга кечикмай вақтида келиши, яхши ўқиши зарурлигини унга такрор-такрор уқтира боради.

Бола мактабда ўқий бошлаган кунданоқ уларни одоб қоидаларига риоя қилишга ўргатиб борилади. Жумладан, катталарни кўрганда салом беришга, ўзидан кичикларга ғамхўрлик қилишга, ўртоқлари билан аҳил, дўст бўлишга, ўқища ва бошқа ишларда бир-бирларига ёрдамлашиш ва ҳоказоларга ўргатилади. Ота-она боланинг яхши ўқиши учун лозим бўлган барча шарт-шароитни яратишга интилади: бола учун тўғри кун тартиби белгилайди ва уни шу тартибга кў-

никтира боради. Вақтида дарс тайёрлаб, вақтида дам олиш, үйнаш, ухлаш, овқатланиш ва фойдали меңнат билан шуғулланишга одатлантириб боради. Ўқув қуролларини тахт қилиб, боланинг дарс тайёрлаши учун маҳсус хона ёки бурчак ажратишади. Уй вазифасини бажараётганда назорат қилиб турадилар. Ёрдам лозим бўлганда кўмаклашиб, болани кўпроқ мустақил бўлишга ўргатишни унутмайдилар. Биринчи синф айниқса, ота-онадан кўпроқ вақт, сабр-чидам талаб қиласди. Болани мактаб шароитига кўнижтириш лозим бўлади.

Мактабга қадар бола асосий вақтини үйин билан ўтказади. У қанчалик ўйинга берилиб ўзи билан овора бўлса, шунчалик хурсанд бўламиз. Энди фарзандимиз мактаб ўқувчиси. Эрта билан туриб мактабга бориши, дарсда тартиб сақлаши, ўқитувчининг рухсатисиз гапирмасликка одатланиши керак.

...Қобилнинг қорни очди шекилли, сумкадан нон олиб ея бошлади. Ўқитувчи унга дарсда нон ейиш мумкин эмас-лигини тушунтириди. Бир боланинг энникка қараб кетаёт-ганини кўрган муаллима, тўхтатди: «Ҳа, Гулчеҳра, қаёққа боряпсан, ҳали танаффус бўлгани йўқ-ку». Шундай йўллар билан ўқитувчи болани мактаб тартиб-қоидаларига ўргата боради.

Мана ўқишининг биринчи куни ҳам тугади. Бола эшикдан отилиб кирди-ю, сизга таассуротларини тўлиб-тошиб айтиб, тугата олмайди. Бизга ўқитувчимиз: «Бирор нарса сўрамоқчи бўлсангиз, қўлингизни кўтариб, рухсат олгач, ўрнингиздан туриб сўранг, катталарни кўрганда салом бериб, дарров кўлларидан нарсаларини олинг», деб айтдилар. — Яна, уйга боргандга, ота-оналарингизга салом беринглар, ойингизнинг ишига қарашишни, укаларингизга қараб, дастёрчилик қилиб туришни унутманглар, деб тайинладилар» — деди у. Ўз навбатида ота-она ҳам ўқитувчи ўғитларини кўллаб-куватлаши керак. «Қара, ўқитувчинг жуда яхши нарсаларни ўргатибди. Кимда-ким шу нарсаларни қулоғига олиб, яхши бола бўлишга интилса, албатта, «бешчи», «аълочи» бўлади. Бунақа болани ўқитувчи ҳам, бошқалар ҳам ёқтиради» қабилида жавоб қиласа, нур устига аъло нур бўлади.

Үқиши — катта мәхнат! Ҳар қандай мәхнатнинг ўзига хос қийинчилігі бўлгани каби, үқишида ҳам ўқувчи учун ҳамма нарса силлиқ, қизиқарли бўлиб боравермайди. Буни ўқувчининг фанлардан олган баҳосига қараб ҳам белтилаш мумкин.

Баҳо — ўқувчининг ўқув фаолиятидан дарак берувчи, унинг муваффакияти ёки муваффакиятсизлигининг ўлчовидир. Ўқувчи баҳоси давлат аҳамиятига эга. У боланинг ўзлаштиришини, мактабда давлат ўқув режалари ва дастурларнинг бажарилаётганини кўрсатади. Баҳода боланинг қобилияти, үқишига бўлган муносабати, тарбияси кўринади.

Ота-онанинг баҳога бўлган муносабати бола билимининг сифатига ҳамда тарбиясига салбий таъсир этади. Бола кўркўона яхши баҳога интилади. Билимни юзаки ўзлаштиради. Дарс тайёрлаётганда уй вазифаларини тушуниб эмас, яхши баҳо олиш нуқтаи назаридан қараб бажаради.

Болангиз мактабдан қайтди. Сизни аввало, у қандай баҳо олгани эмас, нималарни ўргангани, қандай қизиқ воқеалар рўй бергани, ўқитувчи берган саволларга кимнинг қандай жавоб бергани қизиқтиргани маъқул. Ҳар куни щундай тарзда бола билан сұхбатлашсангиз, у ўтган дарсларни яхши ўзлаштириб олади, ўрганишга, билишга бўлган қизиқиши ўсиб боради. Яхши баҳоси эса унинг билим олишга бўлган катта иштиёқи, мәхнатсеварлиги натижасидир.

Бола бальзан паст баҳо олгани учун ўқитувчини айбламоқчи бўлади. «Ҳамма саволларга жавоб берсам ҳам... ўзлари мени ёмон кўрадилар» деганда, «Наҳотки, ўқитувчининг ҳамма нарсани билган бўлсанг, ёмон баҳо кўяди? Қизиқ, кеча кун бўйи коптот тепиб кунингни ўтказган бўлсанг, қандай қилиб яхши баҳо олишинг керак? Уялмайсанми, ўқитувчининг шаънига бунақа гаплар айтишга. Рост гапириш мард кишининг иши. Ўқитувчи ҳам ота-онадек мөхрибон бўлади. Ўқувчиси билса, қувониб-қувониб яхши баҳо кўяди», каби жавоб қилинса, дакки берилса, уялтирилса, болада тўғри сўзлаш, ўқиши-ўрганишга ҳавас уйғонади. Энг муҳими, ўқитувчи хурматини сақлаб, тўғри иш қилган бўласиз. Бу, боланинг

үқишида, унда яхши сифатларни тарбияланишида алоҳида ажамият касб этади. Бола үқишига қизиқса, дарс тайёрлашга уни мажбур қилиб турмайсиз. Уни қийинчилликтарни енгишга ўргатсангиз, натижада, мустақилликка ўрганиб, ҳар бир ишни ўзи бажарадиган бўлади.

Бас, шундай экан, боланинг яхши үқиши, одобли бўлиши учун ота-она қандай ғамхўрлик қилиши керак? Бола дарс тайёрлаётганда ота-онанинг мунтазам кузатиб бориши, қийналган пайтида унинг ўзига мустақиллик берган ҳолда кўмаклашиши, йўлланма бериши — муваффақиятли үқишининг гаровидир. Ота-она фарзандини билмаган, одатланмаган ижобий нарсаларга эътиборини кучайтириши, эринмай ўргатиб, тушунтириб бориши зарур. Яна таъкидлаймизки, ёш бола ниҳоятда таъсирчан бўлади. Ҳадемай маълум тартибга тушиб қолади, үқишига кўникиш ҳосил қиласди: уй вазифаларини хушига келганда эмас, ўз вақтида бажарадиган бўлади. Ҳатоларини кўра бошлайди, уларни тузатиш чораларини ахтаради. Бола билан мунтазам шундай шуғулланиш уни юқори баҳоға етаклайди.

Дейлик, фарзандингиз мактабдан «аъло» баҳо олиб, кувониб қайтди. «Мана, кўрдингми, ўз вақтида диққат билан дарсингни қилиб, шошилмай бажарганинг учун юқори баҳо олдинг. Яна ўқитувчинг тушунтираётганда диққат билан кулоқ солсанг, уй вазифаларини қандай бажариш кераклигини ўқитувчидан сўраб олсанг, баҳоларинг «аъло»дан тушмайди», деб руҳлантириб қўйсангиз, айни муддао бўлади.

Мехнат эвазига яхши баҳо олган болани рағбанлантириш ўринли. Оила аъзолари тўпланганда боланинг муваффақиятини айтиб, мақтаб қўйиш, совфа бериш (китоб ёки биронта ўкув қуроли), бирга сайрга ёки кинога олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Аммо яхши баҳо олган болани пул билан хурсанд қилиш ва шунга ўргатиб бориш қанчалик кўнгилсиз оқибатларга олиб келса, ёмон баҳо олган болага азоб бериш ҳам шунчалик ёмон натижаларга бошлайди. Бундай муносабат болада үқишига нисбатан салбий хусусиятларни пайдо қиласди. Ёмон баҳо олган бола уйга келишга

зириллаб қолади. «Яна дадам, ойим уришади, сүкади» деб, дайдиб юради. Кундалик дафтарини «йүқотиб қўйдим» деб баҳона қилиш ёки ундаги ёмон баҳоларни ўчириш, йиртиши каби ҳоллар шундан келиб чиқади. Бола ўқищдан совийди.

Боланинг яхши ўқиши учун ота-она қандай ғамхўрлик кўрсатиши керак? Бу масалада ота-оналар турлича фикр билдиришади:

— Бола дарс тайёрлаганда, албатта, ота-она ёрдамлашиши керак, айниқса, биринчи синфда, — дейди Файратнинг онаси.

— Ўғлимнинг биринчи синфда ўқигани эсимда. Дарс тайёрлашга ўтирганда ҳамиша зийрак бўлиб турардим. Аввал ўқитувчи уйга қандай топшириқ берганини аниқлаб олардим ва уни қандай бажариш кераклигини ўзидан сўрардим. Ўзим ҳам кўрсатиб бериб, сўнгра шошилмай, дикқат билан ёзиш кераклигини уқтириб, четдан кузатиб турар эдим. Бирор нарсага чалғиб қолсам борми, албатта, дафтарини ифлос қилар эди ё ҳарфларни чизиқдан чиқариб, хунук ёзиб қўяр эди. Ҳозир у З-синфда ўқияпти. Қийналган жойларида ҳали ҳам ёрдамлашамиз. Ўқишида бир оз қийналади. Сўзларнинг охирги ҳарфларини аниқ ўқий олмайди. Ўқиганини сўзлаб беришга қийналади. Аввал уни тўғри тушуниб, онгли ўқишига машқ қилдира бошладик. Ҳозир анча тўғри ўқийдиган бўлиб боряпти, ўқиганини ҳам яхши гапириб берадиган бўлиб қолди. Баъзан масалалар ечишда қийналиб қолади. Шунда унинг дикқатини масаланинг асосий жиҳатига қаратамиз, ўзини ўйлаб топишга қизиқтирамиз.

— Мен қизимга фақат дарс тайёрлаши кераклигини эслатиб тураман, — деб эътиroz билдири бошқа она. — Дарсига аралашмайман. Ўзи қилиб ўргансин, дейман-да.

— Менда ҳам учта бола бор, — деб сўзга аралашди яна бир она, — ҳаммаси яхши ўқишиди, ҳеч ким уларга ёрдам бергани йўқ. Аммо доим «Дарс қилдиларингми?», «Ҳаммасиними?», «Тўғри бажардингми?» деб сўраб туришим бор. Улар ҳам «Ҳа, ҳаммасини тўғри бажардик, текшириб чиқдик» дейишса, хотиржам бўламан. Дарс қилишаёттанды бошқа

нарсаларга чалғимасликларининг табирини кұраман. Укаларини түполон қымасдан үйнашларини тайинлайман. Үзимнинг ҳар қандай зарур ишим бўлганда ҳам тўхтаб тураман. Ҳадеб бола хаёли бузилаверса, миясига ўқиш кирадими?

Демак, ота-оналар ҳам боланинг ўқиши билан қизиқадилар. Ўқищдаги муваффақиятларидан қувонишади, ёмон ўқиса, ташвишланиб қайтуришади.

Ота-она боланинг ўқиши, юриш-туришига бефарқ қараса, уни назоратсиз қолдирса, бола ҳам ўқишига қизиқмай қўяди. Бўш вақтини кўча-кўйда ўтказишга ўрганади. Ота-она болани ўқишининг биринчи куниданоқ тиришқоқлик билан ўқишига, яхши хулқ-атвор эгаси бўлишга даъват этиши керак.

Айрим ота-оналар болани уй вазифаларини тайёрлашдаги ёрдамни бутунлай бошқача тушунишади. Яхшилик қиласман деб, ёмонлик қилиб қўйишади. Эҳтимол, бундай ота-оналар ҳисобни ечиб, машқларни ёзib бериш билан гўё болаларининг яхши ўқиши учун катта «ҳисса» кўшгандек бўлишади. Бир-икки марта шунга йўл кўйилса, бола бунга ўрганиб қолади, орқа қилади. Бу нарса болани ўқищдан совутади, мустақил ўйлаш, меҳнат қилиш қобилиятгининг сўниб кетишига сабабчи бўлади, эринчоқлик аломатлари урчий бошлайди, масъулиятсизлик, дангасаликка ўргатади. Дарсларда эътиборсиз ўтиради, бирор масала устида узоқ ўйлашни ёқтиромайди. Дарс тайёрлагандага жиддийроқ ўйланадиган жойи чиқиб қолса, дарров ота-онасига юзланади. Сабр-тоқат билан болани масалани тўғри ечишга йўлланг, қолганини ўзи ҳал қилсин. Болани ўз кучига ишонтира бориш, йўл кўйган хатосини ўзи топишига қизиқтириш керак. Маълум мавзу бўйича ўқиган, кўрган, кузатган нарсалар юзасидан суҳбатлашиши, боланинг суҳбатда фаол қатнашишига эришиш орқали ота-она боланинг билим савиясини ошира боради, нутқи ва фикрининг ўсишига олиб келади.

Ҳар бир ҳарфнинг чиройли ва тартибли ёзилишини кузатиб бориш эса, боланинг бир умр ҳусниҳат эгаси бўлишига ёрдам беради.

Болани математикага қизиқтириш учун эрінмай ижодий харakterдаги қизиқ масалалар тузишта, ечишга ўргатинг! Карра жадвални биргалашиб ёд олишни машқ қилинг!

Шундай қилиб, болада секин-аста мустақил ишлаш күникмаси ҳосил бўла боради. Энди ота-она болага қўпроқ мустақиллик бериши, унинг ўз кучига ишончини орттира бориши керак. Ўшанда ҳам назоратни сусайтирмаслик керак.

Ўқувчи юқори синфга чиқиб борган сари дарслар ҳам мураккаблашиб бораверади. Ҳар бир ота-онанинг тушунчаси, билими ҳар хил бўлгани учун ҳам уй вазифаларини ҳамма ота-оналар еча олиш қобилиятига эга эмас. Натижада, бола сининг уй вазифаларини бажаришни зиммасига олиб келган ота-онанинг фарзанди ўрга ва юқори синфларда қийналади, ўртоқларидан орқада қолади, баъзан синфдан-синфга кўчмай қолиш ҳоллари ҳам рўй беради.

Болани тўғри кун тартибига риоя қилишга ўргатиш — яхши ўқишига гаров бўлади. Айтайлик, бола мактабдан қайтиб келибок, дарс тайёрлашга ўтирди. Бунга йўл қўйманг. Сабаби, чарчаган бола ўтилган дарсни ёмон ўзлаштиради. Дарс тайёрлашга вақти кўп кетади. Бундай тайёргарликнинг маҳсул ҳам кам бўлади.

Бола бир оз дам олди, ўртоқлари билан ўйнаб келди, уй ишларига қарашиди. Дарс тайёрлашга ўтирди. Бундай пайтда оила аъзолари халақит бермасликлари зарур. Ҳадеб уйга кириб-чиқавермаслик керак, радио, телевизорни пасайтириб кўйиш лозим.

Яхиси, бола алоҳида хонада дарс тайёрлагани маъқул. Хонтахтага буқчайиб ёки ёнбошлаб дарс тайёрлаш ёмон одат. Ёш организм саломатлигига таъсир қиласиди. Болани стол-стулдан фойдаланishiшга ўргатган дуруст.

Ота-она боланинг уйда дарс тайёрлашига диққат ва хурмат билан қараса, дарс тайёрлаши учун керакли шароитлар яратиб берса, унда ўз меҳнатига тўғри муносабатда бўлиш хислатлари тарбияланиб боради.

Шундай экан, фарзандимизда ёшлиқданоқ мактабга, ўқишига ҳавас уйғотиб, қунт ва матонат билан билим олишга,

мактаб тартиб-қоидаларини бажарадиган, одобли бола бўлишга ўргатиш ота-оналик бурчимиздир.

Дилбандингиз балоғат ёшига етганда, бола билан муносабатда, шу жумладан, ахлоқий тарбиясида ўсмирилкка хос хусусиятларни тан олиниши мухимdir. Болаликдан ўсмирилкка ўтиладиган ҳәётий йўл шод-хуррамлик, кувонч, бардамлик, тетиклик йўли бўлиши керак — бу тарбиявий ишимиздаги бутун тизимнинг энг мухим қоидаларидан бири. Шод-хуррамлик бола қалбидаги умидбахш ишончнинг манбаи бўлиб, атрофидаги оламга чинакам кенг муносабатларнинг шартидир. Бундай муносабатларсиз маънавий камолот бўлиши мумкин эмас.

## **ДИЛБАНДИНГИЗ ВОЯГА ЕТАЁТГАНДА**

Гоҳо ота-оналар болаларининг қуий синфларда яхши ўқиганликларини, ниҳоятда тартибли, қобил бўлганликларини айтиб, бешинчи-олтинчи синфга ўтгандан кейин уларда анча ўзгаришлар пайдо бўлганлиги, ишга қовушмайдиган, қўрс ва гап кўтара олмайдиган бўлиб қолганидан нолийдилар.

Ота-оналар таъбири билан айтганда, нима учун қобил болалари бирдан айниб қолишади? Ўсмирилк даври (12–15 ёшлар ораси) энг мураккаб давр бўлиб, уни ўтиш даври деб ҳам юритилади. Бу даврда бола организмида мураккаб анатомик-физиологик ва руҳий ўзгаришлар рўй беради. Ўсмирилк ёшида бола бўйига тез ўсади. Оёқлари гавдасидан тезроқ ўсади, шунинг учун уларнинг оёғи узун бўлиб туолади. Танасининг бошқа қисмлари ва органлари ҳам ҳар хил тезликда ривожланади. Суяклар мускуллардан тезроқ ўсади. Суякларнинг тез ўсиши натижасида бола у ер-бу ерида қаттиқ оғриқ сезади, томир тортишади, баъзан иситмалайди. Шу боисдан кўпгина болалар асабий ва жаҳлдор бўладилар. Юракнинг ривожланиши тананинг умумий ўсишидан орқада қолади, қон томирлари анча ингичка бўлиб, артерия қон босими ошади. Морфологик жиҳатдан номутаносиб ри-

вожланиш туфайли томир нотүгри уради, юрак уриши сезилмайды, бош оғрийди, камқонлик юз беради, натижада, бола тез чарчайдиган бўлади.

Боланинг ўсмирилик даври бошланганда асаб тизими морфологик жиҳатдан шаклланиб бўлади. Асаб тизимининг бундан кейинги ривожланиши организмнинг ҳамма функциялари устидан назоратнинг кучайишига ва иккинчи сигнал системасининг такомиллашувига олиб келади. Ўсмирилик ёшидан ўтиши асаб аппарати учун ҳам жуда мураккаб ҳодисадир. Организмнинг тез ва нотекис ўсиши асаб силсиласидаги алоқалар ва ўзаро муносабатларни ўзгартиради.

Ўсмирни тарбиялаш шунинг учун қийинки, у ўзини кўп жиҳатдан мустақил ҳаракат қилишга қобилиятли кишиман деб, ҳис этади. Ўз фикрича катталарнинг ғамхўрлигини кераксиз ҳисоблаб, ундан кутилишга ҳаракат қиласди. Аслида эса ҳамма вақт ҳам ўзи ўйлаганча иш қилиши мумкин эмас. Ўсмирлар билан ота-оналар орасида жанжал кўпинча ушбу заминда юз беради.

Шу ёшдаги болаларни тарбия қилиш қийинлигининг сабабларидан яна бири шуки, бу даврда асаб тизимига эндокрин без гармонлари таъсирини кучайиши туфайли болаларнинг бош мия қобигида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мувозанати бузилади. Бу эса хулқнинг бетайнлигини, ўсмирнинг юқори қўзғалувчанлигини, кайфиятнинг тез ўзгаришини, гоҳ иш қобилиятининг кутилмаган даражада кўтарилишини, гоҳ унинг тушишини вужудга келтиради. Ўсмир ё «тогни афдарадиган» даражада жуда фаол бўлиб олади ёхуд суст ҳолатга ўтиб, ишлашни ҳам ўқишни, ҳам хоҳламайди. У жуда ҳиссиётли бўлади, аммо ўспириналарга қараганда туйғуси кам бўлиши мумкин ва ҳатто кичик ёшдаги болаларга қараганда, ҳаяжонланишга кўп мойил бўлади. Ҳар ҳолда, бошқа ёшлагиларга қараганда, разаб, жаҳл, қаттиқ шодланиш, баъзан бошқалардан бемаъни кулиш, шўхлик каби эмоционал кўринишлар ўсмирларда кўпроқ юз беради.

Юқорида келтирилган психологик белгилар туфайли, ўсмирлар жуда иззатталаб ва тез жаҳли чиқадиган бўладилар.

Унинг имкониятларига күттегілер томонидан етарлы бақо берилмаслиги алам қылады, уларни ранжитади ва күттегілерга шисбатан алам, адовар ҳислари пайдо бўлиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам ўсмиirlар билан муносабатда донолар айтган қуйидаги бебақо қоидага риоя қилиш мұхимдир: «Тарбияланувчилардан имконият борича талаб қилиш ва мумкин қадар уни кўпроқ хурматлаш керак».

Ўсмир ёшидаги болаларнинг мұхим хусусиятларидан яна бири шуки, улар ижтимоий меңнатнинг аҳамиятини яхши тушуна бошлайдилар ва фақат ўзларининг меңнат сифатларигагина эмас, балки ўртоқларининг ҳам ва бошқа күттегишиларнинг ҳам меңнат сифатларига қизиқиб қарайдилар.

Ўсмир ёшидаги болаларга хос бўлган айрим психологик белгиларга эътиборни жалб қилиш зарур. Ўсмирлар гарчи иродали бўлсалар-да, кўпинча уларда қарама-қарши хусусиятлар: бўшанглик, сабрсизлик, бардошсизлик, ўзини тута билмаслик каби ҳолатлар ҳам юз бериб туради. Бу даврда боланинг кўкрак қафасининг такомили, мускуллари, кўл ва оёқларининг ўсишидан анча ортда қолади. Шунинг учун ҳам болада бесўнақайлик, баъзан қўполлик ҳолатларини кузатиш мумкин. Бола тез ўсаётган кўллари ва умуман гавдасини идора этишга анча қийналади. Баъзи ота-оналар ўғил ва қизларидаги ана шу даврни ҳисобга олмай, уларни ранжитиб қўядилар. «Мунча қовушмайсан», «Жуда бесўнақай бўлиб кетяпсан» ёки «Катта бўлган сари лапашанг бўлиб кетяпсан» дейдиганлар ҳам топилиб туради. Ўсмир ёшидаги болаларнинг хатти-ҳаракатларида ва такомилида бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олмай, юқоридаги каби муомалада бўлиш билан ота-оналар ўз фарзандларида ишончсизликни, ҳадиксирашни пайдо қилиб қўядилар. Бундай ҳолларда ўсмир оиласи, рўзгор ишларида бажариши лозим бўлган меңнатга лоқайдлик билан қарайди. Ундан завқтанмайди ҳам.

Боланинг ўсмирлик ёши, унинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ўсиш даври экан, ота-оналаримиз ўсмир организмидаги модда алмашувини меъёрллаштирувчи таомлар истеммол қилишинига, унинг жисмоний томондан ўшишини таъминлаш

учун жисмоний тарбияға алоқида эътибор бермоктари лозим. Бунда ўсмирнинг оғир юк күтаришига, ҳаддан ташқари күч сарф этадиган машқлар қилишига йўл кўймаслик лозим.

Ўсмирлик даври боланинг балоғатта етиш даври ҳамдир. Балоғатта етиш даврида уларда тундлик, асабийлашиш, хулқатворида беқарорлик пайдо бўлади. Ўсмирлик ёшини оғир, хавфли, ҳалокатли давр, тарбиявий таъсирга берилмайди, деб ҳисоблайдилар. Оила педагогикаси миллий қадриятларимиз тажрибасига таяниб, болага оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигига тўгри тарбия берилса, қайд қилинган хусусиятларнинг пайдо бўлмаслигини исботлаб берди.

Хўш, шундай ҳолат юз бермаслиги учун ўсмирга қандай муносабатда бўлиш керак? Ҳар бир ота-она, катталар аввало, боланинг катта бўлиб қолганини тан олишлари керак. Иложи борича, у билан юмшоқ ва жиддий муомалада бўлишга ҳаракат қилишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрини билишга қизиқишлари, гапларига эътибор билан қулоқ солиб туришлари лозим.

Оила аъзолари жам бўлганда, фурсат топиб, қизимиз ёки ўғлимизнинг бу йил катта бўлиб, ақли кириб қолгани, ўқиши, хулқи дурустлашиб бораётганини айтиб, мақтаб кўйиш жуда ўринли бўлади. Бу билан унга катта тарбиявий таъсир кўрсатган бўламиз. Кўнгли кўтарилиган бола ўзини яхши тутишга, ёмон одатларини ташлашга интилади.

Шунингдек, укалари олдида унинг ҳурматини кўтаришга интилиш, уни ака, опа сифатида ҳурматлаш, сўзидан чиқмаслик кераклигига ўргатиш муҳимдир. Бунинг тарбиявий томони шундаки, энди ўсмир ўзини-ўзи тарбиялашга ўтади. Сўзини ўтказмоқ учун, аввало, ўзи яхши бўлиши кераклигини англаб етади. Бола ёшлиқда ота-она нима деса қайтармай қиласиди, чунки улар назаридан катталар ҳамма нарсани билади, уларнинг айтгани ҳам, қилгани ҳам тўгри. Шунга кўра, катталарга эргашиб қилганини қилиб, айтганини айтишади. Худди уларга ўхшаб иш тутишга уринадилар. Яна бир томони, ўсмирлик ёшига етиб улар бирмунча ҳаётини тажриба ортирадилар. Тўрт йилги ўқиши мобайнида кўп

нарсаларни билиб оладилар. Шубҳасиз, уларнинг дунё-қарашида, одамларга бўлган муносабатида ҳам ўзгариш юз беради. Ҳар бир воқеа, нарсаларга ўз ақл-идроқи билан қараш хусусияти камол топади. Бўйи чўзилиб, катта бўлиб қолганинги сезадилар. Ўзларини энди бола эмас, катта деб ҳис қила бошлайдилар. Бу хусусият уларнинг хулқ-атвори, муомаласида ҳам кўзга ташланади. Ҳамон уларни бола ҳисоблаб, бошларини силаб эркалаган ота-оналар уларнинг гурурига тегиши мумкин.

Боланинг ўз билганича қилган иши ёқмаслиги мумкин. Аммо бу норозиликни асло бақириш-чақириш билан ёки афтини буриштириб изҳор этиш ярамайди. Энг яхши йўли, аввал унинг яхши ташаббусини маъқуллаб, йўл-йўлакай унинг эътиборини хатосига қаратиб, бирор иш қилишдан олдин ўйлаш, катталарга маслаҳат солиш кераклиги, шошма-шошарликка йўл қўймаслик мухимлигини оҳиста тушунтириб қўйинг.

Ўсмир ўз ҳаракатлари билан катталардан ўзига ҳурмат, сезгирилик ва оқилона назоратни талаб қиласди. Биз бу ўринда ҳурматли ўқитувчи иш тажрибасидан бир воқеани мисол қилиб келтирмоқчимиз. «Мен раҳбарлик қилаётган синфда Қодир исмли бола ўқийди. Мулойим ва қувноқ бола. Анча меҳнаткаш, ўқишилари ҳам дуруст. Ўртоқлари билан ҳазилкашлиқ ва дилкашлиқ қилишни ёқтиради. Кейинги кунларда Қодир ўзгариб, камгап бўлиб қолди. Болалар билан илгаригидек очилиб, кулиб ҳазилкашлиқ қилмай қўйди. Эшитишимга қараганда, у дарсларда ўқитувчиларнинг саволларига жавоб беришдан ҳам бош тортиб, қайсаарлик қиласмиш. Мен бундан ташвишлана бошладим. Бир куни танаффус вақтида уни ёнимга чақириб, «Қодир, сенга нима бўлди, соғлиғинг дурустми?» – деб ҳол-аҳвол сўрадим. Шунда у бошини қуий соглан ҳолда «ҳеч ерим оғриётгани йўқ, соғман» деб жавоб қиласди. Унинг юз-кўзларига синчиклаб тикилар эканман, қалбида қандайдир алам борлигини сездим. Ўша куни дилидагини айтмай кетиб қолди. Мен унинг чехрасидаги

нохушликни, хулқ-атворидаги құпоплиқ ва ўжарлик аломатларини келтириб чиқарған сабабларни ахтара бошладим. У билан очиқроқ гаплашишим кераклиги ҳақида ўйладим. Агар бундан натижа чиқмаса, уйига боришга ахд қылғанимда, тасодиған отаси билан учрашиб қолдик.

Отаси мени күриши биланоқ ўғлидан гап очди.

— Сизни учраттаним яхши бўлди, — деди у бу вазиятдан кувониб, — ўзим ҳам олдингизга ўтмоқчи эдим. Қодирга жуда ҳайронман. У кейинги вақтларда ўзбошимча бўлиб қолди. Уйда онасига, менга ҳам қўпоплиқ қиласди. Ўзимиз гапирмасак, соатлаб жим юраверади. Негадир мендан ўзини олиб қочади. Назаримда, бирор тарбияси бузукроқ болага қўшилиб қолганга ўхшайди. Бундан бир ҳафта олдин уйга кечаси соат 9 да қайтди. Шундай кетаверса, охири нима бўлади?!

Отанинг бу гаплари мени янада ўйлантириб кўйди. Во-кеани аниқламай туриб, у кишига бирор нарса дейишим қийин эди. Шундай бўлса-да, отага тасалли бердим. Бу ҳақда Қодир билан дурустроқ гаплашмоқчи эканлигимни айтдим.

Ўша куннинг эртасига Қодир билан иккимиз дарсдан сўнг қолиб узоқ сұхбатлашдик. «Қодир, — деб сўз бошладим оҳиста, — яхши биласан, мен сенинг ўқитувчинг — тарбиячинг бўламан. Мен ўз ўқувчимнинг ҳамма хурсанд-чиликлари, шунингдек, хафачиликларини ўзим билан баҳам кўришни истардим. Буни сендан бир неча кундан бери кутардим. Кеча дадангни учратиб қолдим. У киши ҳам сендан бир оз хафа кўринади. Уйга кеч келармишсан...»

Қодир дадасининг номини эшлиши биланоқ ранги қув ўчдию, бутун вужудини титроқ босди. Ўзини босиб олгач, бўлган во-кеани сўзлаб берди. Унинг айтишигига қараганда, ҳамма нарса ўша куни уйига кечикиб келишидан бошланган. Ўша кунлари мактаб биринчилиги учун бўладиган футбол мусобақаларида у ўйинчилардан бири Азим деган болани тасодиған тепиб юбориб, оёғини шикастлантирган. Қодир билан Мансур уни тезда касалхонага олиб боришган. У ерда Азимни ренттенга солишиганда оёғининг синганлиги маълум

бүлган. Дүстлар Азимга ёрдам бериб, күнгиллари тингач, бу ҳақда унинг ота-онасига хабар қылғанлар. Шундай тасодифларға күра, болалар уйларига кеч қайтғанлар. Қодир-нинг дадаси унинг кечикканидан ғазабға келған. У күриниши биланоқ, сұрамай-нетмай, гунохсиз болани ура кеттін.

— Биласизми, — дея титроқ товуш билан сүзлади Қодир, — менга, дадамнинг бир оғиз бўлса ҳам суриштириб билмаганлари алам қиласди. Ахир мен дайдиб юрмаган эдимку! Айбим бўлса, нима қилсалар ҳам майли эди! Яна ука-ларим олдида! Мен Мансур билан гаплашдим. Уйидагилар уни дадам сингари ҳақорат қилмаганлар, аксинча, суриштириб яхши иш қилибсизлар. Ҳақиқий ўртоқ шундай бўлади, деганлар.

Қодир бу гапларни кўзларидан оққан алам ёшлари билан айтди.

— Қодир, — дедим мен унга, — тўғри, ўртогинга ёрдам бериб, яхши иш қилгансан. Лекин бир нарсани унутма. Сенинг кечиккан ҳар бир дақиқанг ота-онангни ташвишга солади. Бунақа пайтларда кечикишга кўзинг етса, иложини топиб уйингта, албатта, хабар қилиб қўйгин. Ўша қуни ҳам бошқа болалар орқали уйингта хабар қилишинг мумкин эди. Тўғрими?

Қодир масаланинг бу томонларини ўйламай, уйдагиларни ташвишга қўйғанлигидан хижолат тортди.

Келтирилган бу мисолда ота болага нисбатан нотўғри муносабатда бўлган. Унга нисбатан адолатсизлик қилган. Қилган яхши иши учун болани мақташ, кўнглини кўтариш ўрнита, уни ноҳақ жазолаган. Мана шу воқеадан сўнг ота-нинг бола олдидаги обрўси нима бўлади? Катталарга хос бо-сиқлик, улуғлик, саховат қани? Боладаги кишиларга яхшилик қилиш иштиёқи, шу борадаги ўй-фикрлари нима бўлади? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб қўрайлик-чи? Жаҳолатга берилиш, сабрсизлик нималарга олиб келмайди. Жаҳолат — баҳт душмани деб, бекорга айтишмаган.

Боланинг хулқ-автори ўзгариб камгап, қўпол бўлиб қолиши отанинг ноҳақлигидан бўлди. Бўйи бўйингиз билан

тeng бўлиб қолган болани уриб, бўлмагур гаплар айтсангиз, иззат-нафсига теккан бўласиз. Сиздан безиб узоқлашишга тиришади. Қандай бўлмасин, сизга дуч келмасликка уринади. Бирга бўлганда ҳам очилиб-сочилиб гапирмайди, «ҳа», «йўқ» дейишдан нарига ўтмайди.

Агар ота-она болага нисбатан юқоридаги сингари адоплатсизликка йўл қўйса, уни дарҳол ўзи тузатиши, хатосига иқрор бўлиши яхши натижалар беради. Бу ўсмир қалбидаги жароҳатнинг тезроқ йўқолишишга ва боладаги ота-онага бўлган аввалги ҳурматнинг тезроқ қайта тикланишишга кўмаклашади.

Ўсмир ёшидаги йигит-қизлар жамоат ишларида ўзларининг фаоллиги ва жўшқин фаолиятлари билан ажralиб турадилар.

Ота-она қандай йўл билан бўлмасин ўсмирни ўз кучи ва имкониятларига ишонч туғдира олиши, белгиланган мақсад йўлида ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларни енгишга ўргатиши лозим. Ихтимоий ишларда яна кўтаринки руҳ билан ишлашга ундашлари керак. Жамоат ишлари болани кўп нарсаларга ўргатади: масъулият ҳисси, ташкилотчилик қобилияти ўсади, ўқиши, одоби ҳам яхшиланиб боради. Афсуски, айрим ота-оналар бунинг аҳамиятини тушуниб етмайдилар, болаларини жамоат ишларидан бездериб ёмон иш қиласидилар. Яна бир мисол:

Ҳайрулла мактабдан кечроқ қайтди. Унга пешвоз чиққан она ўғлида қандайдир ички ҳаяжон борлигини сезди:

— Тинчликми? Нега кечикдинг?

— Бугун синф мажлиси бўлди, — деб ҳаяжон билан гап бошлиди Ҳайрулла, — синф раҳбаримиз Фани ака кўп нарсаларни гапирдилар. Синфда ёмон ўқийдиган, сабабсиз дарс қолдирадиган болалардан Азим, Маъруф, Ҳамидаларни тоза уялтирдилар. Болалар ҳам бирин-кетин чиқишиб, улар синфимизни орқага тортаётгани ҳақида, айрим ўқувчиларнинг бир-бирларини камситиб «лақаб» қўйишлари, ноаҳилликларини айтишди.

Фани ақа булар ҳаммаси синфда ақыл дүйстона жамоанинг йўқлиги, синф фаолларининг яхши ишламаётганини гапириб, баъзи фаолларни ўзгартиш ҳақида таклиф киритди. Ҳаммамиз кўшилдик. Бирдан болалар менинг номимни айтиб қолиши. Устозимиз ҳам, болалар ҳам мени мақташиб, бу вазифани, албатта, эплайди, деб ишонч билдириши. Мен қизариб кетдим, нима дейишимни билмадим. Кейин ҳамма болалар табриклишаши, ҳайронман, эплай оламанми?...

Она ўғлининг сўзларини эътибор билан тинглаб, бир дам сукут қилди. Ҳаёлидан нималарни дир ўтказди-да, сўнгра меҳр билан ўғлига боқиб: — Ҳа, ўғлим, ўртоқларинг сенга катта ишонч билдиришибди. Ҳаракат қилсанг, эплаб кетасан. Фақат бир нарсани кулоғингда тут: бирор иш қилмоқчи бўлсанг, албатта, синф раҳбаринг билан кенгаш, болалар билан маслаҳатлашиб биргаликда ҳал қилишни одат қил. Синфга тегишли бўлган нарсани ҳеч қачон ўзбошимчалик билан ҳал қилма, — деди.

Кечки пайт, ҳамма тўпланганда она Ҳайрулладан сўз очиб, бугун уни синфбоши қилиб сайлашганини фахрланиб сўзлади. Ота ўғлини табриклар экан, шуларни кўшиб кўйди: «Ўғлим сенга қийинроқ бўлади. Ҳамма ишда аввал ўзинг ўрнак бўлишинг керак. Бўлмаса, сенга қулоқ солишмайди. «Ўзинг-чи» дейишилари турган гап.

— Нима, унда бўлмайман қўяман-да.  
— Йўқ, ўғлим, ундей қилиш ярамайди. Сенга ишонишдими, ишончни оқлашинг керак, — деди ота қатъий оҳангда — акс ҳолда, хунук иш бўлади. Шундан сўнг ҳаммалари қандай қилинганда болаларни бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундаш мумкин деган масала устида баҳслашишди.

Шундай қилиб, бутун оила боланинг ўй-ташвиши, синф ҳаёти билан қизиқиб яшади ва ҳар бири билганича маслаҳат беришга интилди. Шу кундан бошлаб Ҳайрулла ҳам ўзариди, анча ўйчан, жиддий бўлиб қолди. Болалар тез-тез уйларига келишиб туришадиган, алланималар тўғрисида тортишадиган бўлиши.

Баъзи ота-оналар эса бола дилидаги яхшиликни пай-қамайдилар, қўполлик қилиб бекорга ранжитадилар. Шуҳрат ҳам еттинчи синфда ўқийди. Уни ҳам синф фаоли қилиб сайлашди. Бу ҳақда онасига айтганда улар ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

- Ҳа, нима бўлибди, сайлашса?
- Ҳеч нима бўлмайди. Шундоқ сайлашди-да.

— Ҳа шундоқ, деб билгин, керакмас нарсаларга бо-шингни қотириб юрма. Ўқишингни бил. Қараб тур, агар баҳоларинг пасайиб кеттудек бўлса, мактабга бориб тоза тў-полон қиласман-а.

Синф газетасининг навбатдаги сони душанба кунига чи-киши керак эди. Шанбада баъзи мақолалар етишмагани сабабли болалар дам олиш куни битиришга келишиб олишиди. Эртасига соат 10 ларда Шуҳратларникига тўпланишадиган бўлишиди.

Шуҳрат айтишга айтди-ю, онасининг феълинни ўйлаб юраги ғашланди. Ўйлаб, ўзига тасалли берди: «Кейин уриш-салар уриша қоларлар, майли. Иш битса бўлди. Аммо у ўй-лаганча бўлмади. Болаларни кўриши биланоқ онанинг авзойи бузилди:

— Уйларни эндинга не ҳасратда йифиштирдим. Яна ҳаммаёқни ивиситишга кўймайман. — Ким айтди сизларга вақтида қилмагин деб. Энди жазоингларни тортинглар.

Шуҳрат онасининг қилмишидан уялиб ялинишга тушди.

— Ойижон, жуда зарур-да, тушунинг. Ифлос қилмаймиз. Кейин ўзимиз йифиштириб кўямиз.

Болалар нима қилишларини билмай ҳайрон бўлиб туришарди.

Мана болага икки оиласидаги икки хил муносабат. Биринчи ҳолатда ота-она бола ҳаётида рўй бераётган ҳар бир ҳодисага қизиқиши, эътибор билан қарайпти. Боланинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлаб, қўпчилик манфаатини кўзлаб иш тутишга ундан боряпти. Ихтимоий иш, меҳнат тарбиянинг муҳим воситаси эканини яхши тушуняптилар. Иккинчи ҳолатда эса она бола ҳаётига бефарқ бў-

ляпти. Фақат боласининг яхши баҳосини ўйлайди-ю, боланинг күнглини, одамгарчиликни унуди. Она бола күнглидаги яхшилик уруғини униб чиқишига мадад беролмади! Арзимас меҳнатини, озодагарчиликни меҳрга алишди. Боласини ўзидан узоқлашиб, бегоналашиб қолаётганини сезмади?! У ўғлини жамоат ишларига бўлган қизиқишини сўндириб, келажакда унда худбинлик, бефарқлик каби иллатларнинг ниш уриши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади.

## ЁШЛИК – ГЎЗАЛЛИК

Мана, ўғил-қизингиз балоғатта етди, бўй-басти, қаддиқоматини кўриб қувонасиз. Энди у бола эмас, балоғатта етган йигит-қиз хулқ-атвору юриш-туришида катталарга хос салобат бор. Илгариги ҳовлиқмалик, жizzакилик, торгинчоқлик, қўрслик одатлари йўқолиб, ўзини тутадиган, хушфеъл бўлиб боради. Шу даврда унда ўзини-ўзи тарбиялашга эҳтиёж сезилади. Ҳар бир ота-она боладаги бу хусусият катта бўлганлик аломати эканини пайқаб, ҳар бир ишда ақл билан иш тутишга, ҳаёли қиз, одобли йигит бўлишга ундан бориши лозим.

Агар ота-она болани бошдан тўғри тарбияласа, қунт билан ўқишга, меҳнат қилишга одатлантирган бўлса, у ҳаётда қоқилмай тўғри йўлни танлаб олади. Болани ўқишга бўлган муносабати ҳам ўзгаради. Илгари дарс тайёрлашга мажбур қилган бўлсангиз, энди ўзи тиришиб, мустақил тайёрлашга уринади, ҳатто вақти етишмай қолаёттанидан нолиб ҳам кўяди. Ўғил-қизингиз характеристида намоён бўлаётган тиришқоқлик, мустақиллик, масъулият, қатъиятлик каби хусусиятларни вақтида маъқуллаб, уларда ўз кучи ва имкониятларига ишончини тарбиялаб бормоқ фоят зарурдир.

Ўспирин ўзини юриш-туришига эътибор беради, чиройли, ихчам кийинишига ва одобли бўлишга интилади. Худди шу даврда айрим ёшлар ўзларига оро бериб, кўча-кўйда

санғиб юриш одатини ҳам чиқарадилар. Ота-она бүй етған ўғил-қизини тергамай, ўз ҳолига ташлаб күйса, албатта, күнгилсиз оқибатларга олиб қелади, чунки 16—17 ёшда бола ҳали ақл-хушини бир ерга тұхтатиб олмаган бўлади. Ҳаётнинг паст-баландига тушунмайди. Бундай пайтда ота ўғлига, она қизига яқин бўлиши, ўғил бола ўзини эркақдек тутиб, бач-каналикка йўл қўймаслигини, қиз бола ўз шаънига, қизлик фууриига яраша иффатли, назокатли бўлиши кераклигини уқтириб туриши керак.

Ёшлиқ даври чексиз гайрат-шижоат, интилиш, изланиш, дўстлар ва дугоналар билан боғлиқ бир даврдир. Шоирлар ёшлиқни, кўпинча, баҳор фаслига ўшшатадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, ёшлиқ баҳор каби гўзал, тонг шабадаси сингари ёқимли, гул сингари хушбўйдир. Ёшларимиз ана шу такрорланмайдиган гўзал даврни сермазмун ўтказиш ва қадрлашга интиладилар. Улар худди шу даврда ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан камолотта етишадилар. Дунёқараашлари таркиб топиб, илм-хунар эгаллайдилар. Мустақил ҳаётта тайёрланадилар, одоб, дид, фаросат, шарм-ҳаё, ширинсуханлик ва ишбилармонлик билан янада гўзал кўринадилар.

Катта ёшдаги ўқувчиларнинг ўсишлари ҳам жисмоний, ҳам руҳий тараққий этишидаги жиiddий ўзгаришлар билан характерланади. Бу даврда ўғил ва қизлар жисмонан етилади. Уларнинг психикасида ўсмирилик ва ҳатто болалик ёшидаги баъзи бир хусусиятлар сақланган бўлса-да, катталарга хос жуда кўп белгилар пайдо бўла бошлайди. Мана шу белгилар ёшларимиздаги қобилиятнинг равшанлигига, ҳис-туйғуларининг кучида, шиддатли фаолликда, жўшқинликда на-моён бўлади. Она-она, тарбиячи ўғил ва қизлардаги бу сифатларни хурмат қилиши, ёшлардаги ташабbus оловининг сўнишига йўл қўймаслиги, тарбияланувчиларнинг дадил интилишларини кўллаб-куватлаши, шунингдек, уларни йўлга солиб туриши керак. Бунинг учун тарбиячи сезгир, қизғин интилишлардан завқланадиган бўлиши зарур.

Катта ёшдаги ўқувчиларда билимларни эгаллашга қизиқиши орга боради. Уларнинг синчков ақллари ҳар нарсадан

боғланиш сабабларини, мантиқий асосларни ва қоидалар-нинг исботларини қидиради.

Ёшлик қызғын мунозаралар, теварак-атрофдаги борлиқ-ни танқидий түшүниш давридир. Бу ёшда факат бошқалар-гагина баҳо беріб қолмай, балки ўзига ҳам баҳо беришта интилиш пайдо бўлади, ўзининг кучли ва бўш томонларини түшуниб олишга ҳаракат қиласди. Бу хусусият ёшларда тобора тараққий этиб боради ва ўз-ўзини англаш эҳтиёжини уйғотади. Шу пайтда катталарнинг ўринли далдаси, ишончи ўспи-ринга куч бағишилайди.

Ота-она ўғил-қызига ўз иродасини мустаҳкамлаш, ха-рактер белгиларини таркиб топтириш ва ҳоказолар тўғрисида маслаҳат беріб туриши мақсадга мувофиқдир. Ёшларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши, ўзи учун намуна сифатида танлаб олган ва изидан боришга ҳаракат қиласидиган идеал кишиси билан чамбарчас боғлиқдир. Ёшлар идеали ўзига хос андоза бўлиб, ҳаётда у билан тенглашишни истайдилар. Уларнинг идеаллари меҳнат қаҳрамонлари ва Ватан ҳимоячилари, ажойиб тарихий шахслар, олимлар, ёзувчилар, адабий асар-ларнинг ижобий қаҳрамонлари ва бошқалардир.

Йигит ва қызларда яхши одамларга тақлид қилиш иш-тиёки ҳосил бўлади. Ота-оналар ёшларнинг бу интилишларини қўллаб-кувватлашлари ва аксинча, ўйламасдан қилин-ган хатти-ҳаракатлардан уларни эҳтиётлаб, катта ёки кичик жасоратларга илҳомлантиришлари лозим.

Алломалардан бири бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Биз ҳар бир тарбияланувчининг ёшликтаридан жасорат кўр-сатишга, унинг маънавий ҳаётида онгли, етакчи роль ўйнаш-га ҳаракат қиласмиз. Жасорат учун имконият фактат катта иж-тимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган фаолиятдагина бўлмай, балки оғир қийинчиликларни енгишда зарур бўлган жой-ларда, ўғил ёки қызларнинг яқинларига оид энг оддий, кун-далик ҳаракатларида ҳам вужудга келади». Ўспирин ишда, ўқишида, ижтимоий ишларда жамоат манфаатларини кўзлаб иш тутишга, жамоа билан ҳисоблашишга интилади. Ўз ҳуқук ва имкониятларини яхши билиш билан бир қаторда, Ватан

олдидаги муқаддас бурчларини ҳам чуқурроқ ҳис қила бошлайды. Жамиятимизга фойдалы кишилар бўлиб етишиш орзусида ўқиб, билим олади. Ота-она ўғил-қизларини ҳар бир ишни улласидан чиқа оладиган, фаол жамоатчи, ташаббускор бўлиб тарбияланишларига алоҳида эътибор бермоқлари керак. Бунинг учун жамоат ишига қизиқтиришлари, ижтимоий ишларда уларни кўтаринки руҳ билан ишлашларига ундашлари зарур.

Жамоат ишларини чиниқиши мактаби десак бўлади. Ёшлар теварак-атрофни, муносабат-муомалани зўр иштиёқ билан ўрганадилар. Шу билан бирга, жамоат ишлари ўқувчидаги масъулият ҳиссини тарбиялайди. Жамоа манфаатини кўзлаб иш тутишга, ўз бурчини сидқидилдан бажаришга ўргатади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини давримизнинг муносиб кишилари бўлиб вояга етишишлари учун уларга мактаб ёшидаёқ эътибор билан қараашлари лозим. Фарзандларининг ҳар бир ютуғидан қувониб, уларни руҳлантириб бормоқлари зарур. Зоро, яхши фарзанд ота-онага қанот бағишлайди, ёшлиқда илм-хунар эгаллаб, яхшилик чаманидан гул териб умр баҳорини ҳаётининг мазмуни деб билади ва шунга муносиб хатти-ҳаракат қиласди.

## **УМР БАҲОРИ**

*Ота-онага ҳурмат ва итоат  
энг эзгу амалдир.  
(ҳикмат)*

Ота-она фарзандини катта орзу-умидлар билан вояга етказади. Емай-едириб, киймай-кийдириб, ардоқлаб ўстиради. Катта бўлганда қоқилмасин деб ўқитади, хунарли қиласди. Фарзандини хушхулқ бўлишга даъват этади, ёмон йўлга кирмасин деб орзу қиласди. Бўйга етганда баҳтини ўйлади, ниҳоят, қизини тенгига узатиб, ўғлини муносибига уйлаб, кўнгли тинчиди. Шу зайлда кексайиб қолганини билмайди.

Ота-она ҳурматини жойига кўймоқ фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз. Қобил фарзанд ота-она шухратини кўтаратидиган ишларга кўл уради, уларни ранжитадиган нарса-

лардан ўзини тияди. Ҳар қандай ишга құл уришдан олдин ота-она ризолигини олишга интилади. Отa-она билан ҳисоблашган фарзанд ҳаётда қоқылмайди, иши ўнгидан келади, омад кулиб боқади. Отa сүйганиң әл сүяди, дейишади. Бундай фарзанд отa-онаниң баҳти, шон-шавкати!

Болаларидан тинчиган, оқибат күрган отa-она кексалигини хузур-халоватда ўтказади. Болалари паноҳида пирибадавлат яшайди. Бироқ ҳар түкисда бир айб деганларидек, отa-онаниң бола деб торғтан машаққатини қадрламайдиган айрим ноқобил, күрнамак фарзандлар ҳам учраб туради. Уларниң тушунчасида бу «машаққатлар» шунчаки отa-она вазифаси эмиш. Тұғри, фарзанд күргач, уни боқиши, келажаги учун қайғуриш, катта бүлгандыа үйли-жойли қилиб күйиш отa-онадан лозим. Фарзандни дүнёға келтириб, бир парча этни тарбиялаб, вояга етказған отa-онаниң ҳам ўз орзу-хаваси бор-ку! Ҳар бир инсон яхши ният билан үйжой қиласи, бола-чақа боқади. Унинг хузур-халоватини күрсам, қариганда таянчим, қувончим бўлса дейди. Отa-она фарзандига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Тұғри, айрим масалаларда улар зытиroz билдирулар, бунинг сабаби бордир. Уларниң ҳаёт тажрибаси катта, қалб кўзи ўткир. Ўғил-қизим, баҳтсиз бўлиб қолмасмикан, деган мулоҳазага боришиади. Ёшлар буни ўзларича тушунадилар. Куни келиб отa-оналари ҳақ эканини биладилар, аммо вақт ўтган бўлади.

Баъзан отa-она ноҳақ ҳам бўлиши мумкин. Бу тушунмовчилик орқасида содир бўлади. Яхшиси, бу ҳолда ёшлар одоб юзасидан оғир бўлишлари, мақсадларини ётиғи билан айтишлари ёки баобрў кишиларни ўртага қўйиб, ишни яхшилик билан битиришлари нур устига аъло нур бўлади. Жаҳолат, ўжарлик кўчасига ўтиш яхшиликка олиб келмайди. Отa-она билан фарзанд ўртасига совуқчилик тушади, ортиқча гап-сўз тарқалишига сабаб бўлади.

Қўлидан иш келадиган бўлгандыа ўзбошимчаликка ўтиш одобдан эмас. Отa-онага беҳурматлик, ака-ука, опа-сингилларни менсимаслик ўз қадр-қимматини ерга уриш, қолаверса, ўз баҳтига ўзи зомин бўлишдир.

Хизмат юзасидан яқында йўлимиз Андижон обласстининг Избосган қишлоғига тушди. Тасодифан анчадан бери кўрмаган бир қадрдонимизни кўриб қолдик. Куюқ сўрашдик. Қўярда-кўймай уйига бошлади.

Ҳовлиси соя-салқин, шинамгина экан. Елиб-югуриб дараҳт тагидаги сўрига жой қилди. Оила аъзолари ҳам очиқ-қина, шириңсухан кишилар экан. Қизғин, кўнгилли сұхбат бошланди. Ногоҳ кўшни хонадондан баланд-паст товушлар, йиги овози эштилиб қолди. Таажжубланиб, мезбонларга қарадик. Қария онахон афсус билан бош чайқади.

- Яна Усмон жанжални бошлади шекилли?
- Нима гап ўзи? — сўрадик биз.

— Усмон деган кўшнимиз бор. Ўғли бу йил ўнинчи синфни битирди. Ўзим ўқитганман, яхши ўқирди. Унинг орзуси журналист бўлиш. Бола тушмагур аттестатини олди-ю, кунда жанжал бўлиб қолди. У Тошкентдаги университетта ўқишига кираман деди, отаси кўнмади.

Ҳайрон бўлиб сўрадик:

- Нега энди?
- Айланай, бечоранинг оғзи куйган, — деди кампир сўзга аралашиб. — Ўтган йили паст тушиб, баланд чиқиб деганларидек, бундан каттасини Тошкентта ўқишига жўнатди. Болам доктор бўлса, қариганимда белимга қувват бўлар, деб суюнди. Болам тенгкурлари ичидаги ўқинмасин, деб болачақасидан ситиб пулда-пул, посылкада-посилка жўнатиб турди. Айтишларича, анчадан бери хат хабар бўлмаган. Эҳе болам-эй, ўша кезлари она куйиб кетди. Болагинамга нима бўлдийкан? Бирор фалокат юз бермадими? — дерди ташвишланиб онаизор, охири отасини қўярда-кўймай шаҳарга жўнатиб кўзи эшикда қолди. Ота шаҳар кезди. Ўғлини сўроқлаб бормаган эшиги қолмади. Ниҳоят, институтни топиб бошлиқларга йўлиқди, ўғлининг таниш-билишларини учратиб гаплашди. Юзида ташвиш, кўлида тугунча кўтарган бу мўйса-фидга ҳамма ачинди. Анчадан бери ўғли ўқишини ташлагани, кимгадир «уйланиб» олганини, ҳозир ўшаникида турганини

гапириб беришади. Үртоқлари жон күйдиришиб, уни бу йұлдан қайтармоқчи бұлғанлари, уларни менсимагани, ҳатто орадаги алоқани узib құйғанини ачиниб сұзлашибди. «Уйланибди» сүзи юрагини алланечук қилиб юборганди.

— Турмуш масаласида ҳали у бола-ку. Энди ўн саккизга тұлди-я. Хүш, кимга уйланибди? Тенгини топибдими? Ҳамма гап шунда-да! — Уйланиш айб әмас, гап тенгини топишда! Үғли ўздан анча катта, бир савдогар, фирибгар хотинга уйланған экан! Эх, нодон бола, ҳаёт күрмагани бошига етибди! «Мұмай» пул, маккор хотин уни йұлдан адаштирибди. Кайф-сафога берилиб, йигитлик шаңнига дөf туширди. Енгілтаклик қилиб, бегубор ёшликтен жувонмарг қилди. Ота-она фарзандини катта орзу-умидлар билан ўқисин, одам бұлсин, деб бағридан узib шаҳарға жұнатди. Афсуски, Меливойга ўхаш нодон фарзанд ўзини ўзи әплагудек бұлғанда, жиловини йүқотиб, бебошлиқ қилди. Беш күнлик «хұзур-жаловат» деб ўзини бадном қилди, ота-она, туғилиб ўсан қишлоғи олдидаги бурчларини ҳам унугти, ҳатто икки әнлик хат ёзив ақволларидан ота-онани хабардор қилиб қўйиши, маслағат сўрашни ҳам эп кўрмади.

Ха, баъзи ёшлар ўзларини ўта эркин ҳис этадилар. Севги-муҳабbat, оила қуришда бу «әркинлик» күпинча кўзларини «кўр» қилиб, ақл-хушларидан адаштиради. Тұғри, ҳозирги ёшлар эркин, ўз тақдирларини ўзлари ҳал этиш хукуқига эгадирлар. Лекин ахлоқий эркинлик билан бир қаторда инсонда ахлоқий бурч ҳам бор-ку, ахир!

Оила — беш күнлик хузур-жаловат әмас, балки икки ёшнинг тұлиштан мұхаббатининг меваси, бир умрлик ахду-паймони, вафо-садоқати. Үткинчи ҳис-туйғулар курбони бўлиб, бир умрга баҳтсиз бўлиб қолған ёшлар йўқми? Хоҳ йигит киши, хоҳ қиз бола бўлсин, аввало ҳис-туйғуларини жиловлай олиши керак.

Эртанги кунни ўйлаш, кўра олиш ҳам оқил кишининг иши. Дейлик, у сизга ёқиб қолди. Оромингизни йўқотдингиз. Назарингизда усиз ҳаёт йўқдек. «Эҳтиросли севги» бора-бора

ақлингизни лол, күзингизни күр қилди. Охири сиз «баҳт» деб ўйлаган ўша «муҳаббат» қанча азоблар келтирмайди дейсиз. Шунингдек, ота-она, дўстлар олдида юзингиз шувит бўлади, ўзбошимчалик бошингизга етади.

Дунёда энг азиз, энг яқин киши, сенга ҳаёт бағишлигар, умр бўйи сенинг баҳтинг деб жон бериб, жафо чеккан ким? Отанг-онанг! Қоқилсанг, жони ачишадиган кишинг ким? Отанг-онанг. Бас, шундай экан, ҳар бир фарзанд ота-онани бошига кўйиши, уларга итоаткор бўлиши, панд-насиҳатларини қулоққа олиши, уларнинг шон-шуҳратини кўтарадиган ишларга кўл уриши ҳам қарз, ҳам фарз эканини яхши билиши керак.

Ёшларга айтадиган маслаҳатимиз: хўш, ёқтирган кишингиз билан турмуш қуришга аҳд қилдингиз. Савол туғилади: бу масъулиятли вазифага ўзингизни тайёр деб биласизми? Ота-она ризолигини олдингизми? Оила тебратишга қурбингиз етадими? Бирор қасб-хунар эгаси бўлдингизми? У сизнинг қадрингизга етадими? Оила баҳти учун умр баҳорини яхши ва мароқли ўтказиш учун нималар муҳим? Ана шулар устида яна бир ўйлаб кўринг. Ҳаммасига ижобий жавоб олганингиздагина, унга бемалол қадам кўйишингизни маслаҳат берардик. Агар шулардан биронтаси етишмаса, яхшиси, бу ишга шошилмаганингиз маъқул.

Ёшлиқ — гўзаллик, деган нақл бор. Ҳар бир қиз ва ҳар бир йигит ёшлигини бехуда ўтказмаслиги, хайрли ишларга бел боғлаши, энг муҳими дили ҳам, тили ҳам, қилмоқчи бўлган иши ҳам одамларга маъқул ва мақбул бўлиши лозим!

## **АЁЛ БАХТИ, ОИЛА САОДАТИ ҲАҚИДА**

Инсон ҳамиша яхшиликка интилади. Орзу-умид билан яшайди. Эзгу ният билан меҳнат қилади. Орзу қанот бўлиб уни гўзалликка етаклайди, қудрат бўлиб курашга чорлайди. Ҳа, баҳт курашганларга ёр бўлиб, унга кулиб боқади, дунё-дунё қувонч ҳадя этади. Курашмаганлар учун эса баҳт орзу-лигича қолиб кетаверади.

Инсон, шу жумладан, аёл ҳам ўз баҳтини ўзи яратади. Аёл баҳти асосан оила тотувлигига, ўғил-қизларининг роҳатини кўришдадир. Бу баҳт учун курашмаган аёл ҳаёт лаззатини татий олмайди. Бир кун келиб афсус-надоматлар чекади. Худди шу тотувликнинг йўқлиги туфайли қанча-қанча оиласларда аёл ҳам, эркак ҳам ўзини баҳтсиз санайди.

Аёл яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйган азиз умр йўлдошининг кўнглини топишга интилади. Ундан ширин сўзини, хизматини аямайди, эътиборли бўлади. Инсон ҳамиша бир хил кайфиятда бўлмаслиги маълум. Баъзи пайтларда қадрдон, севикли кишининг ён беришга тўғри келади. Турмушда рўй берадиган айрим воқеаларга аёлнинг шошма-шошарлик билан ёндашиши, дурустроқ суринтириб кўрмай эрнинг кўнглини оғритиши эр-хотин ўртасидаги муносабатга дарз етказади. Натижада, бир-биридан кўнгил совиши, меҳр-муҳаббатнинг кўтарилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам аёлнинг оғир, вазмин бўлгани дуруст.

Эр-хотин ўртасидаги тотувлик уларнинг ўзаро самимий муносабатда бўлиши, тадбиркорлиги ва меҳнатсеварлигига боғлиқ. Эр эрта-ю кеч тер тўкиб меҳнат қилса-ю, хотин унинг меҳнатини қадрламаса, унга кўмакдош бўлмаса, оиласда тотувлик, бир-бирини ҳурмат қилиш йўқолиб боради.

Эр ҳам, хотин ҳам муомалада ўз турмуш ўртоғининг айни вақтдаги руҳий ҳолатини ҳисобга олиши лозим. Дейлиқ, ишдан чарчаб қайтган кишига дағалроқ ёки ўринсиз гап ёмон таъсир қилади. Бирор нарсадан дикқат бўлган кишига ҳам шундай. Бир-бирини чинакам севувчи, ҳурмат қилувчи кишилар ҳамма вақт ана шу масалани ёдда тутадилар.

Оила баҳтини ижтимоий ҳаётдан ажратиб қарашиб мумкин эмас. Зотан, халқ баҳти оила баҳтидир. Ҳар бир оила Ватан, халқ манфаати йўлида меҳнат қилиши лозим. Майли, кичик бўлсин, лекин давлатимиз ривожига бирон-бир улуш қўшмаган оиласи баҳтли оила деб бўладими? Ижтимоий ҳаётдан ўзининг муносаб ўрнини топган аёл ўзини баҳтлироқ ҳис этади. Ҳаёт унинг учун янада гўзалроқ туялади. Эр билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган аёлнинг турмуши тотувроқ,

закөлироқ ўтади. Ким бўлиб хизмат қилишидан қатын назар, шифокорми, ўқитувчими, ишчими, деҳқонми, ўз халқи баҳти йўлида тер тўкаётган аёл шубҳасиз баҳтиёрдир. Шу билан бирга ҳар бир аёл ўз оналик вазифасини ижтимоий ҳаётдаги меҳнат билан кўшиб олиб борса, бу нур устига аъло нур бўларди.

Гап шундаки, меҳнат қилаётган аёл ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан оила баҳтини таъминлашда иштирок этаётгани билан фаҳрланади. Бинобарин, унинг ҳар жиҳатдан эр билан тенглиги таъминланган бўлади. Ана шу тенглик оиласидаги ўзаро хурмат-эҳтиромнинг, оила баҳтининг асоси бўлиб хизмат қиласи. Натижада майдада гапларга ўрин қолмайди. Аҳил оиласида яшаган кишининг ҳаёти эса сермазмун, ижтимоий фаолиятдаги меҳнати серунум бўлади.

Айрим аёллар «оила баҳти»ни мансабдор эрга хотин бўлиб, бадавлат яшашда, данғиллама уй, яхши кийим-кечак, зебу зийнатларга эга бўлишда деб тушунадилар. Бундай аёллар ҳаётнинг асл завқини тота олмайдилар. Бир-иккита бола уларга ишни ташлашга баҳона бўлади. Бўш вақтларини тўй-ҳашамларда ўтказишади. Бирорларнинг фийбатини қиласидилар. Ҳа, бундай аёллар ўзларини баҳтли санайдилар. Аслида эса улар ҳаёти ҳақиқий баҳтдан узокда.

Ҳали орамизда хотинга ўз хукмронлигини ўтказувчи эркаклар ҳам топилади. «Ишингни йигиштир, сени ўзим ҳам боқиб оламан» ёки «Ҳа, еб-ичишдан камчилигинг бўлмаса, ишлаб нима қиласан?» деб ўшқирадиган эркаклар ҳам бор. Улар ўз хотинларининг фақат пул учун меҳнат қилмаётганини тушунмасалар керак. Ахир инсон дунёга фақат ейиш-ичиш учунгина келмайди-ку! Унга маънавий озуқа ҳам керак! Ижтимоий меҳнат аёлга чин инсонийликни, оналигини янада чукурроқ ҳис этишга кўмаклашади. Сен кимгадир керак эканингни, ўзингта ярашгулик ўрнинг, қадр-қимматинг бор эканини ҳис этасан. Бу ҳис фахр, фурур ҳиссицир. Бундай баҳтдан маҳрум бўлиб бола боқиши-у, овқат пишириш билан кунини ўтказаётган аёлнинг ўз ҳаётини қанчалар зерикарли, мазмунсиз ҳис қилишини тасаввур этиб кўринг.

Манзура опа умр йүлдоши Нұғынбай ака билан тогув ҳәёт кечиришади. Тұрмушда нималар бүлмайды, дейсиз. У ҳар қанча қийналса ҳам ҳеч қаңон нолимасди. Шундай пайтларда яна ҳам ишга күпроқ берилиб кетарди. Эрта-кеч тиниб-тинчимасди. Үйим-жойим деб тиришгани-тиришган. «Эрни эр қыладиган ҳам, қаро ер қыладиган ҳам хотин» дейдилар ота-боболаримиз. Манзура опа Нұғынбай хонадонига файз кирилди. Нихоят режали аёл бүлганидан үйни үй, жойни жой қылды. Эрнинг топганини тежаб, жой-жойига сарфлади. Истрофгарчилликка йўл қўймади. Айрим хотинларга ўхшаб зебу зийнатта берилмади. Уйга кераксиз, савлат тортиб туралдиган буюмларни йифмади. Бор кучини оиласининг баҳтига, болаларининг яйраб-яшнаб ўсишларига сарфлади. Қайин-бўйинларини ўз туққанлариdek кўриб ҳурматлади. Қайнона-келин она-боладек яшашди.

Манзура опа ота-онасига ҳам меҳрибон фарзанд бўлди. Тез-тез бориб ҳол-аҳволларидан хабар олди. Шундай қылмаса кўнгли тинчирмиди? Ота-она фарзандга ҳам шунчалар ширин ва азиздир. Сенинг учун жонини фидо қылган, баҳтингни тилаган азиз кишинг учун умрбод хизмат қылсанг ҳам кам. Жафокаш оналаримизни биз қизлар яхшироқ тушунамиз. Айниқса, ўзинг үй тутиб, она бўлганингдан кейин. Манзура опа шуларни дилидан ўтказар экан, кўз ўнгида шўх болалиги, қизлик чоғлари намоён бўлади. Ота-онасининг якка фарзанди — қизи ҳам, ўғли ҳам ўзи эди.

Она уни ёлғизим деб, ардоқлади, лекин эрка-тантис қилиб ўстирмади. Оилада тогувлик бўлди. Катта хонадон бир қозондан ош ичишди. Она эпчил бўлиб катта рўзгорни эплади. Ёлғиз қизининг баҳтини ўйлади. Ўқитди, юмушга солиб чиниктирди. Қизлигига ўзи ҳам, уринчоқ эди-да! Она қандай ишга уринса, у ҳам кетидан қолмади. Дастёрлик қилишни жуда-жуда ёқтиради. Она ҳам раъйини қайтармади. Унга лойик иш берди, билмаганини эринмай ўргатди. Болалик ажойиб давр бўларкан. Ҳамма-ҳамма нарсани билгинги келар экан. «Нега бундай?» деган савол бошингни чулғаб, хаёлингни аллақаерларга олиб кетар экан.

Кичкина Манзура ҳам шундай бўлиб чиқди. Баъзан ойисини муаммолар дарёсига фарқ қилиб юборар эдики, она жажжи қизининг тилини оналилла хос меҳр билан топди. Ҳаёт сирларидан унга дарс берди.

Манзура опа ҳамма яхшиликни онасидан ўрганди. Она-нинг удумини тутиб, ўзи ҳам меҳрибон она, севимли рафиқа бўлди. Одамларга эса садоқатли дўст бўлди.

Манзура опа меҳмондўст аёл. Ёру дўстлари уни йўқлаб келгудек бўлса, боши осмонга етиб, елиб-югуриб хизматда бўлади. Меҳмон кўнглини овлаб, бор-йўгини тўкиб солади. Бирор тансикроқ овқат тайёрлашга шошилади. Қизлари ҳам оналарига ўҳшайдилар. Меҳмон келса, уйлари тўлиб кетган-дек суюнадилар. Одоб билан саломлашишни, кексалар бўлса, кўрпача ёзib тўрга ўтказишни ёки стул кўрсатиб «ўтиринг» деб илтифот кўрсатишни яхши биладилар. Оналари меҳмон билан ҳол-аҳвол сўрашаёттанди ими-жимида иш битирадилар. Чой қўйиб, дастурхон ёзишга ҳозирлик кўрадилар. Ҳамма ёқни супуриб, осойишта қиласидилар. Овқат пиширишда оналарига ёрдамлашадилар.

Манзура опа яхшигина пазанда аёл. Пиширган лаззатли таомлардан тотиб кўрган ёру дўстлари унинг бу фазилатига неча бор таҳсин ўқиганлар. У ҳақда сўз борганда одамлар: «Кўли гул, ақли доно» дейишади. У кишининг билмаган нарсаси йўқ. Дурустгина чевар ҳам экан. Болаларининг кийим-кечакларини ўзи тикар экан. Қандай яхши-я, уй-рўзгор тутишларига разм солсангиз, фаросатли, дидли аёл эканлигини кўриб киши қойил қолади. Бирор нарсанинг ўринсиз ёттанини кўрмайсиз. Болалар ҳам шунга ўрганишган.

Айниқса, қизлар онаси удумини олишибди, худди она-ларига ўҳшайди-я. Мулойимгина, чаққонгина қизлар бў-лишибди. Кўриб ҳавасинг келади. Шунинг учун ҳам кек-салар «онасини кўриб, қизини ол» дейишган.

Болалари устма-уст туғилиб, Манзура опа институтда ўқий олмади, лекин баъзи аёлларга ўҳшаб уй ишлари билан ивирсив қолмади. Қанча-қанча китоблар ўқиди, ҳамширалик хунарини ўрганди. У ҳеч бир ўқимишли онадан кам эмас.

Бу оиласа ҳаммага ибрат бўларли одатларни кўрасиз. Ҳафтанинг охирида уйлар кўнгилдагидек йиғиштирилиб, саранжом-саришта қилинади. Ўрин-кўрпаларнинг филофлари алмаштирилиб ювилади.

Енгил тортиб яхши ҳордик чиқарадилар. Стол атрофида тўпланишиб, чой ичиб, ширин сұхбат қурадилар. Она ювилган кирларни одатича кўздан кечиради. Тикиш-чатиш лозим бўлганларини алоҳида тахтайди. Кечки пайт, қизлар оналари атрофига тўпланиб, тикиш-чатиш билан машғул бўладилар.

Манзура опа фақат ўз оиласи ҳақида қайғурмай, бошқа ёш оиласарнинг тиниб-тинчиб кетиши учун ҳам қўлидан келган хизматини аямайди. Бир куни С. исмли ёшгина келин Манзура опага қайнонаси билан бўлган можарони сўзлаб, ундан нажот сўрайди. Маълум бўлишича, куёв йигит Манзура опанинг умр йўлдоши Нўймон ака билан бирга ишлар экан. Тўй бўлганига эндиғина уч ой бўлибди. Келин билан куёв аҳил эканлар. Келин овқат пишириш, дазмол босишни яхши билмас экан. Келиннинг бу нуқсонлари қайнонага ёқмай, уни ҳадеб таҳқирлаган ва кунлардан бирида қаттиқ жанжал чиқиб, келинни уйдан ҳайдаб юборибди. Манзура опа доно маслаҳаттўй хотин эмасми, ёш келинга далда беради ва яхши бўлиб кетишларига ишонтиради. Уни ўз бағрида 20 кун тутиб, овқат пиширишни, уй юмушларини қунт билан ўргатади. Хонани саранжом-саришта қилиш, дазмол босиш, йиртилган пайпоқларни тўрлаш, ош дамлаш, ҳатто чўзма лағмонгача ўргатади. Бир куни куёв Манзура опаникига келганда, икковлашиб чўзма лағмон қилишаётган бўлади. Она чиройли чўзилган лағмондан бир косада сузуб куёвнинг олдига қўяди-да.

— Келинпошша жуда зеҳнли экан, энг қийин овқатларни ҳам ўрганиб олдилар-а! Олинг енг, қандай ширин бўлибди, — дейди. Эртасига ёқ қайнона Манзура опага қайта-қайта раҳматлар айтиб, келинини ўзи билан бирга олиб кетади.

Қайнона ҳам она-ку. Келиннинг билмаган нарсаларини яхши сўз билан кўрсатиши мумкин эди. Одамдан одамнинг

фарқи бор деганларидек, Манзура опанинг кенг қалби, дарёдек мөхри ёш оиланинг сақланиб қолишига ёрдам берди.

Орамизда Манзура опага ўшаш фозила аёлларимиз жуда күп. Уларнинг хайрли ишларидан кўнгиллар шод бўлиб, умрингта умр қўшилади. Аммо орамизда ҳали дилозор, беандиша аёллар ҳам учрайдики, уларнинг дастидан на оиласада ором бор, на атрофдагиларда. Бундай тоифадаги хотинлар бировларнинг тинчини бузишдан, дилига озор етказишдан лаззатланадилар. Ўзларини доно, билимдон ҳисоблаб, ҳаммага ақл ўргатмоқчи бўладилар. Ўзларини мақташдан, ўзгаларни гийбат қилиб, камситиб ерга уришдан ҳузур топадилар. Яхшиликни «хўжа кўрсинга» қиласидилар. Кўзлаган ниятларига етгач, яхшилик ҳам ўша ерда тугайди.

Одобли киши қилган яхшилигини ҳеч қачон гапириб миннат қилмайди. Фаразли кишилар бўлса, одамга юзаки дўст бўладилар. Кўнглидагини топмасангиз борми, балога қоласиз. Сиздан ҳар қандай йўл билан ўч олишга, пайингизни қирқишига, обрўсизлантиришга тиришади. Бу йўлда макрхийлалар ишлатиб, ўзига хайриҳоҳ кишилар ҳам тўплайди.

Бунга эришиш учун дунёси ҳам, виждонидан ҳам возкечади. Ўзининг таъбирича, бу «яшаш учун курашиш» эмиш. Уларнинг одати ўзгаларни камситиш, нодон ҳисоблаш, гийбатини қилишдир. Атрофга қарайди. Бирор одамнинг обрўси ортиб, ҳурмат топаётган бўлса, дарҳол уни ер билан яксон қилиш режасини тузади. Гирноқ остидан кир қидиради. Камчилик топишга, уни бўрттиришга, яхши томонларингизни ҳас-пўшлашга уринади. Унинг назарида ҳамма аҳмоқ, битта ўзи ақлли, гўё ҳамма нарсани у билади. Ана шундай худбин аёллар кўкрагига уриб, «қани болаларим ҳам ўзимга ўхшаса» деб болалари олдида, эри ёнида уялмай бировларнинг гийбатини қиласиди, ерга уради. Айрим эркаклар ҳам лақ этиб ишонади. Болалар-чи?

Юқорида, болалар тарбиясида оналарнинг таъсири кучли бўлади, дегандик. Айниқса, қизлар онанинг ҳамма хусусиятларини ўзиники қилиб олади. Бундай оиласада онасидан таълим олган беодоб қиз каттароқ бўлгач ҳатто онаси тенти келадиган

кишига «насиҳат құлмоқчи» бўлади. Қизининг бундай ҳаёсиз қилигини кўрган бефаҳм она яна гуурланиб, «қизим курфурнинг ақли бало», «ёш бўлатуриб, каттага ақл беради-я» деб, мақтанади. Ажабо, шунинг учундир-да бу тоифа хотинларнинг қизлари хулқ-атворига қараганда «худди онасининг ўзи-я!» деб юборамиз.

Дарҳақиқат, бола яхши одобни ҳам, ёмон одатни ҳам ўз ота-онасидан ўрганади. Бундай она қўлида тарбия топган қиз ҳам безбет, фийбатчи, такаббур, иккюзламачи бўлиб ўсади. Чунки бола тарбиясида ибрат, намунадан кучли таъсир этадиган восита йўқ. Шунинг учун ҳам она мумкин қадар зийраклик, ҳушёрлик билан иш тутмоғи лозим. Қилмишларини тарозига кўйиб, ақл билан ўйлаб, виждан олдида ҳисоб бериши керак. Одамнинг одамийлик сифати — вижданда. Виждан билан ҳисоблашмаган ҳар бир инсон, шу жумладан, аёл ҳам келажакда панд ейди. Кишига виждан азобидан оғир жазо йўқ.

Қиз боланинг баҳти кўп жихатдан оналар қўлида. Она бамаъни бўлиб, қизига яхши тарбия берса, меҳнатда чиниктирса, рўзғор тутишни, муомала-муносабатни ўргатса, қизига ҳам, ўзига ҳам фойда. Акс ҳолда қизи, баҳтига ўзи зомин бўлади.

## ЭСИЗ, БАХТИГА ЗОМИН БЎЛИБСИЗ...

*Онасини кўриб қизини ол.*

*(Халқ мақоли)*

Баъзи оналар қиз бола бироннинг хасми, бўйига етдими, ҳадемай узатилиб кетади. Ота-онасиникида ўйнагани-кулгани қолади, деган нотўри тушунча билан кап-катта қизларини талтайтириб, уй-рўзғор ташвишларидан, турмуш қийинчиликларидан четда тутадилар. Уларни ўз майлларига ташлаб, хато қиласидилар. Она барча қийинчилликни ўз устига олади. Қизини тик ўстиради, бу билан зарар иш қилаётганини тушуниб етмайди, чамаси. Яна шундай тоифадаги оналар борки, қизларига «яхши ўқисанг, одам бўлсанг бас, уй ишларини бўлса ўзим эплайман», деб ҳатто бўйига етган

қызларига чўри бўладилар. Бу билан она ўз қадр-қимматини ерга урган бўлади. Ўзлари «яхши ўқиб, одам бўл» дейдилар амалда эса бунга тескари иш тутадилар. Меҳнатда чиниқмаган, қийинчилекларни кўрмаган қиз қандай қилиб яхши инсон бўла олади.

Қиз бола, аввало, меҳнатда, ҳаётда чиниқади. Меҳнат билан ақл-фаросати ўткирлашади. Маънавий камолотта етишади. Қизингиз ёш, айни кучга тўлган даври, юмуш билан чарчамайди, аксинча балки рангига ранг, қонига қон қўшилади, чиройи очилади. Сиз фақат уни ҳар бир ишни режа билан қилишга ўргатинг. Шунда у ҳамма нарсага; ўқишига ҳам, тикиш-чатишга ҳам, сизга қарашишга ҳам вақт топади, улгуради.

Бўйига етган қизингизни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, тергамасангиз, ёмон кўчаларга кириб кетиши мумкин. Чунки 15—16 ёшли қиз ҳали ақлини бир жойга тўхтатиб олмаган бўлади. Ёмон билан яхшининг фарқига етмайди. Фоят таъсирчан, ўзига жуда бино қўйган, жинсий томондан етилиб келаётган пайти бўлади. Шунинг учун ҳам она қизига яқин бўлиши, унинг сирдош дўстига айланиб, ундан доимо кўзқулоқ бўлиб туриши керак. Она қизини насиҳат йўли биланми, шунингдек, хайрли ишларга ўргатиш биланми, ёмон йўллардан сақлаб қолиши керак.

«Бошига тушса ҳамма нарсага кўнишиб кетади», деган иборани кўп ишлатамиз. Қиз бола турмуш қургач, ўша оиласининг домига тушиб кетади, деб ишонамиз. Бироқ, янги оиласининг домига тушиб осон иш эмас. Бунинг учун келинчак ўзининг яхши томонлари билан уларга ёқиши лозим.

Келинчак ўзининг уч хислати билан: яъни уй ишларига эпчил бўлиши, хуш одоби, зийраклиги, фаросатлилиги или қайнонасини ҳам, куёвини ҳам мамнун этади. Улар олдида хурмати ошади. Бундан ўзининг ҳам юзи ёруғ, дили чароғон бўлади. Қиз бола уйлик-жойлик бўлди, дейлик. Энди у уйжойни, эрни эпламоги, қайн-бўйни билан чиқишиб, аҳил яшашни билмоғи, вақти етиб она бўлганда, фарзандини қобил қилиб ўстиришнинг ҳам уддасидан чиқмоғи керак. Қиз бола укувли бўлса, буларни қийналмай эплаб кетади.

Үйда тик ўсган бўлса-чи? У ҳолда дакки ейди. Ношуд номини олади. Онага лаънат келтиради. Тез-тез оилавий жанжалларнинг рўй беришига сабаб бўлади. Ҳаттоқи турмушнинг бузилишигача бориб етади. Ҳаётний мисолларга назар ташлайлик.

Салима исмли жувон биз билан бўлган сұхбатда қандай қилиб ўз баҳтини бой берганини шундай ҳикоя қилди. «Институтни тамомлайдиган йилим турмушга чиқдим. Тузуккина хонадонга келин бўлдим. Ҳусним ҳам бор. Қизлик пайтимда уй ишларига унча уринмаганимдан ишга қовшолмай тоза қийналдим. Таъналар эшилдим. Уйимизда ҳамма юмуш ойим билан келинойимдан ортмас эди. Биз қилган иш ойимга ёқмасди. Мен «ўқишиш бўлса бас», деб юраверибман. Ҳаётнинг бу тарафларига ақлим етмабди. Қайнонам икки гапнинг бирида «Бунча ивирсиқсан, уй тутишни билмасанг, эрни эплай олмасанг, ўлиб бўлдим, худо кўтарсинг сендеқ ношуд келинни», дерди. Эрим ҳам бора-бора онасининг томонига ўтиб олди. Мени ҳақоратлайдиган бўлди. Мен бўлсам бу аламларга чидай олмадим. Уйга бориб онамга кўз ёшимни тўқдим. Ахир бўлмади, битта болалик бўлганимизда ажralишидик.

Ўйлаб кўрсам, ўзимдан ҳам хатолик ўтган экан. Хотин бўлиб уйга кўнгил қўймадим, эримга тузукроқ равиш қилишни ўйламадим, қайн-бўйинларимнинг кўнглини ололмадим. Оқибат уйим бузилди. Бироқ бу ўринда қайнонамдан ҳам домангир бўламан. Ўтирсам ўпок, турсам сўпок, дерди. Ўз боласидек кўриб, билмаганларимни юзимга солмай, ўргата қолса бўлмасмиди. Ёш новда эдим, эгилардим, албатта. Лекин энг аччиғи, юрагимни йиллар давомида эзиб келаётган аламли нарса — фарзанд доғи. Аччиқ қилиб етти ойлик боламни қайнонамга ташлаб кетибман. Бола бечора она меҳрига қонмай дунёдан ўтди. Ҳаёт мени қаттиқ жазолади. Уч марта уй қилдим. Аммо фарзанд кўрмадим. Қандай қилай, гўдакнинг қарғишига учрадим. Тирнокқа зор бўлиб қолдим. Бунинг учун ўзимни ҳеч кечиролмайман. Энди минг-минг пушаймон бўламан. На чора, ҳаммаси бефойда экан!

Хозир ёлғизман. Яхши ҳам ишим бор зкан, овунаман. Онам ҳәётлар. Башқа-башқа яшаймиз. Қариндош-уругларим ўз хузур-ҳаловати билан».

Бу ўринда шуни айтиш керакки, қызниң баҳтсиз бўлишига шубҳасиз она айбдор. Она қызниң келажагини ўйлаб, уни ҳәётта тайёрламади. Қизи уйидан нолиб келган вақтларида уни юпатиб, насиҳат қилиб жўнатмади. Унинг ўрнига «Ҳа, ўша қайнонангни худо кўтарсин, сени қул қилиб сотганмидим. Тор қорнимга сиққан кенг уйимга ҳам сиғиб қоларсан», деб кўнглини уйидан совутди.

Салима эса ўз баҳти учун курашмади, айтишича яхши оиласа тушган, баҳтли бўлиши мумкин эди. Аммо укувсизлик қилди. Уйининг бузилмаслиги учун интилиб, уй-рўзғор ишларини ўрганишга жазм қилмади. Лоақал тенгқурларидан ибрат олиб, ҳәётини қайта изга солишга уринмади. Эҳтимол ҳуснига ортиқча оро бериб, турмушнинг бу томонларини ўйламаган. Сўнг иккинчи марта сўққабош йигитта тегиб, улар билан ҳам умр-муроса кечиролмай кетиб қолди. Ёлғизлик жонига тегиб, яна уй қилишга рози бўлди. Бу эри ҳам тўрт етимга она бўлар деган умид билан унга уйланди. Аммо у оналиктининг уддасидан чиқа олмади. Етимларнинг бошини силаб, оқ ювиб, оқ тараса, ўтган гуноҳларини ювган бўларди. Бирорни ҳам ноумид қилмасди.

Доно ҳалқимиз турмуш тажрибаларига таяниб, қиз боланинг баҳти кўп жиҳатдан она тарбиясига боғлиқ эканини уқтиради. Қиз боланинг баҳти унинг ақл-идроқида, ҳар ишга эпчил, лобарлигига, одобида, ҳаё-ибосидадир.

Демак, қиз боланинг баҳти кўп жиҳатдан оналарнинг қўлида. Улаф ўз қизининг баҳти учун лозим бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриши керак.

## ОИЛАДА ЭРКАК ҚАДРИ

Оилада эркак кишининг ўз ўрни, қадри бўлиши керак. Эр ҳурматини жойига қўйган аёл баҳтлидир. Эркаклар омон бўлсин!

Оилада эркак кишининг файзӣ ўзгача, салобати улуғвор. Оқил эр бош бўлган хонадон обод, бола-чақа баҳтиёр яшайди. Эркакнинг асили диёнатли, мард бўлади, сўзидан қайтмайди. Яхшиликка кўкрак кериб, ёмонликка беомон бўлади. Покликни шараф тожи қилиб тақиб, эл-юрг ташвишида яшайди. Ота-онани бошга қўйиб, жигаргўшаларга меҳрибон бўлади. Аёлманд, болажон бўлади. Оилада эркак кўп ҳолларда аёлдан 4—5 ёш катта бўлганидан, ҳаётнинг паст-баландини билганидан унга кичик хўжаликнинг бошлиғи сифатида қаралади ва ҳурмат қилинади.

Эркакнинг ўрни, қадри бўлган хонадон тинч-тотув яшайди, аёллар сийланади, уруш-жанжалга ўрин қолмайди. Волидаи меҳрибонларимиз падари бузрукворимизни қандай сийлашганини, эр ҳурматини қаттиқ тутишганини, сўзларини икки қилишмаганини яхши биламиз. Оналаримизнинг «Жим, даданг уйдалар», «Даданг хафа бўладиган иш бўлмасин-а», «Даданг нима деркинлар» каби сўзларини эслаб қолганмиз. Ота ҳурматининг улуғлигини оналаримиз намунасида кўрганмиз.

Қизиқ, отамлар қаҷон кўчадан келмасинлар аввал онализни йўқлардилар, — деб хотирлайди Фазлиддин ака. — Тўгри ошхонага ўтиб, ойим билан икки-уч оғиз гаплашиб, кейин бошқа ишга тутинардилар. Онамиз уйда йўқ кунлари отам ўзларини қаерга қўйишни билмай қолардилар. Бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар. Ёшлиқдан бир-бирларини ҳурматлаб, кўнгил қоларли ишларга боришмагани учун ҳам шунақа яшашган.

Хўш, ота-боболар, доно онахонлардан қолган яхши удумлар давом этяптими? Ҳозирги аёлларимиз ўқимишли, оқ-қорани таниган, эркаклар билан ёнма-ён туриб хизмат қилишади. Уйни ҳам, ишни ҳам эплашади. Бундан жамиятимизга ҳам, оиласа ҳам катта манфаат етади, албатта.

Лекин афсуски, баъзан орамизда оиладаги бурчини, аёллик латофатини, ўзбек аёлларига хос иффат-назокат, ҳаёандишани унугиб қўяётган аёллар ҳам анчагина учрайди.

Бугун Қодиржоннинг кайфияти суст. Кун бүйін ўзи билан ўзи гаплашди. Ишида ҳам тайин бўлмади. Эрталаб хотини кайфиятини бузди. Ҳар галгидек жанжал арзимаган нарсадан чиқди. Чой устида ўғилчаси қўлидаги чинни пиёлани синдириб қўйди. Хотини боланинг юзига «тасир-тусир» қилиб икки шапалоқ урди.

Бундан Қодиржоннинг асаби тараанглашди:

- Ярамас, болани ҳам шунаقا урадими?
- Ҳа, мен «ярамас», сиз «оппоқ». Мана бу «оппоқ» ҳам худди ўзингизга тортяпти.

Бу гап Қодиржоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. Кейинги пайтда хотини ўзгариб қолди. Нега? Ўқитмаса бўлармиди? Ўйлаб толади. Ўзи биладиган ўқимишли аёлларни бирмабир хаёлидан ўтказади. Хотинига таққослаб кўради. Йўқ, улар бутунлай бошқа дунё.

Хотин киши уй-жойни, бола-чақа, муроса-ю мадорани ўйламаса, охири нима бўлиши маълум. Тарбия жараёнида боланинг «кулоги кар, кўзи кўр» бўладиган пайтлар бўлиши ҳаммага маълум. Бола шўхлик қилиб, бирор нарсани тушириб юборади, тўқади ёки синдиради. Бунинг учун болага бақириш-чақиришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, «Қара, нима иш қилиб қўйдинг? Мана бундай ушлаш керак. Юрғанда сеқин, оёқнинг тагига қараб юриш лозим» дессангиз, олам гулистан. Эҳтиётсизлиги орқасида шу ишнинг содир бўлганига бола ачинади. Бошқа пайт огоҳроқ бўлади. Шу йўсинда болани онгли ҳаётта кўниктириб борамиз, ўзимизнинг ҳам, фарзандимизнинг ҳам асабини асрраган бўламиз.

Бола олдида ота шаънига бўлар-бўлмас гапларни гапириш унинг тарбиясини бузади, ота обрўсига путур етказади.

Ҳаётда ҳар хил ишлар бўлади. Баъзи эркакларнинг йўлдан адашган ҳолларини эшитамиз. Хотини, болаларини ўйлаб ачинамиз. Бундай ҳолларда баъзи аёллар ўта изтироб чекса ҳам сирини ошкор қўлмасликка уринади. Буни аёл ор-номус деб билади ҳамда эрининг шаънига ёмон гаплар айтишга тили бормайди. Ҳар ҳолда болаларининг отаси, шунча йил бирга яшагани учун юз-хотирини қиласди. Яхши от ҳам баъзан

қоқылади, дейишади. Яхши кунларга умид боғлаб, сабр қилади.

Айрим ҳолларда әркак хәлиниң бузилишига аёлнинг ўзи ҳам сабабчи бўлади. Бола-чақа, иш билан бўлиб эрга эътибори сусаяди. Эркак табиати худди аёлларники каби доимо эътиборни талаб қилишини унутмаслик керак. Аёл ҳамиша ўзига қараб юргани яхши. Буни кўрган кўз кувонади. Ўзиди ҳам, бошқаларда ҳам яхши кайфият пайдо бўлади. Аф-суски, айрим аёллар юриш-туриш, кийиниш, муомала-муносабат масаласида бефарқлик қилишади, пала-партиш юришади. Уйда ўзларини бир алпозга солиб қўйишади. Кексалар «онангни отангта бепардоз кўрсатма», деб бежиз айтишмаган.

Давлат идораларида раҳбарлик лавозимида ишлаётган айрим аёллар оиласида ҳам «буйруқчи»га айланиб қолмоқдалар. Аёллик латофати-ю назокатларини йўқотиб, эркаксимон бўлиб бормоқдалар. Аёлларимиз хукуқлари тенглигидан кувонибми, оила хўжалигини бошқариш, рўзгор ташвишларини ўзларига олиб қўймоқдалар. Баъзи аёллар бу соҳада ўзларини «дидлироқ» санашади. Гўё эркаклар бозор-ўчарни кўнгилдагидек қилишмайди. Эркакларнинг оиласи бурчларини енгиллаштириб, хатога йўл қўяётгандари йўқми? Бу ҳолат айрим кишиларда эркакнинг вазифаси оиласи моддий томондан (пул билан) таъминлаш, деган нотўри тушунчанинг шаклланишига олиб келмасмикан??

Рўзгорнинг ҳамма ташвишларини зиммаларига олиб, кейин пушаймон бўлиб юрадиган аёллар ҳам йўқ эмас. Эркак киши рўзгор ташвишини қилгани яхши, уйга, бола-чақага меҳри ошади. Ўғил-қизнинг ширин ташвиши нималигини билади. Оила хўжалигини бошқариш эркакларга ярашади, уни ўрнига қўйишади ҳам, курилиш, хўжалик ишлари, боғроғларга қарашиб, бозор-ўчар қилиш эркакларга хос ишлардир. Хотинлар эса ўзларига ярашадиган вазифалар — аёллик, бекалик, оналикни ўз ўрнига қўя олсалар қандай яхши. Аёл киши ҳар қанақа мартаба-mansabga эришганда ҳам оиласида аёл бўлиб қолиши керак. Аёлсиз уй файзсиз бўлишини ким

билмайди, дейсиз. Хотинлари вафотидан кейин эркаклар тез қариб қолишиади. Она меҳридан жудо бўлган болалар бошларини эгиб, ўксиб қоладилар. Умуман, аёлсиз хонадон қақраб қолган саҳрора ўхшайди.

Бир қанча аҳил, баҳтиёр оиласлар турмушини кузатиш, ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, оиласвий баҳт эрхотиннинг бир-бирига садоқатли, меҳр-муҳаббатли бўлишида, ишда, ўқишида, уй ишларида болалар тарбиясида бир-бирларига кўмаклашишларида юзага келади.

Демак, аёл баҳти — оила тотувлигидаги, ўғил-қизларининг баҳт уйини қуришидадир. Бу баҳт учун курашмаган аёл ҳаёт лаззатини тота олмайди.

Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабаби ўрганилса, уларнинг кўпчилиги арзимаган гаплардан бошланганини кўрасиз. Кўпинча, эркакнинг гапига аёл терс жавоб беради, аёлнинг гаплари эрга оғир ботади. Шу билан жанжал бошланади, асаблари зирқирайди. Шундай ҳолларда икки кишидан бири бир оғиз гапдан қолса, оғирлик қўлса, ширин гапирса, «кечиринг» сўзини тилга олишдан орланмаса, олам гулистон.

Бир оз фурсат ўтиб қизишиган томон ҳовуридан тушади. Ўйлаб, сизни нотўғри ҳафа қилганидан хижолат торгади. Сиздан узр сўрайди. Шундай қилинганда, кўнглингизда заррача губор қолмайди. Яна чеҳрангизда табассум жилваланади. Аёл яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйган азиз умр йўлдошининг кўнглини топишга интилади. Ундан ширин сўзини, хизматини аямайди, эътиборли бўлади.

Инсон ҳамиша бир хил кайфиятда бўлмаслиги маълум. Баъзи пайтларда қадрдон, севимли кишингта ён беришга тўғри келади. Турмушда рўй берадиган айрим воқеаларга аёлнинг шошма-шошарлик билан ёндашиши, ҳадиксираши, дурустроқ суриштириб кўрмай эрининг кўнглини оғритиши эр-хотин ўртасидаги муносабатга дарз етказади. Натижада, бир-биридан кўнгил қолиш, меҳр-муҳаббатнинг совишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам аёлнинг оғир-вазмин бўлгани дуруст.

Айрим аёлларнинг тушунчасида эрга хурматда бўлиб, унга мулозамат қилиш ўқимишли, маданиятли хотин учун келишмаган одат эмиш. Гёё бу билан унинг қадр-қиммати тушгандек бўлармиш. Албатта, биз бундай фикрга қўшилмаймиз, чунки ҳаётий тажриба эркакни ҳам оқила рафиқасининг хурматига хурмат билан жавоб беришга интилишини кўрсатмоқда.

## ЁШЛИК – БЕБОШЛИК ЭМАС...

**Икки ўт ичидаги қолган «ошиқ».** Кудрат исмли йигит бошидан кечган воқеаларни рўй-рост ёзиб юборибди. Маълум бўлишича, у Бахтигул деган қиз билан аввалига яхши муносабатда бўлган, уни севиши, кўрмаса, тура олмаслиги, хуллас, ундан бошқа қизга уйланмасликка аҳд қўлганини айтган. Секин-секин қиз кўнгли ҳам илиб ўртада муҳаббат пайдо бўлган. Аммо баҳтли дамлар узоққа чўзилмаган. Ногоҳ Кудратнинг бошига янги «муҳаббат» савдоси тушган. Яна ким?

Ўша Кудратнинг «оҳ-воҳ»ларига ишониб, алданган Баҳтигулнинг дугонаси. Бундан ортиқ номардлик бўладими? Нечун, бир содда, пок қиз қалбига бунчалар алам етказиш! Қиз қалбини ўғирлаган содда муғамбир ким? Ўзингиз эмасми? Дугонасини ҳам йўлдан адаштирдингиз. Улар ўртасига рақиблик ўтини ёқдингиз.

Шунча ишлар ўтгач, энди нима қилишни ўйлаб қолибсиз. Бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди. Ҳаёт кўрган одамларга маслаҳат солганингизда эҳтимол ўзингизни ҳам, бирорларни ҳам бебаҳт қўлмасдингиз. Институтни тутатиб, ўқишини давом эттириш ниятида эканингизни ёзибсиз. Илм-фанга берилган одамнинг табиати бошқачароқ бўларди. Бунақа «бемаънилилкка» бормайди, вақти ҳам етишмайди. Биринчидан, институтда қолдирилган экансиз, демак жамоа сизга ишонгган, умид боғлаган, эсиз, буни қадрламабсиз. Иккинчидан, ота-онангиз бағридан узиб, не умидда ўқитди. Тўйлар қилиб, бошингизни икки қилиш тараалдуудида юрганда, уларни эл-юрт олдида уятта қўйдингиз. Ота-она билан хи-

соблашиш фарзанд бурчи-ку! Учинчидан, бироннинг азиз фарзанди — икки қизнинг умрига завол бўлдингиз. Умр бўйи ўзингизни виждан азобига қўйдингиз. Бу воқеа кўпларга сабоқ бўлиши керак. Узоқ вилоятдан ўқиш ниятида келган йигит-қизлар жуда кўп. Кўпчилик бу даврнинг қадрига етади. Тиришиб ўқишиди, меҳнат, жамоат ишларида фаол бўлишиди. Ўзларини-ўзлари бошқара олишиди. Бу яхши тарбия кўрганлик оқибати, албатта. Туғилган қишлоғи, шаҳрига ёруғ юз билан қайтганга не етсин!

Навбатдаги сўзни қизлар хусусида гапирсак, қиз бола ҳам ўзини тута олиш, ким билан қанақа муомала-муносабатда бўлишни яхши билиши керак. Айниқса, йигит, эркаклар масаласида эҳтиёт бўлиши керак. Шу нарса равшанки, аввало, бу ерга ўқиш, илм-хунар эгаллаш мақсадида келган. Шунга муносиб иш туғилса, олам гулистон.

Тўғри, кишида кўнгил деган нарса ҳам бор. Унинг амрига ҳам кулоқ соламиз. Фикримизча, шу масалада ақл, виждан аралашса, киши ҳеч қачон хатога йўл қўймайди.

Аввало, йигит қизни чин дилдан севса, уни эҳтиёт қиласи, шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди. Бахтигул ўзининг юрак сирини, нозик ҳисларини биринчи бор дугонасига очди. Уни дўст деб билди, ишонди. Калтабин қиз эса дўстликнинг қадрига етмади. Дўст вафосини тайинсиз «ошиқ», «муҳаббат»га алишди. Эҳ, нодон қиз! Кеча дугонангта, бутун сенга ишқ-муҳаббат изҳор қилган бета-йиндан нима кутиш мумкинлигига ақлинг етмади, чамаси! Баъмани қиз бундай пайтда ўзини ҳақорат қилаётгани учун йигитни қаттиқ койиб қўйган бўларди.

Яхши тарбия кўрган ёшлар ҳаётда қоқилишмайди. Чунки бирор ишга қўл уришдан олдин ота-она, катталарнинг маслаҳатини олиш зарурлигини яхши билишиди. Ҳа, ота-она — Йўлчи юлдуз.

Инсон ҳаётининг баҳори — ёшлиқ. Бу даврда қизлар роят барно, назокатга бой бўладилар. Йигитлар ҳам ажабтовур кўркам, кўрган кўзларни қувонтирадиган бўлишиди. Ақл-хушлари тўлишиб, турмушга жиддийроқ қарай бошлайдилар.

Илм-хунар ўрганиб, ҳаётта тайёрланадилар. Бу йўлда уларга ота-оналари, ўқитувчилар, қолаверса, жамоатчилик раҳнамо бўлади. Қизларга табиат томонидан йигитлардек шиддатли одамни бошқариш, бўйсундириш, баҳтили ва баҳтини қаро қила олиш қудрати ато этилгандиким, бу куч бошқа ҳеч кимда, ҳеч бир улуг зотда йўқдир (*П. Мериме*). Дарҳақиқат, табиат қизларга, аёлларга шунча латофатли куч ато этган. Ҳаётнинг кўрки ва лаззати ҳам қиз ва аёллар билан. Аёллар бор ерда меҳр-вафо, орасталик, эзгулик бор. Қиз бола ҳаёси билан гўзал. Иффатли қиз ҳаммага ёқади.

Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас, деганлар. Йигит кишининг сўзи — сўз бўлмоғи керак. Сўзидан қайттан йигит — йигит эмас, бир бебурд, тайинсиз олифтадир.

Мұҳаббати соғ, ўзи пок йигит виждонли бўлади. Ҳеч қачон баландпарвоз гапларни айтмайди. Ўзини сипо, камтар тутади. Сизни ҳурматлаб, эҳтиёт қиласди. Зинҳор шаъннингизга бирор гап-сўз бўлишини истамайди. Бундай йигитни қадрламок, севгисига вафодор бўлмоқ ҳар бир оқила қизнинг бурчи.

Ақлли йигит узоқни ўйлайди, меҳнатсевар, тиришқоқ бўлади. Меҳнаткаш одамнинг келажаги бор. Яъни одамни ҳам, ҳаётни ҳам қадрига етадиган бўлади. Ҳалол меҳнати билан танилиб, обрў-эътибор қозонади. Ишонардимки, ҳаётимни шундай яхши йигит билан боғлай олсан, албатта, баҳтили бўла олардим. Мен ҳам қараб турмасдим, тиришардим, унга меҳрибон дўст, рафиқа бўлишга интилардим, — дейди баҳсада сўз олган Насиба.

— Бир дугонамни ана шундай йигит севар эди. Ўзининг ҳам кўнгли борлигини билардим. Нима бўлди-ю, унга бир мансабдор оиласдан совчи чиқади. Ота-оналар рози бўлишади. Энди ҳамма гап қиз билан йигитда қолади. Қиз совчи келган йигит билан учрашади. Лекин юрган йигити ҳақида бир нарса демайди. Тўйга розилик беради. Воқеадан хабардор бўлган йигит бечора эсанкираб қолади. Нима қилишини билмайди. Ўйлаб-ўйлаб, унаштирилган йигитнинг отаси олдига боришга қарор қиласди. Учрашади ва қиз билан юришини, аҳду-

паймон қилишгани рўйи-рост айтади. Ҳатто у билан бирга тушган расмларини кўрсатади. Ота бошини куйи солғанча жим қолади. Ниҳоят, ўзини бир оз тутиб олади-да йигитнинг елкасига қоқади:

— Ўғлим, кечириңг, биз бутунлай бу ишлардан хабарсизмиз, мени таажжубга солаётган нарса — қизнинг хулқатвори, сиз билан шунча ишларга бориб, юзсиз, ҳеч нарса кўрмагандек тўйга розилик бергани. Ўғлим, хотиржам бўлинг, энди бу иш ҳеч қачон бўлмайди». Охири нима билан тугади денг? Ҳалиги бадавлат йигит қиздан юз ўғирди, ўша яхши йигит бўлса ўйланиб қолди, ва ниҳоят, шунча йиллик соф севгини оёқ ости қилган қиз билан баҳтли бўла олмаслигига кўзи етди шекишли, унга ўйланишдан воз кечди.

Ана енгилтаклик, ҳәсизлик оқибати. Ўзи ҳам бебаҳт бўлди, бирорни ҳам баҳтсиз қилди. Ота-онасининг юзини ерга қаратди.

Менимча, яхши фарзанд: ҳоҳ йигит, ҳоҳ қиз бўлсин, аввало, ота-она билан ҳисоблашмоғи керак. Отанг билан онанг бир парча этни тарбиялаб вояга етказишиди. Улар сенинг баҳтинг учун қўлларидан нима келса, шуни қилишиди. Энди сен уларнинг саломатлигини саклашинг, дилларини оғрит-маслигинг керак. Одам кексайган сари кўнгли нозик бўлиб қолади.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни асло раво кўрмайди. Шундай экан, нега биз уларга қулоқ солмаслигимиз керак? Уларнинг турмуш тажрибаси кўп бўлганидан ҳамма нарсага жиддий, чуқур қарашади. Сизни, баҳтсиз бўлиб қолмасмикан, деб ўйлашади. Бизнинг фикримизча, ота-онанинг куёв ёки келин олдига қўядиган ҳақли талабларига хурмат билан қарааш керак. Ота-оналарнинг ҳамма ишда, жумладан, турмуш масаласида, севги-муҳаббатда ҳам анча «кўзи ўтқир»лигини ҳисобга олиш лозим. Биз, бу ўринда, онда-сонда учрагувчи жоҳил ота-оналарни назарда тутмаймиз, албатта. Ахир, ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, кўрнамак фарзандлар ҳам учраб турадики, биз уларни

ҳам назарда тутмаймиз. Ҳар бир йигит-қиз, аввало, ўқиб, бирор ҳунарли бўлишга ҳаракат қилисин.

Гўзаллик – бу фақат ташки қиёфа, жозиба эмас, балки одоб-ахлоқ, фаросат, покизалик, олижаноблик, шарм-ҳаё, иффат, фурур, латофат, меҳнатсеварлик, ўзини тута билишидир. Мана шулар мужассамлашгандинга инсон ҳақиқий гўзал бўла олади. Гўзаллик дилни равшан қила оладиган бир нурки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир ва инсон мана шу нур томон интилади. Сукрот Ҳаким: «Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир», дейди.

Ҳақиқатан ҳам агар қиз бола қаламқош, шаҳло кўз, узун соч, келишган, сутув бўлса-ю, шарм-ҳаёси бўлмаса, ундаиларни ҳеч ким гўзал дея олмайди. Бундайларни такасалтанг, усти ялтироқ, ичи қалтироқ, дейишади. Ундаилардан ҳар қандай йигит ўзини четта тортади. Ҳақиқий гўзал одам билан доимо гаплашгингиз ва унинг одил гапларидан баҳра олгингиз келади.

Ҳаётини шундай қиз билан боғлаган йигит баҳтлидир. Донолар қиз боланинг ор-номусини шишага ўхшатишади. Маълумки, шиша синса, уни ўз ҳолига қайтариб бўлмайди. Шунинг учун, қиз бола ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босмоғи керак.

## **ОИЛА – МУҚАДДАС, УНГА ДОФ ТУШМАСИН**

*Хотининг сени суйса, сен уни суй.*

*Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй.*

Оила баҳти – турмушнинг ширинлигидадир. Эр-хотин иноқ, бир-бирига дардкаш, меҳр-оқибатли бўлса, бундан ортиқ баҳт йўқ. Қанча аҳил ва баҳтиёр оилалар турмушини кузатиш, ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, оилавий баҳт эр-хотиннинг бир-бирига садоқатли, меҳр-муҳаббатли бўлишида, ишда, ўқишида уй ишларида, болалар тарбиясида бир-бирларига ҳамроҳ ва ҳамдам бўлишларидан юзага келади.

Үз «хузур-ҳаловати» деб бола-чақани хүрлайдиган, ҳалоликни нопок ишлардан ажрата билмайдиган суюқоёқ эреккни оила бошлиғи, деб бўлмайди. Бундай ёмон ота бошлиқ оиласда ҳамиша уруш-жанжал, дилсиёҳликни кўрасиз.

Аёл!... Иффат ва назокат соҳибаси, гўзаллик ва нафосат тимсоли. Оиласда қиз туғилди. Келажакда кимнидир асир этиб, ўзига мафтун этувчи бўлажак қайлик, бўлажак ёр, бўлажак она дунё юзини кўрди. Йиллар ўтади. Қизалоқ ўсиб, бўйи етади. Она совчи кутади. Ниҳоят, юлдузи юлдузига тўғри келгани рост бўлсин деб, дам кулиб, дам йиглаб, ҳар бир ҳаракатда жигарбандига баҳт тилаб, патир ушатади. Худди шу аснода кўзларидан севинч ёшлари оқади. Она бу кунни йиллар бўйи кутган эди. Ниятига етади. Эндиgi орзуси қизининг борган жойида яйраб-яшинаб юриши, ували-жували бўлганини кўриш бўлиб қолади.

Шогирд ҳам устозга бамисоли фарзанддек бўлиб қоларкан. Унинг ҳар бир ютугини, муваффакиятини кўриб дунё-дунё шодланасан. Ногоҳ унинг баҳтсизлигидан ҳабар топгудек бўлсанг, юрагинг ачишади. Менинг бир суюкли шогирдим бўларди. Яқинда тасодифан уни кўчада учратиб қолдим. У билан суҳбатлашдим-у, оромим йўқолди.

Талабалик кезлари у кундузи ишлаб, институтнинг кечки бўлимидаги ўқирди. Турмушга чиққанини ҳам, боласи борлигини ҳам билардим. Ниҳоятда ҳозиржавоб, билимга чанқоқ эди. Ҳамма имтиҳонларни фақат аъло баҳога топшишарди. Юзлари лўппигина, истараси иссиқ, ҳамиша кулиб турарди.

Назаримда қаршимда турган бу аёл билан у аёл бутунлай бошқа-бошқа кишилар эди. Озиб-тўзиб кетибди. Бир вақтлар чақнаб турадиган кўзларига тикиламан. Бу кўзларда қандайдир бир алам, ҳасрат яширингандек. Ҳол-аҳвол сўрадим, негадир у очилиб-сочилиб сўзламасди. Саволларимга қисқа-қисқа жавоб қайтаради.

— Ишлаб турибман. Болаларни бир амаллаб катта қил-япман, — деди-ю, кўзида ёш айланди. Дарҳол ўзини тутди:

— Ҳа, болалар ҳам катта бўлиб, ёнимга киришар. Ишләттган аёллардан фақат мен эмасман-ку, опа.

Турмуш ўртоғидан гап очдим.

— Хизматчилик, эрта кетиб, кеч қайтадилар. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам кўпинча уйда бўлмайдилар. У кишига ҳам қийин.

Суҳбатимиз унчалик қовушмагандан тезгина хайрлашдим. Анчагача уни унуголмадим. Ўзимга ўзим «Нега у бунчалар паришон? Ё қалбида қандайдир жароҳат бормикин? — деб ўз-ўзимга савол бераман.

Сўнг дугонасини учратдим-у, ҳамма нарса равшан бўлди. Дугонасининг айтишига қараганда, эри хотинининг покиза туйгусига тупуриб, садоқатини оёқ ости қилгану кўл остида ишлайдиган бир қиз билан юрган. Охир-оқибат хотинига муносабати ёмонлашган, бўлар-бўлмасга жанжал қўтариб, неча бор уни уйдан ҳайдаган. Болалари ҳам кўзига ёмон кўринган.

Бечора аёл аввалига эрининг ўз ҳузур-ҳаловати деб, шу даражада тубанликка боришини, хиёнат кўчасига киришини хаёлига ҳам келтирмаган. Унга ишонган. Кеч қайтиши, ўзгариб, қўпол бўлиб қолиши сабабини хизматдаги кўнгилсизликдан деб ўйлаган. У ҳар тун алламаҳалгача эрини кутар, авайлаб ўралган овқат билан чой ҳар сафар совиб қоларди.

Аёл дардини ичига ютди. Кимга ҳам айтсин? Эрини ёмонлашга тили бормасди.

Оила муқаддас бўлиши керак. Оила олдидағи масъулият кишини номаъкул ишлардан ўзини тийишгага мажбур этади. Ўткинчи ҳавас деб ўзини бадном қилиш, бола-чақа олдида юзни қора қилиш ўта кетган ҳаёсизликдир.

Ўша номард эрга: «Мард одам уйланади, бола-чақа қиласди. Оила, рўзгор ташвишини ўйлашнинг ҳам ўзгача гашти бор. Хотин кишида ҳам юрак бор, орзу-ҳавас, иззатнафс бор. Нечун уни шунчалар таҳқирлаш, хўрлаш керак? Ўзингиз ёқтириб унга уйландингиз, рафиқангиз фахрланса арзийдиган аёл, ширин-шакар фарзандларингиз ҳам бор.

Демак, сиз хотиндан ҳам, оиладан ҳам ёлчигансиз. Шундай экан, ўринсиз хатти-харакатингиз қанчадан-қанча күз ёшларнинг тўкилишига сабаб бўлишини, қанча дилларни чилпарчин қилишини била туриб нопок йўлга киришингизни, бахтни топташингизнинг сабаби нима? Ўткинчи ҳавас курбони бўлиб, бола-чақа олдида юзни қора қилишинг доимо пок сақланиши лозим бўлган ота номига, эр номига иснод келтиришнинг нима зарурияти бор? Жамоатчилик ҳам бундайларни лаънатлади, қоралайди, дегимиз келади.

Мехр-муҳаббат, вафони улуғлаб Захриддин Муҳаммад Бобур шундай сатрлар биттан:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топкусидир.  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топкусидир.  
Яхши киши топмагай ёмонлиқ ҳаргиз  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топкусидир.


Ҳа, ҳар бир оиласа мехр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор нондек азиз, нондек қадрли бўлмоғи лозим. Ана шундагина бундай оилаларни бахтли оила деб айтишимиз мумкин.

### **ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН**

Оилавий ҳаётда бахтли бўлишни ҳамма истайди ва шунга интилади. Унинг ўзига хос мураккаб, «нозик» томонлари борки, уни ҳар бир киши билиши, тўғри тушуниши, тан олиши, ҳаётини шу қонуниятлар асосида куришга астойдил ихлос қўйиши, бу нарса унинг ички эътиқодига айланмоғи лозим. Ҳа, оилавий ҳаёт муаммоси, хонадон соҳиби, соҳибаси ўртасидаги муносабат, фарзанд камолоти, тақдири ҳамиша дикқатта молик масаладир.

Оиласа эркак файзи ўзгача. Эркак салобати, саҳоватидан кўнгиллар шоду, диллар чароғон. Яхши эркак — аёл бахти, хонадон кувончи, қобил фарзандлар отаси. Шундай экан, яхши эркак қадрига етмоқ керак. Ҳурматини жойига қўйиб, имкони борича, хизматида бўлиш хотиннинг бурчи.

Оиласа эркак файзи, бурчи, вазифаси ҳақида сўз кетганда Ҳамилжон aka ва унинг хонадони кўз олдимга келади.



Турмуш қуришганды ҳали улар ўқиши тутатишмаганди. Бунинг устига фарзандлик бўлишди. Қандай бўлмасин, у рафиқаси ўқиши тутатиб олишини ўйлади, болани бирга боқиши, ҳар қанақа юмушдан орланмади, ота бўлганидан фаҳрланди.

Икки йил ҳар тонг у ўғлини бағрига босиб, ёнида рафиқаси билан ТошМИ дарвозасидан кириб келар эди. Ниҳоят қийинчилклар ортда қолди, шифокор бўлишди. Севган касбларини ардоқлаб халқ хизматидан баҳт топишди, фарзандлари кўпайди, эр хотин муҳаббатига муҳаббат кўшилди. Болалар тарбияси, келажаги уларнинг ширин ташвишига айланди. Оиласда уч ўғил вояга етди. Катталари уйлик-жойлик бўлишди. Күш уясида кўрганини қиласди деганларидек, ўғиллар отага тортишди.

Ўтгиз уч йиллик турмушлари аҳиллиқда ширин ўтди. Эр хотинни аяди, хотин эрни сийлади. Бир-бирига вафодор бўлишди. Ўргада ёлғон-яшиқ, алдамлик бўлмади. Бири қизишиганды, иккинчиси паст келди. «Мен сен»га боришмади, кўнгил қолдиришмади. Эр хотин «аррани баробар тортишди», оқибатда, оиласда тотувлик бўлди, болалар қувнаб ўсишди.

Ҳа, турмушда нималар бўлмайди дейсиз. Сиртдан осоиышта, тинчдек кўринган хонадоннинг ҳам ўзига яраша ташвиши, сири бор. Бунда ақл билан иш тутиш, босиқлик, кўнгил кенглиги, гапни яхши томонга буриш, айрим «нарса»ларни ичга ютиш, «ҳасрат», «гина»дан йироқ бўлиш кабилар баҳтни асрарнинг муҳим омилидир. Уйланиб, болачақалик бўлгандан кейин бўйдокликтаги ҳаёт қолиб кетаркан. Ишдан чиқиб уйга шошиласиз. Йўлингизга кўз тутган маҳбубангизни ўйлаб қадамингизни шахдам ташлайсиз.

Халқимизда насл-насаб суриштириш одати бор. Бунда бойлик, амал назарда тутилмай, тарбия кўрганлик, ота-онаси қанақа кишилар экани тушунилади. Қиз чиқариши тараддуудида бўлган ота-она «болам тинч бўлса бас, кўз ёши оқмаса, бўлди» деган ўйда бўлади.

Ҳалол пул топиб бола-чақа боқиши, пок яшаш, инсонийлик, ўғил-қиз тарбиясига жонкуярлик, кенглик, тилнинг

ширин бўлиши, меҳрибонлик оиланинг бугунги ҳамда эртанди истиқболидир.

Турмуш мураккаб, ўз қонун-қоидалари бор. Кўп ҳолларда муроса-ю мадорага борилади. Акс ҳолда, оила бузилиши ҳеч гап эмас. Адолат, виждан билан иш туттан яхши, ёмон кунларни ўйлаймиз, торозуга соламиз, ношукурчилик бўляптими, деган мулоҳазаларга борамиз. Яхши кунларга умид боғлаб, ўргадаги совуқчиликни унугтамиз.

Одилжон хотини табиатини яхши билади, характеристи «тезроқ», кўп нарсада «ўзбилилармон». Хотинининг қайсарлиги тутганда, у оғир бўлади. «Сеники маъқул» қабилида иш тутгади. Буни онадан барвақт қолиб етимликда ўсган-да, деб билди. Шу боисдан ҳам уни кечирар, гапларини кўнглига олмасликка тиришарди. Ўша пайтлари унга осон бўлмади, албатта. Ўзини ушласа ҳам, ичиди қаттиқ ҳаяжонланди. Бу ҳақда оғиз очиб биронта одамга нолимади. Шундай кезларда хотини хатосини тушунди ва эрининг ҳурматини яна оширди. Бу билан хотини айбига иқрор бўлгандек туюларди.

Инсонликнинг яхши хусусияти — бегараазлик, ёмонликни унуга олишдир. Бундай одам соғлом бўлади, ғам-ғуссадан йироқ бўлади, қаримайди. Одамлар ҳам ундан баҳра оладилар. Ҳурматталаб бўлиб, иззат-нафс, қовоқ солиш, кесатиш, ичимдагини топ, «мажбурсан» қабилида муомала-муносабатда бўлиш хатодир. Ҳурмат қилишга «мажбурият» юклаб бўлмайди. Аввало, холис хизмат билан, қолаверса, яхши сўз, ширин гап айтиб қалбни иситиш, ийдириш лозимлигини унумаслиги керак. «Ҳурмат қиласанг, ҳурмат топасан» деб бежиз айтилмаган.

Оилада қайнона ва келин муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Қайнона келинга меҳрибон, инсофли муносабатда бўлса, яхшини ошириб, ёмонини яширса, ўзига яхши. Келин ҳам уйга меҳр кўяди. Қайнонанинг ҳам айтгани айтган, дегани — деган бўлади.

Она-боладек яшаётган қайнона-келинларни кўриб меҳринг товланади, ҳавас қиласан киши. Келинга фарзандидек қараб, меҳригийесини улашаётган қайноналар қанчадан-қанча.

Бундай қайнона үз навбатида, келинидан иззат-хурмат күради. Қайнона билан келин аҳил оиласа ҳамиша күнгил-хушлик, тотувликни күрасиз, рўзгорда ҳам барака бўлади.

Афсус, минг афсуски, ҳаётда ноинсоф инсонлар ҳам учраб туради. Куйида оқибатсиз оиласа тушиб, орзу-умидлари топталган келин ҳикоясини эътиборингизга ҳавола қиласиз.

«Үқимишли оиласа келин бўлдим. Қайнотам, қайнонам ҳам оқ-қорани таниган, замонавий кишилар эди. Турмуш ўртоғим, қайнисингилларим институтни битиришган, ҳаммалари ишларди. Эрта билан барвақтроқ туриб нонуштага бирор иссиқ овқат тайёрлашга уринаман. Уй-ховлиларга қараб чиқаман. Дастирхон ёзиб, ҳаммаларини чойга таклиф этаман. Сўнг дастирхонни йигиштираман-у, ишга чопаман. Ишдан қайтиб, кечки овқатга уннайман. Нима иш қиласам ҳам, үз ойижонимнинг режаларини эслайман. Ойим боят режали иш тутардилар. Яхшиям ишга солиб, ўргатган эканлар. Бўлмаса қийналардим, яна гап-сўзга қолардим. Тутган ишим қайнотамга ёқарди. Шунинг учун: «Барака топинг келин, кам бўлманг», — деб кўнглимни тоғ қилардилар. Мехрим ҳам уларга кўпроқ тушганди. Қайнотам эса анча қийик, унчамунча одамнинг ишини ёқтиравермасди. Нима иш қиласам, ёнимда разм солиб турардилар. Қараб турганларини сезардим-у, негадир эсанкираб, қилар ишимни билмай қолардим. Шунда ё қўлимдан бир нарсани тушириб юборардим, ё бўлмаса, ишим унмай диққат бўлардим. Үз ҳолимга қўймай, ҳадеб камситар эдилар. Шундай бўлгандан кейин, билганингни ҳам унугиб қўяр экансан. Бир ишга тутинсанг, қўлинг бормай, зириллаб турасан. Қўйингчи, овқатдан ҳам бир камчилик топиб, кўнгилни хижил қилардилар, «ё суюқ, ё шўр, ё тузи паст» деб ранжитардилар.

Аввалига уялдим, кечирим сўраган вақтларим ҳам бўлди. Кейинги сафар огоҳроқ бўлишга тиришдим. Барибир бўлмасди, яна бир нарсадан айб топиб турардилар. Ўйлаб, ҳайрон бўламан. Уйда ҳам шу овқатларни қилганман. Бувимнинг сўзларини эслайман. «Боламнинг кўли шакар, овқати бирам мазали бўлибдики, ичиб танам яйрайди», дердилар. Бу мақ-

төвләрдан эриб кетардим. Эртасига, индинига ҳам овқат қылгим келиб турарди. Нега энди бундай? Үйлаб сиқиламан. Яна қайнонам икки гапнинг бирида: «Үғлимга муносиб-массан» деб камситиб турса, қылган ишимдан камчилик топса, күнглимин чўқтирса, шу уйга қандай қилиб кўнгил исиди. Қайнингилларимдан ҳам хафа бўламан. Ёш бўла туриб, одамга ачинишмайди. Тиллари бирам аччиқки, жонжонингдан ўтиб кетади. Ахир, эрта-индин ўзлари ҳам келин бўлишади-ку.

Жуда алам ўтган пайтлари турмуш ўртоғимга гапириб йиғлардим. Мени юпатиш, далда бериш қаёқда, унинг ўрнига қўполлик қилиб, баттар дилимни оғритарди. Эркак эркакдай бўлса, ўз ақли билан иш тутиб, ҳар икки томонга муносиб, илиқ сўз топса, кўнглинг исиб, муҳаббатингга муҳаббат қўшилади-ку. Лекин тушунмаган одам билан ўтган умр эсиз экан. Ўзингта савол берасан: «Ким учун у уйда яшаяпсан?»

Борди-келди гаплар бўла бошлади, бора-бора ўргага со-вуқчилик тушаверди. Энди ойимларни гуноҳкор қила бошлашди. Уйга фақат икки-уч ойда бир боришимни шарт қилиб қўйишли. Бунисига чидай олмадим. Онам бечоранинг гуноҳи нима? Қиз боққаними? Уни ўқитиб, олий маъту-мотли қилганими? Ўша уйда тинчиб кетишимни ўйлаб, на-сиҳат берганими?

Она ҳеч қачон қизининг баҳтсиз бўлишини истамайди. Хўрлансангиз, албатта, ташлаб қўймайди. Бағрига олиб, дар-дига малҳам бўлади. Ичиди баҳтсизлигига куйиб, ранги заъ-фарон бўлади. Қайнотам ҳам бора-бора уйдагиларнинг гапини маъқуллайдиган бўлди. Мен бу уйда ёлғиз эдим. Хуллас, қў-лимдан келганича уларни хурматлашга, шу уйда муроса-ю мадора қилиб кетишга кўп тиришдим. Ҳар қанча оғирчиликка кўндиним. «Сув келса симирдим, тош келса, кемирдим». Бўл-мади, хўрлик жонимдан ўтди.

Хозир ота-онамни кидаман. Яқинда она бўлишимни ўйлаб, тақдиримга куяман. Боланинг келажаги нима бўлади? Ота-онамга ҳам ачинаман. Ҳар куни қош-қовоғимга қара-шиб, бир ўтлари ўн ўт бўляпти».

Хўш, кўнгилсиз воқеанинг сабаби нима? Уйда бўйга етган қизлар бўла туриб, ҳамма юмушни келин устига юклаш инсофдан эмас. Бунда кўпроқ қайнонани айблаш керак. Она ўз қизига ачинади-ю, нима учун келинга шафқатсиз бўлади? У ҳам энди ўзининг фарзанди-ку.

Бўлар-бўлмасга келинини айблаш, бегуноҳ қудаларга хурматсизлик яхшиликка олиб бормайди.

Қайнингилнинг келинойига яқин бўлгани қандай яхши!

Яхши она кўлида тарбия топган қиз янгасига ўта меҳрибон бўлади. Ўзи ҳам ундан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олади. Қиз боланинг яхши номини чиқарадиган, ҳамиша кунига ярайдиган киши келинийидир. Онадек меҳрибон янгани хурматлаш ҳар бир ҳаёли қизнинг бурчи.

Ота-онани вақтида кўриш, ҳол-аҳволини сўраш ҳар бир фарзанднинг бурчи. Келин ҳам бировнинг боласи. Ота-онасини тез-тез бориб кўргани учун келинни гуноҳкор қилиш одамгарчилликдан эмас. Этни тирноқдан ажратиб бўладими? Ёшлиарни тушган ерида тиниб-тинчидан кетиши, ували-жували бўлиши кўп жихатдан онахонларга, уларнинг меҳр-мурувватига боеликдир.

## ОНА – БОҒБОН

Аҳмаджонларнинг катта ҳовлиси. Эрталаб, тўрдаги айвонда Шарофат ая ёлғиз. Кирларни таҳлади. Невараларининг кийим-бошларини қўздан кечирди. Тугма қадади, чокларни тикди. Пайпоқларни қунт билан тўрлади. Қун ёйилиб, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолибди. Қорни очгандек бўлди. Келин ётган хонага қараб «Гавба, ҳалиям турмаяитги у. Ётаверармикан-а! Эрта турганинг хосияти кўп-ку. Уйғотаймикан, чой ҳам совиб қолди, йўғ-е, тағин хафа бўлиб юрмасин мендан, майли ўзи чиқиб қолар», деган ўй кўнглидан ўтди.

Шу пайт хонадан келин чиқиб қолади. Таъби бир оз суст, нимадандир жаҳли чиққандай.

Қа й н о а : Болам. Эртароқ турсангиз бўлармиди?

К е л и н : Ётсам ётибман-да, кечгача ишлагандан ке-йин чарчайди-да. Ўзингиз...

Қ а й н о н а : Эрта туришнинг хосияти кўп, болам, ишингиз ҳам унади. Эшикли уй, бирор келиб қолса, уят эмасми? Келинли уй деб ким айтади, айланай.

К е л и н : (зарда билан) Ўз ҳолимга кўясизми, йўқми? «Кеч келдинг, барвақт турмайсан, уй-рўзгорни билмайсан», дейсиз. Бунча кундошга ўхшамасангиз?

Қ а й н о н а : (алам билан) Ҳа, она бўлиб гапирмасам, ким гапиради. Мунча ношудсиз, болам. Бундек уй тутишни, эр эплашни билмасангиз, каттани катта ўрнида кўрмасангиз, бунинг устига тилингиз бир қарич, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, сиздақа ўқиган, ишлайдиган келин йўқми? Тўлиб ётибди. Мана, лоақал ён қўшни Муаттархондан ибрат олсангиз бўлмайдими? У ҳам сизга ўхшаган келин. Барака топкур, уйни ҳам эплайяпти. Қайнона-қайнотасини бошига кўтаради. Эрини сийлаб ҳурматини келтиради-я.

К е л и н : (лабини буриб) Оббо, намунча мақтамасангиз?  
Жа, Сизга ёқиб қолибди-да-а?

Қ а й н о н а : Қайнонасининг айтишига қараганда, Муаттархон докторларнинг олими бўлганмиш. Тунов куни аллақайси йифинда қайнотаси Қўчқор амакингиз ҳам «Мани келинимдакаси дунёда битта» деб мақтанибди. Ота-онасига раҳмат, қизларига яхши тарбия беришган. Ахир бундай келин кимга ёқмайди? Кошки сиз ҳам Муаттархондай... (гапи оғзида қолади. Саодат қайнонаси унга шама қилаётганини билиб энсаси қотди. Жаҳли чиқиб эшикни тарақлатиб ёпиб уйга кириб кетади. Энди воқеа ичкарида давом этади. Эр хотиннинг айтишгани, болаларнинг йигиси Шарофат холага эшишилиб турарди).

К е л и н : Онангизнинг аччиқ таъналаридан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, ўтирсам ўпок, турсам сўпок, дейдилар. Бу уй эмас, жаҳнаннам. Кетамиз, бўлак турдим. Мени десангиз, шундай қиласиз. Бўлмаса ўзим кетаман.

А ҳ м а д ж о н : (саросимага тушиб иккиланади): Онамни десам, сен ва болаларим, сенларни десам у онам-ку! Мендан

бўлак уларнинг кими бор? Ишонгани, кўзининг оқ-қораси мен бўлсам, тушунсанг-чи! Қачонгача икки ўтида ёндирасан мени? Сенга ҳам инсоф кирадими, йўқми? Ўзинг ҳам ўғил-қиз ўстиряпсан. Бир кун сени ҳам бошингта шу кун тушса, нима қиласан, нодон?

К е л и н : Ҳа, Сиз ақдли, мен нодон, ўша кун келганда кўрамиз. Майли, онангиз билан қўшмозор бўлинг! (*болаларини етаклаб Саодат чиқиб кетади*)

\* \* \*

Кенг саҳнли ҳовли. Саодатнинг аразлаб келганига ҳам анча кун бўлди. У онасига ҳасратларини тўкиб соляпти.

О н а : Бо худо, ўша қайнонангни . . . Доим «мисжимисжи» қиласиди. Мияси айниган кампир. Кун бўйи нима иш қиласиди, ўзи?

С а о д а т : Гап сотадилар-да, гап.

О н а : Ҳа, сенга қийин бўлди. Қайнона она бўлармиди, сенга ачинармиди? Сенга куядиган мана мен (*қўлини қўкрагига уриб*). Бориб ўша ношукур кампирни бир «узиб» келайки... Лекин айтайми, ўзингда ҳам айб бор. (*Она овозини пасайтириб*.) Ўшанинг ўғлига тегдинг-у, «шалвираб» тушдинг. Қиз вақтингда туттган ерингни кесадиган «шаддодгина» эдинг. Ҳа, айтгандай, «Онанг уй-рўзгорга солмабди» деганида: «Онам ўқитди, баҳтимни ўйлади», деб оғзига урмадингми қайнонангни?

С а о д а т : Ундан баттарроғини қилдим, барибир ўзи ҳам, ўғли ҳам насиҳатини қўймайди.

Холисона айтинг, азиз китобхон, ўз қизига баҳт тилаган она шундай иш тутадими? Қиз бола ўқиб, илм-хунарли бўлиши яхши. Лекин бу баҳтнинг бир томони-ку, вақти келиб, қиз бола турмуш қуради, оила-рўзгор тебратади, она бўлиб фарзанд тарбиялайди. Эр эплайди, қайнабўйинлар билан муомала қиласиди. Бу қиз бола баҳтининг муҳим томони. Оналар буни яхши билишлари керак.

Аҳмаджонларнинг уйи. Она-бала дардлашиб ўтиришибди.

А х м а д ж о н : Ойижон, сиз күпни күрган, оқ-қорани таниған аёлсиз. Ҳаммамизни ақдли-хушли қилиб тарбияладингиз. Мана ёмон бўлмадик, меҳр оқибатлимиз. Қўлимида ҳунаримиз бор. Уй-жойли қўлдингиз, кўплар бизга ҳавас қилишади. Шундай бўла туриб, наҳотки битта келлинингизни йўлга сололмасангиз? Йўқ, ойижон, сиз бунинг уддасидан чиқасиз. Сизга ишонаман.

Она (*қалби юмшаб, меҳр билан*): Болам, фарзанд ҳам ҳар хил бўларкан. Мана, Мастура опоқингнинг ўғли Жўра жуда нобоп чиқибди. Хотинининг бўлар-бўлмас гапларига кириб, онасини бехурмат қиласмиш. Ҳа, Мастура опоқингта ачинаман. Бечора не қийинчилик билан уни ўстирганди. Шукур, сен эсли-хушли бўлдинг. Мени ҳурмат қиласан. Хотинингни ҳам кўнглини қолдирмасликка ҳаракат қиласан. Биримизни иккинчимизга иситишга уринасан. Сендан минг бор розиман. Барака топ, ўғлим. Ҳақиқий ота ўғилсан. Тўгри, келиним баъзан нодонлигига бориб, бир хил нарсаларнинг фарқига бормайди. Кўявер, ўзим ётиғи билан тушунтириб кўяман. Невараларимни ҳам соғиндим. Олиб келсанг бўлармиди?

А х м а д ж о н : (*миннатдор ҳолда*) Майли, бориб кўраман, зора йўлга тушиб қолса.

\* \* \*

Саодат онаси билан ҳомуш суҳбатлашиб ўтирибди. Болалар чуфурлашиб ўйнашмоқда. Бирдан эшик очилиб, Аҳмаджон кириб келади.

Б о л а л а р : Урра-урра, дадам келдилар, дадам.

Б и р и н ч и б о л а : Дада, сизни соғиндик, дадажон.

И к к и н ч и б о л а : Ойим «уришқоқ», «мижимижи»лар, катта ойим айтдилар? (*Отасига эркаланиб*).

Ҳ а м м а л а р и б и р д а н : Уйга кетамизми, а?

А х м а д ж о н : (*ҳаяжонланади, қизчасини қўлига кўтариб*) Ҳа, кетамиз, кетамиз, жоним.

Аҳмаджонни она-бала ўтиришта таклиф қилишади. Анча ҳовуридан тушиб қолган Саодат хижолатда ҳол-аҳвол сўрашгач, Аҳмаджон мақсадга ўтади.

**А х м а д ж о н :** (*мулойимлик билан*) Саодат, түгри, жаҳл чиққанда ақл кетади дейишади, лекин сиз ёш бола эмассиз, ўзингизни тутишингиз керак. Ахир ойим кексайиб қолдилар, ҳар ҳолда, уйнинг каттаси, маслаҳаттүйимиз. Қари билганини пари билмайди. Бир нима десалар, бизнинг фойдамизни ўйлаб гапирадилар. Сиз кўпинча ойимлардан ўринсиз хафа бўласиз. Киши кексайгандан кейин кўнгли ҳам нозик бўлиб қолади. Шуларни ўйласам, назаримда фарзандлик бурчимни ўрнига кўёлмагандайман. Шунинг учун ҳам бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришимиз керак (*қайнонасига қараб*), тўғрими, ойи?

**Қ а й н о н а :** (*бир оз жаҳл билан*) Тўғри-ю, лекин ҳадеб бироннинг боласини чўқийвермасинлар, болам кўчада қолгани йўқ, айтиб қўйинг кудамга, золимлик ҳам эви билан бўлсин.

**С а о д а т :** (*эрининг гапидан кейин таъсиrlаниб*) Унчалик эмас, ойи! Мен ҳам, (*дудуқланиб*) оз-озгина қизишиб... (гапини тугатолмайди).

**Қ а й н о н а :** Нима? Айб кимда? Қайнонангни қоралаб, ўзингни оппоқ қилиб келгандинг-ку. Гапирсанг-чи, гапирсанг-чи, жувонмарг.

**С а о д а т :** (*ноқулай аҳволда*) Айтган гапларимга пушаймонман. Энди ойимнинг юзларига қандай қарайман?

**А х м а д ж о н :** (*кулиб*) Ҳаммадан ҳам хатолик ўтадида. Хатони тушуниб, тан олиш марднинг иши.

**С а о д а т :** (*хаёлан қайноаси билан гаплашади*) Ойи, мени кечириңг. Иzzатингизни жойига қўёлмадим. Ўзимни ўқиган, сизни саводсиз деб, талтайиб кетибман, фўр бўлмасам, шундоқ қиласмидим? Яхшиям сиз босиқлик қилгансиз. Энди бир умр сизни бошимга кўтараман. Шундоқ ойимнинг қадрига етмабман-а. Энди одамлар кўзига қандай қарайман, улар менинг ҳақимда нима дейишаркин?

**Шундай одамлар бор бўлсин!** Одамийлик, ҳиммат, муруватдан гап кетганда киши чинакамига яйраб кетади. Атроф-олам, ҳаётнинг гўзаллиги, ширинлиги ҳам ёлгиз шу яхшилик, яхшилар туфайли-ку, ахир. Ҳа, яхши одамларда,

мехр-вафо ҳикмат кўп, улар хазинасида фақат бахту, мулкида одамлар хушвақт.

Бизда шундай одамлар борки, улар ўзларининг ҳалол меҳнати, хушодоби, камтарлиги, ажойиб фазилатлари билан кишилар ўртасида хурмат қозонишган. Улар инсон деган юксак номни ҳаётда покиза сақлаб, унга муносиб иш туладилар, кишилар тақдири ҳақида қайфуриб, оғирини енгил, мушкулини осон этишга ҳаракат қиласидилар. Одатда, шундай кишилар одамларга мөхрибон, хушфеъл, оққўнгил бўладилар. Шунинг учун улар ўз силаларида, маҳаллада, иш жойидаги жамоада, ёру дўстлари ўртасида хурматга сазовор бўладилар.

Кишиларга яхшилик қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмаклашиш, бахт-саодатли қилиш сахий қалб, меҳри дарё кишиларга хос бўлган инсонийлик жасоратидир. Инсонийлик деганда одамгарчиликни, яхшиликни, меҳр-муҳаббатни, вафо, садоқатни тушунамиз. Инсон меҳри, инсон мурувватидан ҳаёт гўзал, инсон дили мунааввар. Инсон умри неча йил яшагани билан ўлчанмайди. Умр — инсон бахт-саодати йўлида қилинган хайрли ишлар, кўрсатилган мурувват, чекилган азият билан ўлчанади. Баъзан кишини ҳаёт лаззатларидан воз кечиб, умидсизликка учрайдиган пайтлари ҳам бўлади, бунинг сабаблари турлича. Шунда яхши кишилар туфайли умидсизликдан кутулиб қоласан. Қийинчиликни енгиб ҳаёт оқимига тушиб оласан. Ҳаёт машақ-қатларига бардош беролган одамгина, унинг марҳаматига сазовор бўлади.

Инсонийлик — бирор оғир шароитга дуч келиб, умидсизликка тушиб қолганда унга раҳнамолик кўрсатиш, юз берган қийинчиликни енгишда унга ишонч түғдиришdir.

Ўз жонини қийноққа солиб, ўзгаларга қувонч бахш этувчи, ҳақиқат, адолат, диёнат, одамлар манфаати йўлида ўзини фидо қилувчи шахслар ҳаётда учрайди. Шундай бўлмагандан инсон деган зот бу қадар табаррук бўлмасди.

Шу ўринда мана бу воқеага эътибор беринг: «Онамнинг ўлими бувим қаддини яна ҳам букиб қўйганди. Унинг ёш кетганига бир куйса, тўрт етимга қараб икки куярди. Уйи-

миздан файз кеттанди. Назаримда барча хурсандчилигу яхши нарсалар онам билан күмилгандек.

Илгари уйимиздан меҳмон аримасди. Хурсандчилик, ўйин-кулги бўларди. Онам бечоранинг елиб-югуриб меҳмон кутганлари эсимда. Ҳаш-паш дегунча бир йил ҳам ўтиб кетди. Бувим куч-қувватдан кетаётганини сезгани сайин куёви ва набираларининг тақдирини ўйлар, шу ҳовлига инсофликкина бир жувоннинг келишидан бошқа илож йўқлигини тушунарди. Она учун қанча оғир бўлмасин, отамни уйланишга кўндириди. Уйга «ўгай она»нинг келиши биз учун қандай даҳшатли кўринди. Дилга солиб кетган она яраси янгиланди, уйлар баттар мотамсаро кўринди. «Ўгай она» нималигини чўпчаклардан билардим.

«Ўгай она» деганда кўз олдимга барваста, баджаҳил хотин келарди. Уйда хукмрон, қандай бўлмасин отани болалардан совутишга уринадиган, етимларга азоб бериб, кўнгли жойига тушадиган аёлни тасаввур этардик. Ҳа, «ўгай она»ни биз ана шундай тасаввур этардик. Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Ниҳоят, биз кутган ўша кун ҳам келди. Мана, уйимизда ўгай она пайдо бўлди. Пилдираб юрган укамга термуламан. Негадир, хўрлигим келади. Гўдак укагинам етимлик нималигини билмасди. Ана, у «ёғоч от»га мингашиб ҳовли бўйлаб чопарди. Кувончи ичига сифмай қичқирарди. Нима бўлди-ю, кўзи бирдан ўгай онамизга тушиб қолди. Бир чинқириб «ойижон» деди-ю, ўзини унинг бағрига отди. Маҳкам қучоқлааб олди. Йифи аралаш «Ойижон, ойижон, энди йифламайман, яна ўлиб қолмайсизми?» деб ёлворди. Ҳаммани йифлатди. Ўгай онамиз ҳам укамни бағрига қайта-қайта босиб, йиглади.

Эй худо, худди ўзимизнинг онамиз тирилиб келгандек эди. Ростанам, у онамизга ўхшаб кетарди.

Кўп ўтмай, бувим ҳол-аҳволимизни билишга келди. Севиниб бувимни ўраб олдик. Онамиз ҳам уйдан чиқди-ю, энг қадрдон, жуда соғинган кишисини кутгандай қучоқ очиб кўриша кетди. Айланиб-ўргилиб дастурхон ёзди. Бор нознеъматлар билан меҳмон қилди. Ҳар гапда оғизларидан

«ойижон» сүзини күймасдилар. Укам ойим тиззасида ўтириб әркаланаарди.

Набираларини ювинган-таранганды, курсанд ҳолда күрган бувим севинди. Шукур қылғандек, лаблари нималарни дидир айтиб пичирлади. Онамни күл очиб дуо ҳам қилди. Орадан кунлар, ойлар, йиллар үтаверди. Онам ўлими билан уйимиздан ариган файз-халоват, меҳр-муҳаббат қайтиб келгандек бўлди. Бу дилкаш жувон қалбимизда меҳр уйғотди. Биз улардан яхшилик кўрдик, яхшиликни ўргандик. Ҳаммамиз уларга ўз онамиздай меҳрибон бўлиб қолдик.

Ўтайдонамизнинг яхши аёл экани бувим бетоб кунларида яна ҳам билинди. Ётиб қолган бувимни бир ой чамаси парваришлаб боқдилар. Оқ ювиб, оқ тарадилар. Кўнгилларига ёққан таомларни пишириб оғизларига тутдилар. Шу воқеадан сўнг онамизга бўлган меҳримиз яна ошди. Бувим ҳам қизим деб, астойдил кўнгил кўйдилар.

Қаранг-а, бундан ҳам олижаноброқ иш борми?!

Ўлиб кетган кундошининг онасига шунчалар яхшилик, меҳрибонлик, мурувват. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан кела-вермайди. Ёлғиз онажонимга ўхшаш меҳрли, асл одамгина бунга қодир. Ёш жувоннинг шунча боласи бор киши билан турмуш куришта рози бўлғанлиги, тўрт боланинг ўзига яраша ташвиш-аламини кўтаришга журъат этганлигининг ўзи меҳрингни оширади.

Мана, онамга тикиламан. Энди унинг соchlари оппоқ, юзларида ажинлар. Балки биз туфайлидир. Лекин онагинам, руҳан тетик, юзларидан нур томади. Дуогўй, файзли кексалардан. Шу меҳри дарё онамиз туфайли ўқидик, одам бўлдик. Ҳаммамиз уйлик-жойлик, баҳтили яшаяпмиз. Ҳамма-ҳамма баҳтимиз, қувончимизнинг боиси азиз онамиз эканини яхши биламан. Онамиз бизни баҳтиёр этгани учун ўзи ҳам фоят баҳтиёр».

Ҳа, бу онахон ўзининг юрагини, бағри тўла меҳрини етимларга улашибди. Муқаллас оналикини, одамгарчиликни эъзозлаб ўрнига қўя олибди. Ўқсик, хувиллаб қолган кўнгиллар уйини меҳр чироғи ила ёритибди. Болалар кетидан

яна ука-сингиллар туғилди. Ота-она паноҳида бир-бирига мәхрибон жигар бўлиб ўсишди. У тўрт қиз чиқариб, икки ўғил уйлантирди.

Энди она баҳтли кексалик гаштини суряпти. Ўғил-қизлари унинг атрофида парвона. Кўйтгани жой топишмайди. Тўрга ўтқазиб, овқатнинг олдини унга сузишади.

Яхшилик — яхшилик келтиради. Яхшилик қилган одам муродга етади. Айтгандай, агар яхшилик беминнат бўлса. Ҳа, она бағри кенглиги, болажонлиги, диёнати туфайли ҳақиқий она бўлишга эришди, етимлар мөхр-муҳаббатини қозонди. Шундай яхши кишилар бор бўлсин, кўпайсин, деймиз.

**«Ҳар ким экканин ўради».** Кишининг ёши улғайиб, белидан қувват, кўзидан нур кетиши билан кўнгли нозиклашиб қоларкан. Дилемдан кўп нарсаларни ўтказаркан, уддасидан чиқолмай афсусланаркан. Шу боисдан ҳам ўғил-қизга муҳтоҷлик сезиларкан. Фарзандлар ота-оналари кек-сайиб, куч-қувватдан қолаётгандари, кўнгиллари нозиклашиб бораётганини тушунишлари, уларга иложи борича ғамхўрлик кўрсатишлари лозим. Маъфиратхон опа ёшлигини болалари баҳтига алмашди. Умид билан фарзанд ўстирди. Ўқитди, меҳнатда чиниқтириди, одобига қаради. Ҳаммаси илм-хунарли бўлишди. Онанинг меҳнати зое кетмади. Ўғил-қизлари боодоб, она ҳурматини жойига кўядиган болалар бўлишди. Ака-ука, опа-сингиллар бир-бирига мәхрибон, оқибатли. Қайнона-келинлар она-боладек яшашади. Овсинглар ўзаро аҳил, бир-бирининг ишини қилиб, болаларини боқишиб кетаверишади. Кут-барака, баҳт-саодат шу оиласга кулиб боққандек.

Бу хонадонда катталар иззатда, ёшлар хизматда. «Қари бор уйнинг — зари бор», дейишади.

Кўнгилни кенг тутиш, ёшлар дилини тушуниш, хатосини яхшилик билан «болам», «бўтам» деб тушунтириш, келинга ўз фарзандидек қааш оила баҳти, она қувончининг асосий омилидир. Она фарзандларидан минг бор хурсанд.

— Шукур, ўғил-қизларим, келин-куёвларим бири-биридан яхши, ҳурматимни қилишади. Ҳар нарсанинг олди,

яхписини менга аташади. Болаларидан ўзларига ҳам қайтсін.

Келини Маъмурахон ҳақида қайнона оғзидан бол томиб гапирди:

— Каттам, барака топкурнинг ўзи бошқача. Очық, далигули, борини аямайди. «Ойижон, ойижонлаб» эси кетади. Болаларимга түкқан онасидек меҳрибон, кўлимга ёш келин бўлиб туцди. Аввалига техникумда, кейин институтда ўқиди. Онаси йўқ, ўксинмасин, дедим. Болаларини боқдим. Ишлаб ўқиса ҳам, уй ишларини эплади, чаққон бўлди. Бирор марта «сан» «манга» борганимизни билмайман.

Кичикларим опа-акаларини сийлашади. Уларнинг масла-ҳаттисиз бирор ишга қўл уришмайди. Барака топишсин. Укалари оёққа тургунча озмунча меҳнат қилишмади. Ҳамиша аҳил бўлинглар, aka-укалар бир-бирининг кунига ярайди, деб гапириб тураман. Бирини иккинчсига меҳрини иситишга уринаман. Қайси бири бирор нарсадан муҳтожлик сезса, ўшанинг ҳолидан хабар олдираман. Гапимни икки қилишмайди. Болалари ҳам шунга ўрганишган.

Фарзандлар меҳригийёсидан ёшарган онахонга ҳавас қилдик. Ҳамманинг фарзанди ҳам шуларникига ўхшасин деб, ният қилдик. Маъфиратхон аянинг қувончини, яъни ўғилқизлари, келин-куёвлари яхши, бир-бирига меҳрибон, оқибатлилигини бир мисолда гапириб бермоқчиман.

Куттимаганда кичкина қизи аварияга учраб, ҳаёти ҳавф остида қолди. Опа-сингили, aka-укалар оёққа туришди. Кўп шифокорларга мурожаат қилишди. Не-не дори-дармонларни топишди. Ўртада ташвиши зиёда онадан хабар олишди, унга тасалли беришди. Ўша кезлари келини Маъмурахон тоза елиб югурди. Овсинлари bemor опаларининг уй-жойи, болачасидан хабар олиб туришди. Дунёда инсон меҳридан зўр нарса йўқ экан. Сожидахон бир неча ой деганда тузалиб кетди.

Ниҳоят уни яна умидли уйи, севикли ёри, отасидек меҳрибон қайнотаси ёнида, бир-биридан ширин ўғиллари бағрида кўришиб шукур қилишди, севинишди.

Ота-онани ризо қилиб, эл-юргуда азиз бўлган ўғил-қизни ҳамма сүяди. «Баракалла, асл ота ўғил экансиз!», «Отангизга раҳмат!», «Кам бўлманг», «Мартабангиз улуг бўлсин!» деган яхши истаклар билдиришади.

Чиндан ҳам ота-онасини қадрлаган, оиласини севган, катта-кичикнинг ҳурматини ўрнига қўйган ҳар бир инсон одамлардан раҳмат эшитади, обрў-эътибор топади, баҳтли бўлади. Ота-онасига фарзанд нимаики қилса, ҳаётда ўз болаларидан шундай мева олади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «ҳар ким экканини ўради», дейди. Бу ҳикматни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмасин!

## **ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ**

*Тарбиялаш яшашига ўргатиш демакдир.  
(Донолар бисотидан)*

Яхши фарзанд она дилига қувонч ва гуур багишлайди. Унинг ҳаётини мазмундор қиласи. Бунга эришиш кўп жиҳатдан онага боғлиқ. У ўз фарзандининг асосий тарбиячиси. Она қалбидаги дарёдай меҳр ҳар қанча фарзандни ардоклашга етади. Аммо оила учун ҳам, жамият учун ҳам фойда етказидиган меҳнатсевар, билимдон, юксак маданиятли ўғил-қизларни вояга етказиш учун шу меҳрнинг ўзи кифоя қилмайди. Унга, албатта, талабчанлик қўшилиши зарур. Бу ҳолда онгли тарбия она меҳри билан уйғунлашиб, фарзанд камолотида муҳим восита хизматини бажаради.

Тарбияшунос олимлардан бири болаларни ажойиб гуллаган олмазор боққа таққослаб, бу боғда, албатта, ишлаш зарурлиги, вақти-вақти билан ерни юмшатиш, дараҳтни суфориш, ҳашаротларни йўқотиш, қуриб қолган шохчани кесиб ташлаш кераклиги, дараҳтни ҳам ўз вақтида усталик билан оқилона парвариш қилинса, кузда ундан яхши мева кутиш мумкинлиги тўғрисида гапириб, болаларни ҳаётнинг бўронларидан оқилона ва тўғри олиб ўтиш иштиёқидаги ҳар бир киши бу ишни қила олишини алоҳида таъкидлаган эди.

Келинг, яхшиси тадбиркор, оқилона оналар ҳаётига назар ташлайлик. Муқаддасхон опа 3 қиз, 1 ўғилнинг онаси.

Унинг меҳр чашмасидан баҳра олиб ўсаёттган ўғил-қызларга күпнинг ҳаваси келади. Уларнинг 2 қизи, бир ўғли Шайхонтохур туманинда қарашли 23-мактабда айло баҳолар билан ўқишиди. Болалар хушхулқ, жамоат ишларида фаол қатнашадилар, уй-рўзгор ишларини қунт билан бажарадилар. Шу мўътабар оила аъзолари билан яқиндан танишиш ниятида улар хонадонида бўлдик.

Йўлда кетаётиб бу катта оила ҳақида ўйлардик. Болалар ҳали ёш. Каттаси энди 15 ёшда, уларни вояга етказиш қанча машиққаг, сабр-тоқат, матонат талаб этади. Ҳа, буни ёлғиз оналик меҳригина енгишга қодир.

Шундай ўй-хаёллар билан етганимизни пайқамай қолибмиз. Ичкари кирдик. Кечки пайт эди. Болалар ҳовлида кўринишмасди. Атрофга кўз юргутирдик. Шинамгина ҳовли. Ҳамма ёқ осойишта, чиннидек қилиб супурилган. Бирор нарсанинг тартибсиз ётганини кўрмайсиз. Бунда, албатта, заҳматкаш аёлнинг қўли борлиги билиниб турарди. Тўғри ошхонага бориб қолибмиз, эшигини қоқдик. Қарасак, қизлар кечки овқат тайёрлаш билан банд эканлар. Оналари иш ўргатиб турарди. Кўришдик. Болалар бирин-кетин одоб билан саломлашдилар. 8 ёшли Маъмура стул кўрсатиб, ўтиришта таклиф этди.

Муқаддас опага келишимиз сабабини тушунтиридик. Шунда у камтарин жавоб қилди. «Қайдам, оддийгина ҳаёт кечирамиз. Кам-кўстсиз яшамасак ҳам ҳаётимдан нолимайман. Дадаси оддий дурадгор, барака топкур жуда яхши одам. Болажон, раҳмдил. Баъзи эркакларга ўшшаб бўлар-бўлмасга ўшқириб дилни оғритмайдилар, ҳатто ишдан чарчаб келганларига қарамай, менга ёрдамлашишга ҳаракат қиласидилар. Қандай ишимиз бўлмасин бамаслаҳат, режа билан қиласимиз. Болаларим — менинг баҳтим. Аввалига уст-устига қиз кўрдим. Гоҳида айрим таъналардан ҳижолат тортардим, шундай пайтларда ўртоғим доимо кўнглимни кўтариб: «Ҳали қараб тургинчи, қизларимиз улғайиб бирам ақлли қиз чиқсинки, кўрганлар ҳавас қилсин. Ўшанда шундай деганлар уялиб қолишин», дердилар. Мана, ўзингиз айтгандек, қизларим

айтганимни қилишади. Ёш болалар ичидә қолиб аввалига тоза қийналдим. Қызларимни барвақт дастёрчиликка ўргатдим. Бир томондан болани ёшлигидан ишга солған яхши экан. Катта бўлгандан кейин меҳнатга бўйин эгиши қийин бўлади.

Мен илгари бунинг фарқига бормасдим. Дастёрга муҳтоҷ бўлганимдан шундай қилгандим. Энди ўйласам, албатта, шундай қилиш керак экан. Бу боланинг тарбияси учун ғоят зарур экан. Улар овқат пиширишда, уй тозалашда, кир ювишда, меҳмон кутишда, хуллас, ҳамма-ҳамма ишларимда менга ёрдамлашадилар. Катта қизим 10 ёшдаёқ баъзи бир овқатларни пиширишни билиб олганди.

Болаларимнинг ўқишга эътиқодлари баланд. Ўзим ҳам гапиравериб ҳол-жонларига қўймайман. Яхши ўқисаларинг истаган орзуларингизга етасиз, деб насиҳат қиласман. Ўқишга қизиқтираман. Мактабга ҳам эринмай тез-тез бориб, ўқишлиридан хабар олиб тураман. Вақтида дарс тайёрлашади. Вақтида уй юмушини қилишади, вақтида дам ҳам олишади».

Онанинг бу соддагина, қисқа ҳикояси заминида бир олам мазмун бор. Кўриниб турибдики, она шундай йўллар билан болаларини уй-рўзгор ишларига қизиқтириб, ўргатиб борган. Баъзи оналарга ўхшаб «Ҳа, сенинг ишинг нима бўларди», деб силтаб раъйини қайтармаган. Мана, энди машақатли ўтган йилларнинг ҳузурини кўрадиган пайти ҳам келган.

Шубҳасиз бола ота-она хонадонида нимани кўрса, нимага одатланса, бу унинг характер сифатларига айланади, хулқатворига сингиб кетади.

Болаларда катталарга ҳурмат ҳиссини тарбиялашда ота-она ибрати, оиласдаги яхши одатлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиши тайин.

## **КАТТАЛАРГА ҲУРМАТ – АЗАЛИЙ ОДАТ**

*Қари билганни пари билмас.  
(Халқ мақоли)*

Болаларни ёшлиқдан катталарни ҳурмат қилишга, уларга меҳрибон бўлишга ўргатилади. Бу халқимизнинг қадимий одатига кўра, катталар ҳамма ерда иззат-икромда бўлади. Кўп

нарсалар уларнинг маслаҳати, раъи билан қилинади. Уйда катталар бор пайтда уларни безовта қилмасликка ҳаракат қилинади. Катталар хузурида болалар ҳам ўзларини туғиб, ортиқча шўхлик қилишмайди. Кексалар уйдан чиққанда ўриндан турилади, уларга куллуқ қилиниб, меҳрибонлик кўрсатиласди. Оёқ кийимлари тозаланиб тўғрилаб қўйилади. Кўча-кўйда катталар ўтиб қолганда қўлни кўксига қўйиб, қанчалик салом берилади, четроқ туриб, уларни ўтказиб юборилади.

Кексалик уй файзли бўлади, дейишади. Ҳа, улар рўзгорнинг қут-баракаси. Ҳалқимиз асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келувчи яхши одатлар, ҳаёт сабоқларини ёшлиларга ўргатувчи ҳам шу катталар. Ёшларни йўлга солиб, қанча-қанча хатолардан сақлаб қолаётган ҳам шу мўтабар кексалар.

Болаларимизнинг бувилари, бувалари ҳам ўз иевараларини бениҳоя севадилар ва улар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қиласидилар, улар кичкингойларнинг кўнглини тез пайқайдилар. Уларни мулоҳимлик билан эркалайдилар. Кизик-қизик эртаклар айтиб берадилар. Бундай меҳрибон, ширин сўз кишиларни севмай, хурмат қилмай бўладими, ахир?!

Ҳаётий воқеаларга бир назар ташлайлик: Бундан бир неча йиллар аввал дам олиш кунларидан бирида бир дугонамнинг уйига бордим. У мени кўриши биланоқ жуда қувониб кетди. Кўришдик. Болалар ҳам бирин-кетин одоб билан саломлашдилар. 8 ёшлик Дилбар стул кўрсатиб, мени ўтиришга таклиф қилди. Шу пайт дугонамнинг орқасига беркиниб, менга яширинча боқаётган ўғилчасига кўзим тушди. Буни пайқаган дугонам дарров ўғилчесининг қўлидан ушлаб, бошини силади ва менга ўтирилиб: «Холаси, бу бизнинг кичик ўғилчамиз Давронжон бўлади», деб таништириди. У ҳам менга бир кулиб боқди-да, қаёққадир югуриб чиқиб кетди. Орадан ҳали ҳеч қанча вакт ҳам ўтмаган эди, Давронжон қўлида ўйинчоқ машинасини кўтаргани ҳолда яна хонага кириб келди. Ўйинчогини менга узатар экан, лабларини чўччайтириб: «Мана кўринг, машинам ростдан ҳам

юради. Сизни ўзим-чи, машинамда ўйингизга олиб бориб қўяман», деди.

Тез орада Давронжон билан оғайни бўлиб қолдик. У энди мендан яширинмас, аксинча, жуда элакишиб қолганди. Нима бўлди-ю, Давроннинг кўзи ҳеч бир кутилмагандан йўлакда пайдо бўлган бувисига тушди ва ҳаяжон билан у томон югурди. Тўғри бориб, ўзини бувисининг бағрига отди. Қайнонасини қаршилаш учун ўрнидан қўзғалган дугонам қулиб, менга: «Бувиси уч кундан бери аммасиникида эдилар. Ўғлим жуда соғиниб ўтирганди», деб изоҳ берди. Даврон бувиси билан қўришиб бўлгач, дарҳол орқасига қайтди-да, уйга югурди. Биз онахонга пешвуз чиқиб, у билан қўришаётган эдик, Даврон яна чопиб келди-да, бувисининг кўйлагидан тортиб, бир томонни кўрсата бошлади. Ҳаммамиз у кўрсатган томонга ялт этиб қарадик ва кулгидан ўэимиизни тўхтата олмадик. Қарасак, гилам устида унинг жажжигина кўрпачаси тўшоғлик турарди. Шунда Давроннинг ақл-фаросатига ҳаммамиз қойил қолдик.

Буви чексиз шод эди. Неварасининг меҳрибон бўлиб ўсаётганидан унинг севинчи ичига сифмасди. Башорат хола тўғри бориб невараси тўшаган кўрпачага ўтирас экан, менга қараб: «Кўрдингизми, холаси менинг ўғлим жуда ақлли, меҳрибон бола», деб қўйди. Дугонам ҳам буни бош ирғаб тасдиқлар экан: «Яхши бола ҳар вақт шундай қилиши керак», деб унга қўшимча қилди.

Дугонамнинг уйида гувоҳ бўлганим, ана шу қисқа, лекин кўнгилли воқеа хотирамда узоқ вақт сақланиб қолди.

Мазкур хонадонда яшовчи катта-кичик ёшдаги кишилар ўргасидаги ўзаро ҳурмат ва тотувлик мени фоят мафтун этди.

Юзларидан нур ёғилаётган қариялар, она-боладек яшетган қайнона-келинлар, бир ҳовлида яшаб, бир қозондан ош ичадиган аҳил овсинларни, бир-бирига меҳрибон акаукалар, оқибатли опа-сингилларни кўрганда кўзинг қувнайди, дилинг яйрайди. Ҳа, уларга ҳавас қилисанг арзиди.

Қарияларга ҳурмат билан қараб, ўз яқинлариға оқибатли бўлган киши бошқа одамларга ҳам эътиборли, жонкуяр

бүләди. Аксинча, яқын кишисининг қадрини билмаган одам бирорнинг қадрига ҳам етмайды.

Тоирхұжа ота күпни күрган пири-бадавлат кексалардан: қанча үғил-қыз, невара-чеваралар... Бир-биридан яхши, қобил фарзандлар. Отага ҳавас құлмаган одам йўқ. Болаларимиз сизнинг фарзандларингизга ўхшасин, дегувчилар оз эмас. Аёллари Адолат холани айтмайсизми, шунаңғи мулойим, файзли онахонки, гапиришиб гапларига тўймайсан. Бир юмуш билан хонадонларига кириб қолгудек бўлсангиз, ўтқазгани жой топишмайди. Айланиб, ўргилиб албатта, олдингизга дастурхон ёзишади. Бу хонадонда қандайдир файз, илиқлиқ борки, келган кишининг кеттиси келмай туради. Үғил-қызлари уйлик-жойлик, катталари неваралик ҳам бўлишган. Ака-укалар бир-бирига шундай меҳрибонки, қараб меҳрингиз товланади, овсинларни айтмайсизми, худди опасингилдек яшашади.

Абдуҳалил ака бош үғил бўлганидан мактабни тугатди-ю ишлади, эртароқ отанинг ёнига кириб, укалари ўқиб илм-хунар олишлари учун жон куйдирди. Мана, укаси Абдумавлон институтни имтиёзли битириб аспирантурада ўқиди. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, бир неча йилдирки, институтлардан бирида доцент бўлиб ишлайти. Ука ҳам акасининг олий ҳимматини унугтмади. Ишлаб, оила ташвишларини ўз устига олди, акасини олий маълумот олишга қистади. Укаларини, жиянларини ҳам оёққа туриб олишлари учун қўлидан келган ёрдамини аямади. Қани, ҳамма ака-укалар ҳам шуларга ўхшаб бир-бирига меҳрибон, оқибатли бўлса! Ҳозир ака-укалар бир ҳовлида яшаб, бир қозондан ош ичишади. Овсинларни сира-сира «сен-мен»га боришганини билмайсиз, бир-бирларининг болаларига қараб, ишларини қилиб кетишаверади. Келин қайнонага тортади, деганларидек, ҳаммалари Адолат холанинг удумини олишган, бир-биридан яхши, дилдор жувонлар.

Келинлар тўгрисида гап очсангиз қайнонанинг оғзидан бол томади. «Барака топкурларнинг ҳаммаси ҳам яхши, эр-

лари билан иттифоқ, менинг ҳам ҳурматимни жойига құйиши. Мана шу чоққача «тиқ» эттан овоз йўқ. Катта келин болалари күпайиб уйда ўтириб қолди, болагинамнинг күнгли бирар очик, овсини устида эси кетади. «Ҳам иш, ҳам болалар, қийин у кишига» деб, ачиниб иши борми, болалари борми, қарашиб кетаверади. Кичкинам ҳам эслик, «опа», «опажон» деб атрофида парвона, ишдан келади-ю нари-бери кийиниб, уй ишларига киришиб кетади. Буни кўрган овсини ачиниб: «Ҳой, Гулчехраой, бир оз дам олиб, чой-пойингизни ичинг, иш қочмас ахир. Мана, овқат бўлса, пишиб қолди. Ҳа, барвақтроқ қайтганингизда қиласиз», деса овсин ийманиб: «Опажон, Сиз кун бўйи тинмагансиз, энди ўтиринг ўзим қиласман», — дея бир-бирларига меҳрибонлик қилиши. Караб туриб хурсанд бўламан.

Кичкинам ҳам кўнгил топишга уринади, ўзига яхшироқ нарса олса, овсинига ҳам қўшиб олади. Менга бўлса, энг олдини аташади. Барака топишин, улардан жонимни ҳам аятим келмайди. Овсинлар ўзаро аҳил ва оқила бўлган оила-ларда ҳамиша кўнгилхушлик, рўзғорда эса барака бўлади. Ака-укалар ўргасига совуқчилик туширадиган ҳам асосан хотинларнинг «мижи-мижи»си, эркакларнинг «лақма»лигидир. Таажжубки, бъэзи ака-укалар бир оиласда йигирма-йигирма беш йил бирга яшаб, оиласлик бўлгандан кейин чиқиша олмай қолишади. Бунда кўпроқ аёллар айбдор бўлишади. Арзимас нарсалар устида нари-бери гапларга борилади, бўлар-бўлмас гапга «тўн кийгизиб» эркак кишига етказилади. Натижада, ҳаловат кетади, орада кўнгил қолиш, аччик-чу-чук гаплар чиқаверади. Бу ўринда шуни уқтириб ўтайки, оиласда байрам кунлари оила аъзоларининг бир-бирларини табриклиши, яхши истаклар билдириши ҳам улар ўргасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, ота-она ўз оиласи ҳақида қиласидиган кундалик ғамхўрлиги билан ҳам болаларини ўзига нисбатан ҳурмат билан қараашга ўргатади.

Шуҳратнинг онаси шаҳар касалхоналаридан бирида шифокор бўлиб ишлайди. Яқинда она қаттиқ бетоб бўлиб, бир неча кун ишга чиқа олмади. Докторлар уни икки ҳафтага

иішдан озод қылдилар. Орадан бир ҳафта ўтгач, она ўзини яхши ҳис қила бошлади ва ишга тушиб кетди. Ўғил она-сининг иішдан озод қилинган мұддати тугамай ишга тушганидан ҳайрон бўлиб, ундан: «Нима учун ишга чиқдингиз? Ахир яна бир ҳафта ётишингиз мумкин эди-ку?» деб сўради. Шунда она: «Ўғлим, ҳозир соғлиғим анча дурустлашди. Шаҳарда грипп билан оғриган кишилар кўпайяпти, ана шундай вақтда менинг уйда хотиржам ётишим мумкин эмас», деб жавоб қайтарди.

Онанинг бу хатти-ҳаракати ўғил учун мәҳнатта онгли муносабатда бўлиш намунасинигина кўрсатиб қолмай, ўғилда мәҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тўла ҳис қилган онага нисбатан чуқур ҳурмат, у билан фаҳрланиш ҳисларининг уйғонишита ҳам сабаб бўлди.

Катталар ўзларининг ақл-заковатлари, хушфеълликлари, камтарлликлари, умуман яхши томонлари билан ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказадилар. Мана яна ҳаётий бир мисол: ўспирин йигит кўчада кетаётиб, кекса бир кишини туртиб юборди, ундан узр сўраш ўрнига кўполлик қилди. Шунда ҳалиги кекса киши ўспиринга мулоийимлик билан: «Ўғлим, сендан бундай кўполликни асло кутмаган эдим. Негаки, кўринишингдан ақлли, маданиятли йигитга ўҳшайсан», — деди. Йигит ўз құлмишидан уялди шекилли, ноқулай аҳволга тушди. Бундан бүён зинҳор бунақа кўполлик қилмасликка аҳд қилди.

Ана, кўрдингизми, йигитнинг мўйсафидга нисбатан қилган одобсизлиги кекса томонидан ҳурмат ва мулоийимлик билан айтилган сўзлар орқали яхшиликка томон йўналтирилди. Катталарга хос бўлган босиқлик, вазминлик ва саховат ўсмирга катта тарбиявий таъсир кўрсатди. Бу воқеа йигитни ўз хулқ-атворига ҳамиша танқидий назар билан қараашга ўргатди.

Бир куни буви ўз набираси Муниранинг яхши устбошларини ечмай уй ишларига уриниб кетганини кўриб, унга шундай танбех берди:

— Болам, кўча кийимларингни алмаштиrmай туриб, нега ишга киришдинг? Қара, бир неча ерига доғ ҳам туширибсан.

Әнди шу күйлак билан кишилар ўртасида қандай қилиб юрасан? Сени ким айтади эс-хүшини топган қыз деб, ойинг-га ачинмайсанми? Унинг меҳнатини аямайсанми? Бир үзи ишлаб, ҳаммамизни боқаётганини күриб турибсан-ку. Биласанки, онанг уч йилдан бери дам олиш нималигини билмайди. Рұзгоримиз түқин-сочин бўлишини истайди. Болагинам ишдан келиб ҳам тиниб-тинчимайди. Касал бўлиб қолмаса эди, деб ачинаман. Шунинг учун ойингни аяшинг, оғирини снгил қилишинг, хурматини бажо келтиришинг лозим. Онанг ишдан ҳориб келганда яхши ҳордиқ чиқара олиши тўғрисида қайғуришинг керак. Уни ҳеч нарса ранжитмасин, билдингми?

Буви шундай йўллар билан невараларини онани ҳурмат қилишга, унга нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўлишга ўргатиб боради. Манзура опа бундан үзида йўқ шодланар, болалари билан кечкурунлари доимо сұхбатлашиб туришни тарк этмасди. Улар билан бўладиган сұхбатларда кунни қандай ўтказганликлари, бувиларига берган ёрдамлари, ўқишлари, фанлардан қандай баҳо олганликлари, ўртоқлари билан қандай ўйинлар ўйнаганликлари ва бошқаларни сұраб аниқлар, яхши ишлари учун уларни мақтаб қўярди. Ноўрин қилинган ҳаракатларни эса қаттиқ қоралар ва қайта такрорламасликларини қаттий уқтиради.

Манзура опа ишдан ҳар қанча ҳориб-чарчаб қайтса ҳам, уйига келганида үзини тетик, бардам ва қувноқ тутишга ҳаракат қиласади. Чунки қайнонаси ҳар сафар унга термулиб, чарчаган-чарчамаганидан сўз очар, аҳволини суриштиради. Болалари эса севишиб бўйнига маҳкам ёпишиб олишарди. У аввало қайнонасининг аҳволини сўрап, сўнгра қўлидан ишини олар, «Ойижон, энди сиз ўтириб дам олинг. Мен болалар билан кўплашиб бирпасда овқат тайёрлайман», деб қайнонасини дам олишга йўлларди.

Яна шуниси ҳам борки, овқат пиширишга киришишдан олдин ҳар вақт қайнонасининг кўнгли қандай таом хоҳлашини сұраб билар ва унинг кўнгли тусаган овқатни ҳозирлашга ҳаракат қиласади. Овқатдан сўнг гурунг авжига

минар, қайнона-келин чароғон хонада дастурхон атрофида ўтириб олиб, у ёқ-бу ёқдан қувноқ сұхбатлашар, шу тариқа ҳордиқ чиқаришарди. Дам олиш кунларида эса қайнонасини ўзи билан бирга гоҳ мәҳмона, гоҳ кинотеатрларга олиб бориб, кўнглини хушнуд этарди. Байрам кунларида бўлса, қайнонасига бирор нарсани совға қилиб, уни бир олам қувонтиради. Бундай муносабат, албатта, болалар диққат-эътиборида бўлади.

Одатда, болалар ота-оналарининг меҳр-муҳаббатига, эркалашларига, диққат-эътиборга муҳтож бўладилар. Буни тушуниб етмаган баъзи ота-оналар иш билан банд эканликларини важ қилиб, ўзларини бола тарбиясидан четда тутишга уринадилар. Кўпгина ота-оналаримиз борки, улар жамият ишлари билан бениҳоя банд бўлишларига қарамай, ўғилқизлари тарбиясини ҳам ўрнига қўядилар.

Дарҳақиқат, кўпгина ота-оналар болалари билан бирга бўлган вақтда уларга ўзларининг ижобий таъсиrlарини ўтказмоқдалар.

Баъзи ота-оналар борки, улар ўз хулқ-атворларига танқидий кўз билан қарамайдилар. Болалар ғоят кузатувчан бўлишини унугдилар. Бу билан бола тарбиясига путур етказадилар. Мана, бир мисол:

Бир куни Каримнинг оиласига уларнинг яқин қариндоши — кекса аёл меҳмон бўлиб келади. Кампирни дераза орқали кўриши биланоқ онанинг энсаси қотиб, «Кўзим учеб турган эди», деб пўнгиллади. Уйда ўйнаб юрган Карим онасидан бу сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлиб турганида, уйга кампир кириб келади. Гўё энди кўраётгандек, она ўрнидан иргиб туради-да, кампир билан қуюқ сўрашиб кетади. Шу кунларда улар тўғрисида жуда кўп ўйлагани ва хавотир олганини, шунингдек, ўзи келиб қолганидан жуда хурсанд бўлганлигини лаби-лабига тегмай айтади. Четдан кузатиб турган Карим онасидағи бу иккюзламаликни кўриб, ҳангманг бўлиб қолади.

Кампир уй эгаси билан бўлган сұхбатда ўғлининг бетоб бўлиб қолганини, шу сабабли ҳозирча рўзгордан бир оз

қийналаётганини күйиб-пишиб сұзлайды, пулдан бир оз ёрдам беришларини умид қилиб келгандығини билдиради. Үй әгаси бұлмағур баҳоналар билан бечора кампирни куруқ қайтаради. Бола бу иккіюзламаликдан үзида йүқ ажабланади. Шу воқеадан сүнг бола, катталар ҳам ёлғон сұзлар эканку, деган холосага келади.

Қани айтингчи, азиз китобхон она шу ножұя хатты-харакати билан боласи олдидаги обрұсига путур етказиб, үргадаги меҳр ипларини узилишига сабаб бўлмадимикан?

**Меҳр кетмасин.** «Одам ёмон қариса үзига ҳам, бошқаларга ҳам азоб бўларкан», — деди куюниб Ҳ. исмли жувон. «Тунов куни қариндошларимниңига үтгандим. Салом-алик ҳали тугамасданоқ гина-кудрат бошланди. Уст-устига таъналарга қолсам бўладими? Гуноҳим нима, деб ҳайрон бўламан. Менда ҳам бола-чақа, үй-рўзғор ташвиши билан юраман, яна хизматчилик. Тўғри, бу сафар кечикиброқ келибман. Болалар уст-устига оғриб қолиши. Аввал ҳол-аҳвол сўраб, гап нимада эканини билиш керак-ку? Ноҳақ одамни ранжитиш яхшими? Яна ким? Ёши улут, ҳаммага ақл ўргатадиган пайтида. Неча бор юрагимга фулфула тушди. Ноҳақликни айтиб, кўнглимни бўшаттим келди. Аммо ҳар гал андиша устунлик қилди. Кексалик ҳурматини қилдим».

Эшикдан келган одам, аввало меҳмон (яқин киши, ўғил-қизингиз бўлганда ҳам), сизни ҳурматлаб келади. Яххиси, очиқ чехра билан кутиб олинг. Дастурхон ёзиб, кўнглини хушланг. Гап орасида узоқсираб кетганидан хавотир бўлганингизни айтинг. Буни гинахонликдан эмас, балки меҳри-бонликдан айтаётганингиз сезилиб турсин.

Мабодо бефаросатлик қилган бўлса, ўқинишга тушади, уялади. Узри бўлса, айтиб, енгил торгади. Шундай қилинса, аввало ўшларни тўғри йўлга соламиз. Сўнгра катталик ҳурматини йўқотмаймиз. Муҳими, орадан меҳр кўтарилимайди.

Саховатлиликда гап кўп, дейди доно ҳалқимиз. Бир даврада барча ўзаро гапига тушиб кетди. Диққатимни икки қариянинг суҳбати тортди.

— Бо, қариганда невара боқиб сизга нима зарур, мармартош қўярмиди? — деди тўладан келган кампир боядан

бери тиззада әркаланиб, нималарни дир чуғиrlаёттан қизалоқнинг бувисига қараб.

— Шуларнинг борига шукур, айланай, — деди мулойим хола гапни илиб, — бирам ширинки, боғчадан келгүнича соғиниб қоламан. Ўзим қарапдим. Болалар тушмагур, кексайиб қолдингиз, өарчаб қоласиз, дейишиб, қўярда-қўймасдан боғчага беришди. Ёшларга ҳам қийин, — деди ачиниб, — ҳам кўча, ҳам уй ташвиши. Керак бўлса ўзлари қилишар, деб ўтиrolмайман. Болаларини боқишшаман, кўрпатўшак қоплашни, уй-рўзгор тутишни ўргатаман. Куч-куватинг бўлиб, қараб турсанг, ўғил-қиз олдида ҳам уят. Иш қилсанг, саломатлик учун ҳам яхши, болаларга ёрдам. Шукур, ўғил-қизларим, келинларим «ойижон», «ойижон» деб қўярга жой топишмайди, барака топгурлар. Уларнинг ҳам бола-чақаларидан қайтсин.

Биринчи кампир ўзи ҳам «ҳасрат»ини очди. Гапни болалари ноаҳиллига, келиндан ёлчимаганидан бошлади. Унинг ношудлиги, болаларни боғча «катта» қилаётгани, шунчаки у «номига» ишилаб юрганини «ошкор» гапирди. Ҳатто ўғини ўзига қаратиб олгани борми, ҳамма-ҳаммасини тўкиб солди, келинни ёмон отлиқقا чиқарди.

Хаёлан икки она, икки қайнонани солишираман. Улар бошқа-бошқа дунё.

Бири нуроний, ёшига қараганда анча бардам. Сўзининг боши «жон болам». Бола-чақадан ёлчиган, пири-бадавлат, ҳамма уларга ҳавас қиласиди. Иккинчи қарияни «ношукур кампир» дейишибди, негаки, ҳамиша ўғил-қизидан нолигани-нолиган.

Фарзанд ота-онага ширин, айби, камчилиги кўпинча билинмайди. Гуноҳини кечиради, бирорларга айтиб юрмайди. Иложини топиб тўғри йўлга солади. Келин «бирор»нинг фарзанди бўлганидан айби билиниб қиласиди. «Ношукур»лигини юзига соламиз, ўғлимизга чақиб, «аламдан» чиқамиз. Дуч келган одамга ҳасрат қилиб, ичимишини «бўшатамиз». Қарабизки, ўргада совуқчилик, борди-келди гаплар пайдо бўлади. Ҳатто кўйди-чиқдигача бориб қолинади.

Ха, катта бамаъни бўлса, ёшларни «болам, бўтам» деб, йўлга солса, олам гулистон. Ҳар қандай одам ширин муомалага эрийди. Қандай иш бўлмасин бажаришга тайёр туради. Ота-оналиқ ҳақ-хукуқини талаб қилиш керак. Шу билан бирга ўғил-қизни ҳам меҳр билан ийдириш лозимлигини унуг-маслик зарур.

Ёшлар кўнгли, ҳолатини тушуниш катталардан лозим. Одамлар билан ҳисоблашмоқни билиш одобдандир. «Ўз назарида нима маъкул бўлса, шуни тутиб олиш инсофдан-мас. «Менинг ёшим улуф ёки бошлиқман, айтганим айтган», дейиш бемаънилик. У сиздан катта-кичик, бегона ёки яқин киши бўлишидан қатъий назар, ҳар кимнинг ўз фикри, орзу-ҳаваси, диди борлигини унугмаслик керак.

**Ха, ҳамма гап меҳр-оқибатда.** Сўзсиз, ота-она билан фарзанд муносабатида, туққан-туғишгандар ўртасида меҳр-оқибат бўлмоғи шарт. Бу икки томонга боғлиқ, албатта. Ота-она фарзанд учун жонини· фидо қиласи. Баҳтини ўйлаб, ардоқлаб ўстиради, ўқитади, хунарли қиласи. Фарзанд ҳам эс-хушини таниб, катта бўлған сари ота-онасига меҳрибон, қадр-қимматига етадиган бўлиб боради. Күш уясида кўрганини қиласи, деганларидек, бола яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам аввало, ота-она хонадонида кўради, ўрганади. Ўзингиз фарзанд сифатида ота-онангизга меҳрибон, ҳурматини жойига қўйиб, ҳамиша хизматида бўлсангиз, туққан жигарларингиз, қавму қариндошлар ҳамда ёру дўстларингизга эътиборли, меҳрибон, оқибатли бўлсангиз, ўғил-қизларингиз ҳам сиздан ибрат олади. Ўзингизга ўхшаб одамшаванда бўлиб ўсади.

Кобил фарзанд ота-она таянчи, қувончи бўлади. Яхши фарзанд – иккинчи умр дейишади. Бир даврада гап шу ҳақида борарди. Ҳамма ўз дилидагини айтишга ошиқарди. Касб-дошимиз Каримахон ҳам ўз акаси Собиржон ҳақида, унинг меҳрибонлиги, оқибатлилиги, куйди-пишдиллиги, умуман одамийлиги ҳақида фахрланиб, тўлиб-тошиб сўзлади:

— Акам болаликдан мулойим, раҳмдил, кўнгилчанлар. Ота-онамизга, бизларга бирон марта қаттиқ гапириб, ран-

житганларини билмайман. Ота-онага, укаларига меҳрибон, жонкуяр чиқдилар. Бош ўғил бўлганларидан дадамнинг ёнларига кирдилар. Акам ёшлиқдан тиришқоқ бўлдилар, ёмон юрмадилар, ўқиши, меҳнатни билдилар. Араванинг олдинги фиддираги қаердан юрса, кейингиси ҳам шу ердан юради, деганларидек, биз ҳам уларга эргашдик. Улар нима қилсалар, шуни қилишга уриндик.

Йиллар ўтаверди. Акам ўқишини ҳам тугатдилар. Бу орада отам вафот этдилар. Отадан кейин оила ташвишлари Собиржоннинг устига тушди. У ота насиҳатини унугтмади.

Ота болаларни аҳил бўлишга, катталарини укалари ҳақида гамхўрлик қилишга, укаларини эса ака-опаларини сийлашга, уларни ҳурмат қилишга, одамлар билан чиқишиб яшашга ўргатди. Оиланинг тотувлиги, болаларнинг ўзаро аҳиллигининг боиси ҳам шунда эди. Ота-онанинг ибрати, ўйт-насиҳати болалар тарбиясида ўз натижасини кўрсатмай қолмади.

Собиржон укаларини ёнидан жилдирмади. Ҳар ишга солиб кўрди, чиниқтириди. Вақти-вақти билан уларнинг ўқиши ва юриш-туришларидан хабар олди. Онасини аяди, айтганларидан чиқмади. Ишлаб, оилани моддий томондан таъминлаб турди. Укаларнинг зежни, қобилиятига яраша касбхунар танлашлари ҳақида қайғурди ва тўғри йўл кўрсатди. Сингилларини узатиб, укаларини уйли қилди.

Собиржоннинг хизматлари-ю, отасининг орзулари зое кетмади. Укаси Самиғжон етмиш хунарли, номи чиққан дурдгор, Содиқжон мактабда математика ўқитувчisi, Султонжон бўлса адабиёт муалими, синглиси Каримахон тарбиячи-педагог. Кичик синглиси Насибаҳон ҳали ўқувчи. Унинг орзузи ҳам ака-опаларига ўхшаб элга хизмат қилишдир. Шуниси кувонарлики, бу аҳил хонадонда тарбия топган фарзанднинг ҳар бири ўз оиласини баҳтиёр қилди.

Таъкидлаш лозимки, катталарни, ўз ота-оналарини қандай ҳурмат қилишлари шу оиладаги болалар тарбиясига ҳам катта таъсир қиласиди. Уларда ота-онага муносабат белгилари айнан шу оиладаги катталарнинг ота-оналарини қай тарзда

хұрмат-иззат қилиши жараёнини кузатиши натижасыда шаклланади. Демак, ҳар бир ота-она келажақда ўз фарзандлари уларға нисбатан бўладиган муносабатини шахсий ибратлари билан тарбиялаб боришлари лозим. Ота-онамиз – тожи-тахтимиз эканини унутмайлик.

## **ОТА-ОНАНГ – ТОЖИ-ТАХТИНГ**

Болаларда ота-оналарга нисбатан хұрматни тарбиялаш ўзбек оиласининг асрлар давомида шаклланган яхши ань-анаси ҳисобланади. Доно ҳалқимиз ота-оналиқ меҳрини жониворлар мисолида ҳам чиройли таърифлаб берган: қарангки, қора қўнғиз боласини оппоғим, типратикан эса юмшоғим, деб сурәт экан.

Ота-она меҳри дунёдаги жамики нурлардан ёрқин ва латофатли. Шундай экан, инсон фарзанди учун ота-онадан ортиқ давлат ва қувонч бўлиши мумкин эмас. Ота-она бизга бел қувватини, кўз нурини, умрининг лаззатини, бутун ҳузур-ҳаловатини берди, энг муҳими бизга ҳаёт берди.

Инсонга ота-она ҳам худди ҳаёт сингари бир марта берилади. Демак, уни рози қилмаган фарзанд бир умр ҳасрат-надомат чекади.

Қадимги ривоятларда ҳам ота-онани улуғлаш фар-занднинг бурчи экани алоҳида таъкидланади. Яхши фарзанд хоҳ йигит, хоҳ қиз бўлсин, аввало ота-она хұрматини жойига қўйиши шарт. Уларнинг саломатлиги ҳақида ўйлаши ва қайфуриши лозим. Уларнинг ҳолидан ҳар куни, ҳар он хабардор бўлиб туриш фарзанднинг бурчи.

«Фарзанд бурчи ота-онага меҳрибонлик, итоаткорлик, қариганда сүянчиқ бўлиб ота-она шұхратини кўтариш...» деб таъкидланади Кайковуснинг «Қобуснома»сида. Ота-онани ранжиттган ноқобил фарзанд ота-онага «оқ падар» бўлган. Ота сўймаган ўғилни эл ҳам сўймаган.

Навоий ҳам болаларнинг ота-онага хұрмат сақлашлари зарурлигини уқтириб, болаларга хитобан, ота-оналарингни хұрмат қил, бирини Ой, бирини Қуёш деб билиб, уларнинг

сүзларидан, насиҳатларидан чиқма, барча хизматинг одоб билан бўлсин, дейди:

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға...  
Тун-кунунгта айлагани нурпош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш...

Фарзанд ота-она учун қанчалар ширин ва азиз бўлса, ота-она ҳам болага шунчалар ширин ва азиз бўлмоғи даркор. Ота-она гўё мустаҳкам кўрғон, сени доим хавф-хатардан сақлаб туради. Бошингни тоғ, юрагингни шердек қилган ҳам ота-онадир.

Ота-онани фарзанд деб чеккан заҳмати шунчаларки, умр бўйи унинг хизматини қилсанг ҳам қарзингни узолмайсан. Ота-онангизга меҳрибон бўлиб, ҳол-аҳволидан доим хабар олиб турсангиз, сийласангиз, кўнглини топиб шод этсангиз, ўғил-қизингиз ҳам сиздан ибрат олади, кексаларни ҳурматлайдиган баодоб фарзанд бўлиб ўсади.

«Ҳар ким экканини ўради» деган ҳикмат бор. Ҳа, ота-онангта нимаики қилсанг, бола-чақангдан қайтади. Бу ҳақ. Бир йигит бўларди. У ота-онасининг гапига унча кулоқ солмас, ҳатто ярамас сўзлар билан жеркиганини ҳам билардик. Ўша йигит уйланиб, ўғил-қизи бўлди, улғайди. Не кўз билан кўрайки, ўша йигит бирни айтса, ўғил-қизлари унга иккини айтиб турганини кўрдик.

Ҳаётни, унинг паст-баландини, турмуш икир-чикирларини, бола тарбиялашни, хуллас, ҳаммасини ота-оналаримиздан, донишманд кексалардан ўрганамиз.

Инсон садоқати, эътиқоди билан гўзал. Шу хусусда бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман: Мехринисо хола баодоб ўрил ўстирди. Ҳа, Сидикжон ота-она ҳурматини жойига қўядиган, бола-чақа қадрига етадиган солиҳ йигитлардан бўлиб этишди. Она ўғил айтган қизни кўриб келди-ю, унинг кўнглида яхши орзу-истаклар уйғонди.

— Келинлик бўламан. Ишқилиб комила, фозила бўлсинда. Келиним ўз онасидек кўрармикан. Ажаб эмас, яхши

гапимни аямай, «болам», «бүтам» десам, ўз қизимдек бўлиб кетса, деган бир ишонч дилини яйратиб юборди.

Мана тўй ҳам бўлди, келин келиб, уйга файз кирди. Қайнананинг яхши ниятлари ушалди. Келин — Муҳаббатхон Мехринисо хола ўйлаганидан ҳам афзал, эсли-ҳушли, чаққон, лобаргина. Елиб-югуриб хизматини қиласиди. Бирин-кетин неваралар туғилди, суюнди, айланиб-ўргилиб бирга боқишиди. Аммо қариплик, хасталик ўз ишини қила бошлади. Глаукома касали онанинг кўзини ожиз қилиб қўйди. Ўшандা ўғли билан келини қанча югуришиди, аммо иложи бўлмади. Энди қандай бўлмасин она кўнглини хушлашга тиришишади. Келиннинг яхшилиги ўша кезларда яна ҳам билинди.

Орадан ўн икки йил ўтди. Мехринисо холанинг бирдан оёқ-қўли ишламай, фалаж бўлиб қолди. Ўғил-қизлари қайфуришиди, қанча-қанча докторларга боришиди. Келин бутун қийинчиликни ўз устига олиб, қайнонага меҳр билан қаради. Оғзига ёқимли таомлар пишириб тутишга уринди. Ишни ҳам кўйиб, ётиб қолган қайнонани оқ ювиб, оқ таради, шу алфозда уч йил ўтди. Айтишга осон. Муҳаббатхон келин эмас, қиз бўлиб хизмат қилиди.

Тўғри, холанинг икки қизи бор, тез-тез келишиб, оналари ҳолидан хабар олиб туришиди. Лекин, уй-жойли бўлишганидан ўз ташвишлари етарли эди. Кўришдик, келин улардан аъло қарайпти, хотиржам бўлиб кўнгиллари жойига тушди. Ҳар сафар келиндан миннатдор бўлишиб: «Барака топинг, онамизни шунчалик иззат-хурмат қиляпсиз. Укам билан қўша қаринг. Сиз ҳам ҳамиша хурматда бўлинг, болаларингиздан кўринг», дейишарди.

Сидиқжон рафиқасининг оқилалигини қадрлайди. Уни хурмат қилиб, аяшга, ҳар ишда унга кўмакдош, меҳрибон бўлишшга интилади.

Ҳозир улар тўрт фарзандга ота-она бўлишиди. «Куш уясида кўрганини қиласиди» деганлар. Болалар ҳам хушодоб, одамларга қайишадиган, меҳнаткаш бўлишган.

Афсуски, баъзи бир хил нодон болалар она қалбининг садосини тушунмайдилар, бу қалб қувончи нимада эканини

билмайдилар, болалари күчада бўлишса, она кўзлари ҳам күчада эканини, болалари қошларида бўлса, она кўнгли ҳам оромда эканини англамайдилар.

Ҳар гулнинг ўзига хос ҳиди бўлганидек, ота-она учун ҳам ҳар бир фарзанднинг ўз ўрни бўлади. Бу ўрин бўш қолса, ҳамма вакт ҳувиллаб турари, она қалби соғинчларга тўлади.

Одатдаги кунларнинг бири, институттинг коридорида кета туриб, кимнингдир илтижо билан чақирган овозини эшишиб тўхтадим. Қарасам қўлида тугунча, нуроний бир кекса турарди. Дарҳол яқин келиб салом бердим:

— Хўш, отахон, хизмат, — дедим. Отахон мақсадини тушунтириди:

— Отин қизим, ўғлимни йўқлаб келгандим. Оти Камолиддин, қаердан топишни билмай турибман. Катта даргоҳ экан... Бола тушмагурдан анчадан бери хат-хабар бўлмади. Ҳавотирландик. Онаси бечора оромини йўқотган. «Болам бечора бетоб бўлиб қолдими?», деб ташвиш торгяпти. Онаси мени кузатиб кўчада қолди. «Болагинамни ўпиб, кучоқлаб кўйинг», деб қолди. «Болагинамдан ўргилай, қачон ўқишини битириб муаллим бўлиб қайтаркан? Ўшанда тўйлар қилиб, боламнинг бошини икки қиласадим», деб орзу қиласади.

Ота меҳрининг сехрловчи кучи мени қамраб олганди. Ўша бепарво ўғилни учратдим. Соғ-саломат бўла туриб, ота-онасини шунчалар ташвишга солганидан ажабландим, тўғриси, нафратландим.

Афсуски, Камолиддинга ўхшаш нодон фарзанд ўз куни ўзига қолганда жиловини йўқотиб бебошлиқ қиласади. «Ўқидингми — ўқидим» қабилида иш кўриб, ота-она ишончини оқламайди. Секин-секин ота-она олдидағи бурчини унугиб, бурдини йўқотиб, ҳатто икки энлик хат ёзишини ҳам эп кўрмай, ота-онани ташвишга қўядилар.

Куйида орзу-умидлари кўкка совурилган, қариганда ёлғизлик, хўрлик аламини тортаётган бир онаизор додига қулоқ беринг. У юрагида тўлиб-тошган дардини оқ қофозга битиб, кўзининг оку қораси ёлғиз ўғли Аҳ-маджон билан келини Саодатни бир оз инсофга келтиришни илтижо қилиб сўрабди.

Эри автохалокат вақтида вафот этган аёл қаттық қийинчиликлар билан ёлғиз үглини катта қылган. «Үғил үтгай ота құлида эзилмасин», деб ёш умрини бева үтказған. Үглини үқиттган, хунарлы қылган. Охири бир бошини икки қилиб, әнди роҳатини күраман деганда ошига заңар тушған. Орадан ҳеч қанча вақт үтмай, қайнона-келин үртасида «ғиди-биди» гаплар чиқиб, «сен-мен»га бориб қолишған. Келин бўлар-бўлмас гапларни баҳона қилиб, уйига аразлаб кетаверган. Қайнона келинга «болам» деб, уй-турмушдан, ҳаё-анди-шадан насиҳат қыммоқчи бўлган, келин эса жеркиб, қайнонанинг кўнглини оғриттган. Энг ёмони қизни бузган ҳам ўз онаси бўлган. Боласи уйдан нолиб келганда койиб насиҳат қилиб жўнатмаган, аксинча қизни ҳимояга олиб, куёви, қудасига қаттиқ-курум гаплар айтиб, бемаънилик қылган. Неча бор қўиди-чиқдига боришған. Охир бир куни онани эски ҳовлида ёлғиз қолдириб, ўғил хотини ва болалари билан янги уйга кўчиб кетишади. Ёлғиз қолған она хўрланади, кечалари ухламай юм-юм йиглаб чиқади. Үглининг бағритошлиги, ҳаддан ошган келиннинг қилмишидан ўқинади, эзилади. Жонидан ортиқ кўрган невараларини соғиниб сарғаяди. Она шу умидда ўғил ўстирганмиди? Тиригимда суюнчик, ўлигимда обрў бўлар, деб ўйламаганмиди?

Аҳмаджонни бағритош, бемеҳр деб бўлмайди. У ўғил-қизларини яхши кўради. Ишдан кела солиб, уларни бағрига босади, юз-кўзларидан ўпид эркалайди. Лекин ўзини ҳам, бир вақтлар ана шундай кичкина, жажжигина мурғак эканида бағрига босиб ўпган, зўр умидлар билан катта қылган онасини ёлғиз ташлаб, ажабо, қандай виждон билан юраркан?

Мана, әнди она кексалик ҳаловатидан маҳрум. Қозонини ўзи осади, чойини ўзи дамлайди, жойини ўзи солади, кирини ўзи ювади. Дардини ичига ютади. Йўқ, бу одамгарчиликдан эмас, Аҳмаджон! Айтингчи, Сизга ҳёт берган, одам қилиб элга қўшган ким? Кечани кеча, кундузни кундуз демай Сизнинг баҳтингизни ўйлаган ким? Ҳа, онаизор! Ҳали ҳам унинг Сизга шамолни раво кўргиси йўқ. Фақат у сизлар

билан бұлишни, сизлар билан қувонишни истайди. Сиз бүлсанғыз бир маҳаллар күчогида ором солиб шириң ухлаб, оқ сутидан баҳра олган меҳрибон онанғизга шу кичкина баҳтни ҳам раво күрмадингиз!

Одатда ота-она фарзанди күтариб келадиган нарсасини эмас, ўзини кутади, соғ-саломат күришга зориқиб, күзлари күчада бүлади. Аммо ёшлар ичида ота-она олдидағи фарзандлық бурчларини тушунмайдиган ёки түғри анграб етмайдынлари ҳам топилади. Айрим фарзандлар үз бурчларини энг аввал ота-оналарига фақат пул билан ёрдам беришдан иборат деб биладилар. Аслини олганда, фарзандлық бурчини бу тахлитда тушуниш тамоман хатодир.

Фарзандларнинг ота-оналарига меҳру оқибатлари ҳар хил бүлганидек, ота-оналарнинг моддий ёрдамиға эхтиёжлари ҳам ҳар хилдир. Бир хил ота-оналар касаллық ё қарилік натижасида болаларнинг моддий ҳимояларига муҳтох бүлсалар, бошқалари бунга эхтиёж сезмайдилар. Аммо бундан қатын назар, ҳамма ота-она боласини ҳар дам күриб турғиси, унинг орзу-истакларига, интилишларига шерик бўлгиси келади.

Агар фарзанд бирор сабаб билан бошқа ёққа кетса, ота-она бу айрилиқни оғир кечиради. «Боламга нима бўлди экан, тани-жони соғмикан?» деб минг ташвиш тортиб, этини ейди, соғиниб сарғаяди. Иложини топса, шундай кезларда орқасидан бориб, күриб келади. Фарзандга ота-оначалик меҳрибон, ота-оначалик қадрдон, бегараз дўст йўқ дунёда.

Ота-она үз жигаргўшасини яхши одам бўлиб ўссин, дард кўрмасин, ёмон йўлга кирмасин, орзу-ҳаваслари рўёбга чиқиб, баҳтли бўлсин, эл-юртта ҳалол хизмат қилисин, дейди.

Бас, шундай экан, ота-оналарни камоли эҳтиром ила хурматлайлик, токи танимизда жонимиз бор экан, азизмукаррам қилиб бошимизга кўтарайлик. Үз ҳузур-ҳаловатимиз билан бўлиб, узоқда қолган, йўлимизга интизор онаизорни унугмайлик!

Эй ўғил, жаҳолатинг орқасида ота-онангнинг юзларига газаб билан қарасанг, аччик сўзлар билан муборак дилларини вайрон қиласанг, саодат ёмғиригининг бир томчиси ҳам сенинг

манглайингта томмайди, баҳт-иқбол уруғи боғингда құ-  
кармайды.

## **ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ**

*Үз манфаатидан кечиб, ўзгага хизмат  
қила олган киши олийжаноб инсонидер.  
(Қори-Ниәзий ўгитларидан).*

Инсон ҳамиша илм олиш, хунар әгаси бўлиш, жамиятта ва ҳалққа наф келтириш, ҳаётда ўзининг муайян ўрнини топиш сингари эзгу ният, орзу-ҳавас билан яшайди... У шу нарсаларни амалга ошириш учун ҳамиша оқилона иш тутишга, ҳалол меҳнат қилишга ўрганиши, адолатли, ҳақиқаттуй ва мард бўлиши лозим. Шундай киши ҳақиқий ҳалқпарвар, ватанпарвардир. У доимо элга, юртга, дўсту биродарларга, қўни-қўшниларга ҳалол, беминнат хизмат қилиш, қандайдир наф келтиришни ўйлади ва буни ўзига муқаддас бурч деб ҳисоблайди. Бундай кишилар қандай ҳолат ва шароитда бўлмасин ҳалқ томонидан ардоқланади.

Бурч ҳисси ижтимоий талабларни англаш ва уларни бажаришга ўзида ихтиёрий мажбурият сезиши туйғулари асосида таркиб топади. Шахс ўз ижтимоий бурчини бажариши учун маънавий масъулиятни бошдан кечириши, ўз вазифасини юқори даражада вижданан бажаришга интилиши ва буни ички эҳтиёжга айлантириши зарур.

Бурч туйғуси Ватан, ҳалқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун кўйиши, ўз ҳатти-ҳаракатларини жамоа талабларига бўйсундириш, катталарни ҳурмат қилиш, уларга ва ўзидан кичикларга ёрдам бериш, қийинчиликлардан кўркмай, уларни енгиш, ботир, жасур, ҳақоний бўлиш, дангасалик, ичкилиkbозлик, беодоблик кабиларга йўл қўймасликдан иборат. Ижтимоий бурч ҳисси одатда ўз-ўзига талабчаник, мустақилик, катталарнинг топшириқ ва талабларини дарҳол бажариш ҳамда сўз билан ҳатти-ҳаракатнинг доим монанд бўлишидан бошланади.

Бола эс-хушини таний бошлагач, ота-онаси, яқинлари унга қилаёттан ғамхўрликни тушуна бошлиайди. Бунга жаво-

бан ўзининг ширин табассумини ҳадя қиласы, талпинади. Яхши нарсаны илиниб оғзига тутсангиз билади, дархол уни сиз билан бўлишиб ейишга тиришади. Кўнглингизга хушнудлик келтирадиган ишларни қилишга, сизга ёқмаган қилиқларни такрорламасликка ҳаракат қиласы. Хуллас, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш кераклигини ўрганиб боради.

Бола секин-аста ота-онаси, яқинлари, одамлар олдида бурчли эканини ҳис қила бошлайди. Чунончи, ўзини ўзи эглаш, қўлидан келганча катталарга кўмаклашиш, укаларига ғамхўрлик қилиш, қарияларни эъзозлаш, офирини енгил қилиш, ўзига тегишли буюмларни эҳтиётлаш, озода тутиш, гопширилган иш учун жавобгарлик ҳиссини сезиш кабилар бола онгига сингиб боради.

Ота-она бола мактабга қатнай бошлагач, уларнинг ватан-парварлик бурчлари — яхши ўқиш, намунали хулқ-атворли бўлиш, ижтимоий ишларда фаоллик кўрсатиш эканини гушунтириб, уқтириб боришлари лозим. Болани масъулият ҳиссини сезишга одатлантириб бориш мактаб билан бир қаторда ота-онанинг ҳам шарафли вазифасидир.

... Рустамжоннинг отаси болалар шифокори. Қанча мураккаб операцияларни қилди, ҳаёт гаштини суринги интиқ бўлиб ётган талай ногирон хасталарни ҳаётта қайтарди. Баҳромжонов уста жарроҳгина бўлиб қолмай, у чин инсон қамдир. Доим эл-юрг ташвишида. Жамоа аъзоларига эътибор, ғамхўрликни кучайтириб, уларни ижодий ишларга руҳлангиради. У талабчан раҳбар, эътиборли дўст бўлиши билан бирга катта оиласа бош-қош. Ота-онани сийлаш, ҳурматлаш қандай бўлишини ундан ўрганса бўлади. Ука, сингилларига қар томондан ибрат. Умр йўлдоши — Дилбархон муаллима. У қам халқ хизматида, хуллас, оила эл ташвишида юради. Улар гўрт фарзанднинг ота-онаси. Фарзандлари аълочи, жамоатчи.

Кўриниб турибдики, ота-онанинг ибратли ҳаёти болаларга ҳамиша намуна. Ўз ишига пухта ва талабчан, вазифасини тушуниб, ҳалол ишлайдиган меҳнаткаш, ростгўй, тадбиркор, ҳақиқатгўй, ўз устида муттасил иш олиб борадиган гиришқоқ, маънавий бой, ахлоқий пок, интизомли кишитарга кўпчилик ҳавас қиласы ва эргашади.



Шуни алоҳида таъкидлаймизки, инсонни безайдиган хусусиятлар камтарлик ва самимийликдир. Бу хислат одамларга нисбатан ишонч-эътиборни ортиради. Ўз ишига панжа орасидан қарайдиган, худбин ва манманларни, амалпаст ва тамагирларни, фаразгўй ва пасткашларни, ёлғончи ва алдамчиларни, ваъдабоз ва фирибгарларни деярли ҳамма ёмон кўради. Улар жамиятимиздаги қора доғлар, қўпполроқ бўлса ҳам айтиш керак, улар заараркунандалардир. Орамизда беморларга лоқайд, ўз вазифасига совуққонлик ва расмиятчилик билан қарайдиган, қўпол муомалали, худбин шифокорларни ҳам учратамизки, улар қалбимизда нафрат қўзгатади. Шифокорнинг ахлоқи касбий ахлоқнинг энг ёрқин намунаси бўлмоғи керак.

Шифокорлик касбига даромад манбай деб қарайдиган, ўз мансабини суиистеъмол қиласидиган, ўз устида ишламайдиган, тамагир, худбинларни ҳеч бир инсон ёқтирамайди. Менимча, инсоннинг камолотта эришиши, яхши одам бўлиб етишувида уни ўраб олган муҳит шароити, унинг яқин кишилари, атрофидаги одамлар катта роль ўйнайди. Одам боласи яхшидан ибрат олиб, ёмонга нафрат билан қарайди. Кимки яхшиликка эргашса ва яхшилик қилишни ўзига касбу кор деб билса, ундан одам ҳеч вақт завол кўрмайди, кам бўлмайди.

Тиббиёт оламининг тождори Абу Али ибн Сино кишиларни руҳий таъсир қилиш йўли билан даволаш усулларини жуда юксак қадрлаган. Буюк ҳаким кирган хонадондаги беморлар ўз-ўзидан ўрнидан туриб кетаверган, дейишади. Олим бекиёс меҳрибонлиги, хуштабиатлиги, инсонийлиги туфайли халқ орасида машҳур бўлиб кетган. Ҳикоя қилишларича, унинг маъноли Қарашининг ўзи бир шифо экан. Инсонларга ҳамдард бўлиш, даволашни ўзига муқаддас бурч деб тушунган олим дўстларини ҳам, душманларини ҳам бирдай даволайверган.

Бир куни Ибн Сино хузурига ранги-кути ўчган, қалтираган ҳолда бир жувон кириб келибди. Ҳаким унинг рангига, қўзларига қараб, мулоҳаза қилиб олгач:

— Бир оз сесканибиз, ҳечқиси йўқ, икки-уч кунда тузалиб кетасиз. Юрагингиз ва бошқа аъзоларингиз меъёрида. Мана бу доридан ҳар куни уч маҳал бир чой қошиқдан ичасиз. Кўпроқ сайр қилинг, яхши овқатланинг, — деб айтибди.

Тезда тузалиб кетган жувон ибн Синога ташаккур айтишга келади ва ҳакимнинг тўнини ўпади.

— Мен сизга ҳеч қанақа дори берганим йўқ, қизим. У оддий сув эди холос. Сиз менга эътиқод, қилиб, ўзингизни ўзингиз даволадингиз — деб жавоб қилибди.

Жувон буюк олимнинг донолигига тасанинолар ўқибди.

Маълумки, дунёда инсон меҳридан иссиқроқ нарса йўқ. Фалокатта учраган, ҳаётий қийинчиликларга дуч келган, оғир хасталикка дучор бўлғанларни ҳаётта қайтаришда инсоний меҳр-муҳаббат, эзгулик зарур. Фан соҳасида буюк олим бўлинг, таниқли қаҳрамон бўлинг, бироқ қалбда инсонларга нисбатан меҳригиё, ғамхўрлик бўлмаса ундан не наф?! О. Музаффаров бошидан кечирган бир воқеани ишундай ҳикоя қиласди:

— Кетаётиб, негадир кўққисдан тобим қочиб қолди. Тер куйилиб, ўтириб қолдим. Бир илож қилиб телефон қилай десам (тез ёрдамга) аксига олиб телефон ҳам йўқ. Бир киши аста қўлтиқлаб қаршидаги медпунктга киритиб юборди. Ҳолим ёмонлашганини кўрган ўрта ёшлардаги бир шифокор йигит қарши олди. Навбатдагилардан узр сўраб, мен билан машғул бўлди. «Ҳозир, ҳозир, ақажон, ҳозир» деганича қаергадир телефон қилди.

Шу оннинг ўзидаёқ машинага ўтқазиб, шаҳар касалхонасининг урология бўлимига олиб кирди. Соchlари оқарган, чехрасида меҳр балқиб турган шифокор дарҳол алоҳида хонага олиб кириб, тез ёрдам кўрсатди. Анча ўзимни босиб олганимдан сўнг, мен билан батафсил сұхбатлашди. «Бизга олиб келиб, яхши қилибди Ҳайрулла укамиз. Вақтида келибсиз. Даволаниш жараёни ўтгач, ўзимга яна учрайсиз, укажон. Яхши бўлиб кетасиз». Мени танимаган-бilmаган шифокорларнинг муносабатини кўриб қандай миннатдорчиллик изҳор этишни билмай қолдим.

Баъзида ўлим олдида турган касалнинг кимлигини, қаердан келганини, адресини, паспортини сұраб, узундан-узоқ расмиятчилик бажарылғанча бемор оғирлашиб қолиш ҳоллари учрайди. Қолаверса, айрим шифокорлар «вақтим йўқ» деб қараашмайди ҳам. Сирдарё вилоятидаги район поликлиникаларидан бирида содир бўлган воқеага эътибор беринг:

Эрталаб соат саккизда навбатчи шифокор келаркан. У киши келиши билан салом бериб олдиларига кирдим. Саломга алик олмаганидан алланечук бўлиб кетдим. Мен барча гапларни тушунтириб, келтирган қофозимни узатдим.

— Сиз кимсиз ўзи? Бизнинг касалга ўхшамайсиз.

Паспортингизни олиб келинг, хисобга туринг!

— Мени Гулистонда текширишди. Рентген қилишди, анализлар ҳам бор. Шу асосда даволаниш курсини ёзib беришди.

— Шифокорнинг шахсий имзоси йўқ. Сизга бирор корҳол бўлиб қолса... мен жавоб бераман. Бориб кўл қўйдириб келинг.

— Мени кечирасиз-у, мен ўзимнинг шифокорим буйруғи асосида даволанаман-ку. Сиз у кишини танийсиз. Фамилияси...

— У киши таниқли шифокор бўлса, бизни ҳам танишади. Хуллас, у мени хафа қилиб чиқариб юборди. Йўлакка чиқиб ўйланиб турган эдим. Ўрта ўшлардаги бир шифокор ёнимга келиб, «мехмон, хизмат» деб сұраб қолди ва дардимни айттач, ичкарига олиб кирди. У киши қофозга кўз юргуртиаркан «Ҳа-а, Тошметов домла яхши шифокор» деб кўйидида, дарҳол йўлланма ёзив берди. Айнан бир хил шароитда, бир соат ичида юз берган воқеани қаранг. Икки шифокор, икки хил одам, икки хил олам.

Элга беминнат хизмат кўрсатиб обрў қозониш инсонга шараф келтиради. Дарҳақиқат, юраги ёниб, куйиб-пишиб юрадиган одамлар кўп. Демак, ўша кишилар уйида ўсаётган болалар ҳам турли феъл-атворли одамлар бўлиб етишадилар. Элга беминнат хизмат қилувчи оиласда тарбияланган ўшлар келажакда олийҳиммат инсонлар бўлиши табиий.

## **ЮРАК ІНМОГИ КЕРАК**

Бу дағында катта ҳикмат бор. Лоқайд одамни күрганымизда ғазабимиз құзғаса, тиришқоқ, мәхнаткаш одамнинг шиғоатидан қувонамиз. Ҳаётда юраги ёниб, эл учун, оиласи учун күйіб-пишиб юрган, мәхнатда жавлон ураёттган одамлар күп. Баъзи лоқайд одамлар ҳам борки, улар на үзига, на үзгага наф келтиради. Шуни алоҳида таъкидлаймизки, лоқайдлик шахс учун ҳам, жамоа учун ҳам, қолаверса, жамият учун ҳам хавфлидир. Яхшиликка, ташаббусга, ижодга бефарқлик одамни ишдан совугади, ҳафсаласини пир қиласи: «яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам барибир экан, жонимни койитиб нима қиласман», қабилида иш тугадиган бўлиб қолишади. Бу иллатнинг олдини олиш ва айни чоқда бундайларга муросасиз бўлиш лозим.

Мәхнатсеварлик, ҳаётда фаол бўлиш, илм-фан ва маданиятта катта қизиқиши билан қараш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга, мустақил республикамиз ривожига татбиқ этиш инсонга хос фазилатдир. Бу давлатимизнинг инсон камолоти йўлида олиб борган кураши ва тажрибаси самарасидир.

Лекин, афсуски, ҳаётда онда-сонда бўлса-да, шундай шахслар ҳам учраб турадики, улар турмушда социр бўлаёттган воқеаларга, ҳатто одамлар тақдирига бефарқ қарайдилар. Факат ўз манфаатларини ўйлаб иш тутадилар. Бундайларни халқимиз шахсиятпараст, ўз манфаатининг қурбони — лоқайд кишилар, деб аташади.

Хўш, лоқайдликнинг ўзи нима? Лоқайдлик — түфма хусусият эмас, бу — ёмон тарбия оқибати. Бу — ота-она, тарбиячилар хатоси. Болаларда ёшлиқда топширилган иш, вазифа учун жавобгарлик ҳиссини тарбияламаганлик оқибати. Бундайлар фаоллик кўрсатмайдилар, яъни «Дунёни сел олса, менга нима?», «Ўзингни бил, ўзгани кўй», қабилида иш тутадилар. Ҳаётда мутлақ лоқайд кишини учратиш қийин. Факат ҳаётий ҳодисаларнинг у ёки бу кўриниши учун бефарқ қаровчи шахслар мавжуд. Кўпинча, лоқайдликнинг заминида ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун кўйиш ётади.

Ұша лоқайд шахснинг у ёки бу йўл билан шахсий манфаатига пугур етадиган бўлса, у жуда фаол туриб ўз манфаатини ҳимоя қиласди. Бу йўлда жуда жонбозлик кўрсатиши, ҳатто ҳар қандай разилликни ҳам қилиши мумкин.

Дейлик, кўчада бирор киши куттилмаганда соғлиғи ёмонлашиб, хушидан кетди ва йиқилди. Бундай пайтда ҳатто ишга шошиб кетаётган одам ҳам «тез ёрдам»га телефон қилишга ёки дорихонадан дори олиб келишга, ёки оғзига бир култум сув тугишга, унга ширин сўз билан далда бериб, кўнглини кўтаришга интилади. Ана шундай ночор пайтда лоқайд одам касал одамга бир қарайди-ю, парвойи фалак ўтиб кетаверади. Чунки унинг қалбida яхшилик қилиш фазилатидан учқун ҳам йўқ. Инсоннинг қандайлиги бошга мусибат тушганда билинади.

## ЙЎЛИНГИЗДАН ЮРСАМ ДЕЙМАН

Киши ўтмиш ҳаётига назар ташларкан шўх болалиги, бебош ёшлигини эслаб ҳикоя қиласди Одилжон Қодиров. Болаликда, ота-она татьбири билан айтганда, у қобил, ўқишига зеҳни бола бўлган. Нима бўлгану, ўспириилик пайтида «айнинган қолган». Ўқишига ҳам хоҳлаганда бориб, хоҳламаганда эса аллақаёқларда санғиб юриш одатини чиқарган. Ота-она насиҳати кор қилмаган.

Дадаси уриб-сўқиб йўлга солмоқчи бўлади. Тузалиш ўрнига баттар қайсарлашади. Гапга «ҳа», «йўқ» дейишдан нарига бормади. Фарзанд экан, ёндириб-куйдирса ҳам чидар эдилар. Синф раҳбари Аминахон опа сезгир-да! Зимдан кузатибди, суриштирибди. Ҳаммасини билибди. Уч-тўртта ёмон болага қўшилиб, номаъкулчилик қилишган. Улар содда болаларни кўрқитиб пулини олишган, ҳатто йўлтўсарликкача боришган. Болани бу йўлдан қайтарган, барака топкур, шу синф раҳбари бўлди. Кун бўйи жилдирмабди. Ўзига «ёрдамчи» қилиб олибди. Аллақанақа ишга бошлиқ қилиб кўйибди. Хуллас, кўнглини топибди. Одилжон отасидан «нолиб»: «Ҳадеб болага ўхшатиб бақириб-чақирадилар. Энди, ёш бола эмасман-ку», — дебди.

— Үшанды муаллима опаси Аминахон Азизова аралашмаганида йўлдан адашиши турган гап эди. Ҳа, ўқиган, оқкорани таниган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, — сўзга аралашди Одилжоннинг онаси. — Бинойидек ўзгариб, «ўқийман», деб туриб олди.

Синф раҳбари ота билан учрашиб, унинг тарбиядаги хатосини тушунтирибди. Ўғилнинг «гина»сида жон борлигини айтибди. Бўйи чўзилиб қолган болани уриш одобдан эмаслиги, баттар уни қайсар, ўжар қилиб қўйишини куйиниб сўзлабди.

Ўспирин катта бўлганидан мамнун бўлиб, ўзини «йигит»дек тувиши, юриш-турищда, муомалада, муносабатда, фаолиятда, мустақил бўлишга тиришишини алоҳида қайд қилибди. Ўспирин табиатига хос бу хусусиятни ота-она, каталар тан олишлари зарурлиги, иложи борича у билан юмшоқ ва жиддий муомалада бўлишлари, айрим масалаларда унинг фикрини билишга қизиқишлари, гапларини эътибор билан эшитишлари кераклигини таъкидлабди. Жумладан: «Ўғлим (қизим), мана бу нарсани қандай қилсак бўларкин?, Бу ҳакда сенинг фикринг қанақа? Укаларинтга бош бўлиб мана бу ишни қилиб қўйсанг» каби муомала қилинса, айни мудда бўларди.

Яхши гапнинг сеҳри бор, деганларидек самимий, ўзаро ишонч билан ўтган сухбатлардан сўнг қанча битмаган иш битиб кетди. Кўнгли кўтарилиган бола ўзини яхши тувишга, ёмон одатларини ташлашга интилди. Бу воқеа Аминахон Азизованинг мактабда ишлаган йилларини эслатувчи хотирадардан бири, холос.

Бугун Санобар Саидовна ишдан қандайдир ички ҳаяжон билан қайтди. Факультет декани билан бўлиб ўтган сухбатни эслади. «Маслаҳатлашиб, биринчи курс талабалари раҳбарлигини сизга топширсак» дейилганди. Чунки унинг тажрибаси кўп эди.

Шу топда охирги қўнғирофу, ажойиб гуруҳини эслади. Энди улар мустақил. Дарсни ҳам, ташкилотчиликни ҳам ўрнига қўйишидаи, — дейди ўзига ўзи. Шуларни ўйларкан, кўнгли ёришиб кетди.

Еш шогирдлари билан бўладиган учрашувни тасаввур қилди. Гуруҳда қизлар кўпчиликни ташкил этади, яна улар узоқ вилоятдан келишган. Жиддий мулоҳазалардан сўнг «она» ўрнини босищ керак деган қарорга келади. Биринчи мажлис ҳақида узоқ ўйлади. Бу йиғилиш кўп нарсани ҳал қилишини биларди.

Мажлис ёмон ўтмади. Фаоллардан кўнгли тўлди, ҳар бири билан гаплашди, вазифаларини тушунтириди. Ҳар ҳафтада учрашиб, ишнинг бориши ҳақида фикрлашиб туришга келишиб олишди. «Қандай бўлмасин гуруҳда фаолларнинг ролини ошириш керак», деди ўзича қатъият билан. Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, қачон ҳар бир фаол ўз вазифасини яхши тушунса, жамоа олдида бурчли эканини ҳис қўлса, шунда фаоллар жамоада катта куч ҳисобланади.

Санобар опа талабаларнинг қобилияти, лаёқатини ҳисобга олган ҳолда жамоат иши ва топшириқларни беришга интилади. Гуруҳдаги яхши ташаббусни қўллаб-қувватлади ҳамда жамоада соғлом фикрни туғдиришга ҳаракат қилди. Утиришиб ўқиши, вижданан меҳнат қилиш, жамоат ишларида ташаббускорлик талабанинг бурчи эканини ҳамиша уқтириб боради ва бу хусусият уларнинг ахлоқий эҳтиёжига айланишига даъват этади.

## **ЯХШИ СЎЗ – ЖОН ОЗИФИ**

Тошкентдаги 24-мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Муazzам опа шундай ҳикоя қилади:

«Мактабда катта анжуманга тайёргарлик борарди. Ҳамманинг қўли-қўлига тегмайди. Мактаб коридорини безаш бизнинг синфга топширилганди. Ўқувчилар ишга жон-диллари билан киришиб кетишли. Уларнинг дикқати газетанинг янги сонида.

Шу пайт коридор бошида кимнингдир қаттиқ гапиргани эшигилди. Билсак, у яқинда келган ёш ўқитувчи экан. Биздан сал нарироқда Робия опа ҳалидан бери ойна, эшикларни тозалар, хуллас, чарчоқдан бетлари қизариб кетган эди. Ҳалиги ёш ўқитувчи унинг ёнида тўхтади-ю салом-алик қилиш, «ҳорманг» дейиш ўрнига бирдан дўқ ура кетди:

— Сиз қанақа ахмоқ хотинсиз. Ҳалигача зални ювиб чиқмабсиз. Мунча имиллайсиз?

Ичимда нафратлансым-да, ёнимда ўқувчилар бүлганидан бир нарса дейлмадим. Робия опага юрагим ачишади. Күринишидан рухи тушгани шундай сезилиб туради.

Бундайларга «эссиз одам» дегинг келади. Күполлик ҳам әзи билан-да. Яна ким билан деңг, онанг тенги аёл билан. Ўқитувчи. Ўша куни дарсдан кейин у билан узоқ ўтириб сұхбатлаштым. Айбини бетига очиқ айтдым, уялтирдим. Бир қызариб, бир бұзариб ўтириди. Айбини тан олиб, тузатишга вайда берди.

Ўша воқеа эсимга тушганда юрагим ғаш тортиб кетади. Яна үзимни юпатаман: бизда яхши, тажрибали ўқитувчилар күп-ку. Жамоа ишчан, ахыл. Нақотки битта одамни тарбиялай олмасак. Шуларни ўйлаб, күнглим ёришиб кетди.

Юсуф ака Шокировни эслайман. Қандай ажайиб инсон, моҳир педагог. Барчага баробар, хүшфесүл. Яна ўша Робия опа воқеасини эсладим. Ҳаёлан уларни таққослаб күришга уриндим. Икки одам — икки дунё! Юсуф ака оғир табиат, ғоят сезгир инсон. Юз-күзингизга бокади-ю, дилингиздагини пайқаб олади. Күнглингизда бирор ғашлик борлыгини сезганды, илиқлиқ билан қалбингизга кириб борадыки, беихтиёр юрагингизни очиб күйганингизни сезмайсиз. Ҳа, шундай.

Юсуф ака илмий бұлым мудири сифатида ҳам үзига, ҳам бошқаларга ғоят талабчан, ишнинг күзини биладиган жонкуяр раҳбар. Мактабда қандай тадбир ўтказылады болса кекса, тажрибали ўқитувчиларга маслаҳат солади. Фикрини әшитади, ҳисобға олади.

Бирор ўқитувчи ёки ходимга топшириқ бериш лозим бүлганды, буйруқ шаклида эмас, балки илтимос тарикасида айтиш одобдан эканини яхши билади. Олдин ҳол-аҳволингизни сурштириб билади, сүнгра мақсадни тушунтиришга ўтади. «Жамоа билан маслаҳатлашиб шу ишни сизга топширишни лойиқ күрдик. Шунга нима дейсиз?»

Юсуф ака, айниқса, ёш ўқитувчилар жонкуяри бўлиб, тез-тез дарсларга кириб, кузатади. Ўз фикр-мулоҳазаларини

ётиғи билан айтиб, ишга мұхаббат уйғотади. Ўқитувчи билан бұлған сұхбатда аввал унинг ютуқ томонларини айтиб, руҳлантиради, йүл-йұлакай дарсда учраган хато-камчиликтарни күрсатыб, аниқ методик маслағатлар беради.

Баъзан шундай бўладики, уйдан эрта чиқсангиз ҳам баъзан транспорт кутып қоласиз, ё бошқа сабаб бўлиб ишга 5–10 дақиқа кечикиб қолсангиз, минг хижолат билан эшиқдан кирасиз. Шунда Юсуф ака очиқ чехра билан ташвишланғансимон қаршингиздан чиқади ва сўрайди: «Яхши келдингизми? Тинчликми? Кечикканингиздан хавотирланиб турғандик». Кечикиш сабабини айтасиз. Ётиғи билан сизга ўз маслағатини беради. Жон-дилингиз билан қабул қиласиз. Хижолатдан ва лекин раҳбарнинг илиқ сўзидан енгил тортиб синфга кириб кетасиз. Ҳа, бу яхши раҳбар, педагогга хос одоб. Ихlos ва яхши кайфият билан дарс ўтасиз. Раҳбар ўз хизматчисига кўпоплик қилмаса, яхшилик билан уни йўлга солса, ишнинг унуми ҳам бўлади, ҳар қандай оғир юмуш осонликча битади, одамнинг руҳи кўтарилиб, кучига куч қўшилади.

Ўша мактаб ўқитувчилари, ота-оналар жамоатчилиги ҳурматли устоз – ўқитувчи Юсуф ака Шокиров ҳақида ана шундай меҳр билан сўзлайдилар. Бас, ўқитувчининг педагогик ишидаги муваффақияти, даставвал унинг ўқитувчилар билан қандай муносабатда бўлишига, болалар олдидаги обўсига ва уларга таъсирини ўtkаза олишига боғлиқдир. Шунинг учун раҳбар билан ўқитувчининг, ўқитувчи билан ўқувчининг муомала масаласи тарбия ишида энг мұхим масаладир.

Ўқитаётган фанни пухта билиш ва дарс жараённан таълимнинг қулай, самарали усулларидан унумли фойдаланиш ўқитувчи учун айниқса зарурдир. Аммо педагог ўқувчилар билан яқин алоқада бўла олмаса, у ҳолда ўқувчиларининг тарбия ишида яхши натижани кутиш мумкин эмас.

Ўқитувчи ҳамиша ғамхўр, сезгир ва одил бўлиши, уларнинг қизиқишилари, ички кечинмаларини ва ҳис-туйғуларини яхши билиши керак. Шундагина болалар ҳам ўқитув-

чиларни хурмат қиласынан бүләдилар. Бу, таълим-тарбиянинг энг муҳим тамойилидир.

Үқитувчилик — ғоят шарафли, мастьулиятли касб. Педагогик ишда майды-чуйда деган нарсаларнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳамма-ҳаммаси катта ва асосий ҳисобланади. Үқитувчининг ҳар бир иши, ҳатти-ҳаракати болаларга ё ижобий, ё салбий таъсир ўтказади.

Үқитувчи ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билиши, оғир, вазмин бўлиши, боланинг айни вақтдаги руҳий ҳолатларини назардан қочирмаслиги керак. Яхши үқитувчида болалардан ажралиб қолиш ҳолати бўлмайди. Үқитувчи болалар билан дўстона муносабатда бўлади, уларнинг ички дунёсига кириб боради. Ўкув материалларини ўзлаштириш учун зарур бўлган психологик ҳолатни юзага келтиради. Демак, үқитувчининг энг муҳим хусусияти ўқувчиларга мулойим, таъсирчан, қатъий оҳангда гапириши, талабчан, ниҳоятда объектив, ҳаққоний муомалада бўлишидадир. Одатда ўқувчилар ўзлари билан ниҳоятда аҳил ва самимий муносабатда, хушмуомалада бўлган үқитувчиларни севадилар ва унга ишонадилар.

## **ВИЖДОН ҲУКМИ**

«Шу ҳатти-ҳаракатимни бошқалар қандай баҳоларкин? Нима дейишаркин? Одамларга нафим тегяптими?» – деб ўз-ўзимиздан сўраймиз. Ҳа, ҳақиқий инсон шу йўсинда ўз виждони олдида доимо ҳисоб беради. Негаки, инсоннинг инсонлиги шунда билинади. Агар қилаётган ишингиз, хулқ-атворингиз бошқаларга маъқул бўлса, демак, сиз тўғри иш қилгансиз, одамлар олдида юзингиз ёруғ, виждонингиз покдир. Борди-ю қилмишингиз, хулқ-атворингиз одамларни ранжитса, демак сиз номаъқулчилик қилгансиз, одамлар олдида юзингиз шувут, виждонингиз азобда. Кишига бу ишда фақат виждони йўл кўрсатади.

Виждон билан ҳисоблашган одам ҳаётда янглишмайди. Масалан, жамоа аъзолари Сизни режада кўрсатилган илмий ишингизни бажармаганингиз учун мастьулиятсизликда айб-

лаб танқид қилишиди. Виждонингиз сүзляяпти, қулоқ солинг-а: «Танқид аччиқ, аммо ўринли. Ўзинг айбдор, сусткашлик қылдинг, вақтида ишни столга қүёлмадинг, жамоа олдида, раҳбар ҳузурида бебурд бўлдинг, энди узр сўрашинг, жамоа ишончини амалда оқлашинг, келажакда бошқалардек меҳнат қилишинг керак». Мана виждан хукми, ақл кўрсатмаси. Унга амал қилсангиз, тўғри йўлга тушасиз. Эл-юрг олдида юзингиз ёруғ, дилингиз чароғон бўлади.

Дейлик, дўстингиз, яқин кишингиз билан нари-бери гапга бориб қолдингиз. Нима қилиш керак? Яна виждан, ақл билан кенгашасиз. Унинг хукми: «Оғир бўл, жаҳолат устида гапириб, кейин пушаймон бўлиб юрма. Дўст ачитиб гапиради, дейишади. Жаҳл устида гапириб юборди. Ўзига келганда хижолат бўлади. Ўшанда, албатта, узр сўрайди...»

Ўзингизни босасиз. Ҳаммаси яхшилик билан тугайди. Олам гулистан. Гоҳ ўзимизнинг билганимиздан қолмаймиз. Яхни ният билан айтилган гапни ўзимизча «тушунамиз», гапириб-гапириб ўзимизча «аламдан» ҳам чиқамиз. Фурсат ўтиб ҳовурдан тушамиз. Ўйлаб ноўрин иш қилганимизни пайқаб қоламиз. «Нима иш қилиб қўйдим-а», деб куюнамиз. Ўзимизни койиб уришамиз, аммо бефойда. «Айтилган сўз — отилган ўқ» дейишади. Бу ҳақда ҳақ гапни гапириш, ёшлиар орасида сухбат, баҳслар ўтказиш, кишилар ўргасида меҳр-муҳаббат, оқибат уругини сочиш ҳар бир одамнинг инсоний бурчидир.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг физика факультети қошида ташкил қилинган «Кизлар давраси»да ана шундай ҳаётий масалалар қизғин мунозарага айланмокда. Яқиндагина «Ахлоқий эркинлик ва шахснинг маънавий масъулияти» мавзууда уюштирилган бир учрашув факультет талаба йигит-қизларини кўп нарсаларни ўйлашга мажбур қилди:

«Ахлоқий эркинликни сиз қандай тушунасиз?», «Ёшлиарнинг жамият олдидағи маънавий жавобгарлигини-чи?», «Виждан, ор-номус деганда нимани тушунасиз?», «Вазифа, масъулият, бурч нима?».

Бундай саволларға талаба қызлар, айниқса, түлқинләниб жавоб беришди. Йигитлар ҳам мунозарада бүш келишмади. Улар қызларға хос латофат устида тұхтаб, ҳаётій мисоллар келтиришди. Айрим ҳаволи, «зебо қызлар»ни ўринли танқид қилишди. Мунозарада қатнашган профессор-ўқытувчилар баҳсга файз киритишди.

Баҳсни III курс талабаси К. жонлантириб юборди. Мана, у нималар ҳақыда сұзлади: «Ахлоқий әркинликни мен кишининг хатти-харакати, ҳоҳишистагини турли йүллар, одатлар, қонунлар билан чеклаб қўймаслик, деб тушунаман. Лекин бу әркинликни биз нимани тўғри, деб топсак, шуни қила олишимиз мумкин деган хулосага олиб келмайди.

Аммо кишиларнинг ички дунёси, маънавий қўйфасига бир назар ташласак, ахлоқ принциплари ҳақыда бир лаҳза фикр юритсак, бизнинг ахлоқимиз нималарини маъқул топиши равшан намоён бўлади.

Менинг кўзимга ташланган баъзи «лекин»ларни айтиб ўтмоқчиман маъруза заллари, аудиторияларда айрим стол ва стулларга ўйиб ёзилган турли исмлар, бемаъни, бетайин шеърлар, оғизга олиб бўлмайдиган уят сұзларни кўриб, бир нарсага ажабланаман. Ахир, бу ерда ўзимиз таълим оламиз. Бу ўкув қуроллари, бинолар фақат бизлар учун, ота-оналаримизнинг пешона тери туфайли бунёд этилган нарсалар-ку!

Яна бир мисол. Айрим талабаларнинг ўзлари яшаёттан ётоқхонага бўлган муносабатларини кўриб ранжийсан киши. Буларни кўрган ҳар бир кишида «Наҳотки, бу ёшлар ўз уйида ҳам шундай бефарқ бўлишса?», деган савол пайдо бўлади. Минг афсуски, фахрланса арзийдиган баодоб талабалар орасида ана шунақангি сиртига сув олмайдиган нокаслари ҳам учраб турар экан.

Ха, айтмоқчи, бутунги баҳсимизга буларнинг нима алоқаси бор дерсиз? Менимча, бевосита алоқаси бор. Чунки стол, стулларни эҳтиётлаб сақлашимиз, аудитория ва маъруза залларини домлаларимизнинг огоҳлантиришишисиз дарсга тўлиқ тайёрлаб қўшиш, ўзимиз яшаёттан жойларни озода

тутишимиз, ётоқхонада ишлайдиган фаррошларнинг меҳнатини хурмат қилишимиз, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишимиз ҳам бизнинг ўз маънавий мажбуриятимизни қанчалик тушунишимиз, ҳис қилишимизни күрсатади-да! Бўлмаса, буни биздан, албатта, доим талаб қилиб туришлари, мажбур қилишлари, тергашлари шартми? Ўзимиз шу камчиликларни бартараф қилишимиз, ўрни келганда баъзи ўртоқларимизга тушунтириб, танбеҳ беришимиз зарур. Бу, биз — талабаларнинг маънавий виж-донимиз олдидағи энг катта бурчимиз эмасми?».

IV курс талабаси Манзурахон сўзи: «Инсон жамият ичида яшар экан, доимо ўзини жамоа орасида ҳис қилади. Шунинг учун ҳеч ким кийинища, юриш-турища, кишилар билан муносабатда бурч, масъулиятни унутмаслиги керак. Гоҳо жуда яхши кийинган, юриш-туриши, ташқи кўринишига қараб айрим қизларни одобли бўлса керак деб, унга ҳавасимиз келади. Лекин ўзи билан гаплашганда; унинг кўполлиги, бирорни менсимаслигини кўриб, албатта, ажабланамиз, унга бўлган фикримиз ўзгариб қолади. Баъзан жамоат йигилган жойда оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган саёқ йигитни атрофдагилар тартибга чақирмоқчи бўлади. У эса: «Нима оғзимга хўжайинмисиз, ўз эрким ўзимда» деб жавоб беради. Бизнингча, бу ҳар иккала ёшнинг ҳам ахлоқ эркинлиги меъёрини тўғри ҳис қилмаслигини кўрсатади».

Маълумки, талабаларнинг кўпчилиги узоқ вилоятлардан келишган, ётоқхонада туришади. Уларнинг деярли аксарияти, мен ётоқхонада яшаяпман, нима қилсан ихтиёrim ўзимда, демайди. Улар маънавий жавобгарликни ҳис қилишади, ўзларига талабчан, бир-бирларини тергаб туришади. Бу талабаликка хос хусусият.

Демак, ҳар бир киши, жумладан, ёшлар ҳам ҳар қанча эркин бўлган тақдирда ҳам жамият олдида, жамоатчилик олдида ўз бурчини, маънавий масъулиятини унутмаслиги даркор.

IV курс талабаси Оқилахон сўзи: «Ахлоқ кишининг юриш-туриши, одоби, ақл-идроқи, хулқ-атвори, характеристери,

хулас, бутун инсонга хос фазилатларини намоён қилиши билан белгиланади.

Бизнинг мамлакатимизда кишиларга яхши шарт-шароит, имконият, ва ниҳоят, ахлоқ эркинлиги ҳам берилган. Лекин бу эркинликдан ўрнида фойдаланиш керак. Чунки ҳар бир иш ва ҳар бир нарсанинг ўз ўрни, ўз меъёри бор. Ҳатто камтарликнинг ҳам.

Биз, талабалар, албатта, кўпчилигимиз чеккароқ районлардан, вилоятлардан келганмиз. Баъзиларимиз эса қатнаб ўқиймиз. Бизнинг ўқишимиз учун барча имкониятлар яратилган. Дарс қилиш учун ўкув заллари, узоқдан келганлар учун ётоқхоналар бор, дарсдан бўш вақтларда кинотеатрларга бориш, кўнгилли кечалар ўтказиш ва бошқа эркинликлар берилган. Бундан ўз ўрнида фойдаланаётган талабалар орамизда кўплаб топилади. Бунга Моҳира исмли гуруҳдош бир ўргонимни мисол келтиримоқчиман.

У ўқиш, дарсга тайёрланиш, хулас, барини ўз вақтида бажаради. Атрофдагилар унинг одоби, юриш-туришига ҳавас қиласди. Бир куни менга бир жойга бирга боришга вайда қилган эди, лекин ўша куни унинг қандайдир зарур иши чиқиб қолиб, бора олмаслигини айтди. Мен ундан хафа бўлмадим, аксинча, мени ҳурмат қилиб, кечирим сўраб, атайлаб келганидан хурсанд бўлдим. Бу, Моҳиранинг ахлоқий эркинлик ҳамда бурч-масъулиятни тўғри тушунишидан далолат беради.

Айло ва яхши баҳоларга ўқиб, лескин ахлоқ-одоб бобида бебурд, ўзининг жамоа олдидаги маънавий жавобгарлигини унугиб бебошлик қиласиганлар ҳам учрайди. Кези келганда шуни айтмоқчиманки, барча номаъқулчиликларни вақтида фош қилишимиз, кўпчилик ўргасида уялтиришимиз, токи улар айбига икрор бўлиб тўғри йўлга тушиб олмагунларига қадар кузатишимиш керак. Шундайлардан бири бир йигит ҳақида гапирмоқчиман. Қачон қараманг одамларнинг оромини бузгани-бузган: бевакт магнитофон кўяди, коридорда бақириб-чақириб юради. Бирор танбех берадиган бўлса, эркинлигини пеш қиласди. Истардимки, ҳар бир инсон, ҳар бир талаба ахлоқ эркинлигидан ўз ўрнида, ўз меъёрида фойдаланса!».

Сүз навбатини Саноатхон олади ва түлқинланиб шуларни айтади: «Хар бир йигит ва қызниң үзи туғилиб үсган қишлоғи, ота-онаси олдидаги бурчи ҳам менимча, одоб-ахлоққа киради. Одоб-ахлоқ бўлгандаям, бажарилиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлган одоб-ахлоқдир.

Кишининг ўз бурчини, маънавий жавобгарликни ҳис этиши масъулият дейилса керак. Бу сўзни ҳамма, шу жумладан, ёшлар бирдай тушунади. Аммо ёшлар орасида ана шу маънавий жавобгарликни, ана шу одоб-ахлоқни унугиб қўяётганлар ҳам учраб қоларкан.

Санжар исмли йигит илм олиш иштиёқида пойтахтнинг олий ўкув даргоҳларидан бирига ўқишига кирди. Йиллар бирин-кетин ўтиб серзавқ, серҳаяжон талабалик ҳаёті ортда қолди. У энди олий маълумотли мутахассис. Нима қилиши керак? Қадрдон қишлоғига борсинми, ё шу ердаги бирор жойга ишга кирсинми? Унга кейинги фикр маъкул тушди. Тез орада бу фикр қатъий қарорга айланди. У шаҳарда ўз мутахассислиги бўйича ишни тез топа олмади. Орадан ойлар ўтди. Ниҳоят бешинчи ойга бориб у ўз ниятига етди. У ишга қабул қилинганлиги ҳақида тўлиб-тошиб ота-онасига мактуб йўллади. Хат қўлга теккан вақтдаги ота-онанинг ҳолатини ҳар бир киши тасаввур қилиши мумкин. Шундай қилиб, ҳалиги йигитнинг омади келди. Марказда яшаш, обрўли ерда хизмат қилиш унинг дилини ифтихор туйгуларига тўлдирди. Вақт-вақти билан ота-онасига мактуб йўллаб, улардан ҳолаҳвол сўраб турди. Моддий томондан ҳам қўлидан келганича ёрдамини аямади. Мактуб орқали қилинаётган бу ғамхўрлик, юбораётган бу пуллар, ойда-йилда бориб, бир-икки кун туриб келишлар ота-онасини қаноатлантирадими-йўқми, буни ўйлаб ҳам кўрмасди. Ука-сингиллари билан ўзи ўргасида секин-аста қад ростлаётган даҳшатли бегоналик ҳисси уни сира ташвишга солмади. У меҳр кўзда эканлигини унугиб кўйди.

Бундай ҳаётий фактлар айрим ёшларнинг жамият олдидаги, туғилиб-үсган қишлоғи, ҳалқи олдида ўташи лозим бўлган бурч ва мажбурияти маънавий зарурат эканлигини

тушуниб етмаслигининг натижасидир. Шунингдек, бизнинг жамиятимизда шахсий ва ижтимоий мақсадлар ягона талабга айланган зарурат эканини англамаслиkdir.

Ҳар бир инсон, шу жумладан, ёшлар бурч — кишининг маънавий мажбурияти эканини, маънавий мажбуриятни киши ҳар қандай шароитда ҳам олдига қўйилган талаб сифатида, албатта, бажариши кераклигини билиши зарур. Бурчга масъулиятсизлик жамиятга қанча зарар етказиши, кишини субутсиз, худбин қилишини ҳам билиб қўйганлари маъқул.

## **БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ...**

Одоб саломдан бошланади. Дарҳақиқат, кўришишда ҳам маданият, ҳам фазилат бор. Одатда хушодоб, маданиятли кишилар одамларга нисбатан эътиборли ва сезгир бўладилар. Бизнингча, инсоннинг хулқ-одоби, аввало, унинг бошқа одамларга бўлган муносабатида кўзга ташланади.

Кагталарни учраттганда салом бериб ўтиш ҳар бир ёш учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Салом беришни ҳам ўрнига қўя билмоқ керак. Айрим ёшлар кексаларни кўрганда яшин тезлигига «ассалом» ёки «салом» деб ўтиб кетадилар. Бу худди «ма, қарзингни ол» дегандак туюлади.

Мехр кўзда, дейди ҳалқимиз. Салом берганда одоб сақлаш керак. Кишининг кўзига боқиб, мулойимлик билан, агар кексаларга бўлса, кўлингизни кўксингизга кўйиб «Ассалому алайкум» десангиз нур устига аъло нур бўлади, «Ваалайкум ассалом, катта бўлинг, мулло бўлинг» деган илиқ жавобдан дилингиз яйраб кетади.

\* \* \*

Киши ҳар тонгни яхши ният билан қаршилаб: «Бугун қандай хайрли ишларга кўл урсам экан», деган истак билан ўрнидан туради. Шу чоғ кимнингдир сизга қараб, «Ассалому алайкум, яхши дам олиб турдингизми?» — деган иборасидан

күнглингиз ёришиб кетади. Кайфингиз чоғ бўлади. Сиз ҳам унга шундай хушмуомалада бўласиз.

Хуллас, яхши кайфият билан уйдан чиқдингиз. Хизмат вазифасига ошиқасиз. Йўлда кетаётуб таниш-билишларни учратасиз. Улар билан ҳам яхши кайфиятда саломлашасиз, сўсиз, шу кун ишингиз унумли ва баракали бўлади.

\* \* \*

Кишилар билан учрашганда сезгир бўлиб, вазиятта қараб иш тутган маъқул, Борди-ю, сиз қаергадир ўшилияпсиз, у ҳолда ҳамроҳингиздан узр сўраб кетишни одобдан деб билинг. Сезаяпсизки, суҳбатдошингизнинг вақти зикроқ кўринади, у ҳолда гапга тутиб, уни хижолатга кўйманг, ишхонада ҳам шундай бўлиш мумкин.

\* \* \*

Икки киши гаплашиб турганда, гапларини бўлиб, сўрашишингиз яхши эмас. Иложи бўлса, сабр этинг. Зарурият бўлса, узр сўранг.

Танишингизни қаҳвахонада, ошхонада, умуман овқат устида учратсангиз қўл узатиб кўришмай, оғзаки сўрашиб кўя қолганингиз маъқул.

Одатда яқин кишилар, узоқ кўришмаган дўстлар бир-бирлари билан учрашганда ҳаяжонга тушадилар. Кучоқ очиб кўришадилар, юзларини юзларига суртиб меҳрларига тўядилар. Бемеҳр, оқибатсиз кишигина бундай ҳолларда қўл учиди кўришиб, нари-бери сўрашиб кўя қолади. Ёки ўзини кўрмасликка олади. Иши тушса борми, атрофингиизда гирдикапалак бўлади. Иши биттагч, машина орқасидан кўтарилган чангдек ғойиб бўлади-қолади.

Учрашганда ҳол-аҳвол сўрашиш, суҳбатдошга эътиборли бўлиш яхши фазилатdir. Киши бирор ерга борганда ёки ҳол-аҳвол сўрашганида ундан қўрққанидан эмас, балки ҳурмат юзасидан, инсонийлик нуқтаи назаридан муомала қилади.

Хүш, күришгандың күл беріб сұрашиш шартми? деган савол туғилади. Албатта, гигиеник жиҳатдан күл беріб күришиш ҳамма шароиттада ҳам тұғри келавермайды. Айниқса тери қасали, грипп, сариқ билан оғриган одамлар, терлаш одати бор бемор кишилар күришганды, күл узатып зинхор бошқаларни хижолатта күймасликлари лозим.

\* \* \*

Оилага мәхмөн келди дейлиқ. Уй эгаси уни самимий ва очиқ юз билан қарши олади. Уни дархол тұрга чорлаб, үтиришга таклиф этади. Мәхмөннинг ҳол-аҳволини сұрайди, келганилигидан жуда хурсандлигини, миннатдорчилигини билдиради. Уй эгаси мәхмөн күнглини хушнуд қилишга интилиб, унга манзур бүләдиган лаззатлы таомлар тайёрлайды, у билан күнгилли суҳбат қуради ва дилкашлиқ қиласы.

Мәхмөндорчиликда қатнашаёттәнлар ичида бир-бирларига нотаниш кишилар ҳам бўлади. Уй эгаси дархол уларнинг исмларини хурмат билан тилга олиб, таништириши зарур.

\* \* \*

Мезбон ҳамма мәхмөнларга нисбатан бир хилда му-лозаматда бўлишни унумаслиги керак. Акс ҳолда, у нокулай аҳволда қолиши мумкин.

Ўтиришларда, баъзан кечикиб келган кишининг ёшидан қатын назар, мансабига қараб хушомад қилинади. Бирорларни безовта қилиб бўлса-да, тұрга, алоҳида жойга ўтказилади. Овқатнинг сархили ҳам у ўтирган жойга тортилади. Бу эса одобсизлик, мезбон шаънига ярашмаган ҳолатдир.

Ўтиришга кечикиб келган мәхмөн аввало узр сұраши, сүнгра ҳамма билан умумий сұрашиб, тезда бирор бўш жойга бориб ўтириши, ўтирганларни зинхор безовта қилмаслиги одобдандир.

## СҮНГИ ПУШАЙМОН...

Хәётнинг лаззати — шириң турмушда. Эр-хотин иноқ, бир-бирига дардкаш, меҳр-оқибатли бўлса, оила учун бундан ортиқ баҳт йўқ. Агар улар турмушда доимо шундай ўрнак кўрсатсалар, бу оила фарзандлари ҳам давримизнинг муносиб кишилари бўлиб етишадилар. Зоро, замин яхши бўлса, ниҳол барваста ўсади.

Аммо, энг муҳими, оилавий баҳт қадрига ета билиш, уни қўлдан бой бермаслик учун курашиш керак. Розияхон исмли бир келинчак хатида онасининг ўз баҳтига тўғаноқ бўлаётгани, бемаъни хатти-ҳаракатлари билан шириң ва тутув уйини бузгани тўғрисида кўйиниб ёзади. Энди у ўзининг ҳам, туғилажак фарзандининг ҳам баҳтсиз бўлишини ўйлаб, юрак-бағри эзилади. Нажот излайди.

Келинг, яххиси унинг изтироб тўла хатини бирга ўқийлик: «Онам уйга тез-тез, сабабсиз чақиравериб, менинг ақлимини чалғита бошлади. Айтганларини қиласай десам, шириң ва яхши турмушим бузилади. Қилмай десам, оқ сут берган онам норози бўлади. Бошим айланиб ва ёшлигимга бориб қайнотам ва қайнонам ҳамда турмуш ўртоғимни менсимай, тез-тез онам хузурига бориб турадиган бўлдим. Онам ҳар сафар: «Болам, сен кўрқмай келавер, ўзлари ялиниб олиб кетишади. Агар бизга бўйин эгмасалар борми, тухмат тошларини ёғдирамиз. Ана ўшанда кўрсинлар», деб уқтиравериб, охири уйимни буздилар. Тўйимиздан ҳеч қанча вақт ўтмай, овсиним вафот этди. Тўй харажатлари устига ўлим аралашиб, оиласизда анча тушкунлик юз берди. Шундай пайтда, ёш бўла туриб, уйда бекор ўтиришни ўзимга эп кўрмадим. Ишга кирдим. Лекин онам ойлик маошим яқинлашган сари: «Бир сўмини камайтиrmай менга олиб кел. Уйингдагилар бир амаллаб қарзини узишар. Бир ўзим икки укангни боқолмайман. Отанг ярамас ташлаб кетди... деб охири, ўзимни ҳам уйимга юбормай кўйдилар».

Хат мазмунидан равшанки, она катта хатога йўл қўйган. Фақат ўзининг бугунги кунини ўйлади-ю, қизнинг эртаниги куни ҳақида ўйламабди.

Наҳотки, она фарзанди тақдирига шунчалар бефарқ бўлса? Ҳар ҳолда, инсоф юзасидан иш тутган маъқул. Маълум бўлишича, она қизини ўз ихтиёри билан куёвга узатган. Қиз ҳам ўша хонадонга кўнгил қўйган. Қайин-бўйинлари билан чиқишиб, аҳил яшаб кетиши мумкин эди. Қиз бола тушган жойида тиниб-тинчидек кетиши она учун баҳт-ку. Шу баҳтни она менсимай оёқ ости қиласа-чи?

Оиланинг бузилишига кўп ҳолларда ёшларнинг ўзлари ҳам сабаб бўлишади, чунки улар турмушнинг паст-баландини яхши тушунишмайди. Шундай экан, афсуски, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган онанинг бундай хатога йўл қўйиши жуда ғалати ҳол.

Муҳтарама онага эрингизнинг нима сабабдан сизни, қадрдон оиласи, ширин-шакар фарзандларини ташлаб кетгани ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Бунда ўзингизни ҳам айбдор ҳисоблайсизми? Аёл сифатида ўз бурчингизни кўнгилдагидак бажардингизми? деб савол бергимиз келади.

Бир донишманд эридан нолиган аёлга шундай деб маслаҳат берибди: «Эрим доимо ёнимда бўлсин десанг, шундай иш туттилки, у қаерда бўлмасин, қандай иш билан машғул бўлмасин, ҳузурингта тезроқ келишга ошиқсин. Сен хушфеъл ва хушчақчақ бўлсанг, у ҳеч қачон сени ташлаб кетмайди».

Сиз бевалик ва ёлғизликнинг ситамларини тортиган аёлсиз. Яқин кишингизни, баҳтингизни йўқотдингиз. Уйингиздан файз кетди. Қалбингизни бир ери тимдаланган.

Тўғри, бир томондан баҳтлисиз, болаларингиз бор. Уларга ҳам она, ҳам ота бўлиш осонми? Аммо оилангизда мукаммал баҳт етишмайди. Ҳа, шундай бир вақтлар баҳтли эдингиз. Аммо ўша дамларнинг қадрига столмадингиз. Уни қўлдан

бой бердингиз. Ҳозир эса пушаймонсиз. Начора иложингиз йўқ! Энди қизингиз ҳам баҳтсиз бўлиб қолмасин. Яна бир гўдакка жабр бўлмасин. Уни дарҳол уйига элтиб қўйинг.

Ҳар бир киши ўз баҳти учун курашмоги керак. Розияхон, сиз ҳам шу истак йўлида оиласингизни мустаҳкамлашга интилдингиз. Қайнин-бўйинларингизни түқсан-туғишганлардек кўриб, ҳурмат қилдингиз. Уй-рўзгор ишларини кунт ва меҳр билан бажаришга ўрганишта ҳаракат қилдингиз.

Оиласингиз бошига қийинчилик тушганда, бирга қайғурдингиз, ишга кириб кўмаклашиш ниятида бўлдингиз. Бу фазилатларингиз билан уларда ўзингизга меҳр уйғотдингиз. Бу томонларингиз учун сизни қутламоқ керак.

Онангизнинг нотўри ҳатти-ҳаракатлари тинч уйингизни нотинч қилди. Ўртага совуқчилик тушибди. Сиз бўлса, кўз ёши тўкиб, она амрига итоаткорона бўйин этдингиз. Ҳа, она ръйига қарши боришини ўзингизга эп билмадингиз. Тўғри, онани ҳурматлаш фарзанднинг олий бурчи. Бордию, у ноҳақ бўлса-чи? У ҳолда виждан амрига қарши бориш керакми? Йўқ, албатта, ҳақ йўлни тутган маъқул. Онангиз ноҳақ эканига уни ишонтириб, қарорингизда қатъий туришингиз керак эди. Ахир ёш эмассиз, уйлик-жойликсиз, сиз ҳам онасиз. Ҳаёт кўрган тажрибали кишиларга маслаҳат соганингизда янглишмаган бўлардингиз.

Тоҳиржон исмли йигит ҳам ўз оиласидан, турмуш ўртогидан мамнун эмаслигини ёзибди. Ҳастини қайта изга солиш ниятида маслаҳат сўрабди. Ҳатнинг мазмунидан маълум бўладики, оиласинг бузилишига хотин кишидаги нуқсонлар сабаб бўлган.

« ... Кейинги пайтларда хотинимнинг уйга бўлган муносабати ўзгара бошлади. Онам йўлга солиш ниятида бирор нарса десалар, менсимай қайириб ташларди. Ўзининг билганидан қолмасди. Ўринисиз ерда ёлрон ишлатиб, кўнгил қолдиради. Уйда сиримиз ҳам кўчага чиқадиган бўлиб қолди.

Айбины айтсанғыз, тан олмайди, қайсаrlык қилиб бетингизга тик қараб тураверади. Муносабатимиз кундан-кунга ёмон бўлса бўлди-ю, лекин ҳеч илимади. Ўшанда «Балки бўлак турсак, уй-жойнинг қадрига етар, яхши яшаб кетармиз», деб ўйладим. Қийналиб бўлса-да, ҳовли сотиб олишга қарор қилдим. Уйдагилар ҳам рози бўлишиди. Мана кўчиб ҳам келдик. Алоҳида яшаяпмиз. Афсуски, хотинимнинг ҳали ҳам ўша бепарволиги қолмади. У уйга меҳр қўйган хотинларга ўхшаб: «Қандай қилсам уйим уй, жойим жой бўларкан», деб ўйламади. Ахир, энди икки боланинг онаси бўлди-ку! Бошимиз ҳамон уриш-жанжалдан чиқмайди. Уй-рўзгорда барака йўқ. Эрни эр ўрнида кўрмайди. Болаларга ҳам меҳри йўқ. Неча бор қўйди-чиқдига бордик. Аммо ҳар гал ўртага маҳалла-кўй, қавми-қариндошлар тушиб, болалар тирик етим бўлишмасин, деб яраштириб қўйишади.

Хуллас, уринишларим бекорга кетди. Хотиним тўғри йўлга кирмади. Охири ҳамма нарса жонимга тегди, қўлимни силтаб, уйдан чиқиб кетдим. Болалар ҳам кўзимга кўринмади».

Тоҳиржон, бир-бирингиздан кўнглингиз қолибди, тўғрироғи, ўргадан меҳр кўтарилибди. Энди бўлмайди, ажрасшамиз деяпсиз. Ҳўш, шундай бўлди ҳам дейлик. Унда болаларчи? Уларнинг тақдиди нима бўлади? Уларни тирик етим қилиб, ҳеч қачон баҳтли турмуш қуриб кетолмайсиз. Бола ўз ота-онаси билан ширин ва азиз. Уни шу баҳтдан маҳрум этманг?

Сиз, келин, она сифатида ўйлашингиз зарур. Уйингиз бузилиб, болаларингиз ота меҳридан бебаҳра бўлмасин. Ёш бошингизга ёлғизлик, бевалик жабрини солиб, азоб-уқубатда ўртаниб юрманг! Қайсаrlык ва жаҳолат баҳт душмани эканини унугтманг. Эрингизга энг меҳрибон дўст бўлишга чин юракдан киришинг. Унинг меҳнатини қадрланг ва ўзингиз ҳам унга кўмакдош бўлишга ҳаракат қилинг! Эпчил бўлиб, уй-рўзгорни эпласангиз, ширин сўз бўлиб, одамлар кўнг-

лини топишга интилсангиз, баҳт сизга боқади. Ҳа, шундай бўлади.

Кексалар «бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кетади», деб бежиз айтишмаган. Дарҳақиқат, киши бирор нарсадан хафа бўлганда, қўли ишга бормайди. Кўнгли паришон бўлиб, нима иш қилаётганини ҳам сезмайди. На юриш-туришда, на уйқусида ҳаловат бўлади. Камчиликни ҳадеб юзга солавериш ҳам одобдан эмас. Кишининг яхши томонларини ҳам кўра билиш керак. Кўнгилни кенг тутиш лозим. «Ошсиз уй бор-у, уришсиз уй йўқ», деганларидек, ҳар қандай оиласда ҳам баъзан борди-келди гаплар бўлиб турди. Хотин киши тадбиркор бўлса, бир оз қийинчилликни ўзига олса, кейинчалик фойда бўлади. Хуллас, арра баробар тортилса, турмуш тотув ва ширин ўтади.

## **ЎФИЛ БОЛА ТАРБИЯСИ**

*Арслон изидан,  
Йигит сўзидан қайтмас.  
(Халқ мақоли)*

Лавзи ҳалоллик, бир сўзлик инсон учун, айниқса ўфил бола – йигит учун энг олий фазилат бўлиб, бу хислат эл ишончини қозонишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўфил болалар ёшликтан шу одатта қатъий риоя қилиб вояга етсалар жамиятимиз олдида, ён атрофдаги кишилар олдида, ўзлари ўқиётган ёки хизмат қилаётган жойларда, хуллас, қаерда яшамасинлар, ўқимасинлар, ишламасинлар, ҳамма жойда обрў-эътиборга сазовор бўладилар, «лавзи ҳалол» деган чиройли сифат соҳиби бўладилар.

Бир сўзли бўлиш, лавзи ҳалоллик, айтган сўзниңг уддасидан чиқмоқлик ва ҳар шароитда ҳам ўз лавзидан қайтмаслик, ростгўйлик инсон камолотини ифодаловчи белгилардан ҳисобланади. Мавлоно Муқими: «Гар қилич келса бошимга ҳам дегайман ростин», – деб ёзганида минг бор ҳақ эди.

Үз сүзининг устидан чиқмаслик, бирон-бир нарсаны ваъда қилиб, уни бажармаслик, сўз амалига лоқайд қараш халқ фаровонлиги, эл ривожига катта зарар келтиради ва одамлар дилида ишонч деган тушунчани йўқотади.

Арслон жамики ўрмонларнинг подшоси – забардасти, кучли маҳлук. Ўз мавқсига, кучига яраша иштаҳасию, нафси ҳам кучли. Лекин унинг кучлилигига сабаб – қатъиятлилиги, босган изидан орқага қайтмаслик одатидир. Ана шу одати уни йиртқич ҳайвонлар ичра забардаст-у, кучли қилганки, буни инкор қилиб бўлмайди. У ўз қаршисидаги овга ташланар экан, ортидан ҳар қандай хавф туғилса ҳам, хатто катта ўлжа турган бўлса ҳам ҳеч қачон орқасига қайтмас экан.

«Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас», деган нақл шундан пайдо бўлган, дейдилар. Йигитларни ҳам кўпинча арслонга қиёс қилиб, «Йигит сўзидан қайтмас», деб таърифлашади.

«Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз». Болаликда, йигит чоғингда илм-хунар ўрган. «Хунар – хунардан ризқинг унар» дейди доно халқимиз. Хунари туфайли инсон қадр-қиммат топади, элда азиз бўлади. «Бир йигитта етмиш хунар оз» деб таълим беради донишмандлар. Эй фарзанд, ўз насибангта, ота-бобонгнинг мартабасига, мансабига гууруланиб илму хунар ўрганишдан зинҳор ор-номус қилма, ота мансабига мағрур бўлиб меҳнатдан қочиш, илм-хунар ўрганмай қолиш жоҳил ва нодон кишилар ишидир. Оқил ва донолар меҳнатдан қочмайдилар, илм-хунар ўрганадилар. Шуни яхши бил, олий мансаблик бўлсангу, ақл донишинг, хунарнинг бўлмаса, ундан не фойда?

Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан ҳунарманд, иходкору миришкор бўлишган. Уларнинг орадан неча юз йил ўтса-да, ҳали-ҳануз ўз қадр-қимматини йўқотмай, кўрктароватини намойиш этиб турибди. Дурадгорлик дейсизми, наққошлиқ дейсизми, заргарлик, боғонлигу соҳибкорлик, устачилик дейсизми, ҳаммани лолу ҳайрон қолдирадиган эзгу ишлар ажоддларимиз, уларнинг давомчилари бўлмиш бобокалонларимиздан бизларгача этиб келган.

Қадимда ўғил болалар ва қизларнинг ўзига хос алоҳида-

алоҳида касбкор ўрганиш усуллари бўлган. Масалан, ўғил болалар дурадгорлик, фишт терувчилик, бешиксозлик, сандиксозлик, боғбонлик, этикдўзлик, ганчкорлик, наққошлик ҳунарларига қўйилса, қиз болалар дўгпидўзлик, чеварлик, каштадўзлик, йўрмадўзлик (жияк тўкувчи) ҳунарларини эгаллашга иштиёқманд бўлганлар. Ҳар ким ўзининг жинсига, жисмоний кучига, зеҳнига, зийраклигига қараб, хоҳлаган ишини ўрганиб, шу билан машғул бўлган.

Турмушни қийналмай, бекаму кўст, тартибли олиб бориш ва унинг мустаҳкамлигини таъминлаш кўп жиҳатдан келин-куёвнинг уддабуронлиги, ишбилармонлиги, эпчилчаққонлиги, рўзғорни тебратা билишига боғлиқ эди. Шунинг учун илгариги пайтларда оила қурганлар ўртасида қўйдичиқди каби ноҳушликлар камдан кам учраган ёки тамоман бўлмаган.

«Ёшлиқда ўрганган ҳунар, ўзингта ўлжага қолар», «Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар», «Ҳунар тўй-фазар, от миндириб, тўн кийғазар», «Ҳунар – минсанг от, учсанг – қанот», «Қўлида ҳунари борнинг – белида камари бор», «Ҳунарли йигит – мевали дараҳт», «Ҳунари борнинг – олтин билаги бор», «Ҳунар – туганмас хазина», «Ҳунарли эр хор бўлмас, бурда нонга зор бўлмас».

Ҳунар шундай отdirки, у минган кишини роҳат ва эътибор манзилига етказади.

Донишманддан сўрадилар:

– Йигитликда нима қилиш яхшироқ бўлади, қарилликда-чи?

Донишманд айтди:

– Йигитликда илм-ҳунар ўрганиш, қарилликда эса амалга келтиришдир.

**Үйланиш ҳақида.** Үйланиш, оила қуриш Аллоҳ Таолонинг оятларидан бир оят, неъматларидан бир неъматдир.

«Унинг оятларидин (яна бири) – У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва

үрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир» (Рум сураси, 21-оят). Үйланиш инсониятнинг күпайишини ва то қиёмат кунигача бор бўлиб қолишини таъминлайдиган энг ҳалол ва тўғри йўлдир. Үйланиш билан насл кўпайиши ҳосил бўлади. Одамлар янги қариндошлик ишлари билан боғланадилар, аҳил-иноқлашадилар, оиласлар ва миллатлар бир-бирларига яқинлашади.

«У сувдан – нутфадан инсонни яратиб, сўнг насл-насаб (эгаси) ва қуда-андә қилиб кўйган зотдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ (ҳар ишга) қодирдир» (Фурқон, 54-оят).

#### **Үйланиш ҳақида зарур маслаҳатлар**

Савол. Мусулмон киши таркидунё этиб үйланишдан возкечиши дурустми?

Жавоб. Йўқ, бу иш дуруст эмас. Чунки Исломда таркидунёчлилик йўқ.

Савол. Үйланиш учун талаб қилинган муқаддас чегара қандай?

Жавоб. Йигитда рўзғорни таъминлашга етарли мол ва уй-жой бўлиши кифоя. Аммо маҳр миқдорида ҳаддидан ошиш, уйни ҳаддан ташқари жиҳозлаш, оиласи қийнаб қўядиган ишлар билан танг аҳволга солишлар яхши амаллардан эмас. Бу ишларда ҳеч қандай яхшилик йўқ.

Савол. Бокира қизга үйланиш афзалми ёки жувон аёлгами?

Жавоб. Бокирага үйланиш афзал ва яхши. Аммо жувон аёлга үйланишда ҳеч қандай ёмонлик йўқ.

Савол. Ҳадиси шарифда айрим сабабларга кўра үйлана олмаётган ёш йигит-қизнинг сабрини рўза осонлаштириши хақида айтилганми?

Жавоб. Ҳа, бир неча йўллари бор. Яъни, бегона аёлларга қарашдан кўзни тийиш, Куръони Карим тиловатини кўпайтириш, бузуқ фильмларни кўрмаслик, беҳаё китоб ва асаларни ўқимаслик шулар жумласидандир.



*«Эр-хотин бўлиб яшаш қоидалари»  
китобидан таржима.*

## **ҚАЙНОТА-ҚАЙНОНА ҲАМ ОТА-ОНА!**

Фарзандлар оила куришдек баҳтга мұяссар бўлар экан, шубҳасиз, бу уларнинг ота-оналари учун қувончли воқеадир. Шу кундан эътиборан улар қайнона-қайнота бўладилар.

Фарзандлар ўз ота-онаси олдида қандай бурчли ва масъулиятли бўлсалар, келин-куёв ҳам қайнона-қайнотаси олдида шундай бурчли ва масъулиятлидир. Чунки улар келинга қизим, куёвга ўғлим деб муносабатда бўладилар. Ҳаётда буни исботловчи мисоллар жуда кўп. Бундай оиласлардан аҳиллик, иноқлик, файз-барака аримайди.

Оиласнинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан келин-куёвлар ва қайнона-қайноталар орасидаги муносабатларга боғлиқ. Уларни ота-она каби ҳурматлаш, хизматларини қилиш, улар билан бамаслаҳат иш тутиш, қариганларида кўнгилларини кўтариб, суюнчиқ бўлиш ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Ёшлиар кексаларнинг белидан қувват, кўзидан нур кетиб, кўнгиллари нозиклашиб қолганини тушунишлари, иложи борича дилларини хушнуд қилиб, хизматларида бўлишлари нур устига аъло нур бўлади. Бу хизматлари бир кун ўзларига қайтишини унутмаслик лозим.

**Келин ва куёв ҳам фарзанд.** Оиласний ҳаётда қайнона-қайнотанинг келин ва куёвга муносабати ғоят мураккаб ва нозик туйфулар билан боғлиқ.

Чақалоқ барча қусурлардан холи туғилгани каби қайнона-қайнота билан келин-куёвларнинг муносабатлари ҳам дастлабки кунларда пок ва самимий туйфуларга асосланган бўлади. Гап ана шу самимиятни умр бўйи сақлаб қолища. Афсуски, ҳаётда у ёки бу сабабларга кўра муносабатларнинг бузилиш ҳоллари рўй беради. Баъзан бунга келиннинг рўзгор ишларига тайёр эмаслиги, уқувсизлиги, куёвнинг калон-димоглиги сабаб бўлса, аксарият пайтда қайнонанинг инжиқлиги, келинига ўз қизидек муносабатда бўлмаслиги,

куёвнинг эса қайнона-қайнотасига етарли әътибор бермас-  
лиги сабаб бўлади.

Қарс икки қўлдан чиқади. Қачон тенглик қонуни бу-  
зилса, ўргадан тинчлик, ҳузур-ҳаловат кетади. Қайнона-ке-  
лин муносабатига боғлиқ ижобий, салбий ҳолатлардан фой-  
даланиб, аҳиллик ҳамда нохушликни келтириб чиқарувчи  
сабаблар устида суҳбатлашиш лозим.

Келин бамисоли бир ниҳол, уни авайлаб, парваришилаб  
ўстирилса, меваларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Үнга ўз  
фарзандидек муносабатда бўлиш, билганини мақтаб, бил-  
маганини бафуржа, ётиғи билан ўргатиш лозим.

Куёв ҳам ўғилдир. Унинг мустақил оиласи турмушига  
ёрдам бериш, лекин зинҳор бехудага аралашавермаслик  
керак.

Агар қайнона-қайнота бафри кенг, одил бўлишса, ке-  
линни ўз фарзандидек кўришса, яххисини ошириб, ёмони-  
ни яширишса, келин-куёв тинч-тотув яшаб, уларга меҳ-  
муҳаббат бир умр ҳамроҳ бўлиб қолади.

### **АКА-УКА, ОПА-СИНГИЛЛАРГА МУНОСАБАТ**

Одамга ота-онадан кейин энг яқин киши туғишган  
жигар: ака-ука, опа-сингиллардир. Ака-опалар ҳам суюнган  
тогимиз, ишонган бофимиздир, ота-онамизнинг биринчи  
ёрдамчилари, ука, сингилларни эркалаб, опичлаб катта  
қилишади. Қизиқ-қизиқ ўйинлар топиб бирга ўйнашади.  
Ширин-ширин нарсаларни бизга ҳам илинишади.

Бас, шундай экан, ака, опаларнинг хурматини жойига  
кўйиб, доим, «сизлаб», авайлаб-эъзозлайлик, улардан яхши  
ибрат олиб, ўрганиб, кўзимизни пишишиб борайлик. Зинҳор  
қаттиқ-қурум гаплар қилиб кўнгил қолдирмайлик.

Ота-онани қандай ҳурмат қилсак, ака-опаларни ҳам  
шундай ҳурмат қилайлик. Болалиқдан ака-ука, опа-сингил-  
лар бир-бирини ҳурмат қилишга одатланган бўлса, бу

иншооллоҳ умрнинг охиригача шу меҳр-муҳаббат сақланиб, насл-насабга ўтиб боради.

Ота-она ака-ука, опа-сингиллар ўзаро аҳил, тутув бўлсалар, бир-бирларини қўллаб-кувватласалар ҳамиша уларга баҳт – иқбол қулиб боқишини таъкидлаб, қуидаги ҳикматлар маъно ва мазмунини шарҳлашга ўтади.

«Оға-ини тутув бўлса, тошни талқон қилар, опа-сингил тутув бўлса, уйни бўстон қилар».

«Қайраоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас, оға-ини тутув бўлса, хўрлик етмас».

Ота-боболаримиз ўзларининг юқоридаги мақолларида фарзандларнинг бир-бирлари билан иноқ, тутув, чинакам дўст, меҳрибон, ҳамкор, ҳамнафас, ҳамдард, ҳамроҳ, меҳроқибатли бўлиб яшашлари ҳаётда қанчалар муҳим, қанчалик самарадор эканлигини уқтирганлар, турмуш тақозоси туфайли ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида баъзан «нарибери гап»лар, келишмовчилик, англашилмовчилик, ҳатто уруш-жанжал бўлиб туриши табиий бир ҳол эканлигини, аммо бу ҳол вақтингчалик, юзаки, «чуқур илдиз отмаган» бўлишини, туғишганлар бир-бирларига қадрдан бўлишлари, кези келганда, бир-бирларига ҳар жиҳатдан кўмаклашиларини қайд этиб ҳамма вақт тутув бўлишга, бир-бирларини иззат-хурмат қилишга даъват этганлар.

«Меҳр билмас қариндошдан — меҳр билган ёт яхши», «Оға-ининг ёмонлаб, қани тукқан топганинг», «Аргумоқни ёмонлаб, қани тулпор топганинг?» Бу мақоллар ўз оиласини, туғишганларини, ёр-биродарларини, эл-юргини «ёмон отлиқ»қа чиқариб, бошқа юртларга кетиб қолган, аммо буларга тенг келадиган ёру дўст тополмаган одамга қаратса киноя тарзида айтилади. Ҳудди шу мазмун ўзбек халқ қўшиқларидан бирида қуидагича мадҳ этилади:

Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётганинг қани?  
Мен ёмондан айрилиб,  
Яхшини топганинг қани?

«Ақа-ука кимда йүқ, сийлашмаса — ётча йүқ», «Яхши бўлса оғаси, инисин қолдирмас», «Оғани кўриб ини ўсар, опани кўриб сингил ўсар», «Оға-ини аразли бўлса ҳам фаразли бўлмас», «Дўст сафарда билинар, Оға-ини — кулфатда». «Еб-ичганда ёт яхши, Қайгу кунда қариндош, «Ёт егунча, қариндош — ўлгунча», «Ёғ еганда ёт яхши, Қон ютганда — қариндош», «Онангни кафтиңгда тутсанг, синглингни бошиңгда тут», «Терак томирига таянар, одам туғишганларига», «Туққан туққан билан топишар, ётга бало ёпишар».

Бу мақолларда туғишганларнинг бир-бирига нақадар керакли, бир-бирига ҳар жиҳатдан кўмаклашиши, бир-бирини баҳтли қилувчи одамлар эканлиги, шунинг учун ҳам улар бир-бирини ҳурмат қилиши, қўллаб-кувватлаши зарурлиги уқтирилган.

Расулуллоҳ Саллаллоҳ алайҳи васаллам айтдилар: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишни ва ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин».

Расулуллоҳ ҳузурларига бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ менинг қариндошларим бор, мен уларга силаи раҳм қиласман, қариндошликни узмайман. Аммо улар эса қариндошликни узадилар. Уларга яхшилик қиласман, улар менга ёмонлик қиласидилар. Улар жабру жафо қилсалар ҳам оғирлик ва сабр қиласман», — деди.

Расулуллоҳ: «Агар гапинг тўғри бўлса, уларнинг оғзига қиздирилган кулини солгандек бўлибсан. Сен шу ишиңгни давом эттираверсанг Аллоҳ Таоло сенинг ёрдамиңгда бўлади ва уларнинг жабр-жафосини даф қиласди», — дедилар.

«Ота-онанг — тожи тахтинг», «Оға-ининг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас», «Олдин хеш, кейин дарвеш» ҳикматларининг маъно ва моҳиятини чақиб кўрганмисиз? Куръони Карим, ҳадис, ҳикмат, ривоят ва ҳикоятларда отона, ака-ука, опа-сингил, буви-бува, хола-амма, тоға-амаки, жиян, туққан-туғишган, қариндош-уруғларга меҳр-оқибатли бўлиш тўғрисида нималар дейилган?

Ота-она топилмас давлат, тож-тахт, ака-ука, опа-сингил белга қувват, күзга нур, яхши-ёмон қунларда ҳамроҳу, ҳамдард, ҳамнафас бўлишини яхши биламиз, уларни сийлаш, қадрига етиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ота-она фарзанд учун мустаҳкам құрғон, моддий-маънавий таянч, улар сизнинг баҳтингиз учун ҳатто жонларини фидо қилишга ҳам тайёр турадилар. Ота-онани ҳурмат қилиш, оғирини енгил қилиш, сўз насиҳатларидан чиқмаслик фарзанд учун шарт, уларни тириклигида рози қилиб, дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг келажаги учун зарурдир.

Одатимизга кўра, ота-онадан кейин ака-опалар ота-она ўрнида кўрилади. Ҳурмат қилиб бирор ишга қўл уришдан олдин улар олдидан ўтилади, уларнинг раъи, маслаҳати билан иш тутилади. Бу удумларни давом эттириб бориш зарур. Катталар (ака-опалар) ҳам ўз навбатида ўзидан кичикларга ғамхўрлик қиласидилар, уларни оёққа туриб олгунларига қадар ғамларини ейдилар, қоқилса суюйдилар, гуноҳ қилса кечирадилар. Афсуски, айрим ака-ука, опа-сингиллар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилиб, арзимаган нарсалар устида «санман»га борищади, мерос талашиб, «қиргичноқ» бўлишади. Давлат, мол-дунё топиладиган нарса. Аммо кўтарилиган меҳр-оқибат қайта тикланиши қийин, йўқотган кишиниз тирилмайди. Тириклиқда, ёшлиқда туғишган жигарлар, қавму қариндошлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишлари, бир-бирларини сийлашлари, кўнглини кўтаришлари ҳам қарз, ҳам фарздир. Таниқли шоира Мукаррама Муродова биз билан суҳбатда ота-боболардан қолган яхши удум, одатларни хотирлаб, шундай деди:

«Чоғроққина ҳовлида ўттиз кишидан ортиқ учта оила аъзолари аҳил яшардик. Бу кичик оиласалар, раҳматлик оппоқ-дадамиз Сайфитдин Кори ота Қосимхўжа ўғлининг уч фарзанди, бола-чақалари эдик. Ҳамма оиласанинг уй-жой, қозонтовороги алоҳида-алоҳида бўлса-да, кўчадан ҳовлига ягона дарвоза орқали кириларди. Тўрида, дарвозага беткай уйчада оппоқдадам билан катта бувимлар истиқомат қилишарди.

Ұғил-қызлару, невара-чеваралар – ҳаммамиз күчага чиқишида ҳам, ҳовлиға киришдә ҳам дераза ойнаси ёнидаги каравотда ўтирган оппоқдадамга салом бериб ўтардик. Саксон ёшни қоралаган падари бузрукворимиз ҳаммамизнинг юриш-туришимиздан бохабар ўтирадилар... . Оппоқдадамиз асrimiz бошларидә Бухорога бориб, Мирараб мадрасасида таҳсил олган, сұнг лотин ва рус алифболаридә ҳам савод чиқарған киши. Кексаликнинг узун кунларидә оппоқдадамиз ҳар куни ўнлаб рўзнома ва ойномаларни кўздан кечириб чиқишига улгурадилар. Радио ва ойнаижаҳонда берилган янгиликлар билан муҳим воқеаларни ёдда сақлаб қолардилар. Шу янгиликлар юзасидан биз ёшларни имтиҳондан ўтказиб турадилар...

Бу хонадоннинг 30 нафардан ортиқ барча аъзолари ҳафтада бир-икки марта оппоқдадамиз айвони ёнидаги сўрига жам бўлардик. Энди билсан, оппоқдадамиз ўз зурриёдларини ўзаро аҳил бўлишлари учун бир ҳовлиға, катта дастурхон атрофига йифиб турарканлар. Ана шундай дамларда падари бузрукворимиз ибратли ҳикоятлар, ривоятлар сўзлаб берардилар. Жон қулоғим билан эшигтан ривоятларимдан бири айниқса шу кунларда хаёлимда кўп айланади.

...Бир киши ўз оила аъзолари билан қайиқقا чиқиб, дарёдан кесиб ўтишаётган экан. Қаттиқ тўфон туриб, кемани ағдариб юборибди. Оила бошлиғи кучли, эпчили киши экан. У кийимларини ечиб, сувга улоқтирибди-да, олдинда оқиб кетаётган синглисига етиб бориб, уни қирғоққа чиқариб кўйибди. Кейин акасини судрабди. Сўнг хотин, болачақаларини бирма-бир кўтарибди. Шунда бу воқеани қирғоқда кўриб турган киши ҳайратланиб сўрабди:

— Оғайни, нега аввал шундоқ ёнингизда оқаётган хотинингизнimas, узоқда оқиб кетаётган синглингизни қутқаришга ошиқдингиз?

— Эй дўстим,— деб жавоб берибди ҳалиғи киши, хотин — йўлда, бола — белда, ака-сингил қайдада?

— Мен бу ривоятни авваллари кишининг хотин, болачақаларига нисбатан адолатсизларча ёндошган ҳукми, деб

англардим. Мана, бугун ёшим бир жойга борди. Оқ-қорани танидим, қорли-қировли кунлар шиннагини тотдим. Энди бу ривоятдан бутунлай бошқа хулоса чиқараман.

...Фарзандлар камол топиб, бир-бир ота-она даргоҳидан учирма бўлгач, аввалги туғишганлик муносабатлари сий-раклаша бошларкан. Ўғиллар, қизлар истаса-истамаса ўз турмуш ўртоғи ва фарзандларига боғланиб қоларкан... Турмуш ташвишлари опа-сингиллар орасидаги масофани тобора узэк-лаштиар, ака-укалар ўргасидаги меҳр-оқибат ришталарини ипдек бўшашибириб қўяркан. Ҳаёт эр-хотин ва ота-бала, она-бала ўргасидаги муҳаббат ришталарини ҳар кун, ҳар лаҳзада ўз-ўзидан чирмаб бораркан-у, лекин... киши хушёр турмаса, рўзгор ёки жигарбандлик ришталарини узиб юбориши мумкин экан...

Ўша, бизнинг катта, аҳил оиласиз муҳитида бу удум жуда қадрланар, унга қатъий амал қилинарди. Жума кунлари эркаклар кўчага чиқишидан олдин белларига қўшимча яна биттадан белбоғ боғлаб олишарди. Жума намозидан чиққач эса тўппа-тўғри бозор ёки гулзорларга боришар, ҳар ким имкони борича ул-бул ширинлик олиб, ҳалиги белбоққа туғиб, опа-сингиллариникига йўл олишарди. Шундай кунларда бизниги ҳам катта тогаларимиз ҳассаларини дўқиллатиб келиб қолишарди. Ака-укаларини кўриб, кекса катта бувимизнинг кўзларида нур чақнаб кетарди. Жума куни бувимиз сахар мардондан туриб олиб, кўча дарвозасини очиб қўяр, соchlарини ювиб, оппоқ кўйлакларини ҳилпиратиб ки-йиб олар эдилар. Келин аяларимга ҳам, биз набираларга ҳам ишонмайми ёки сингиллик бурчига амал қилибми, бувимнинг ўзлари чойнак-пиёлаларни ярақлатиб юварди. Кутигасидан асраб қўядиган писта-майизларни олиб, тўкин дастурхон ясатардилар. Бир сўз билан айтганда оға-инилар келадиган кун бувижонимиз қаддини тиклаб, ўзларини яшартириб юборардилар...

Бу — менинг олис болалик давримдан қолган хотира. Яъни, у биздан бир авлод олдинги кишиларнинг яшаш тарзидан қолган ибраг.»

Ака-ука, опа-сингилларга муносабатда қуйидагиларға амал қылсанғыз, орангиздан меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат йүқолмайды.

Аввало ака-ука, опа-сингилларингиз борлигидан суюнинг, яратганга шукурлар қилинг.

Дастлаб ота-онангизни хурмат қилинг, аянг, уларнинг айтганларидан чиқманг, ака-опаларингизни ҳам улар каби севинг, ҳурмат қилинг.

Сизга қилаёттан меҳрибонликларини қадрланг, қўлингиздан келгунча сиз ҳам уларнинг яхшилигига яхшилик билан жавоб беринг.

Уларга миннатдорчилик изҳор қилишни унутманг. «Ақажон», «Опажон», «Лаббай», «Хўп бўлади», «Хозир», «Буни мен қиласай, сиз озгина дам олинг» каби сўзлар билан тилингиздан бол томиб турсин.

Ширин тилингиз, хуш одобингиз, меҳрибонлигингиз билан уларнинг меҳрини ийдиринг.

Ўзингиздан кечиб бўлса ҳам уларнинг ороми, тинчлигини кўзлаб иш тутинг. Шундай қылсанғыз, айтганингиз айтган, деганингиз деган бўлади.

Шунда Сиз ҳамманинг ҳурматини қозонасиз. Ота-онангиз ҳам Сизларни бир-бирингизга меҳрибон ака-ука, опа-сингиллар бўлиб ўсаёттанингиздан кўнгиллари кувониб, дуои жонингизни қилишади.

Одатда ака опалар сингил ва укаларига меҳрибончилик қилиш билан (ирга, уларни тергайдилар, ёмон иш қилишса, койийдилар, уришадилар, тўғри йўлга соладилар, айбли иш қилиб қўйганда икрор бўлишни, кечирим сўрашни ўргатадилар.

Арзир-арзимас нарсалар устида талашиб, пасткашлик қилиш — ақлли одамнинг иши эмас. Мол-дунё топиладиган нарса, туғишган жигар топилмайди. Одамнинг бир қўнгли совимасин, уни илитиш амримаҳол эканини унутмаслик керак.

«Овсинлар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас», деган мақол қуйидаги ҳикоят асосида юзага келган. «Ўтган замонда

Кубо деган томонда беш оға-ини бор экан, аҳилу иноқ, ҳамдаму ҳамкор эканлар. Түнгичлари ота ўринини босар экан, беш хонадон битта қозон осар экан. Топғанлари бир құлға йиғилар экан-да, харжлашда ҳам шу құлдан чиқар экан. Ҳамма уларнинг иноқлары, апоқ-чапоқлары, ҳалолларынан ҳавас құлар экан. Күнлардан бир куни оға-инилардан бири шундай дебди: «Аҳилликка нима етсін. Мана бизлар аҳил-иноқ яшаяпмиз, бир қозондан, бир дастандан таом еймиз...» «Сизларни аҳил қылған биз овсингелар», – дебди хотини. Эр буни тан олмабди, хотини дилига туғиб қўйибди... Ой ўтибди. Бир куни овсингелар калла солиб, шўрва пиширишибди. Катта оғалари баковуллик қилиб, гўшт бўлибди (Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, ота-боболардан қолиб келаётган одатга кўра пишган калла ҳурмат юзасидан оиласда ота-она ёхуд катта ўғил олдига қўйилади. У калланинг икки кўзини бир ўзи олиб ейди-да, бошқа жойларини қолганларга кесиб-кесиб улашади). Дастанхон йиғиштирилгач, овсингелардан бири эрига сўз қотиб, таъна тошларини отибди: «Бефаросатсиз, акам-акам дейсизда, нима берса шуни ейсиз». «Нима бўлди?» деб ҳайрон бўлибди эри. «Ие, акангиз гўшт бўлганда қарамадингизми?

Тили узун бўлсин деб, тилни ўз хотинига берди. Олғир бўлсин деб, олдинги оёқларини ўз болаларига берди. Сизнинг болаларингизга кейинги таёқни, менга фақат кемирчак кулоқни берди. Қуруқ жағни ўзингиз ғажидингиз». «Э, ҳа-а, шунақами ҳали», дебди эр ғазаби қайнаб, жанжал чиқибди. Шундай қилиб, оға-инилар ораси бузилибди, аҳилликнинг олтин или узилибди, беш оға-ини бош-бошига якка рўзгор тузишибди... Овсингелар тилидан айтилган «Биз иттифоқ – сиз иттифоқ, Биз бўлмасак бир иттифоқ» деган сўзларда жуда мазмун кўп. Аксарият овсингеларнинг бир-бирларини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқлары, улар ҳатто бир-бирининг ашаддий душмани бўлган кундошлардан ҳам баттар эканлиги, уларнинг бундай ярамас феъл-атвори оқибатида эрлари бўлмиш ака-укалар ўргасига нифоқ тушиши, уруш-жанжал кўтарилиши, ҳатто улар бир-бирлари билан «юз

күрмас» бўлиб кетишлари ҳаётда кўп кузатилган ҳол бўлиб, бу ҳол халқнинг бирмунча мақолларида ўз ифодасини топган: «Овсининг бор бўлса, кундошим йўқ дема», «Кундош кундошга пахта отади, овсин овсинга тош отади».

## **ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ**

Фарзандлар ота-онанинг давомчилари. Ота-онага ҳурмат ва уларни эъзозлаш ҳақида Куръон оятлари, Ҳадиси Шариф намуналари, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб, ал-муфрад», Кайковус, А.Навоий ва бошқа донишмандларнинг кўплаб асарларида ота-она ҳурматини жойига қўйиш фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги акс этган. Қобил фарзанд ота-она шуҳратини кўтарадиган ишларга қўл уради, уларни ранжитадиган нарсалардан ўзини тияди. Ҳар қандай ишга қўл уришдан олдин ота-она ризолигини олишта интилади. Ота-она билан ҳисоблашган фарзанд ҳаётда қоқилмайди, иши ўнгидан келади, омад кулиб боқади.

Ота-онага муомала-муносабатда одобли фарзанд қуийдаги одоб қоидаларига амал қиласи.

1. Ота-онага қаттиқ гапирманг, қовоқ солманг, гап қайтарманг, тик қараманг, ўжарлик қилманг.

2. Қўлингиз кўксингизда, тилингиздан «Дадажон», «Ойижон», «Лаббай», «Ассалому алайкум, яхши ётиб турдингизми? Қалай бардаммисиз?», «Хўп бўлади», «Ҳозир», «Жоним билан», «Узр», «Кечириңг, шундай қилиб кўйдим», «Фалон ишни қилсан дегандим, сиз нима дейсиз?», ёки «Фалон жойга борсан дегандим, майлим?», «Айтган ишингизни қилиб кўйдим», «Фалон сабаб билан буюрган ишингизни қилолмадим, кечириңг», «Хотиржам бўлинг, кўнглингиздагидек бўлишига ҳаракат қиласман», «Укаларимдан хавотир олманг, мен бор ...» каби сўзлар билан тилингиздан бол томиб турсин.

3. Айбли иш қилиб қўйганингизда иқрор бўлинг, кечирим сўрашни одобдан деб билинг.

4. Ота-она олдида керилиб-ястаниб ўтириш, олди-қочди гапларни гапириш одобдан эмас.

5. Ота-онанинг оғирини енгил қилишга, дуоларини олишга интилинг.

6. Уларни қувонтирадиган, умрларига умр қүшадиган ишларга құл уринг.

7. Ака-опаларга яхши мұомалада бўлинг, сизланг, сийланг, гапларидан чиқмасликка интилинг, ака-сингилларга фамхўрлик қилинг, яхши одоб намунасини кўрсатинг, ишга солинг, ўргатинг.

8. Зинҳор уларни ранжитадиган, дилларини оғритадиган ишларни қилманг! Ота-онани норози қилган фарзандни косаси ҳеч қачон оқармаслигини унутманг!

## **ҚАРИНДОШ-УРУФ, ҚҰНИ-ҚҰШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ**

1. Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайды, дейишади.

- 1) қариндош-уруғи билан алоқани узиб кетган кишига;
- 2) ёмон құшнига.

2. Құшниларингиз сизни яхши одам дейишаёттан бўлса, демак, сиз яххисиз. Агар улар сизни ёмон одам дейишаёттан бўлса, демак, сиз ёмон одамдирсиз. Құшни билан яхши алоқада бўлинглар. Қариндошлар билан силай раҳимда бўлингиз.

3. Қариндошларга муруват қилиш, хушхулқлик ва яхши құшничилик — юртни обод ва умрни зиёда этади.

4. Узилишиб кетган қариндошларга муруватли бўлинг. Бирор сизга ёмонлик қиласа ҳам, сиз унга яхшилик қилаверинг.

5. Ёнида құшниси оч бўлиб, ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам комил инсон эмас.

Қариндош-уруг киши учун қанот, дўстлар эса курашда қуролдир. Халқ мақолларида ҳам құшничилик алоқаларига кенг ўрин берилади. «Бир болага етти құшни ота-она», «Ён құшним, жон құшним», «Узоқ қариндошдан яқин құшни яхши», «Ховли олма, құшни ол», «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Қўшнинг ёмон бўлса кўчиб кутиласан», «Ёғ ичганда

бегона яхши, қон ютганда қариндош яхши» каби мақоллар шулар жумласидандир.

Құшни ким ва қайси миллатта мансуб бўлишидан қатъий назар, уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-хуқуқини адо қилмоқ одамийлик хислатларидан биридир.

Ўзинг учун нимани нолойиқ деб ҳисобласанг, уни ўзга учун ҳам раво кўрма!

Қўшнига ҳеч қачон озор бермаслик ва хафа қилмаслик, қўшни бемор бўлса ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса ёрдам қилиш, ғамли ва шодлик кунларида шерик бўлиш, бордию, ундан хато ўтса кечириш, унинг аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёққа кетса, уй-жойидан хабардор бўлиб туриш, қўшнининг бурчидан ҳисобланади.

## **ҚУДА-АНДАЛАР МУНОСАБАТИ**

Халқымиз орасида «Қудачилик – минг йилчилик», «Онасини кўриб, қизини ол, отасини кўриб қиз бер» каби нақұлар бекорга айтилмаган. Қуда-андалар ўргасидаги ҳурмат-иззатнинг сақланиши катталарга ҳам, ёшларга ҳам боғлиқ. Қуда-андалар, иложи борича, бир-бирларини аяшлари, тушунишлари, икки ёшни қўша қариб, ували-жували бўлиб кетишиларини ўйлаб иш тутганлари маъқул. Ёшларни яхши гапириб, йўлга солишлари, зарурат туғилганда моддий, маънавий ёрдамларини аямасликлари, ўйлаймизки, ёшлар ҳам шунга қараб иш тутишади. Ота-оналари ҳурматини ўрнига қўйишади.

Ёшлар ҳам ота-оналарини тушунишлари, дунёда ота-онадек меҳрибон зот йўқлигини билишлари, панду насиҳатларига қулоқ солишлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Афсуски, ҳәётда айрим ота-оналар ҳам борки, ўғилқизлари ўзаро келишмай топиб келган гапларни ўйлаб, мулоҳаза қилиб ўтиrmай «ҳали шундайми, ҳа, ўша эрингни (қайнонангни, қайнотангни) бир бөплаб қўяйки, тор қорнимга сиққан кенг уйимга ҳам сифиб қоларсан» қабилида

иш туғиб, икки ёшнинг ҳаётига зомин бўлишади. Бундай «мехрибон»чилик ёмон оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайдилар, чамаси.

## **АЖРАЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ЁМОН ОҚИБАТЛАРИ**

Оиланинг бузилиши, бир ёстиққа бош кўйганларнинг ажралиши ҳаётдаги энг нохуш воқеаларнинг биридир. Ҳеч бир йигит-қиз аҳду паймон билан турмуш қураётганда ажралишни кўзламайди. Демак, ажралиш — оилавий муносабатда мутаносиблик бузилишининг натижасидир.

Афсуски оила бузилишидан икки томон — эр ва хотингина кўнгилсизликка учраб қолмай, бундан-да кўпроқ орадаги болалар озор чекадилар. Юқори синф ўқувчиси ёзган иншонинг ушбу сатрларига эътибор беринг: «Дадам, ойим ва мен бирга яшардик. Дадам бизни жуда яхши кўрадилар. Дам олиш кунлари учаламиз сайрга чиқардик.

Аввалига аҳил яшаганмиз. Лекин ойим дадамга «Сиз ҳам одамларга ўхшаб пул топишни ўргансангиз-чи, қачонтacha маошта яшаймиз, мен ҳам яхши кийингим, данғиллама уйларда яшагим келади», деб хархаша қиласидиган одат чиқарди. Дадам эса ҳеч нима демасди.

Кейинчалик ойим арзимас нарсага жанжал кўтарадиган бўлдилар. Дадамни «гадойвачча» деб ҳақорат қиласидилар. Мен йифладим. Дадам ортиқ чидай олмай уйдан кетиб қолди. Бувим ҳам ойимнинг ёнини олдилар. Шу-шу ойим иккимиз қолганмиз. Зерикамиз.

Дадам бошқага уйландилар. Фарзандли бўлишди. Мен билан баъзан кўришиб турадилар. Шунда ҳеч ажралгим, уйга ёлғиз қайтгим келмайди. Роса йифлагим келади. Аммо кўз ёшимни ойимга кўрсатмайман. Чунки кечалари ойим ҳам мендан яширинча йифлаганларини кўрганман. Яна эзил-масинлар дейман. Юрагим сезиб турибди. Ойим ўшанда

тузатиб бўлмас хатога йўл қўйғанларини тушундилар. Ағсуски, кеч... Менинг айбим нима? Нега мен ота меҳридан айрилиқда бўлишим керак?!» Ҳаётда бу каби болалар мусибати учраб туради.

Жамиятимиз ажралишлар камайиши ва оиласидан муносабатлар мустаҳкамланишидан манфаатдордир. Аҳил ва мустаҳкам оиласида инсон руҳи ривож топади. Натижада, унинг ишлаб чиқаришдаги ижтимоий фаолияти фаоллашади. Соғлом никоҳли оиласаларда болалар тарбияси ҳамда ўзаро муносабат масалалари ижобий ҳал этилаверади. Шунинг учун оила мустаҳкамлигини сақлаш масала сифатида катта аҳамиятта эга.

Аммо бу давлат ва жамият умуман ажралишга қарши деган гап эмас. Чунки ҳаётда асосли ажралишлар ҳам рўй беради. Масалан, томонлардан бирининг руҳий касалликка ҷалиниши, спиртли ичимликка муккасидан кетиши, жиноятчига айланиши ва бошқа ҳолларда ажралиш иккинчи томонга ҳамда болаларга енгиллик туғдиради. Аммо бу ажралишнинг умумий белгиси эмас.

Билими, қасб-кори, мутахассислик даражаси юқори бўлган аёл ўз тақдирини белгилашда ўзини кўпроқ мустақил, қатъий сезади. Аммо бу ажралишнинг характерли белгиси эмас. Ҳар бир ажралишга томонлар муносабатидаги мутносибликнинг бузилиши сабаб бўлади.

Маълумотлар кўрсатадики, аксарият ҳолларда ажралишга ёш эр-хотинда масъулият ҳиссининг йўқлиги, никоҳдан утиш ва оила қуришга енгилтаклик қилиб, жиддий қарамаслик оиласидан ҳаётта тайёр эмаслик турмуш қийинчиликларига бардош бера олмаслиги ва ҳоказолар сабаб бўлади.

Тадқиқотлар ажралиш кўпинча эрнинг ташаббуси билан рўй беришини кўрсатмоқда. Айниқса, ёш йигитлар ажралиш ва унинг оқибатларга енгилтаклик билан қарамоқдалар. Кейин эса пушаймон қўлмоқдалар. Нега шундай? Олий маълумотли инженернинг ҳикояси: «Мен уйландим, аммо бирга узоқ яшамадик. Энди ёлғизликнинг, бир неча йиллар ортда қолган

бахтсизлигимнинг сабабларини таҳлил қилиб, тушуниб етдим. Оиласи бузилишига кўпроқ мен сабабчи эканман. Тенг-қурларимнинг ўғил-қизларини кўриб юрагим эзилади. Тўғри, бева аёллар ёки ёлғиз эркаклар кам эмас. Лекин уларнинг ҳар бирида севимли умр йўлдоши топиш, оиласи, фарзандли бўлиш иштиёқи бор, албатта. Оила бузилишининг асосий сабаби, менимча, йигит ва қизнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидадир.

Мен уйланганимда оила куриш жиддий масала эканини билардим, аммо оилавий ҳаётта маҳсус тайёргарлигим йўқ эди. Турмушда қандай қийинчиликлар рўй бериши мумкинлигини, оилавий муносабатларнинг асосий принциплари нималардан иборатлигини билмас эдим. Агар умр йўлдошим билан яхши яшаб кетолмасам ажралишим, унинг жавобини бериб юборишим мумкин, деб ўйлардим. Кейин тушунсам, мен рафиқамдангина эмас, севги, оила ва фарзанд каби умр мазмунини ташкил этувчи бебаҳо бойлиқдан ҳам ажралибман». Ана шундай афсус-пушаймонлар тез-тез қулоққа чалинади.

Демак, оилавий ҳаётга тайёр бўлмай туриб никоҳдан ўтиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келар экан. Кўп ажралишлар ота-оналарнинг ёш оила ишларига ўринсиз аралашуви билан ҳам содир бўлмоқда.

Гап шундаки, ота-оналар уйланган ўғлининг, турмушга чиқсан қизининг энди вояга етганини, ўз фикри, мулоҳазасига эга эканлигини ҳисобга олмай, уларга «ҳалиям бола» қабилида муомала-муносабатда бўлиб, оилани мустақил бошқаришларига имкон бермай, уларнинг ишига бехудага аралашавериб, ёшларни бир-биридан бездириб, ўзларидан бегона қилиб кўядилар, ҳатто, оиланинг бузилишига ҳам сабаб бўладилар. Ёш оилалар илдиз отиб, мустаҳкамланиб боришида атроф-муҳит, ота-онанинг раҳнамолиги муҳим роль ўйнашини унугмаслик керак.

Ҳаммага маълумки, оиланинг асоси — меҳр-муҳаббатdir.

Ўзаро меҳрибонлик оиланинг барча аъзоларига нисбатан самимий хурмат, эр-хотин ўртасидаги ишонч ва эҳтиром — муҳаббатнинг яққол ифодасидир. Ёшлиар орасида ўткинчи ҳистайғу билан ҳақиқий муҳаббатнинг фарқини англамай, бир умр баҳтсиз бўлиб қоладиган ёки оила куришнинг асоси муҳаббат эмас, балки иқтисодий осойишталик бекаму кўст яшаш деб биладиган йигит ва қизлар ҳам кўплаб топилади. Бундай фикрлаш мешчанликдир. Муҳаббат табиатни гуллатувчи, дилларни яйратувчи, янгидан-янги куйлар яратувчи бир мўъжизадир.

Турмушда муҳаббатни поймол этиш, ижтимоий тенгликка риоя қилмаслик, худбинлик, ўз билармонлик, дидсизлик ва шунга ўхшаш нуқсонлар оиласида ихтилоф келиб чиқишига сабаб бўлади. Халқимиз «Оиланинг баҳти тутувликда», «Уйда роҳати йўқнинг қўчада фароғати йўқ», дейди. Оилавий можаролар натижасида киши руҳан азоб чекади, эр-хотиннинг асаби бузилиб, иш қобилияти пасаяди.

Оилавий ҳаётда эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар муҳаббат билан чегараланиб қолмайди. Бунда маънавий ҳам-фикрлик ҳам керак.

Оила қуриш foят масъулиятли иш. Оила қураётган ҳар бир шахс буни тўғри англаб етиши, бошқа бир шахснинг ҳаётини ҳам ўз жавобгарлиги остига олаётганини ҳис этиши керак. Баъзи ёшлиар бир-бирларини тузукроқ синамай, билмай туриб, оила қуришдек мураккаб ва масъулиятли ишга қадам кўядилар. Бунинг оқибатида кўп вақт ўтмай суд остонасигача борадилар, ажralишга ҳаракат қиладилар. Улар бундай енгилтакликлари билан фақат ўзларига эмас, балки яқин кишиларига, ота-оналарига ва қариндош-уругларига ҳам ташвиш келтиришларини кўпинча ўйламайдилар. Оилавий ҳаёт тўрт кунлик — вақтинча иш эмас, балки умр бўйи садоқатнинг шодлик ва ғам-қайғу дақиқаларида ҳамдардликнинг синовидир.

Севги ва бир-бирини тушуниш, маслак бирлиги, ҳурмат ва дүстлик оиланинг мустаҳкамлигини таъминловни заруратдир.

Табиийки, ҳар бир шахс ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Шу сабабли отанинг ўрнини она, онанинг ўрнини ота боса олмайди. Аммо ҳар қайсиси оиласа ўз фазилати билан файз кирилади. Аслида оиласавий турмуш кишиларнинг шахсий иши бўлса ҳам, уларнинг жамият олдидағи масъулияти каттадир. Чунки жамиятнинг кичик бўллаги бўлиб, у шу жамиятнинг бўлғуси фуқароларини тарбиялаб вояга етказади.

Эр-хотин ўртасидаги жанжалларнинг, оиласавий можароларнинг сабаблари ўрганилганда кўпинча эр ёки хотиннинг оиласавий ҳаётдаги бурч ва масъулиятни тўғри тушунмаслиги, ношуудлиги, муомала-муносабатни билмаслиги, умуман оиласавий турмушга тайёр эмаслиги маълум бўлади.

Ажралишларнинг сабабларидан бири бўлғуси куёв билан келинга ҳамма нарса зеб-зийнат, данғиллама уй, ҳатто, уй жиҳозларигача тайёрлаб кўйилишидир. Нима учундир отоналар боламиз уйланар экан, тўй харажатларини ўз пешона тери билан ишлаб топсин, уйни ҳам ўзи курсин, демайдилар-да, йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, бор будларини «ўғилнинг бошини иккита қилиш»га сарфлайдилар. Натижада шу бўладики, ҳеч нарсага бели оғримаган, елкаси офтобда куймаган, ҳамма нарсага осонгина эга бўлиб олган «куёв тўра» меҳнат қийинчиликлари, тежаб-тергашлар эвазига келган буюмларнинг қадрига етмайди. Келин бола билан ораларида сал кўнгилсиз гап ўтса, охир-оқибатини ўйламай, хотиннинг баҳридан ўтиб юбораверади. Агар ўша куёв бир оз машаққат, азият чекиб, елкаси қорайиб фишт куйиб, лой қориб, қурилиш материаллари излаб ўзига уй қурганда, уй-анжомларини ҳам пешона тери билан ойлик маошини тўплаб сотиб олганда эди, оиласи бузищдан аввал дўпписини ерга қўйиб, бир оз мулоҳазага борармиди, оила сақланиб қолармиди?

Фарзандни вояга етказиш, едириб-ичириш, кийинти-

риб, кам-кўстсиз улғайтириш — ота-оналик бурчи. Аммо ўғил уйланишга кетадиган сарф-харажатларни ўзи ишлаб топгани, ўзи уй қуриб, жой қилгани, рўзгор буюмларини ўз пулига сотиб олгани маъкул. Ота-она баҳоли қудрат ёрдам бериши, мададкор бўлиши, аммо фарзандларининг тайёрга айёр бўлишига йўл қўймаслиги керак. Улар ҳар бир сўмни меҳнат билан топса, унинг қадрига етадиган бўлади. Ота ҳам аксарият ҳолларда уй-жойли, мустақил оиласага эга бўлган ўғлини ўтқазиб қўйиб: «Оила деб аталмиш аравага эришдинг, энди аравангни ўзинг торгасан, ўғлим. Катта ҳаёт йўлининг бошида турибсан, йўлинг оқ бўлсин, рўзгор тебратиш ўз қўлингда», дея олмайди. Бу эркатой ўғлини талтайтириш, оиласи бўлса ҳамки, елкада кўтариб такасалтанг, иродаси бўш, мустақил ҳаёт кечира билмайдиган, ҳаётга, онгли курашга тайёрланмаган ландавур қилиб қўйиш демакдир. Ота оила бошлиғи — бўлажак ўғлига авлоддан-авлодга, отадан ўғилга ўтиб келаётган рўзгор тебратиш санъатини, қонун қоидаларини ўргатиб бориши, хуллас, уни оила қуришга тайёрлаши, бунинг учун энг аввало меҳнатга ўргатиши, ҳамма ноз-неъматлар, оиласининг фаровонлиги ва тўкин-сочинлиги, рўзгорнинг бутунлиги меҳнат туфайли эканлигини амалда исботлаши ва буни ўғлининг онгига сингдириши керак. Бундан ташқари, оиласи топилган маблағни оқилона сарфлаш, тежамкор бўлиш, турмуш учун энг зарур нарсаларнигина харид қилиш, эр-хотиннинг топган маблағларини бамаслаҳат, режали харажат қилиш каби қоидалари ҳам тушунтириши зарур.

Мана шундай ҳаётий сабоқлардан бебаҳра ёш оиласиарнинг ажралиши кўплаб учрайди.

Баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг майлига қарамай уларни уйлантирадилар ёки эрга берадилар ва кўпинча шундай ёшлар ўз фарзандларининг тақдирини «орзу-ҳавас» курбони қиласидилар. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган бундай қолоқ «орзу-ҳавас» ҳаётимизга доғ туширмоқда, айрим ёш

оилаларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Ота-она «орзуси» деб икки ёшнинг пой-мол бўлган севгиси ҳақида жуда кўп мисолларни учратиш мумкин.

Кудаларку тенги билан, келин-куёв-чи?

Баъзан ўғлини қарщисига ўтқазиб қўйиб, жаҳл билан насиҳат қилаётган амалдор ёки пулдор отанинг у билан бўлган қўйидаги сұхбатини эшитиб қоласиз:

— Келиб-келиб топганинг шу бўлдими? Мен киму, ўша қизнинг ота-онаси ким, бунинг фарқига борасанми ўзи? Менинг «фалончи» деган номим бор, бутун шаҳар танийди, уларни ким ҳам танирди? Тўғри, деҳқон бўлсаям, жуда одамохун одамлар экан, лекин эртага қуда уйимга меҳмон бўлиб келиб, у кетмондан, мен савдодан гапирсам, бу ёфи қандоқ бўлади? Йўқ, ўғлим, бошқа қиз топ! Хўп десанг, фалончини қизини олиб бераман. Отаси «фалончи» бутун умри катта ишларда ишлаб ўтяпти! Ўғли бутун бошли универмагнинг директори! Куданг борми, деса бор дегундай. Ана ўша менинг тенгим!

Ҳаётий кузатишлар никоҳларнинг бекор бўлишига асосан қўйидагилар сабаб бўлаётганини аниқлади:

- 1) келин-куёвларнинг турмушига ота-оналарнинг ўринисиз аралашуви;
- 2) янги оиласидаги шароит билан ҳисоблашмаслик;
- 3) умр йўлдошини маълум «мақсад»ни кўзлаб, яъни бўлажак қайнота-қайнонанинг мансаби, обрўси, бойлигига қизиқиб, қизнинг хусну-жамолига ёки йигитнинг мутахассислигига ва ҳоказоларга учеб танлаш;
- 4) оиласада «тенглик қонуни»нинг бузилиши;
- 5) эр-хотин характерларининг келишмай қолиши;
- 6) ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари;
- 7) хотиннинг уй-рўзғор тута билмаслиги;
- 8) эр-хотиндан бирининг ичиши;
- 9) эр-хотиндан бирининг бевафолиги;
- 10) узоқ муддат фарзандсизлик.

Ажралиш натижасыда томонларнинг кейинги ҳаёти аввалгисидан бутунлай фарқ құлади. Айниқса, фарзандлари билан қолган аәл учун жуда күп муаммолар келиб чиқади. Гарчи болаларнинг отаси нафақа түлаб турса-да, оилани иқтисодий бошқариш энди кескин ўзгаради. Қатор қийин-чиликлар туғилади. Бундан ташқари, томонларнинг характерлари, воқеа-ҳодисага муносабатлари, таниш-билиш, қариндошлараро мұлоқотлар ўзгаради. Ота-онаси ажралишган оиланинг фарзандлари улардан бирининг мәхрига қонмай күнгли ярим бўлиб қоладилар. Бундай болалар ғоят ҳиссиятга берилувчан, арзимас гапни ҳам күнглига оладиган ёки ак-синча, тошмехр, лоқайд бўладилар, яъни улар кескин фарқланувчи феъл-авторлари билан бошқа болалардан ажралиб турадилар.

Ажралишнинг күнгилсиз оқибатлари олдини олиш учун эр-хотин оилани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилишлари зарур. Оилавий ҳаётда келишмовчилик тортишув, ҳатто, жанжаллар бўлиши мумкин. Аммо улар оила баҳтини бузмаслиги, хўрланиш ва камситишларни келтириб чиқармаслиги керак. Бир-бирининг камчилигига тоқатли бўлиш, ўз камчилигини таҳтил қила билиш оилани асраш ва мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

## ХУЛОСА

Ахлоқий тарбияни болаликдан бошлаш керак. Ёшликда ўзлаштирилган яхши одатлар хулқ-атворга сингиб кетади. Бола қанча ёш бўлса, тарбиявий таъсирга шунча берилувчан бўлади. Бола хулқ-атворининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан ота-онага, оиласда қабул қилинган тартиб қоидаларга, одатларга боғлиқ.

Болалар хулқ-атворининг яхши бўлиши ҳам, ёмон бўлиши ҳам асосан оиласда олган тарбиясига боғлиқдир. Боланинг ахлоқий камолотида оила ҳал қилувчи омил бўлади. Катталарнинг феъл-атвори, юриш-туриши, бошқалар билан муносабати, умуман ҳар бир икир-чикир бола назаридан четда қолмайди ва боланинг тақлид қилишига манба бўлади.

Оиласдаги ҳаёт тарзи боланинг вазмин, хушодоб, сўзга кирадиган ёки аксинча, тартибсиз, гапга қулоқ солмайдиган бўлиб ўсишига сабаб бўлади. Бунда катталарнинг болага талабчанлиги, оқилона севиши катта ўрин тутади. Демак, боланинг ўз хулқ-атвори учун жавобгарликка ўргатиш ва шу билан бирга унинг инсонийлик қадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларга хос шаънини камситмаслик лозим. Бунинг маъноси болага нисбатан қаттиққўл ва сезгир бўлиш, боланинг кўнглида нима кечётганини, нимага мойиллигини, талаби, интилиши ва кечинмаларини билиш ва унинг қалбига тўғри йўл топа билишдан иборатдир. Болага ортиқча эрк бериш, ўринсиз талабларини вақтида рад этмаслик ва

болани оила имкониятлари билан ҳисоблашиш зарурлигига ўргатмаслик бола хулқининг бузилишига олиб келади.

Оилада бола маълум меҳнат топширигини бажарышга ўргансин, бу иши учун у бошқалар олдида жавобгарлик ҳиссими сезишга одатлансан.

Болани гўдакликдан яхши хулқ-атворга ўргатиш керак, бу одатлар бора-бора мустаҳкамланиб, боланинг кундалик эҳтиёжига, хулқ-атворига сингиб кетади.

Ота-она бола хусусиятларини яхши билиши, қалбига йўл топиши лозим. Қатъий тартиб, мазмунли ҳаёт, унинг фойдали иш билан бандлиги ёмон хулқ-атворнинг олдини олишнинг энг маъқул, тўғри усулидир.

Бола тарбияси узоқ ва давомли педагогик жараён бўлиб, у тарбиячидан талабчан бўлишни талаб этади. Бола бирор ножоя иш қилиб қўйганда, уни жазолашдан олдин бола гуноҳининг сабабларини, ёмон одатлар қаердан келганини ўрганишини унутмаслик керак.

Бола хулқининг бузилишига кўпинча аниқ кун тартибининг йўқлиги, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, меҳнатта солмаслик, оила аъзолари ўртасидаги ноаҳиллик, уйдаги тартибсизлик, режасизлик, талабчанликнинг меъёрида эмаслиги сабаб бўлади.

Агар катталар болага эътибор билан қараб, унга ишоницса, у билан мулойим муомалада бўлишса ва шу билан бирга адолатли, талабчан бўлишса, бола ҳам ота-онага итоаткор бўлиб, айтганларини қиласиган, хушодоб бўлади.

Ота-она болани яхши хулқ-атворга ўргатища тарбиянинг таҳминан қуидаги синалган энг маъқул усууларидан ўринли фойдалана олишлари керак: жумладан, ўзининг яхши ибрати билан болани яхши нарсаларга, одатларга ўргатиб, одатлантириб бориш; у ёки бу одатнинг яхши ёки хунук эканлигини тушунтириб, яхши одатни қилишга, ёмонини қилмасликка болани ишонтира бориш; ўрни келганда насиҳат қилиш; қатъий танбек бериш; бола билан вақтинча гаплашмаслик; унга нисбатан муносабатни ўзгартиш; эркаламаслик ва бола айбини оила аъзоларининг ҳаммасига айтишни эслатиш; бўлиб ўтган воқеа ҳақида оила жамоатчилигининг фикрини кўзфатиши. Болага қилиб қўйган номаъқул ишини кўрсатиш методи, яъни «кўполлик қилиб, кўнгилни қолдирдингми, кечирим сўра», дейиш унга қаттиқ таъсир қиласди.

Оила педагогикаси боланинг ёмон хатти-ҳаракатини ўз вақтида йўқотиши, унга тарбиявий таъсир этиши мақсадида қуидаги жазо турларидан фойдаланишини тавсия этади: кесатиш, уялтириш, совуқ қараш, эътибордан қолдириш, маълум муддатга гапиришмай қўйиш, оилавий йигинда гапириб қизартириш.

Айрим ота-оналар болани дўқ-пўписа билан, қўрқитиши билан гапга қулоқ соладиган қилмоқчи бўладилар. Ёки бирор нарсани ваъда қилиб, ўзига қаратиб олишга интилишади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам болада ёмон одатлар тарбияланади. Болага тан жазо бериш, калтак билан тарбиялаш мутлақо

хатодир. Бу болага ўта бераҳмлик, тошюраклик, болакўр-лиқдир. Калтак билан тарбиялаш, ота-онанинг ўзини тута билмаслиги катталар шаънига ярашмаган хунук одат. Калтак зарбидан танаси қақшаб, боланинг дили вайроен бўлади, бола хўрланади, камгап, аламзада бўлиб қолади. Ёлғон сўзлашга уринади, атайлаб катталарнинг жигига тегиб, қайсарлик қи-лади. Нотўғри тарбия оқибатида болада пайдо бўлган ёмон одатларни йўқотиш, уни қайта тарбиялаш анча қийин иш. Бундай ҳолатда аввало боланинг турмуши шароитини ва шу вақтгача катталар билан бўлган ўзаро алоқасини юмшатиш керак. Буни аста-секинлик билан қилиш лозим.

Ҳадеб болага узундан-узоқ панд-насиҳат қилиш, арзир-арзимасга турткилайвериш, таъна қилиш ярамайди. Яхшиси, содир бўлган воқеага нисбатан ҳайрон бўлганингизни билдиринг. Болага бу ҳолни бехос содир бўлган мустасно воқеа деб тушуниришга ҳаракат қилманг. Умуман, болага таъсир этишнинг қайси усулидан фойдаланманг, бола шахсиятини ҳурмат қилишга одатланинг, унда яхши бўлиш истаги уй-ғонсин.



## **МУНДАРИЖА**

<i>Ў.Хошимов. Ойша Тўраеванинг «Оила — муқаддас қўрғон»</i>	
китоби ҳақида .....	3
Сўз боши .....	4
Бола азиз, одоби ундан азиз .....	7
Оилавий удумлар .....	7
Инсон одоби билан .....	13
Фарзандим қобил бўлсин десангиз .....	24
Ота-она обрўси — тарбия асоси .....	34
Оилада меҳнат тарбияси .....	38
Бола бошдан, ниҳол ёшдан .....	44
Дилбандингиз вояга етажганда .....	55
Ёшлик — гўзаллик .....	65
Умр баҳори .....	68
Аёл баҳти, оила саодати ҳақида .....	72
Эсиз, баҳтига зомин бўлибсиз.....	79
Оилада эркак қадри .....	82
Ёшлик — бебошлик эмас .....	87
Оила — муқаддас, унга доғ тушмасин .....	91
Қарс икки қўлдан .....	94
Она — боғбон .....	99

Күш уясида күрганини қилади .....	109
Катталарга ҳурмат — азалий одат .....	111
Ота-онанг — тожи-тахting .....	123
Элга хизмат — олий ҳиммат .....	129
Юрак ёнмоги керак .....	134
Йўлингиздан юрсам дейман .....	135
Яхши сўз — жон озиги .....	137
Виждон ҳукми .....	140
Билиб қўйган яхши .....	146
Сўнгги пушаймон... .....	148
Ўғил бола тарбияси .....	153
Қайнота-қайнона ҳам ота-она .....	157
Ака-ука, опа-сингилларга муносабат .....	158
Фарзандлик бурчи .....	166
<b>Қариндош-уруғ, қўни-қўшничилик муносабатлари .....</b>	<b>167</b>
Қуда-андалар муносабати .....	168
Ажралиш сабаблари ва унинг ёмон оқибатлари .....	169
Хулоса .....	177

ОЙША ТҮРАЕВА

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚҰРФОН

(Оила педагогикаси)

*Tұлдирілған иккінчи нашри*

Тошкент  
«CHASHMA PRINT»  
2009

Мұхаррір *И.Турсунова*  
Тех. мұхаррір *Д.Рахмонаева*  
Безакчи-рассом *Б.Хайдаров*  
Сақыфаловчи *Г.Хайдарова*  
Мусаххих *С.Зуфарова*

19.08.2009 йилда чоп этишга рухсат берилди. Бичими  $60 \times 84^1/_{16}$ .  
Офсет босма қозозига офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 10,6.  
Нашр-хисоб табоги 10,0. Адади 500 нусха. Буюртма №...

«RAM-S» босмахонасида чоп этилди.  
100096, Тошкент-96., Муқимий кўчаси, 178.